

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ
ТИЗИМИДАГИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР
ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференция тўплами

ТОШКЕНТ – 2022

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Масъул муҳаррир
техника фанлари номзоди, доцент О.Т.Ахмедов

Ҳ-98 **Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари:** Республика илмий-амалий конференция тўплами / Масъул муҳаррир техника фанлари номзоди, доцент О.Т.Ахмедов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2022. – 226 б.

Ушбу тўпланда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институтида «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари**» мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий конференциясининг материаллари жамланган. Хусусан, тўпланда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича олдинда турган долзарб вазифалар, хотин - қизлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тубдан такомиллаштириш масалалари баён этилган.

Тўпланим профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, тадқиқотчилар, амалиёт ходимлари, тингловчилар ва барча қизиқувчиларга мўлжалланган.

УДК 343.9(571.1)(063)

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2022

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН ПРОФЕССИОНАЛ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида ички ишлар органларининг самарали фаолияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Бугунги кунда янгиланаётган Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторидан жой олишида, унинг халқаро майдондаги обрўси ва нуфузини оширишда, мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлашда, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ички ишлар органларининг ҳар бир ходими масъулдир.

Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини самарали ташкил этиш, ходимларнинг касбий, жанговар-жисмоний тайёргарлиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириб бориш, уларни қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан хабардорлик даражасини ошириш, улар томонидан янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда қўллаш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва уни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5076-сон қарорининг имзоланганлиги муҳим воқеа бўлди.

Мазкур қарорга асосан, ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш мақсадида, Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтига юридик шахс мақоми берилди ҳамда Институт фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Қарорга мувофиқ, ички ишлар органларида хизматни ўташ тартибига узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини жорий этиш, ходимларнинг хизмат мажбуриятларини самарали бажаришлари учун касбий билимлари, кўникма ва маҳоратларини доимий равишда юксалтириб борилишини узлуксиз таъминлаш, шунингдек ички ишлар органлари фаолиятида мавжуд бўлган муаммоларга оид фундаментал ва илмий тадқиқотлар ўтказиш бўйича ишларни тизимли амалга ошириш белгилаб берилган.

Бугунги кунда Институтнинг энг муҳим вазифалари сифатида сафдор, сержант ва офицер ходимлар билан узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимида ўқув тайёргарлик ишларини олиб бориш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш, барча тоифадаги ички ишлар органлари ходимларининг хизмат ўташи ва уларнинг хизмат мартабаси, хизматнинг бутун муддати давомида узлуксиз равишда таҳсил олиш ва малака ошириб боришига эришиш, доимий равишда ички ишлар органлари ходимларининг хизматдан ажралмаган ҳолда бевосита жойларда малакасини оширишни таъминлаш мақсадида, масофавий ва мобиль сайёр курслари ўтказиб бориш, анъанавий малака ошириш билан бир қаторда касбий ўқитишнинг уйғунлашган, хизмат жараёни билан биргаликда олиб бориладиган шаклларини, шунингдек, кадрлар малакасини оширишнинг белгиланган даврийлигига риоя қилинган ҳолда таълим дастурларини, билим ва кўникмаларни доимий такомиллаштиришдан иборат кредит-модуль механизмини жорий этиш белгиланган.

Узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида ходимларни бошланғич тайёргарлиги, махсус касбий тайёргарлиги, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва мақсадли касбий ўқитишга йўналтирилган ўқув курслари Институт кафедра ва цикллари томонидан назария ва амалиётни интеграция қилиш ҳамда «модуль тизими» асосида ташкил этилишига эришилмоқда.

Ўтган қисқа давр мобайнида 12 мингдан зиёд ички ишлар органлари сафдор, сержант ва офицерлар таркиби турли шаклларда, жумладан кундузги, мобиль-сайёр ва масофавий шаклларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва махсус унвон берилишидан олдин махсус малака ошириш ўқув курсларида ўқув тайёргарликдан ўтказилди. Институтда ва унинг филиалларида жорий этилган онлайн ва оффлайн ўқитиш платформаси ёрдамида ходимлар масофадан туриб, таълим олиш, тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш тартиби тадбиқ этилиши натижасида ходимларни хизматдан ажралмаган ҳолда тайёргарликдан ўтиб боришлари таъминланди.

Ўқув машғулотларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, бошқа давлат бошқаруви ва ҳуқуқ-тартибот органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, етакчи таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари, Вазирлик соҳавий хизматларининг бой амалий тажриба ва юқори малакага эга раҳбар

ходимларининг ўрнатилган тартибда жалб этилганлиги, курсларни юқори савияда ўтказиш имконини бермоқда.

Институтнинг Ахборот ресурс маркази «Электрон кутубхонаси»нинг компьютерлари интернет тармоғига уланиб, «Library.ziyonet.uz», «Norma.uz», «Lex.uz», «Natlib.uz» ҳамда бошқа расмий сайтлардан фойдаланишни йўлга қўйиш орқали ўқитиш сифатини ошириш имконияти яратилмоқда.

Ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш борасида Малака ошириш институти жамоаси олдига қўйилган вазифаларни тўла-тўқис амалга ошириш мақсадида, қуйидаги устувор йўналишлар асосида йўл харитаси белгилаб олинган:

Биринчи йўналиш, белгиланган мақсадларга эришиш самарадорлигини ошириш учун ўқув жараёнига «Андрогогика» қоидаларига асосланиб, интерфаол методлар ва замонавий инновацион педагогик технологияларни тадбиқ этиш. Унда анъанавий таълим билан биргаликда интерфаол таълим кенг қўлланилишига эришиш:

- ўқув жараёнини амалий йўналтирилган ҳолда «Модуль тизими» асосида ташкил этиш;

- ўқув жараёнида замонавий инновацион педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўқув йиғинининг биринчи кунидан охириг кунига қадар ягона мақсадга йўналтирилган ҳолда лойиҳалаштириш ҳамда кафолатланган натижаларга эришиш;

- ўқув машғулотларини интерфаол методлар ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда ўтказиш («Кейс-стади», «Аклий хужум», «Ролли ўйинлар», «БББ», «Бумеранг», «Кластер», «Балик скелети», «Давра суҳбати» ва бошқалар);

- тайёрланаётган барча методик материалларда замонавий инновацион педагогик технологиялар ва интерфаол методлар акс этишини таъминлаш.

Иккинчи йўналиш, таълимнинг инновацион турларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш орқали ўқув жараёнига ноанъанавий таълим турларини тадбиқ этиш, ходимларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида қулайлик яратиш, ходимларни тўлиқ қамраб олиш, вақт тежамкорлигига эришиш ва сарф-харажатларни қисқартириш мақсадида кенг тадбиқ этиш:

- ўқув жараёнига масофавий таълим турини тадбиқ этиш;

- ходимлар билан жойларда мобиль-сайёр ўқув йиғинларини ташкил этиш.

Учинчи йўналиш, ўқув жараёнини лойиҳалаштириш ва уларни ўқув-методик таъминлаш, ўқув-хизмат интизомига риоя этилишини доимий назорат қилиш. Бу борада:

биринчидан, ўқув жараёни сифатини таъминлаш учун қуйидаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказиш:

- ўқитиш шакли, мутахассислик йўналишлари бўйича блок-модуль асосида ўқув дастурларни;

- мутахассислик йўналишлари бўйича ўқув-мавзуий режаларни;

- мутахассислик йўналишлари бўйича ўқиш муддатини биринчи кундан охиригача кунгача тўлиқ қамраб олган, ҳар бир жуфтликда тингловчи фаолияти лойиҳалаштирилган ўқув методик комплексларни босқичма-босқич тайёрлаш.

иккинчидан, ўқув дастурларида ўқув юкларининг тақсимотини қуйидагича амалга ошириш:

- хизмат фаолияти бўйича касбий тайёргарлик;

- хизмат фаолияти бўйича ҳуқуқий тайёргарлик;

- хизмат фаолиятидаги ислохотлар, янгилик ва илғор тажрибалар;

- ахборот-коммуникация технологияларидан хизмат фаолиятида фойдаланиш ўқув блок-модуллари.

учинчидан, ўқув - услубий таъминлаш бўлими ва кафедра, цикллари-нинг профессор-ўқитувчилари, ўқув саф қисми томонидан ўқув-хизмат интизомининг доимий мониторингини олиб бориш:

- профессор-ўқитувчиларнинг ўқув машғулотлар бўйича тақсимотини доимий назорат қилиб бориш ва ўқув интизомига қатъий риоя этишларини таъминлаш;

- ўқув жараёнида аниқланган камчиликларни зудликда бартараф этиш чораларини доимий кўриб бориш.

Тўртинчи йўналиш, профессор-ўқитувчилар таркибининг педагогик-методик маҳоратларини ва билимларини доимий равишда ошириб бориш:

- ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги ва илғор хорижий янгиликлар ва тажрибалар, мавжуд муаммолардан доимий хабардор бўлиб боришлари учун ички ишлар органларида кунлик, ҳафталик ва ойлик амалиётлар ва стажировка ўташларини ташкил этиш;

- ўқув машғулотларини замонавий инновацион педагогик технологиялар, интерфаол методлар ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда ўтказиш малакаларини ривожлантириш мақсадида, мутахассисларни таклиф этган ҳолда ўқув курсларини ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

- илғор хорижий давлатлар ва республика муассасалари, хусусан Қуролли кучлар Академияси малака ошириш курсларида профессор-ўқитувчилар таркибини тайёргарликдан ўтишини ташкил этиш;

- ўқув машғулотида замонавий инновацион педагогик технологиялар, интерфаол методлар ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш малакаларини ошириш учун етакчи профессор-ўқитувчилар томонидан мастер класс машғулоти ўтказилишини доимий ташкиллаштириш;

- профессор-ўқитувчиларнинг касбий билимлари даражасини назорат қилиш, педагогик ва методик маҳоратларини ошириб бориш, ўқув машғулотида замонавий инновацион педагогик технологиялар, интерфаол методлар ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни таъминлаш борасидаги малакаларини ошириб бориш мақсадида педагогик назорат ва машғулотларга ўзаро қатнашишларни ташкиллаштириш.

Бешинчи йўналиш, профессор-ўқитувчилар ва тингловчилар учун ахборот-ресурс маркази имкониятидан фойдаланиш учун шароит яратиш:

- ахборот-ресурс маркази фондини ўқув, илмий, бадиий адабиёт ва журналлар билан тўлдириш чора-тадбирларини белгилаш, Вазирлик Академияси ва бошқа турдош олий таълим муассасалари билан ўқув адабиётларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш, адабиётларни харид қилиш бўйича таклифларни тайёрлаш ҳамда фондни доимий равишда янгилаш ва кенгайтириб бориш.

Олтинчи йўналиш, илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, киберхавфсизлик ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги долзарб муаммолар юзасидан ўтказиш:

- илмий-тадқиқот ишларини ички ишлар органлари фаолияти ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашишни такомиллаштириш соҳаларида олиб бориш ҳамда халқаро тажрибани ўрганиш;

- олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини ўқув жараёнига ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали тадбиқ этиш, амалий инновацион лойиҳаларда иштирок этиш;

- илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланиш учун ахборот-таҳлилий материаллар ва тавсияларни тайёрлаш;

- илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича ички ишлар органлари учун амалий қўлланмалар тайёрлаш;

- илмий-тадқиқот ишлари йўналишида турдош ва хорижий Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ўрнатиш.

Еттинчи йўналиш, Малака ошириш институтининг ўқув моддий-техник базасида қурилиш ва реконструкцияни амалга ошириш, мақсадли

ситуацион полигонларни яратиш, мавжуд моддий-техника базасини сақлаш, асраб-авайлаш ва доимий равишда такомиллаштириб боришдан иборат.

Институт ва унинг ҳудудий филиалларида маънавий-маърифий ишларни «Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш - олий бурчимиз!» концептуал ғояси асосида ташкил этиш, тингловчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш, фаол ҳаётий позицияси, интеллектуал салоҳиятини, Она Ватан тақдирига бўлган масъулиятини мустаҳкамлаш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетини кучайтириш, уларни фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини садоқат ва фидойилик билан виждонан бажаришга йўналтириш бўйича ишларни амалга ошириш юзасидан йўналишлар белгилаб олинган ва ушбу йўналишда махсус курсларни ўтказиш учун ўқув дастурлари тайёрланган.

Ички ишлар органларига мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор тажрибаларини тадбиқ этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, Ички ишлар вазирлиги Халқаро ҳамкорлик бошқармаси билан биргаликда БМТ ривожланиш дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси, Япониянинг ЛСА, Жанубий Кореянинг КОИСА, Туркиянинг ТІКА каби халқаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентликларининг ваколатхоналари ҳамда Россия, Хитой, Франция, Испания, Италия, Германия каби давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш соҳасида Институт зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажаришлари, истиқболда турли рейтингларда юқори даражага кўтарилишига қаратилган барча чора-тадбирларни амалга ошириш борасида ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги самара беришини инобатга олган ҳолда, келгусида ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишлар йўналишларида мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5076-сон қарори.

АСОСИЙ ВАЗИФА – ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ

Шиддат билан ривожланиб бораётган замонимизда амалга оширилаётган янги ислохотлар мамлакатимиз аҳолисини турмуш даражасини оширишга ва уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилишга қаратилган. Шу сабабли, ИИОда ҳам ислохотларнинг асосий мезони халққа хизмат қилиш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Мустақил Ўзбекистонда 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ислохотларнинг бош мезони бўлди. Бунинг сабаби, қонунда «ҳуқуқбузарлик» тушунчаси доирасида қамраб олинувчи жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворга эгалиги пайтиданоқ қайси турдаги профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг қўлланилиши, ҳуқуқбузарликнинг содир этилишида жабрланувчининг айбли ёки айбсиз ҳолатлари, уларнинг виктимлигининг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, бу борада умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактик чораларни қўллаш фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш механизми аниқ кўрсатиб берилди. Мазкур йўналишда ҳукуматдан то энг қуйи бўғин бўлмиш маҳалла идоралари ва ҳаттоки, оддий фуқарогача бўлган субъектлар тизими шакллантирилди ҳамда улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига оид вазифалар тақсимланди ва ўзининг қатъий ифодасини топди.

Аммо, ҳозирда жиноятларнинг янги турлари пайдо бўлиши, айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинмаслиги, ҳуқуқбузарлик профилактикаси соҳасидаги муаммолар, бу соҳада ҳамкорликнинг самарали йўлга қўйилмаганлиги, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган фаолиятни етарли эмаслигини кўрсатди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг 9 февраль куни ўтказилган ички ишлар органлари фаолияти юзасидан видеоселектор йиғилишида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича олиб борилган ишлар етарли эмаслиги таъкидланди. Йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёев *«тергов ва айблаш билан чекланмай, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг шарт-шароит ва омилларини ўрганиш, профилактика мақсадида ҳар бир жиноят тафсилотларини ички ишлар органлари раҳбарлари,*

*профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари иштирокида чуқур таҳлил қилиш зарур»*лигини алоҳида қайд этди.

Бунинг учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, жумладан профилактика инспекторлари энг аввало, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имконият бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлилини олиб бориш ва бартараф этиш юзасидан профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ёки мавжудларини амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлишлари талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлардан бири профилактика инспекторларини касбий тайёрлаш – асосий вазифалардан биридир.

Бунда, олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини янгилаб бориш, профессор-ўқитувчиларнинг савияси ва малакасини ошириш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, турдош хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни янада кучайтириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Қолаверса, олий таълим муассасасида бугунги давр талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган, «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни ўзининг олий мақсади сифатида қўя оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш энг масъулиятли вазифалардан биридир.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида «**Янги Ўзбекистон**» ибораси тилга олинмоқда. Бу эса кейинги йилларда муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев раҳномалигида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйганимиз ва эришилаётган салмоқли ютуқларимизнинг эътирофидир.

Кенг жамоатчилик қаторида, Ички ишлар органлари ходимлари ҳам «**Инсон кадри учун**» тамойили асосида юртимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси, ташаббускори ва бунёдкорига айланмоқда. Бу эса ўз навбатида, Ички ишлар тизимида хизмат қилаётган ҳар бир ходим энг авваламбор, ватанпарвар, юксак касбий - жисмоний ва жанговар тайёргарликка эга, ўзи эгаллаган соҳанинг етук мутахассиси бўлишини талаб этади.

Юртбошимиз соҳада юқори малакали, профессионал кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, шахсий таркибнинг касб маҳорати, маънавий-маърифий, ҳуқуқий билимини пухта шакллантириш йўналишларини белгилаб берди. Мазкур йўналишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ўз аксини топган.

Бугунги кунда, ИИВга қарашли Олий таълим муассасалари, яъни ИИВ Академиясида «хуқуқбузарликлар профилактикаси» йўналишига танлов асосида қабул қилинган ҳамда жамловчи органларда янги қабул қилинган профилактика инспекторларини сифатли ўқитиш, уларга касбга оид тегишли билимларни бериш, малака ва кўникмаларини янада ошириш бўйича қуйидаги йўналишлардан самарали фойдаланилган ҳолда ўқув жараёни ташкил этиш зарур. Бинобарин:

тингловчиларни юксак даражадаги ватанпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш;

юқори даражада жанговар ва жисмоний, маънавий-ахлоқий ва руҳий-психологик тайёргарликни ҳар томонлама таъминлаш ва такомиллаштириб бориш;

тингловчиларни хизмат фаолиятида тузиладиган ҳужжатлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари, вазифалари билан таништириш;

ўқитишнинг замонавий шакл ва усулларини, инновацион технологияларини, шу жумладан аниқ вазиятлар таҳлили машғулотида ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда илғор хорижий тажрибаларни ўргатиш;

хизмат вазифаларини бажаришда юзага келадиган муаммоли вазиятларга тўғри баҳо бериш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш;

тингловчиларда тезкор ва криминоген вазиятни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва баҳолашнинг замонавий усулларини ўргатиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органларининг мавжуд куч, восита ва усулларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишни улуг ва олижаноб мақсад деб билладиган, хизмат қийинчиликларига (экстремал ҳолат, руҳий оғир ва қийин вазиятлар) руҳий бардошли бўладиган касбий кўникма ва маҳоратни шакллантириш;

ўз иш кўрсаткичларига танқидий қарашни, ижрочилик интизомига риоя этиш ва уни ташкил этиш асосларини ўргатиш;

турли хил ўқотар қуролдан фойдаланишни ва қўллай олишни, улардан фойдаланишда хавфсизлик чораларига қатъий риоя қилишни ўргатиш;

ахборот технологиялари ҳақида маълумот, Ички ишлар органлари фаолиятида рақамли технологияларни ўрни, компьютер ва унинг асосий қурилмалари ҳақида, word ва excel дастури ва унинг имкониятлари, ижтимоий тармоқлар ва улардан фойдаланишни ўргатиш;

ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳамда уларни бартараф этишни ўргатиш;

давлат органлари, ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан самарали ҳамкорликни таъминлашни ўргатиш;

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган ариза ва шикоятларни мазмунан кўриб чиқиш ва қонун доирасида ҳал қила олиш малакасига эга бўлиш (ва ҳоказо) кабилардир.

Бундан ташқари, мунтазам равишда таҳсил олишга келган ёш ходимлар билан ички ишлар органларининг фахрийлари, генераллари, таниқли давлат арбоблари, олимлар, шоир, ёзувчилар, маданият, санъат, спорт соҳаларида юқори натижаларга эришган инсонлар билан учрашувлар, юзма-юз мулоқотлар ташкил этиш керак бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, фуқаролар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ахлоқан тузатишда, билим бериб, амалиётга юборилган профилактика инспекторлари умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактик чораларни қўллаган ҳолда ўз фаолиятларини ташкил этишига боғлиқ. Бу эса, ҳар бир профилактика инспекторидан ўз Ватанига муҳаббат, ўз касбига садоқат руҳида тарбия олиши, келгуси хизмат фаолиятида ҳалоллик ва фидойилик намуналарини ўзида шакллантириши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси / Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. www.press-service.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг 9 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 14 май кундаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сон қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жихатидан янги тизимини жорий бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5076-сон қарори.

5. ИИВнинг 2021 йил 27 августдаги «Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги 310-сонли буйруғи.

КАДРЛАРНИ ИСЛОҲОТЛАР АСОСИДА ТАЙЁРЛАШДА МАСОФАДАН ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Мақолада иқтисодиётимизнинг барча соҳалари учун етук мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида масофадан ўқитиш тизимини жорий қилиш бўйича фикр-мулоҳазалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: масофадан ўқитиш, модуль, инновацион педагогик технологиялар, малака ошириш, қайта тайёрлаш, ахборот-коммуникация технологиялари.

Бутун дунёда етук мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида таълим сифати долзарб масала бўлиб, ушбу масала бугунги кунда яна ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жамиятнинг барча фуқаролари, айниқса, ёшлар олдига ҳам қатор муайян талабларни қўймоқда, хусусан таълим муассасаларида тайёрланаётган, қайта тайёрланаётган ва малака ошираётган мутахассис кадрларнинг сиёсий онги ва маданиятини жамиятда ўтказилаётган ислоҳотлар талабларига мос равишда юксалтириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳамда таълим-тарбия тизимида ижобий ўзгаришлар амалга оширилаётган вақтда республикамиз таълим муассасаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар руҳига мос равишда ўқитиш ва тарбиялаш бугунги кунда замон талабларига жавоб берадиган етук мутахассис кадрлар етиштиришнинг энг долзарб вазифаларига айланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида индустриал цивилизациянинг информатсион цивилизацияга ўтиши натижасида, барча жабҳалар қаторида, таълим соҳасига ҳам ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши амалга ошмоқда. Ушбу масалада жаҳон стандартларига яқинлашиш Республикамизда ўтказилаётган ислоҳотлардан кутилаётган вазифалардан биридир.

Ёшларимизни бугунги шиддат билан ривожланаётган асримизнинг юксак технология ва замонавий билимларини пухта эгаллаган билимли ва шижоаткор мутахассислар қилиб етиштириш таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари олдидаги масъулиятли вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда юз бераётган жараёнларнинг кўрсатишича, глобаллашув жараёнларида компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий

таъминот маҳсулотлари асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Таълим тизимида замонавий технологияларнинг жорий этилиши, тизимнинг сифат кўрсаткичларини яхшиланишига хизмат қилиши шубҳасиздир. Ривожланган мамлакатларда мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув жараёнида «Модуль тизими»га асосланган интерфаол методлар, инновацион педагогик технологияларни ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг ижобий самараси кузатилган. Ўқув жараёнларини ташкил этишда масофадан ўқитиш таълим турининг тадбиқ этилиши бу соҳада туб ўзгаришларга олиб келиши табиийдир.

Тадқиқот услуби: Масофадан ўқитишнинг энг илғор усулларини ўқув жараёнига кенг жорий қилиш:

- амалиёт ва ишлаб чиқаришдаги ходимларини хизматдан ажралмаган ҳолда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш имкониятидан фойдаланишнинг самарали йўллари тадбиқ этиш;

- масофадан ўқитишнинг қулай, муайян илғор усулларини қўллаш;

- республикамизда олиб борилаётган ислохотлар, ўзгаришлар, янгиликлар, илғор тажрибалар, ишлаб чиқаришга оид янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини жойлардаги ходимларга тезликда етказиш имкониятини яратиш.

Тадқиқот натижалари: Бугунги кунда ишлаб чиқаришдаги ходимларни асосий ишидан ажралмаган ҳолда ўқитиш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш жараёнини масофадан ўқитиш орқали амалга ошириш ўқув жараёнида янги технологияларни қўллаш, таълим сифатини таъминлаш жараёнларига илғор хорижий тажрибалар ва модулларни тадбиқ этиш муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шунингдек, сифатли таълим беришни ташкил қилишда илмий-техника тараққиёти маҳсули бўлган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва унинг моддий асоси компьютерлар хизматидан кенг фойдаланиб, электрон дарслик ва қўлланмалар ташкил этиш ва интернет манбаларидан ҳамда масофадан ўқитишнинг дастурий воситаларидан фойдаланиш нафақат давр талабига, балки заруратга айланмоқда. Айнан шу мақсадда, ахборот технологияларидан фойдаланишда мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини ошириш учун жаҳон андозаларига жавоб берувчи ахборот технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Малака ошириш тизимида масофадан ўқитиш технологияси интернет орқали мустақил ўқишни амалга оширишнинг самарали тури сифатида инсонни мустақил фикрлаш, ҳолатни баҳолаш, хулоса ва башорат қилиш қобилиятларини ривожлантиради. Интернетда Moodle LMS тизимини

жорий этиш орқали малака ошириш тизимида ишлаб чиқаришдагиларни асосий хизматдан ажралмаган ҳолда ўзига қулай вақтда ўқитиш имкониятига эга бўлади. Ушбу тизимда масофадан ўқитиш материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштиради. Таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаси топшириқларни, тестларни бажаришига қараб аниқланади. Таълим олувчи берилган ўқув дастурини қанчалик тез ўзлаштиради, шунчалик тез ўқишни тугатади. Дастурни ўзлаштира олмаса, унга мустақил ишлаб, ўқишни давом эттиришга имконият берилади ва таълим олувчилар мустақил, эркин ва ихтиёрий билим олиш имкониятига эга бўлади.

Бугунги кунда, масофадан ўқитишнинг жаҳон ахборот таълим тармоқларига кириш, интеграция ва ўзаро тамойилларига асосланган, ўз навбатида таълимий ва ривожлантирувчи хусусиятларидан ташқари тарбиявий характерга эга бўлган интернет технологиялари таълим олувчини маънавий-ахлоқий сифатларини, талабчанлик, ҳурмат ва эътиборли бўлиш каби хислатларни шаклланишига ўз таъсирини ўтказди.

Шуни эътиборга олган ҳолда, масофадан ўқитиш тизимида асосий эътиборни ўқув-услубий материалларни сифатли тайёрлашга қаратилиши мақсадга мувофиқ, сабаби бу ўқитиш сифатининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Масофадан ўқитиш орқали малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим жараёнини онлайн (видео маърузалар, маслаҳатлар, назорат турларини масофадан туриб реал вақт режимида ўтказиш) ва оффлайн (масофавий таълим тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) шаклида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Масофадан ўқитишни тартибга солиш учун ишлаб чиқаришдаги талаб эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда каледарь йилга мўлжалланган жадвалга мувофиқ ташкил этиш жараёни устидан мунтазам назоратни таъминлаш имкониятини беради.

Малака ошириш ёки қайта тайёрлаш жараёнига жалб этилган тингловчилар ўзига берилган логин пароль ёрдамида таълим муассасасининг расмий веб-сайти орқали «Масофадан ўқитиш» бўлимига кириши, тизимда ўзининг шахсий кабинетига эга бўлиши ҳамда тизимдаги электрон ресурслардан фойдаланишга рухсат берилиши учун таълим муассасасининг масофадан ўқитишга масъул ходимлари томонидан дастлаб конференц алоқани қўллаган ҳолда ўқув йўналишида иштирок этадиган ходимлар билан йўриқномавий маъруза ўтказилиши, тингловчиларга электрон логини ва пароли бериш жараёни амалга оширилади.

Бу борада, тингловчи ўзига берилган логин ва пароли ҳамда шахсий кабинетни бошқа шахсларга фойдаланиш учун бериши тақиқланиши етказилади, унинг шахсий кабинетидан бошқа шахслар фойдаланишининг олдини олиш мақсадида ҳимоялаш усуллари қўлланилади ҳамда жараёнда

иштирок этаётган ҳар бир тингловчи масофадан ўқитишни ташкил этиш ва ўтказиш жадвалига қатъий амал қилиши ва ўқув жараёнида шахсан иштирок этиши, ўқув дастури талабларини тўлиқ бажариши шартлиги белгилаб қўйилади.

Ўқув жараёнининг бошида тингловчининг тегишли йўналиш ёки мутахассислиги бўйича дастлабки билим, кўникма ва малакасининг шаклланганлик даражасини аниқлаш мақсадида онлайн шаклда кириш тест синови ўтказилади ва масофадан ўқитиш жараёни тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида амалга оширилади. Ўқув дастурида белгиланган модуллар бўйича онлайн маърузалар, шунингдек тингловчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қўшимча маслаҳатлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Малака оширувчи кўрсатилган манбалар билан ишлаб, топшириқларни бажаради ва даврий равишда ўқитувчига юбориб туради. Тингловчи ва ўқитувчи ўртасидаги музокара интернет хизматлари орқали амалга оширилади. Ўқиш жараёнида тингловчи электрон дарсликлардан, электрон кутубхона ва форумлардан, видеоконференциялардан, online курслардан ва веб-саҳифалардан фойдаланишига имконият яратилади. Ушбу индивидуал ёндашув таълим олувчида қизиқиш уйғотади ва уни ўқишда фаолликка, ижодий ёндашувга рағбатлантиради ва масофадан ўқитишни тўғри ташкил этиш, ўқитиш сифати ва самарасини белгилайди.

Ушбу ўқув жараёнида муҳим масалалардан бири тингловчи томонидан ўқув дастуридаги модулларни ўзлаштириши қай даражада эканлигини аниқлаш учун жорий назорат ўтказилиб борилиши зарур бўлади. Тингловчи томонидан ўқув дастуридаги ҳар бир модул тўлиқ ўзлаштириганидан кейин жорий назорат топшириқларини бажариши онлайн шаклда амалга оширилиб борилади. Бунда тингловчига ҳар бир модул бўйича умумлашган тест саволлари, сўровлар, амалий машқлар, замонавий интерактив методлар орқали топшириқлар берилади. Масофадан ўқитиш дастуридаги барча модуллар тугаллангандан сўнг, тингловчиларнинг умумий ўзлаштириш даражаси аниқланади, яъни якуний тест синовлари натижасига кўра, ўқув курсини муваффақиятли якунлаганларга сертификат тақдим этилади.

Хулоса: Масофадан ўқитишнинг кенг жорий этилиши натижасида иқтисодиётимизда хизмат олиб бораётган кўплаб соҳа ходимларини хизматдан ажралмаган ҳолда малакаларини ошириш, қайта тайёрлаш, хизматга оид электрон ресурс материаллардан жойларда унумли фойдаланиш, хизмат фаолиятига оид янгиликларини, илғор тажрибаларни, янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тезкор етказиш, малака ошириш ва қайта тайёрлашни тизимли равишда олиб бориш, ушбу йўналишда сарфланаётган ҳаражатларни камайтириш,

ўқитишнинг яхлит методологиясини шакллантириш, ўқув жараёнида илмий-амалий ахборот алмашилишини тезлаштириш имкониятлари юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов А.А., Эшимов Р.Р., Эгамов И.Ю. Moodle масофавий таълим тизимидан фойдаланиш. Услубий кўрсатма. Самарқанд. 2015 й., 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 1 ноябрдаги 299-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтида ўқув жараёнини ташкил этиш тартиби тўғрисида Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи, Тошкент, 2018 й.

О.С.Субанов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий, ҳуқуқий масалалар таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ижтимоий шериклик.

Вопросы осуществления правоохранительной деятельности органами внутренних дел в Узбекистане

Аннотация: В статье анализируется социальные и правовые аспекты осуществления правоохранительной деятельности органами внутренних дел в Узбекистане.

Ключевые слова: органы внутренних дел, правоохранительная деятельность, права и свободы человека, социальное партнерство.

Issues of law enforcement activities by internal affairs bodies in Uzbekistan

Annotation: The article analyzes the social and legal aspects of the implementation of law enforcement by the internal affairs bodies in Uzbekistan.

Key words: internal affairs bodies, law enforcement, human rights and freedoms, social partnership.

Давлат ва унинг органлари фаолияти жамият ҳаётининг кўплаб соҳаларини қамраб олади. Мазкур фаолият мазмунан хилма-хил, кўп қирралидир. У умуман олганда иқтисодиёт, унинг тармоқлари ва муайян

хўжалик органларининг нормал ишлашени таъминлаш, ташқи сиёсатни амалга ошириш, маданият, фан ва таълимни ривожлантириш учун шароит яратиш, мамлакатнинг муҳофаа қобилиятини сақлаб қолиш ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишдан иборат.

Ушбу фаолиятда марказий ўринлардан бирини – жамиятда қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича вазифаларни бажариш эгаллайди. Давлатнинг бундай фаолияти қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, «давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» (2-модда); «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсизлик ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» (13-модда); «давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади» (14-модда); «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар» (15-модда) ва бошқалар.

Асосий Қонунимизда мустаҳкамланган мазкур қоидаларни амалга оширишда давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари сафарбар этилган. Улар ўзларининг асосий вазифаларини амалга ошириш билан бирга, жамиятда қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш фаолияти билан ҳам шуғулланадилар.

Шу билан бирга, жамиятда шундай органлар мавжудки, уларнинг асосий вазифаси юқорида санаб ўтилган қоидаларни бевосита ҳаётга тадбиқ этишдан иборат. Ушбу органларнинг ташкил этилишидан бирдан-бир мақсад жамиятда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни таъминлашдир. Буларга ички ишлар органлари, миллий гвардия, прокуратура, божхона, солиқ органлари мисол бўла олади.

Ички ишлар органлари учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш, унинг кўп қиррали фаолиятининг фақат бир қисмини ташкил этади. Улар ўзларининг асосий вазифалари билан бирга кўплаб иқтисодий, моддий-техника, кадрлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, транспорт ҳаракатини тартибга солиш каби вазифаларини ҳам бажарадилар. Ички ишлар органлари фаолиятининг бир қатор санаб ўтилган йўналишлари ҳуқуқни

муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган бошқа ижро этувчи ҳокимият органлари учун ҳам хосдир (хусусан, молиявий, иқтисодий, кадрлар билан таъминлаш ва ҳ.к.)¹.

Маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти кенг қамровли бўлиб, у турли-туман жиҳатлари билан тавсифланади. Шу сабабли мазкур масалада тадқиқотчилар орасида яқдил фикр шаклланмаган. Жумладан, проф. Х.Т.Одилқориевнинг фикрича, «ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш (ҳуқуқни муҳофаза қилиш) функцияси – давлатнинг ижтимоий муносабатларининг барча иштирокчилари давлат томонидан чиқарилган қонунларни аниқ ва тўла бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолиятидир»².

Тадқиқотчи Загидулин Р.И. эса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти (давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясининг йўналиши сифатида) қонунни бузганларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ ва қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқни ҳимоя қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга ошириладиган давлат фаолиятидир³. Мазкур талқиндан кўриниб турибдики, тадқиқотчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти деганда, кўпроқ қонун бузилишларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини тушунади. Фикримизча, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини бундай тушуниш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳодисасига бир томонлама ёндашувдан келиб чиқади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти давлатнинг бошқа фаолиятларидан ўзининг белгилари билан фарқланади. Тадқиқотчилар ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг куйидаги белгиларини ажратиб кўрсатадилар: *биринчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фақат қонун асосида ва унинг меъёрларига мувофиқ, зарурат бўлганда процессуал шаклда амалга оширилиши мумкин. Амалга оширилиш пайтида қонун талабларини бузиш ўз-ўзидан жиноий, маъмурий, интизомий жавобгарликка олиб келадиган ҳуқуқбузарлик бўлиши мумкин; *иккинчидан*, ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ҳар бир ҳолида амалга ошириш учун керак бўлган аниқ факт, сабаб, асос бўлиши керак. Бу асос ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига инсон ҳаётига, шунингдек, фуқаролар, турли давлат органлари, жамоат, ижодий уюшмалар, ташкилотлар ишига аралаштиришга имкон беради; *учинчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини давлатнинг ҳарбийлашган

¹ Загидулин Р.И. Правоохранительная функция современного российского государства: Вопросы теории и практики. Автореф. дисс. на соис. учен. степ. к.ю.н. М., 2004. – С. 4.

² Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Тошкент. «Адолат», 2018. – Б.111.

³ Загидулин Р.И. Правоохранительная функция современного российского государства: Вопросы теории и практики. Автореф. дисс. на соис. учен. степ. к.ю.н. М., 2004. – С. 7.

тузилмалари ва қуролланган органлари амалга оширадилар (ҳарбийлашганлик ва қуролланганлик ҳуқуқий тартиботни таъминлашни, жисмоний куч, махсус воситалар ва қуроллардан фойдаланиш имконияти мавжудлигини англатади); *тўртинчидан*, ижро этувчи ҳокимият органларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини фақат тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида хизмат қилувчи, ҳарбий ёки махсус унвонга ва маълумотга эга бўлган, шунингдек, ушбу ишда маҳоратга эга бўлган шахслар амалга ошириши мумкин; *бешинчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширадиган ходимлар ва ҳарбий хизматчилар учун яккабошчилик бошқаруви ва қатъий бўйсуннишга асосланган ҳолда хизматнинг махсус тартиби белгиланади; *олтинчидан*, ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширишда қабул қилинган қарорлар: қонунга асосланган ҳуқуқий таъсир чораси бўлиб, барча мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади; ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чекланишига олиб келиши, давлат, жамоат ёки хусусий ташкилотларнинг манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкин¹.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширишга йўналтирилган бўлиб, унинг ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017) фармонлари ҳамда «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017), «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2017) «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган.

«Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (16.09.2016 й.) қонунда ички ишлар органларининг вазибалари, фаолият йўналишлари, принциплари,

¹ Загидулин Р.И. Правоохранительная функция современного российского государства: Вопросы теории и практики. Автореф. дисс. на соис. учен. степ. к.ю.н. – М., 2004. – С. 9.

ваколатлари, ҳамкорлик масалалари, тизими мустаҳкамланган. «фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат»¹

Ички ишлар органлари фаолиятни ўз ваколатлари доирасида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади: фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш; терговга қадар текширувни, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки терговни ўтказиш; жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш, шу жумладан террорчилик ҳаракатларига чек қўйишда ҳамда гаровга олинганларни озод қилишда иштирок этиш йўли билан курашиш, шунингдек одам савдосига қарши курашиш; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ва бошқалар (

Ички ишлар органлари жамиятда ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатини ҳимоялаш, қонун устуворлигини ўрнатишда бошқа ижтимоий тузилмалар билан ҳамжиҳатликда фаолият юритади. Бунда фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шерикликни таъминлаш, парламент, депутатлик ва жамоатчилик назорати муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев илгари сурган ва тизимли равишда ҳаётга тадбиқ этилаётган «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак»лиги тўғрисидаги бош ғоя бутун ички ишлар органлари фаолиятининг моҳиятини ташкил этиши лозимлигини аниқлатади. Айнан, шу ғоя асосида ташкил этиладиган ва фаолият юритадиган ички ишлар органлари тизими халқ, унинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоялашга хизмат қилади.

Шундай қилиб, ички ишлар органларининг ташкил этилишидан мақсад, жамиятда ҳуқуқий ва жамоат тартиботи, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини кафолатли таъминлаш, умумий ҳуқуқни муҳофаза

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон; 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон.

этишдан иборат бўлиб, уни самарали амалга ошириш жамиятдаги барча тузилмаларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатини тақозо этади.

К.К.Баратов

ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА БЕПАРВОЛИК – ЖИНОЯТГА ЙЎЛ

Аннотация: Мақолада ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналиши бўйича ўзгаришлар, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, тизимга киритилаётган инновацион технологиялар, ҳамкорлик, **тизимни такомиллаштириш борасида** мулоҳазалар юритилган.

Таянч тушунчалар: жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, инновацион технологиялар, ҳамкорлик.

Аннотация: В статье содержатся комментарии об изменениях в направлении обеспечения и безопасности общественного порядка органов внутренних дел, борьбы с преступностью и профилем правонарушений, принятых нормативно-правовых документах, инновационных технологиях, сотрудничестве, совершенствовании системы.

Ключевые слова: обеспечение общественного порядка и безопасности, борьба с преступностью, профилирование правонарушений, нормативные правовые акты, инновационные технологии, сотрудничество.

Annotation: The article contains comments on changes in the direction of ensuring and security of public order of the internal affairs bodies, combating crime and the profile of offenses, adopted regulatory documents, innovative technologies, cooperation, improvement of the system.

Key words: ensuring public order and security, combating crime, profiling offenses, regulatory legal acts, innovative technologies, cooperation.

Дунёда қанча давлат бўлса, барчасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, коррупция каби мамлакатнинг ижобий ўзгаришларига ўзининг бевосита салбий таъсирини кўрсатувчи иллатлар мавжуд ва бу доимий равишда уларнинг сабабларини аниқлаш, бартараф этиш йўллари йўлаб топиш ҳамда қарши курашишни тақозо этади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, бизнинг мамлакатимизда ҳам жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ва жиноятчиликка қарши курашиш

долзарб вазифа бўлиб, бу ички ишлар органларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бир кун жанжал бўлган уйда қирқ кун барака бўлмайди – деб бежиз айтишмаган доно халқимиз. Шу сабаб, давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев Президент сифатида ўз фаолиятини бошлаганидан сўнг, жинойтчиликни жиловлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ишлари мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, жинойтни аниқлаш, унинг негизини топиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уни жиловлаш мутасаддиларнинг энг асосий вазифасидир. Жинойтчига жазо беришдан кўра, жинойтни олдини олиш барча нарсадан афзалдир. Бу йўналишда ҳамкорликни кучайтириш лозим бўлади. Жинойтчиликка қарши кураш нафақат ҳуқуқ-тартибот органларининг, балки барчамизнинг фаолиятимиз мезони бўлиши керак. Жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳам жинойтчиликни олдини олишда катта аҳамиятга эга.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жинойтчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш» каби вазифалар назарда тутилган. Бу эса республикаимизда ички ишлар органлари фаолиятига илғор тажрибалар, иш усуллари ва инновацион технологияларни жорий этиш, улар фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-методик, моддий-техник жиҳатдан ва малакали кадрлар билан таъминлашни такомиллаштириш, жамоатчилик тузилмалари иштирокининг самарадорлигини ошириш асосида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олишни тақозо этади.

Республикаимизда ўтган давр мобайнида мазкур йўналиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги, фармонлари, 2017 йил 12 апрелдаги «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2883-сон, 2017 йил 01 майдаги «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2940-сон, 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сон, 2018 йил 19 июндаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3786-сон, 2018 йил 24 декабрдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4075-сон, 2021 йил 02 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон қарорлари ҳамда соҳага доир вазирликнинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш йўналишида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгиланган.

Юқорида санаб ўтилган қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлар асосида тизимда жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бўйича хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилиб, илғор инновацион технологиялар жорий этилмоқда.

Республикамизда «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплекси ишлаб чиқилиб, унинг имкониятларидан Тошкент шаҳрида кенг фойдаланаётганлиги фикримиз тасдиғи десак, муболаға бўлмайди.

Мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар келажакда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашнинг марказий субъекти бўлиб қолиши асослантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 10 январь куни Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 7-ички ишлар бўлимига ташриф буюрганида, жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида қуйидагиларни таъкидлаганди:

«Ўзбекистонда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди. Кейинги икки йилда соҳага доир 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Жумладан, ички ишлар органлари барча бўғинларининг тузилмаси ва ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, ходимларнинг 65 фоизи аҳолига яқин бўлиши учун маҳаллаларда ишлайдиган бўлди. Асосий эътибор, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қаратилди. Бунинг учун профилактика инспекторлари сони кўшимча бир минг нафарга кўпайтирилди, уларнинг бевосита жойларда самарали хизмат ўташи учун муносиб ижтимоий-маиший шароит яратиб берилди.

«Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз туризм», «Хавфсиз хонадон» тизимлари жорий этилгани, 24 соат патруллик хизмати йўлга қўйилгани натижасида одамларда «адолат ва қонун устуворлиги»га ишонч пайдо бўлди.

Ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида жиноятчиликнинг жойи ва тури бўйича чуқур маълумот бўлиши, бунинг учун давлат идоралари, жамоат ташкилотлари мунтазам бирга ишлаши зарур. Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, прокуратура – ҳаммаси халққа хизмат қилиши керак. Шу билан бирга, жамиятда ҳам жаҳолатга қарши маърифат кучли бўлиши лозим. Муҳит шундай бўлиши керакки, ҳеч ким жиноятга қўл ура олмасин.¹

Эътироф этиш керакки, ҳуқуқбузарликларнинг бир қисми тайин бир иш жойига эга бўлмаган шахслар томонидан содир этилмоқда. Бундай шахслар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишини олдини олишда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу ҳақда гап кетганда, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини юритиш, тадбиркорлар олдида турган муаммоларни бартараф қилиш, уларга кенг имтиёз ва имкониятлар бериш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганлигини мисол қилишимиз мумкин. Хусусан, валюта сиёсатининг либераллаштирилиши, маҳсулотларни экспорт қилиш шартлари енгиллаштирилганлиги, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тизими такомиллаштирилганлиги ушбу соҳани янада ривожланишга ижобий таъсир кўрсатиши табиий.

Жиноятчиликни олдини олишда маҳалла институти имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур ҳисобланади. Шу боис, республикаимизда маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолияти йўлга қўйилган. Қолаверса, Президентимиз таъкидлагандек, содир этилган жиноятларни маҳаллада кенг жамоатчилик

¹ gazeta.uz. 10.01.2019й.

иштирокида муҳокама қилиш профилактик аҳамиятга эга. Негаки, жиноятчиликка қарши курашиш фақат ҳуқуқ тартибот органларининг эмас, балки кенг жамоатчиликнинг вазифаси бўлмоғи зарур.¹

Ҳозирги кунда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари билан ташкил этилган «Маҳаллабай» ишлаш тизими ҳам мазкур йўналишга бевосита алоқадор эканлигини кўришимиз мумкин. Чунки «Маҳаллабай» ишлаш тизими тадбиркорликни кўллаб-қувватлашга, банд бўлмаган аҳолининг, айниқса, ишсиз ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш орқали уларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўргатувчи курсларга йўналтириш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланишга амалий кўмаклашишга, маҳаллалардаги муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишга қаратилган.

Ҳеч кимга сир эмаски, барча содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар, жиноятларнинг аксарияти ишсизлик, бекорчиликдан келиб чиқади. Бекорчи одам нима қилади? Доимий даромад манбаига эга бўлмаганлигидан, бекорчи бўлганлигидан вақтини номақбул ишларга сарфлайди. Бу бекорчилик секин- асталик билан ҳуқуқбузарликларни, жиноятларни келтириб чиқади.

Тараққий этиб бораётган замонамизда кундан – кун янги технологиялар ихтиро қилиниб, инсонларнинг мушкулени осонлаштирмакда. Лекин бу ижобий ўзгаришлардан ўзининг манфаати учун салбий томонлама фойдаланаётганлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ҳозирги вақтда иш ҳақлари, пенсиялар ва бошқа пул маблағлари пластик карталарига ташлаб берилмоқда. Бундан айрим нопок инсонлар бошқа бировларни алдаш, ишончига кириш йўллари билан уларнинг маблағларини ўзлаштириш ҳолатлари ҳам кўпайиб бораётгани бизга маълум.

Эътибор қаратилмаган оддий салбий ҳагги-ҳаракатлар ҳуқуқбузарликни, ундан сўнг эса жиноятни келтириб чиқаради. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ҳуқуқбузарликни аниқлашдан кўра, унинг олдини олган муҳим.

Бу борада тизимимизда, жумладан, профилактика хизмати томонидан жойларда, яъни, маҳалла, муассаса, ташкилот ҳамда бошқа давлат органлари, шунингдек, маҳаллалар, мактаб ва бошқа таълим муассасаларида доимий равишда тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Кўшимча равишда айтиб ўтишимиз жоизки, ички ишлар органларида хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида бир қатор ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда

¹ <https://uzlidep.uz/positionparty/47>

иштирок этувчи орган ва муассасалар фаолияти ҳам тубдан такомиллаштирилди.

Юқоридагиларга асосан, юртимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ижтимоий муҳитни соғломлаштириш борасида ўзига хос тажриба тўпланганлигини, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича институционал ва ҳуқуқий асослар яратилганлигини ва бу борада ишлар давом этаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш йўлида чиқарилаётган ҳар бир норматив ҳужжатлар, олиб борилаётган изчил ишлар мамлакатда фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг фаровон яшашлари учун муносиб шароитлар яратиш, жамиятда соғлом муҳитни яратиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириб бориш натижасида ҳуқуқбузарлик, жиноят деган салбий хатти-ҳаракатларни камайтиришга, йўқотишга қаратилган.

Ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликка қарши курашиш барча даврларда ҳам давлатнинг жиддий ва муҳим масаласи ҳисобланиб келинган. Инсон тинч ва хотиржам яшашни хоҳлайди. Тинчлик бўлган жойда барака ва ривожланиш бўлади.¹

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг ҳар бир чиқишларида соҳага масъул бўлган идораларнинг асосий вазифаси жиноятчини топиш ва жазолаш эмас, балки жиноят содир этилишига шароит яратиб берган ҳолатларни аниқлаш, айниқса тизимли муаммолар билан ишлашга алоҳида урғу қаратишни кўп бора таъкидлаб ўтган.

Давлат органлари, жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари ва бошқа нодавлат тузилмаларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини бирлаштириш орқали ишлар таъсирчанлигини ошириш мақсадида Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ҳар ҳафтанинг пайшанба куни – «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланганлиги ва бугунги кунда жойларда бу амалиёт ўзининг ижобий самарасини бераётганлигини кўришимиз мумкин.²

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, ўз навбатида бу борада ички ишлар органлари тизимига қўйилган талаб, вазифалар ўз долзарблигини сақлаб қолади ва инновацион технологияларни жалб қилган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик асосида мазкур йўналишларда доимий изланишлар олиб бориш, тизим фаолиятини мақбуллаштириш, ходимлар ҳушёрлигини ошириш, уларнинг билим савияларини мунтазам ошириб бориш, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда фаолиятни тизимли таҳлил қилиш, олинган ахборотларни ўрганиш ҳамда ижобий ўзгаришлар ясаш учун доимий ҳаракатда бўлишни талаб этади.

¹ <https://uzlidep.uz/positionparty/47>

² <https://lex.uz/ru>

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февраль кундаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 мартдаги «Маҳаллабай» ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 152-сон Қарори.
3. <https://soh.uz/index.php?/site/view/news>
4. gazeta.uz. 10.01.2019й.
5. <https://uzlidep.uz/positionparty/47>
6. <https://lex.uz/ru>
7. <https://iiv.uz/news/2020> йил 16 февраль
8. <https://xabar.uz/jamiyat>. 11.01.2018й.
9. <http://hudud24.uz/> 2020 йил 17 июнь.
10. <https://lex.uz/docs/2387357>

Ў.Т. Гулматов

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ТАШАББУС КЎРСАТИШИ ЛОЗИМ

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлайдиган самарали, кўп босқичли профилактика тизимини яратишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартда «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги қарори қабул қилиниб, мазкур қарорда давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаётганлиги, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш

самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги, ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблигига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Ушбу соҳада давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб; фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини, шу жумладан аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар мурожаатлари ва муаммоларига беписанд муносабатда бўлиш ва бюрократик ҳолатларга йўл қўймаслик орқали таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларини профилактик ишларга кенг жорий этиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш, амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, қонунийлик аҳволи ҳамда жиноятчилик даражаси ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш масалаларида оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилиш, интернет бутун жаҳон ахборот тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш жараёни тўғрисида кенг жамоатчиликни тезкор хабардор қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар динамикаси, уларни содир этиш такрорийлиги, ижтимоий фикр, профилактик ишлар натижасидан фуқароларнинг қониқиш ҳосил қилиши ва аҳоли билан ҳамкорлик даражасини инобатга оладиган баҳолашнинг аниқ мезонларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича идоралараро дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда манзиллилик, соҳавий ихтисослашув, ҳудудий ва бошқа ўзига хос хусусиятлар инобатга олинишини таъминлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга

етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммолари бўйича комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, профилактик ишларни олиб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ривожлантириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига фуқаролар ва жамоат ташкилотларини, шу жумладан уларни моддий ва бошқача тарзда рағбатлантириш орқали жалб этиш механизмларини такомиллаштириш каби вазифалар белгиланди.

Мазкур қарор билан Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилиб, комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорлар барча вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан ижро этилиши мажбурийлиги кўрсатиб ўтилиб, ваколатли органлар ва муассасалар ўз ваколатлари доирасида Комиссияга ҳар чорақда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар аҳволи тўғрисидаги ҳисоботларни, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги ҳисоботларни, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича таклифларни ҳар чорақда тақдим этиши белгилаб қўйилди.

Жамият ҳар доим ривожланишда бўлганидек, ҳуқуқбузарлик ҳам ривожланиб, мураккаблашиб ва такомиллашиб боради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ва жиноятларни очиш борасида хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари қолаверса, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини такомиллаштириш давр талабидир.

Юртбошимизнинг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий куйи бўғини ҳисобланиши, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилиши, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва

жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланиши кўрсатиб ўтилди.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, жорий йилнинг 29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «**Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**» ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармон билан 2022-2025 йилларда «Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш» стратегияси ишлаб чиқилди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, тизимлаштириш ҳамда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва пробация фаолиятини уйғунлаштириш, шу жумладан оммавий тадбирларни ўтказишга жалб қилинадиган вазирлик ва идоралар куч ва воситаларининг биргаликдаги ҳаракатланиш алгоритминини ишлаб чиқиш ва уни доимий такомиллаштириб бориш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига замонавий шакл ва иш усулларини ҳамда илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш, жамоат хавфсизлиги тизимини рақамлаштиришни 90 фоизга етказиш орқали хизмат фаолиятида инсон омилини минималлаштириш, профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишини кескин камайтириш стратегиянинг асосий вазифалари этиб белгилаб берилди.

Фармонга мувофиқ, секторлар ҳудудидаги барча маҳаллалар криминоген вазиятдан келиб чиқиб, ҳар йили январь ойида «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифаларга ажратилиши, бунда: «**яшил**» тоифадаги маҳалла ҳудудида жиноят содир этилмаган маҳалла, «**сарик**» тоифадаги маҳалла ҳисобот даврида ҳудудда содир этилган жиноятларнинг ҳар минг аҳоли сонига нисбатан салмоғи туман (шаҳар) кўрсаткичи билан баробар ёки ундан паст бўлган маҳалла, «**қизил**» тоифадаги маҳалла ҳудудида, шу жумладан алоҳида тоифадаги шахслар, яъни вояга етмаганлар, аёллар, ишсизлар, илгари судланганлар, маст ҳолатдаги, профилактик ҳисобда ёки маъмурий назорат остида турувчи шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг ҳар минг аҳоли сонига нисбатан салмоғи туман (шаҳар) кўрсаткичига нисбатан юқори бўлган маҳалла ҳисобланиши белгиланди.

Сектор раҳбарлари «яшил» тоифадаги маҳаллаларда секторлар штаби таркибига киритилган идора ва ташкилотлар томонидан амалга оширилган ишларни бевосита ўрганиб чиқиши ҳамда ушбу тоифадаги маҳаллаларнинг ижобий иш услублари, амалга оширган тадбирларини секторнинг «сарик» ва «қизил» тоифадаги маҳаллаларида оммалаштириш чораларини кўриши,

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган шахслар билан олиб борилаётган тадбирлар, аҳолининг бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган тадбирлар, ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган ёхуд соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисобига олинган шахслар билан олиб борилаётган тадбирлар, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирларнинг сектор раҳбарлари томонидан «яшил» тоифадаги маҳаллаларнинг ижобий тажрибаларни бошқа тоифадаги маҳаллаларга оммалаштиришда самарали ташкил этилганлигига эътибор қаратилиши кўрсатиб ўтилди.

Мазкур Фармон билан Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар аниқ қилиб белгилаб берилди. Жумладан:

- Бириктирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида ваколатли давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолияти натижаларини умумлаштириш ва ягона ахборот-таҳлил тизимига киритилишини таъминлаш.

- Бириктирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудидаги криминоген вазиятни мунтазам равишда ўрганиб бориш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича қонунчиликда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш.

- Бириктирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус ва виктимологик профилактикасини амалга ошириш.

- Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни белгиланган тартибда профилактик ҳисобга ва маъмурий назоратга олиш, улар билан яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий мослаштириш ишларини индивидуал дастур тузган ҳолда ташкил этиш.

- Ёшлар, айниқса уларнинг уюшмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.

- Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларга кўмаклашиш.

- Вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш.

- Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ҳимоя ордерини бериш ва ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш.

- Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ тегишли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш.

- Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш.

- Ваколатли давлат органлари ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда бириктирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида ҳар бир оилани бевосита жойида ўрганган ҳолда, фуқароларнинг жамоат хавфсизлигига оид ва ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлиши мумкин бўлган муаммолари ва норозиликларини аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўриш.

- Бириктирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида паспорт режими қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

- Тажовузкор рухий касаллар, спиртли ичимликка ружу қўйганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларига кўмаклашиш.

- Пробация назоратидагиларнинг хулқ-атворини назорат қилишда, ўрнатилган чекловларга риоя этилишини текширишда, шунингдек, янги жиноят содир этишининг олдини олишда пробация инспекторларига кўмаклашиш.

- Бириктирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида жамоат тартибини сақлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш. Фуқароларни, уларнинг розилиги билан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чораларини амалга оширишда кўмаклашишга жалб этиш.

- Давлат органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф қилиш ҳамда маҳалладаги мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этмаганлик юзасидан тақдимномалар киритиш.

- Бириктирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида фуқаролар ва юридик шахслар томонидан фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқдориларини сақлаш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишга кўмаклашиш.

- Бириктирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида тақиқланган ташкилотлар ҳамда террорчилик, экстремистик ва бошқа ғайриқонуний, бузғунчилик йўналишидаги гуруҳлар фаолиятига алоқадор шахсларни аниқлашга кўмаклашиш.

- ОИВ/ОИТСнинг тарқалишини барвақт олдини олиш, ахлоқсизлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда фоҳишахоналарнинг сақланишига чек қўйишга кўмаклашиш.

- Доимий яшаш жойини узоқ муддатга тарқ этган шахсларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш, уларнинг чет элда бўлиш жойлари ва муддатларини аниқлаш юзасидан қариндошлари билан мунтазам иш олиб бориш, узоқ муддат мобайнида чет элда бўлиб қайтган шахслар билан профилактик ишларни амалга ошириш.

- Жиноятларни аниқлаш ва фош этиш ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жазодан бўйин товлаётган, бедарак йўқолган шахсларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда бошқа шахсларни қидириш, шунингдек, шахси номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлаш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш.

- Шахсни мажбурий келтириш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримини белгиланган тартибда ижро этиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар тизими ва уларнинг ваколатлари белгиланган. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ваколатли органлар ҳудуд аҳолисининг таркиби, машғулоти, ҳудудий-географик жойлашуви, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, иқтисодиёти, ижтимоий кадриятлари, криминоген вазияти, ҳуқуқбузарликларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари каби фарқли жиҳатларини инобатга олиб, етарли даражада ташаббус кўрсатса, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда ижобий натижаларга эришади.

Зеро, жамоат хавфсизлигини таъминлаш юрт тараққиёти ва осойишталигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим шартидир. Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва мазкур долзарб вазифага масъул ходимларнинг ўрни катта. Ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир. Бу борада ҳар бир фуқаро онгида **«Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак»** деган туйғуни шакллантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада ички ишлар органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишда ички ишлар органларининг фуқаролар ва жамоатчилик бирлашмалари билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатилиш механизмларини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: ички ишлар органлари, жамоатчилик назорати, норматив ҳужжатлар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг негизини фуқароларнинг яхши яшаши учун шароит яратиш бериш, уларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш ташкил қилади. Мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан оқ, инсон ҳуқуқлари масаласи юқори даражага кўтарилган. Бунда асосий эътибор, шахсларнинг ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилишда фақат давлат органлари эмас, балки жамоат ташкилотлари масаласига қаратилган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз аввало, ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига таянамиз. Шу муносабат билан халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳраб кўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз»¹ деб таъкидлаганлар.

Мамлакатнинг барқарор ривожланишида жамият ва шахснинг муносабатларини тартибга солувчи асосий механизмлардан бири бўлган давлат назорати муҳим роль ўйнайди. Айни пайтда, жамият, ундаги фуқаролик институтлари ва барча фуқаролар жамоатчилик назорати орқали давлат ва бошқарув, шу жумладан ички ишлар органлари субъектлари фаолиятини мавжуд ижтимоий меъёрлар, қадриятлар, ҳуқуқий андозалар ёрдамида назорат қилади. Айни пайтда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назорати ёрдамида ички ишлар органлари фаолиятига ҳалақит бермаган ҳолда уни бошқариш механизмларини

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т: Ўзбекистон НМИУ. 2016, – Б.13.

такомиллаштиришга, коррупцияга қарши салоҳиятини оширишга, жиноятчиликка қарши кураш ва профилактикасини ташкил этиш сифатини яхшилашга катта ёрдам кўрсатади.

Шуни қайд этиш жоизки, жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳуқуқий меъёрлар пойдевор вазифасини бажаради. Ҳуқуқий меъёрларнинг асосий вазифасини бажариши жамоатчилик назоратининг ҳар бир қадами мавжуд ҳужжатлар асосида қўйилишини тақозо этади. Хусасан, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати - Ўзбекистон Республикасининг Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун талаблари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги «Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3837-сон қарори; 2020 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5980-сон Фармони ҳамда Ички ишлар вазирининг бир қатор буйруқлари ва бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Мадомики, ички ишлар органлари ўзининг функцияларини амалга оширишда жамоатчилик назорати субъектларидан келиб тушадиган ахборотдан фойдаланиши муҳим ҳисобланади, жамоатчилик назорати эса, ўзининг функцияларини кўпинча тегишли давлат органларига мурожаат қилиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига биноан: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади. Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади» деб мустаҳкамланган¹. Шу муносабат билан жамоатчилик назоратини ташкил этишда айрим олимларнинг фикрлари ўрганилди. Жумладан:

Жамиятшунос олим Р.Оуэн биринчи бўлиб меҳнат муносабатларида жамоатчилик назоратини қўллаш масаласини илгари сурган². Е.А.Огневанинг таърифига кўра, «жамоат назорати бу – ривожланган фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлатнинг бир белгиси, муҳим хусусияти бўлиб, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳодиса сифатида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/20596>

² Лушников А.М., Лушникова М.В. Курс трудового права: Учебник Том 2 – М.: Статут, 2009. – Б.477.

жараён ҳисобланади», деб таъриф беради¹. Н.Н.Кулешова эса, жамоат назорати деганда нодавлат ташкилотлар, жамоат бирлашмалар ва алоҳида шахслар томонидан давлат хокимияти, маҳаллий давлат хокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан умумий назорат тизимини ташкил этиш тизими тушунилишини ёзган².

Давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: «Жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир»³ дея таъкидлаганлар.

Бинобарин, XX аср охирига келиб, бир қатор муаммоларни ҳал қилишда, хусусан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокини таъминлаш ҳуқуқий жараённинг узвий таркибий қисмига айланди. Аммо, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрель кундаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»⁴ги ЎРҚ-474-сонли Қонунида давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари жамоатчилик эшитувларини ўтказишлари мумкинлиги белгиланган бўлса-да, бу норманинг амалиётда ишлатилиши ниҳоятда суст кечмоқда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш институтидан фақатгина санокли нодавлат, нотижорат ташкилотлар фойдаланишмоқда, холос.

Ҳеч шубҳасиз, таъкидланганлар ички ишлар органларининг фаолиятига ҳам бевосита тааллуқли ҳисобланиб, тизим фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга амалда самарали қўллаш лозимлигини тақозо этади. Ваҳоланки, Ички ишлар вазирлиги тизими кенг қамровли, ўзида бир қатор соҳаларни мужассамлаштирган мураккаб тузилмадир. Шу сабабли, мазкур тизимда амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг объектини тўғри аниқлаш ва уни тўғри йўналтира олиш ички ишлар органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатишнинг

¹ *Огнева Е.А.* Общественной контроль в системе защита прав и свобод человека и гражданина в Российской Федерации. Диссертация. - Москва, 2015. – С.33

² *Кулешова Н.Н.* О современном состоянии общественного контроля в России / Юридическая наука. – 2011. – №2. – С.21.

³ *Мирзиёев Ш.М.* Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // <https://president.uz/uz/lists/view/3119>

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрель кундаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-474-сонли Қонуни // <https://lex.uz/docs/3679092>

муҳим шарти ҳисобланади. Шундай экан, бу ерда ҳақли савол туғилади, яъни, ички ишлар органларининг қайси тузилмалари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиши мақсадга мувофиқ ва ушбу назорат тизимнинг қайси соҳаларига йўналтирилса, кўзланган мақсадга эришилади ва самараси юқори бўлади? Бу эса, таъкидланганидек, жамоатчилик назоратининг вазифалари ва объектини тўғри аниқлашни тақозо этади. Ҳолбуки, бу соҳадаги жамоатчилик назорати ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шахсининг ҳаёти ва соғлиғини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятининг қонунийлиги ва жамоат манфаатларига мувофиқлигини таъминлаш, тайёрланаётган ва қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг қонунчилик ва жамоат манфаатларига мувофиқлигини ўрганиш, кадрлар, молиявий ва бошқа ресурсларни оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш, тизимда коррупциянинг олдини олиш, кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ошириш, тўлиқлиги ва улардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали фаолиятни баҳолаш ва ички ишлар органлари тўғрисида ижобий жамоатчилик фикрини ва унга бўлган ишончни шакллантириш каби вазифаларни амалга оширишга қаратилади.

Айни пайтда, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддаси¹да «Давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг: қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида: жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга; фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлашга; ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга; давлат хизматларини кўрсатишга; ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти сифатида белгиланиши мумкин»лиги кўрсатилган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунда ички ишлар органларининг жамоатчилик назорати объектларига аниқлик киритилмаган, гарчи, ушбу Қонуннинг 9-моддаси (очиқлик ва шаффофлик принципи) жисмоний ва юридик шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилиши қонун билан чекланган ахборотлардан ташқари ички

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.

ишлар органларининг фаолияти ҳақида, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳаққоний ахборотни олиш ҳуқуқини беради.

Шу нуқтаи назардан, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ (13-модда), «Ички ишлар органлари тизимига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари (бўлимлари), жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг ўта муҳим ва тоифаланган объектлардаги бўлинмалари, шаҳарча ички ишлар бўлинмалари ва ички ишлар органларининг таянч пунктлари, шунингдек таълим ва тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинма ва ташкилотлар, шунингдек, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқлар ва имтиёزلардан фойдаланадиган қоровул кўшинлари ҳамда халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича кўшинлар киритилган.

Кўриб турганимиздек, бундай ёндашув, албатта, кенг кўринишга эга, аммо самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш олдида турган вазифалар мажмуи, бундай объектлар тизимига муайян соҳанинг барча тузилмаларини максимал даражада киритилишини тақозо этади. Демак, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, унинг соҳавий ва ҳудудий тузилмалари, шунингдек ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этилган бошқа бўлинма ва ташкилотларни киритишимиз мумкин.

«Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади. Шу жиҳатдан, Ички ишлар вазирлиги давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳолини мамлакатдаги криминоген вазият, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек Вазирлик ва ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бошқа вазифаларнинг амалга оширилиши тўғрисида тизимли равишда хабардор қилиб боради. Шунинг учун, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш муаммоси ички ишлар органларига фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, мулк ва жамият манфаатларини жинойий ва бошқа қонунга

ҳилоф тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган вазифалар ижросини самарали ҳал қилиш билан бевосита боғлиқдир. Бироқ, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий объектларидан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси юклатилмаган унинг таркибий тузилмаларидан иборат бўлган қўшимча объектларини ҳам ажратиш талаб этилади. Айни пайтда, бундай тузилмалар Ички ишлар вазирлигининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган фаолиятни олиб боради. Масалан, Ички ишлар вазирлигининг Кадрлар бош бошқармаси, Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси, Тиббиёт бошқармаси, Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси, Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари ва бошқа шу кабилар бунга мисол бўла олади. Шу сабабли, жамоатчилик назорати нафақат ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки унинг мазкур йўналиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳаларига ҳам қаратилиши лозимдир.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб:

1. Ички ишлар органлари фаолияти устидан ўрнатиладиган жамоатчилик назоратининг объекти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, унинг таркибий, соҳавий ва ҳудудий тузилмалари, шунингдек ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этилган бошқа бўлинма ва ташкилотлар бўлиши мумкин. Бунда ички ишлар органларининг очиқ ва ошкора фаолият олиб борувчи тузулмалари устидан жамоатчилик назорати олиб борилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, Жамоатчилик палатасининг ва ҳудудий жамоатчилик палаталари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат, ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари, шунингдек ички ишлар органи ҳузурида тузилган жамоатчилик кенгашлари ва комиссиялари ички ишлар органлари фаолияти устидан ўрнатиладиган жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобланади.

3. Жамоатчилик назорати субъектлари томонидан ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатишнинг амалдаги тартиби ташкилот ихтиёри ва унинг розилик бериш тамойилиги асосланган. Шу сабабли, қонунчилик доирасида жамоатчилик назорати субъектларини ички ишлар органлари фаолияти устидан тўғридан-тўғри назорат ўрнатиш мумкин бўлган тартиб ва уни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилиши лозим.

4. Ички ишлар органлари устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун, ички ишлар органларининг фуқаролар ва жамоатчилик бирлашмалари билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш механизмларини такомиллаштириш тақозо этилади. Бунинг учун бу вазифани ички ишлар органи бошлиғининг ўринбосаридан бири зиммасига юклаш ва унинг функциясига киритилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/20596>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь кунидаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сонли Қонуни // <https://lex.uz/docs/3027843>
3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрель кунидаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-474-сонли Қонуни // <https://lex.uz/docs/3679092>
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т: Ўзбекистон НМИУ. 2016, – Б.13.
5. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // <https://president.uz/uz/lists/view/3119>
6. Кулешова Н.Н. О современном состоянии общественного контроля в России И Юридическая наука. 2011.№2. -С.21.
7. Лушников А.М., Лушникова М.В. Курс трудового права: Учебник Том 2 – М.: Статут, 2009. –Б.477
8. Огнева Е.А. Общественной контроль в системе защита прав и свобод человека и гражданина в Россиской Федерации. Диссертация. – Москва, 2015. – С.33

МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШ БАРОБАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР ВА МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ- ТАРТИБОТ МАСКАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Аннотация: Янги Ўзбекистонни барпо этиш баробарида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланишлар ва Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби келтирилган. Муаллиф Ички ишлар органлари фаолиятида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва маҳалла ҳуқуқ тартибот масканлари фаолияти ва унда фаолият олиб бораётган тизим, соҳавий хизмат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик фикрларини ёритган. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ва бошқа соҳа хизмат ходимларини малакасини ошириш фаолияти билан боғлиқ қатъий назорат тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ деган фикр илгари сурилган.

Таянч сўзлар: ИИО фаолиятидаги ислоҳотлар, МХТМ фаолияти ва кадрлар билан ишлаш ҳамда уларни, тайёрлаш, ўқитиш малакасини ошириш, назорат.

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш, халқ фаровонлиги учун хизмат қилиш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришиш бугунги кундаги энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари олдига ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва бу борада амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш асосий вазифалардан бири сифатида эътироф этилди.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг

масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон Фармони, шунингдек, «Хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сон ва «Ички ишлар органларининг хукукбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сон қарорлари профилактик фаолиятни самарали ташкил этишга қаратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукукбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Хукукбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ҳамда «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, Қонунлари ва бу соҳани янада такомиллаштириш борабарида Фармон ва Қарорлар қабул қилиниши хукукбузарликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини янада самарали ташкил этишга замин яратилди.

Энг асосийси, «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2021 йилнинг 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон ҳамда 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон қарори талаблари асосида Маҳалла хукуқ-тартибот масканлари ташкил этилиши белгиланганлиги ва бу борада ходимлар малакасини ошириш борасида хукукбузарликларнинг барвақт профилактикасини амалга оширишга кенг имкон очиб берди.

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш баробарида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар, янгиланишлар самараси ўлароқ, ички ишлар органларида ҳам тизимли ишлар қилинмоқда. Соҳада ўтказилаётган ислоҳотларнинг салмоғини ички ишлар органлари бошқарув тизими тўлиқ мақбуллаштирилиб, шахсий таркиб қуйи бўғинида, бевосита аҳоли ўртасида хизмат қилиш фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда ислоҳотлар натижасида ҳар 35–40 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатадиган кўшимча 261 та янги ички ишлар бўлими ташкил этилганлиги айнан ҳалқ манфаатлари учун хизмат қилиш имкониятини янада оширди.

Хукукбузарликларни барвақт олдини олиш мақсадида республика миқёсидаги йирик бозорлар, савдо мажмуалари ва аҳоли гавжум жойларда маҳаллий бюджет ҳисобидан 41 та бўлинма фаолияти йўлга қўйилди.

Содир этиладиган хукукбузарликлардан келиб чиқиб, уларни прогноз қилиш ва маҳаллабай ва шахс кесимида жиноятчилик статистикасини юритишда дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, 100 минг аҳоли сонига

нисбатан ҳисоблаш тажрибаси йўлга қўйилганлиги ўз навбатида ҳудудлардаги криминоген вазиятни таҳлил қилиш, жиноятларни яширмаслик мақсадида ходимлар томонидан аниқланадиган жиноятларни ижобий натижа сифатида баҳолаш тизими ва содир этилган жиноятларни ўз вақтида муҳокома қилиш амалиёти тартибли йўлга қўйилганлиги, унда секторлар ва ҳуқуқ тартибот масканларида кенг жамоатчилик ва соҳавий хизматлар иштирокида ҳал этилиши, ҳар ой якуни бўйича профилактика катта инспекторларининг шаҳар-туман хокимлари ҳисоботини эшитиши, бугунги кундаги халқ орасидаги муаммоларни ўз вақтида ечимини топишга ҳаракат қилади.

Биринчидан, профилактика инспекторлари, тезкор, тергов, йўл-патруль, патруль-пост, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш ҳамда пробация хизмати ходимларининг фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш жорий этилганлиги бу борада маҳаллада амалга оширилаётган профилактик тадбирларни амалга оширилишида ўз самарасини беради.

Иккинчидан, кенг жамоатчилик ва ташкилотлар билан маҳалла ва шахс кесимида ҳар бир жиноят ва ҳодисаларни жойида муҳокамасини тизимли, таъсирли ҳамкорликда ҳал этиш имконияти кенгайтирилди.

Бугунги кунда тизимдаги соҳавий хизматлар қайтадан ислоҳ қилиниб, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, пробация, суриштирув, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ва кибержиноятчиликка қарши курашишга ихтисослашган бўлинмалар янгидан ташкил қилинди. Маҳаллаларда жиноятчиликнинг оқибатлари билан курашишга эмас, балки ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга ўтилди. Бунинг учун ҳар бир маҳаллага бир нафардан профилактика инспектори ажратилди. Энг асосийси, профилактика инспекторларининг самарали хизмат қилиши учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Яна муҳим ўзгаришлардан бири сифатида профилактика инспекторлари маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича ўринбосари этиб белгиланганлигидир. Бундан ташқари, хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, уларни турли тазйиқлардан ҳимоя қилиш мақсадида жойларда аёллар масалалари бўйича катта инспектор фаолияти йўлга қўйилди. Эндиликда, тазйиққа учраган аёлларга ҳимоя ордерлари берилиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинмоқда. Ўтказилаётган ислоҳотларнинг мантикий давоми сифатида хизмат фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозиргача ички ишлар органларининг 60 фоизи оптик толали алоқа тизимига уланиб, 90 фоизи замонавий компьютерлар билан таъминланди.

Бундан ташқари, ички ишлар органлари учун янги маъмурий бинолар қурилиб, амалдагиларининг асосий қисми реконструкция қилинди ҳамда кўплаб хизмат автотранспорт воситалари ажратилди.

Жорий йилнинг 12 февralида давлатимиз рахбари бошчилигида ИИВда илк бор Вазирлик хайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда белгилаб берилган муҳим вазифалар тизимда амалга оширилаётган ислохотларнинг иккинчи босқичини бошлаб берди. Унга кўра, бугунги кунда Президентимизнинг 2 та фармони ва 8 та қарори, Ҳукуматнинг 6 та қарори ҳамда 19 та идоравий ва идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органларидаги бошқарув тизими мутлақо янги шаклга ўзгарди, яъни, турдош соҳавий хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун бевосита вазир ўринбосари томонидан бошқарилаётган Тезкор-қидирув, Жамоат хавфсизлиги, Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш, Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментлари ташкил этилди. Барча жазони ижро этиш муассасалари ҳудудий ички ишлар органлари бўйсунувидан чиқарилиб, бевосита Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментига бўйсундирилди.

Жойларда жиноятлар содир этилишининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда, 11 та замонавий иш услуби ва «ҳудуд методика»лари яратилди. Шунингдек, Республика бўйича криминоген вазияти энг оғир бўлган 45 та туман-шаҳарлар ҳамда Навоий вилояти, Ангрен, Нукус ва Қарши шаҳарлари ҳамда Сарисийё, Косон ва Чирокчи туманларини «намунавий хавфсиз ҳудуд»га айлантириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар дастурлари тайёрланиб, ижроси йўлга қўйилди.

Тизим фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида амалга оширилган ишлар туфайли мамлакатимизда криминоген вазият барқарорлигини таъминлаш йўлида муҳим асос яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан «Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси» тасдиқланиб, мазкур йўналишдаги ишлар мутлақо янги босқичга кўтарилди. Шунингдек, Ички ишлар вазирининг 2021 йил 2 августдаги буйруғига биноан, «Энг яхши кутубхона» ва «Энг яхши китобхон» кўрик-танловлари ўтказилиб, ғолиблар пул мукофоти ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирланди.

Концепция ижросини таъминлаш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Хусусан, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи

«Ватанпарвар» ташкилоти, Маданият вазирлиги билан имзоланган ҳамкорлик меморандумлари асосида тизимли ишлар йўлга қўйилганлиги бу борада амалга оширилаётган ислохотлар яна бир имкониятлар яратилганлигидан далолат беради.

Ички ишлар органларида маънавият ва маърифат хоналарини жиҳозлашнинг ягона намунавий лойиҳасига мувофиқ, вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларидаги 351 та «Маънавият ва маърифат хонаси»нинг юздан ортиғи белгиланган тартибда жиҳозланди. Маънавий-маърифий ишларни амалиётга узлуксиз тадбиқ этиш мақсадида, республика бўйича 206 та шаҳар ва туманнинг 186 тасида, вилоятларнинг 10 тасида ва соҳавий хизматларнинг 45 тасида ҳамда таълим муассасаларининг 12 тасида, жами: 253 та «Ватанпарварлик бурчаклари» ташкил этилди.

Ички ишлар вазирлиги ва унинг тизимларида Ватанимиз мустақиллиги ва эл-юрт осойишталиги йўлида азиз жонларини фидо қилган ходимларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида хизмат вазифаларини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ходимлар таҳсил олган мактаблар ва хизмат жойларига қаҳрамонлик тимсолини акс эттирувчи Ёдгорлик лавҳаларини ўрнатиш, «Ватанга содиқ ўғлон» маърифий бурчакларини ташкил этиш бўйича ҳам самарали ишлар йўлга қўйилди. Жумладан, ана шундай ходимларнинг 151 нафарига ўзлари таҳсил олган мактабларда хотира бурчаклари, 122 нафарига эса бюст ва барелефлар ўрнатилди.

Таъкидлаш жоизки, йил давомида 29 мингдан ортиқ ходимнинг касбий малакаси оширилиб, 3 мингдан ортиқ профилактика инспектори билан сайёр ўқув курслари, ходимларнинг жанговар шайлигини ошириш мақсадида эса 200 марта тактик ўқув машғулотлари ўтказилди. Шунингдек, ҳар бир ходимнинг хатти-ҳаракатига алоҳида баҳо бериш ҳамда унинг хулқ-атворидан келиб чиқиб, аниқ тарбиявий тадбирларни ўтказишга қаратилган «ходимбай» тизими жорий этилди. Жиноятчиликни «маҳаллабай» жиловлаш, уюшмаган ёшлар, девиант хулқ-атворидаги ўсмирлар, носоғлом ва ғайриижтимоий ҳаёт кечираётган шахслар билан «фуқаробай» ишлаш амалиётини ҳар бир ҳудудда жадаллаштириш бўйича комплекс тезкор ва профилактик тадбирлар ўтказилганлиги халқ билан ишлаш тизимини ва қонунчиликни янада мустаҳкамлашга дастури амал бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўз касбига садоқатли, фидойи ходимларимиз ислохотларга бой бўлган жорий йилда зиммасига юклатилган вазифаларни чуқур ҳис қилган ҳолда шарафли бурчларини виждонан бажариб, халқимиз ва давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган юксак ишончни оқлаш йўлида тинимсиз ҳаракат қилади ва ўз устиларида ишлашга эришилади.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИНИНГ ЎРНИ

пробация хизмати фаолиятини, пробация хизматининг амалга оширадиган вазифалари ва хориж тажрибаси, пробация хизматини самарадорлигини янада ошириш бўйича янги ислохотлар ёритилиб, фаолиятга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Пробация робация хизмати, электрон браслет судгача пробация, пенитенциар пробация

Мамлакатда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жиноят-ижроия амалиётини ўрганиш натижалари маҳкумларнинг ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш, келгусида жамиятга ижтимоий мослаштириш учун ахлоқан тарбиялаш ва меҳнатга ўргатишнинг шаффоф ва янада самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш зарурлигидан далолат бермоқда. Бу йўналишда юртимизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сон «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган шахсларни тўғри йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузурида Пробация хизмати ташкил этилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا асосан, Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган Жамоат хавфсизлиги департаменти ташкил қилиниб, ушбу соҳавий хизматлар орасида ҳамкорликни кучайтириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон Фармониغا асосан пробация хизмати:

муқаддам судланган ва пробацация ҳисобига олинган шахслар билан ишлаш ҳамда ички ишлар органларининг тунги хизмати ташкил этилди.

туман ва шаҳар пробацация бўлинмалари тегишинча туман ва шаҳар ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, пробацация ҳисобига олинган шахсларни кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик механизмлари белгиланди.

патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва пробацация хизматлари бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаши бўйича янги механизмлар ишлаб чиқилди;

Пробацация назоратидаги шахсларни масофадан туриб назорат қилишни таъминловчи замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини тадбиқ этган ҳолда Пробацация хизмати фаолиятини рақамлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Пробацация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини реал вақт режимида кузатиш учун электрон браслетдан фойдаланиш амалиётини жорий этиш масалалари амалга оширилмоқда. Пробацация хизмати фаолиятини такомиллаштиришда хориж тажрибасини ўрганишдан олдин қуйидаги асосий тушунчаларга таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

Пробацация - (лотинча probatio тест; инглизча .. probation) АҚШ жиноий қонунчилигида шартли судланганлик тури бўлиб, маҳкумни махсус органлар назорати остида суд томонидан белгиланган синов муддатига жойлаштириш.

Пробацация хизмати - ижтимоий-ҳуқуқий функцияларни амалга оширган ҳолда жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни ҳамда жиноий ва ҳуқуқий тазйиқ чораларини кўришни, ахлоқ тузатиш муассасаларидан шартли равишда озод қилинган шахсларни назорат қилишни амалга оширувчи ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти таркибига кирувчи ваколатли соҳавий хизматдир. Ҳар бир орган ва хизматнинг ўз хизмат фаолиятида амалга ошириладиган асосий вазифалари бўлганидек, пробацация хизматида ҳам ўз ваколатларидан келиб чиқиб тегишли вазифалар юкланган бўлиб, белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, пробацация хизмати ўз фаолиятини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида пробацация бўлинмаларининг асосий вазифалари қуйидагилар:

- ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш бўйича фаолиятини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда самарали ташкил этиш;

- шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

- назорат остидагилар, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган вояга етмаганларнинг ижтимоий мослашуви ва ишга жойлашишига, шу жумладан, уларнинг касбий тайёргарлиги бўйича тадбирларни ташкил этиш орқали ҳар томонлама амалий кўмаклашиш;

- назорат остидагиларнинг қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, уларнинг шахсини ижтимоий-психологик портретни тузган ҳолда ўрганиш.

Шундай тартиб ўрнатилдики, унга мувофиқ:

- туман (шаҳар) пробация бўлинмаларининг шахсий таркиби улар зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда, қоида тариқасида, бир нафар ходимга шаҳарларда - 100, туманларда - 75 нафар маҳкум ҳисобидан келиб чиқиб тақсимланади;

- пробация бўлинмалари устуворлик асосида ижтимоий, педагогика ва профилактика соҳаларида иш тажрибасига эга бўлган офицерлар таркибидаги малакали ходимлар билан тўлдирилади;

- катта амалий иш тажрибасига эга бўлган ва хизматдан салбий ҳолатларга кўра бўшатилмаган ички ишлар органларининг пенсионерлари, пенсияси тўлиқ миқдорда тўланиши сақланган ҳолда, пробация бўлинмалари ходимлари лавозимига аттестациядан ўтган лавозим ҳисобидан тайинланишлари мумкин.

Жаҳон амалиётида электрон браслетлар кўплаб давлатларнинг пробация хизмати фаолиятида бир неча йиллар аввал қўлланила бошлангани бизга маълум. Ўзбекистон Республикасида ҳам бу амалиёт Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 мартдаги «Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 128-сонли қарорига асосан, 2020 йилдан бошлаб, 3000 та электрон браслетлар етказиб берилган ва босқичма-босқич маҳаллий амалиётга жорий этила бошланди.

Жаҳон амалиётида электрон браслетлар қуйидаги шахсларнинг танасига ўрнатилади (қоида тариқасида, болдирлар):

- уларга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчилар;

- суд ҳукми билан озодликни чеклаш тарзидаги жиноий жазога ҳукм қилинган маҳкумлар.

Бундай қурилма юқоридаги шахсларнинг жойлашган жойини масофадан аниқлаш ва кузатиш имконини беради, улар томонидан рухсат этилган зона чегаралари бузилган ҳолларда сигнал беради, браслетни рухсатсиз олиб ташлаш ва очишдан сақлайдиган ҳимоя тизимига эга.

Пробация хизмати амалиётига электрон браслетларни тадбиқ этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган бюджет маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Электрон браслетларни ҳамда маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун сервер ва ушбу тизимга алоқадор қурилмаларни харид қилиш ишлари, мониторинг қилишнинг замонавий мобиль технологияларини тадбиқ этиш, махсус дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, пробация назоратидаги шахсларни умумий назорат қилиш учун Ички ишлар вазирлиги пробация хизматида ягона электрон мониторингни (мониторинг марказини) ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Қозоғистон Республикасида 2016 йил 30 декабрда «Пробация тўғрисида»ги қонун қабул қилинган ва ушбу қонун жазони ижро этиш тизимидаги кўп йиллик иш тажрибасига, Жиноят кодексининг, Жиноят ижроия кодекси ва Жиноят-процессуал кодексининг янги нормалари талабларига асосланади, унда пробация бўйича бошқа давлатларнинг пробация соҳасидаги тажрибаси, халқаро ва миллий нодавлат инсон ҳуқуқлари ташкилотлари, ҳуқуқшунос экспертлар ва жамоатчилик кенгашининг ички ишлар органлари фаолиятига оид тавсиялари ҳам ҳисобга олинган.

Қозоғистон Республикасида пробациянинг асосий мақсади жамият хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беришдан иборат деб белгилаб берилган ва бу орқали:

гумон қилинувчининг, айбланувчининг хулқ-атворини тузатиш;

маҳкумни қайта ижтимоийлаштириш;

жазони ижро этиш (пенитенциар) тизими муассасасидан озод қилинган шахсни ижтимоий мослаштириш ва реабилитация қилишдан иборат эканлиги кўрсатилган.

Ушбу давлатда пробациянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

пробация хизматларида ҳисобга олинган шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган қонун ҳужжатларида белгиланган жазо турларини ижро этиш;

озодликни чеклаш тарзидаги жазони ўтаётган, шартли равишда ҳукм қилинган, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташдан шартли равишда озод қилинган маҳкум устидан назоратни амалга ошириш;

жиноий-ижроия (жазони ижро этиш) тизими муассасасида жазони ўтаётган маҳкумни озодликка чиқаришга тайёргарлик кўришда иштирок этиш.

Пробация хизмати – жиноий-ижроия (пенитенциар) тизимининг жиноий жазоларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ижро этишни, шунингдек, пробацияни ташкил этиш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича ижро ва маъмурий функцияларни амалга оширувчи органидир.

Пробациянинг турларига қараб, қонун тўрт турни ажратади ва белгилайди.

судгача пробация – гумон қилинувчига, айбланувчига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича, уларнинг хулқ-атворини тузатишга қаратилган фаолият ва чора-тадбирлар мажмуи;

Судгача бўлган пробация ихтиёрий равишда қуйидаги гумон қилинувчи ва айбланувчиларга нисбатан қўлланилади:

- вояга етмаганлар;
- ногиронлар;
- аёллар: 58 ёш ва ундан катта;
- ҳомиладор аёллар;
- уч ёшгача болалари бўлган шахсларга .
- 63 ёш ва ундан катта эркакларга;
- уч ёшгача бўлган ёш болаларни ёлғиз тарбиялаётган шахсларга.

Уй қамоғи ёки қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларга нисбатан судгача пробация қўлланилмайди.

Озодликни чеклашга ҳукм қилинган, шунингдек шартли равишда ҳукм қилинган шахсларга нисбатан пробация назоратини ўрнатиш ва амалга ошириш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият ва чора-тадбирлар мажмуидир.

Пенитенциар пробация – жазони ижро этиш (пенитенциар) тизими муассасаларида озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларни қайта ижтимоийлаштириш бўйича фаолият ва чора-тадбирлар мажмуидир.

Жазони ўташдан кейинги пробация – жазони ижро этиш (пенитенциар) тизими муассасаларидан озод этилган шахсларга нисбатан пробацион назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият ва чора-тадбирлар мажмуидир.

Қозғистон Республикасида пробация назоратининг шакллари ҳам аниқ белгилаб берилган.

Пробация назорати ва пробация хизматида рўйхатга олинган шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш шаклида амалга оширилади.

Пробация назорати – пробация хизмати ва полиция органларининг қонун ва суд томонидан ўз зиммасига юкланган вазифаларни рўйхатга олинган шахслар томонидан бажарилишини назорат қилиш бўйича фаолияти.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам – пробацацияни амалга оширувчи субъектлар томонидан ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича индивидуал дастур асосида амалга ошириладиган, уларга нисбатан пробацация қўлланиладиган шахсларни қайта ижтимоийлаштириш, ижтимоий мослаштириш ва реабилитация қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Вояга етмаганга нисбатан пробацацияни амалга оширишнинг хусусиятлари.

Вояга етмаганга нисбатан пробацацияни амалга ошириш:

1. Унинг индивидуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда;

2. Оиласини жалб қилган ҳолда;

3. Васийлик ёки ҳомийлик функцияларини бажарувчи органлар ва боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функцияларини бажарувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда;

4. Вояга етмаганга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича фуқаролар, жамоат бирлашмалари ва бошқа юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда.

Пробацация хизмати вояга етмаганларга нисбатан қуйидаги назоратларни амалга оширади:

озодликни чеклаш;

шартли равишда ҳукм қилиш.

Россия федерациясида эса Адлия вазирлиги пробацация хизмати - озодликка чиққан собиқ маҳкумлар билан ишлайдиган махсус хизматни яратиш лойиҳаси устида ишламоқда.

Собиқ маҳбусларнинг муаммоларидан бири шундаки, уларни шунчаки ҳеч қаерда кутмайдилар ва уларни умуман кўришни хоҳламайдилар. Кадрлар бўлими ходими ариза формасида судланганлик изини пайқаш биланок, аризачини рад этиш учун минглаб асосли ва қонуний сабаблар мавжуд. Унинг малакаси компания учун тўлиқ қониқарли бўлса ҳам.

Маҳкумларга посилкаларни топшириш бўйича чекловлар кучга кирди.

Шу боис, озодликка чиққандан кейин нормал, яъни қонунга бўйсунувчи ҳаётга қайтишни истаганлар ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтожлиги кўпдан бери айтилади. Бунинг учун алоҳида пробацация хизмати керак.

Адлия вазирлиги «Адлия» давлат дастури юзасидан аудит ўтказган Ҳисоб палатасининг тавсияларига жавобан ишлаб чиқиладиган лойиҳани эълон қилди.

«Самарали пробацация тизимини яратиш учун Россия Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шу жумладан «Россия Федерациясида пробацация тизими тўғрисида» федерал қонун лойиҳасини тайёрламоқда», деб Адлия вазирлиги таъкидлади.

Мавжуд жиноий ижро инспекциялари негизида пробацция ташкил этилиши тахмин қилинмоқда. У, масалан, мажбурий меҳнат каби жазонинг бажарилишини назорат қилади. Унда шартли равишда ҳукм қилинган шахслар белгиланади. Аммо, кўплаб экспертлар таъкидлаганидек, янги хизматнинг вазифаларидан бири собиқ маҳкумларни ижтимоийлаштиришга ёрдам бериш бўлиши керак. Агар бирор киши эркинликда иш топа олмаса, унинг жиноят йўлига қайтиши катта хавф туғдиради. Шунинг учун жамият ўзининг жиноий ўтмишини унутишни истаганлар учун бундай имкониятга эга бўлишидан манфаатдор.

Кўпинча, собиқ маҳбус иш топа олмайди ва охир-оқибат жиноий йўлга қайтади. Ўз навбатида, Ҳисоб палатаси «Адолат» дастурида ўз олдида ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш, қонунга ҳурматни сақлаш каби муҳим мақсадлар қўйилган бўлса-да, унинг бу борадаги самарадорлигини баҳолаш қийинлигини таъкидлади. Шу билан бирга, бунга давлатнинг жиддий маблағлари сарфланмоқда.

«Биз кўрамизки, давлат дастурининг мақсадлари умуман жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантиришга қаратилган ва ижтимоий аҳамиятга эга, бироқ улар ўлчаш мумкинлиги, эришиш мумкинлиги ва ўзига хослик мезонларига жавоб бермайди», – деди аудитор Татьяна Блинова Ҳисоблар кенгашида.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси Россия Федерациясининг жазо тизимини ривожлантиришнинг янги концепциясини эрта тасдиқлаш, шунингдек, пробацция хизматини шакллантириш зарурлигига эътибор қаратди.

Адлия вазирлиги Ҳисоб палатаси хулосалари билан рози бўлиб, зарур тузатишлар киритишга ваъда берди.

Қирғизистонда Республикасининг «Пробацция хизмати Қирғизистон Республикасининг 2017 йил 24 февралдаги «Пробацция ҳақида»ги 34-сон Қонунига асосан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонида, шунингдек, 2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»га мувофиқ, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигининг пробацция тизимини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгилаб, амалиётга жорий этиш назарда тутилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

- пробация назоратидаги шахсларга ўрнатиладиган чекловлар доирасини, чекловларга риоя этишни таъминлаш ва назорат қилишнинг механизмларини аниқ белгилаш;

- пробация назоратидаги шахсларга нисбатан юритиладиган ҳужжатларни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби ва асосларини белгилаш;

- пробация назоратидаги шахсларга ижтимоий-психологик ёрдам бериш ҳамда касб-ҳунар ўрганиш ва ишга жойлашишда кўмаклашиш тадбирларини, мутасадди органларнинг вазифаларини аниқ белгилаган ҳолда, яқка тартибдаги ижтимоий мослаштириш дастури асосида амалга ошириш;

- пробация назоратидаги шахслар ижтимоий-психологик портретининг ягона шаклини, уларни тоифаларга ажратиш мезонларини, янги жиноят содир этишнинг олдини олиш тартибини белгилаш. Амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, юртимизда ҳам тез кунларда мазкур фармонни инобатга олган ҳолда илғор хорижий тажриба асосида **«Пробация тўғрисида»** ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқилиши белгиланди.

Ўзбекистонда «Пробация тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши албатта, ушбу соҳада фаолиятни янада такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистон Республикасининг «Пробация тўғрисида»ги қонуннинг лойиҳасига хориж тажрибасидан келиб чиқиб, Қозоғистон Республикасининг «Пробация тўғрисида»ги қонунининг судгача пробация тури киритилса, ушбу фаолият билан хизмат қиладиган ички ишлар органлари ходимларига гумон қилинувчига, айбланувчига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича, уларнинг хулқ-атворини тузатишга қаратилган фаолият ва чора-тадбирларни амалга оширишда қулайликлар яратилар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.—Т:Ўзбекистон, 2021.;
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.;
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.;
4. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сон қонуни;
5. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎРҚ-342-сон қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон Фармони;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон қарори;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5076-сон қарори;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4006-сон қарори.

Интернет сайтлари:

<http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);

<http://ipkmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);

<http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);

<http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси);

[http:// probationkg@gmail.com](http://probationkg@gmail.com).

ТУРИЗМ - ТУРИЗМДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

Халқимиз шуни яхши билиши керакки: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради.

Ш. Мирзиёев

Бугун биз ҳар томонлама тараққий топиб бораётган, ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб тинч, осойишта ҳаёт кечираётган, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган мамлакатда яшамоқдамиз. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик юртимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан, хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартибини янада соддалаштирилиши, уларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари учун виза олиш ва рўйхатдан ўтишдаги энгиллаштирилган тартибларнинг жорий этилганлиги ёки бўлмаса электрон виза олиш, айрим давлатлар фуқаролари учун турист сифатида визасиз 30 кунгача келиб-кетиш тартиби жорий этилиши, кўп марталиқ уч йиллик инвестиция, фахрий фуқаро визалар берилиши юртимизга келиш истагида бўлган хорижий фуқароларга энгилликлар ва қулайликлар яратиш билан бирга, Ўзбекистонга келувчилар сонининг кўпайишига, инвестиция олиб кирувчилар сони ортишига ҳамда туризм салоҳиятининг кўтарилишига олиб келди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси икки томонлама халқаро шартномалар ва тенглик асосида Озарбайжон Республикаси, Грузия, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Украина, Қирғизистон Республикаси (60 кунгача) ва Тожикистон Республикаси (30 кунгача) билан икки томонлама визасиз режим ўрнатилди.

Бундан ташқари, Австралия Иттифоқи, Австрия Республикаси, Аргентина Республикаси, Босния ва Герцеговина, Ватикан, Люксембург Буюк Герцоглиги, Венгрия, Бруней-Доруссалом давлати, Исроил давлати, Греция Республикаси, Ирландия, Исландия, Италия Республикаси, Канада, Андорра Князлиги, Лихтенштейн Князлиги, Монако Князлиги, Бельгия Қироллиги, Дания Қироллиги, Испания Қироллиги, Нидерландия Қироллиги, Норвегия Қироллиги, Швеция Қироллиги, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Малайзия, Мўғулистон, Янги Зеландия, Бирлашган Араб Амирликлари, Португалия Республикаси, Болгария Республикаси, Индонезия Республикаси, Кипр Республикаси, Корея Республикаси, Мальта Республикаси, Польша Республикаси, Сан-Марино Республикаси, Сербия Республикаси, Словения Республикаси, Тожикистон Республикаси, Хорватия Республикаси, Чили Республикаси, Руминия, Сингапур, Словакия Республикаси, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, Туркия Республикаси, Бразилия Федератив Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Финляндия Республикаси, Франция Республикаси, Черногория, Чехия Республикаси, Швейцария Конфедерацияси, Эстония Республикаси, Япония, Антигуа ва Барбуда, Барбадос, Белиз, Гренада, Доминика Республикаси, Мексика Қўшма Штатлари, Гватемала Республикаси, Гондурас Республикаси, Коста-Рика Республикаси, Куба Республикаси, Никарагуа Республикаси, Панама Республикаси, Тринидад ва Тобаго Республикаси, Эль-Сальвадор Республикаси, Сент-Винсент ва Гренадин, Сент-Люсия, Багама Ороллари Ҳамдўстлиги, Доминикана Ҳамдўстлиги, Сент-Китс ва Невис Федерацияси, Ямайка мамлакатларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси томонидан бир томонлама тарзда 30 кун муддатга визасиз режим жорий қилинган.

Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан, Хитой Халқ Республикасининг Гонконг махсус маъмурий ҳудуди фуқаролари учун мамлакатнинг халқаро аэропортлари орқали кўпи билан 7 кун муддатга Ўзбекистон Республикасига киришнинг визасиз режими Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг бўлинмаларига йўловчилар тўғрисида дастлабки маълумотларни ўз вақтида тақдим қилувчи ташувчининг қайтувчи авиачиптаси мавжуд бўлганда ёки бўлмаса Бирлашган Араб Амирликлари фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан, 30 кун муддатга визасиз режим 2020 йил 1 январдан бошлаб, Бирлашган Араб Амирликлари резиденти мақомини олган хорижий давлатлар фуқароларига нисбатан ҳам қўлланилиши, Бирлашган Араб Амирликлари резиденти мақомини олган хорижий давлатлар фуқаролари Ўзбекистон Республикасига киришда амал қилиш муддати 90 кундан кам бўлмаган резидентлик визасининг асл

нусхасини тақдим этишдаги енгилликлар ўз-ўзидан хорижий давлатлар фуқароларининг Ўзбекистон Республикасига турист сифатида кириб келишлари сонининг ошиши баробарида Ўзбекистон Республикасида ички туризмни ривожлантириш борасида ҳам амалга оширилган бир қатор ишлар натижасида сўнгги йилларда ташқи ва ички туристлар сони уч баробарга ошишига олиб келди.

Туризм тўғрисида 60 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш орқали хорижий туристлар сони 2016 йилдаги 2,0 миллиондан 2019 йилда 6,7 миллионгача кўпайди.

БМТ ҳузуридаги Жаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) маълумотиغا кўра, Ўзбекистон 2019 йилда энг яхши ривожланаётган туристик йўналишига эга мамлакатлар бешталигига киритилди ва «The Guardian» нашри томонидан дунёнинг энг яхши сайёҳлик йўналиши деб тан олинди.

Испаниянинг Мадрид шаҳрида Жаҳон туризм ташкилотининг (ЮНВТО) 24-сессияси доирасидаги овоз бериш яқунларига кўра, ушбу нуфузли анжуманни 2023 йилда ўтказиш жойи Самарқанд шаҳри танланиши ҳам бежиз эмас.

Бу эса ўз навбатида, хавфсиз туризмни таъминлашни тақозо этиши баробарида, ички ишлар органларида олиб борилаётган ислохотлар натижасида туристлар ҳаракатланадиган жойлар ва туристик объектларда жамоат тартибини сақлаш ва бошқа бир қатор вазифаларни бажарувчи янги тузилма яъни, хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси ва уларнинг жойлардаги тизимлари ташкил этилди.

Бошқарманинг хизмат вазифалари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда амалга ошириши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди. Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланди, моддий-техника базаси янгиланди ҳамда тизимга бир нечта хорижий тилларда гаплаша оладиган ёшлар ишга қабул қилинди.

Мамлакатимизнинг ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислохотлар Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги ҳамда давлат келажаги учун жонкуяр, олижаноб, ўз хизмат бурчини сидқидилдан бажарадиган фидойи, виждонли ходимларни тарбиялаб етиштириш вазифасини кўймоқда. Чунки, бугунги мураккаб шароитда ички ишлар органлари ходимларининг халқ олдидаги нуфузини кўтариш, уларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш шу жумладан, хавфсиз туризмни таъминлаш бевосита ана шу ислохотлар самарасига боғлиқ.

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПАТРУЛЬ-ПОСТ ХИЗМАТИ САФ
БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА
ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА «ХУҚУҚ ТАРТИБОТ
МАСКАНЛАРИДА»ГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

Бугунги кунда ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди.

Маҳалаларда ва йирик объектларда, бозорлар жамоат жойларида патруль-пост хизмати ходимларининг ўрни ва роли бекиёсдир.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони қабул қилинганлиги бу борадаги хизматнинг тизимли ташкил этилишига замин яратилди¹.

Ушбу Фармон айнан:

- «республика - вилоят - туман - маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилганлиги ;

- ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга қаратилганлиги аҳамиятлидир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сонли Фармони.

Патруль-пост хизмати ходимларининг фаолиятларини амалга оширилишини қуйидаги икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

- Биринчи йўналиш: одатий (кундалик) шароитда;

- Иккинчи йўналиш: алоҳида шароитда.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашишнинг алоҳида шароитлари деганда, одамлар ҳаёти ва соғлиғи, моддий ва маданий кадриятлар учун хавфлилик даражаси катта бўлган муайян ҳолатларда юзага келадиган ҳамда ички ишлар органларидан ҳуқуқий ва ташкилий хусусиятга эга махсус чоралар кўришни талаб қиладиган шароитлар тушунилади.

Мазкур шароитлар турли хил фавқулодда вазиятларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ¹. Шунингдек, тинчлик вақтида жамоат тартибини ва хавфсизлигини сақлашнинг алоҳида шароитларига катта оммавий тадбирлар ўтказилиши ҳам киради.

Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг алоҳида шароитларда фаолиятини амалга оширилишини шартли равишда қуйидаги учта йўналишга бўлган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: биринчи йўналиш: оммавий ва маданий тадбирларни ўтказиш вақтида; иккинчи йўналиш: оммавий тартибсизликлар ва жамоат тартибини гуруҳий бузилишининг олдини олиш ҳамда бартараф этиш жараёнида; учинчи йўналиш: фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳолатларда.

Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари зиммасига юклатилган жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифаларининг таҳлилидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, юқорида келтирилган йўналишлардаги шароитларда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари бири-биридан мутлақо фарқ қиладиган вазифаларни амалга оширадilar.

Бугунги кунда оммавий тадбирлар аҳолининг ижтимоий фаоллиги ва бўш вақтини ўтказишининг кенг ёйилган шаклларида бири ҳисобланади ҳамда шахснинг сиёсий ҳаёт, спорт, маданият, санъат ютуқларидан бевосита баҳраманд бўлиш эҳтиёжини қондиради.

Оммавий тадбирларнинг турлари ва уларни ўтказиш тартибига тўхталишдан аввал, унинг луғавий маъносига алоҳида эътибор қаратсак. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «оммавий», «оммавий-маданий», «оммавий-сиёсий» сўзларининг моҳиятига, «оммавий - оммага, кўпчиликка оид; кўпчилик томонидан ёки омма орасида бажариладиган оммавий иш; оммавий ҳаракатлар», «оммавий-маданий – омма ўртасида ўтказиладиган маданий ишларга оид, шундай ишларни амалга оширадиган», «оммавий-

¹ Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев ва бошқ.; масъул муҳаррир Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2014. Б. 371.

сиёсий - омма ўртасида ўтказиладиган сиёсий ишларга оид, шундай ишларни амалга оширадиган», деб изоҳ берилган.

Демак, Ўзбекистон Республикасида оммавий тадбирлар ўтказилишининг ҳуқуқий асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий тадбирларни ўтказиш коидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги (2019 йил 4 июлдаги 559-сон) қарориди «оммавий тадбирлар» тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унда «100 ва ундан кўп кишиларнинг иштирокида ижтимоий-сиёсий (анжуманлар, конференциялар, йиғилишлар ва бошқалар), маданий-оммавий ва кўнгил очар томоша дастурлари (муסיқий, адабий ва бошқа фестиваллар, концерт, театр, спорт, реклама тадбирлари, халқ сайллари, цирк, миллий намоишлар ва ўйинлар, кўрик-танловлар ва бошқалар), шунингдек умумхалқ, диний, касб байрамларини ўтказиш мақсадида оммавий тадбирни ўтказиш объектида ташкил қилинадиган фуқароларнинг биргаликда қатнашишлари» тушунилади.

Оммавий тартибсизликлар ва жамоат тартибида гуруҳий бузилиш юзага келганда унинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича патруль-пост хизмати саф бўлинмалари одатий (кундалик) шароитдаги ёки оммавий ва маданий тадбирлар ўтказиш вақтидаги вазифалардан мутлақо фарқ қиладиган вазифаларни амалга оширадilar. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифаларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, фикримизча патруль-пост хизмати саф бўлинмалари оммавий тартиббузарликлар ва жамоат тартибини гуруҳий бузилишининг олдини олиш ҳамда бартараф этишни қуйидагиларни амалга ошириш орқали бажарадилар: а) оммавий тадбирлар ўтказиладиган ва одамлар гавжум бўладиган бошқа жойларда вазиятни атрофлича ўрганиб чиқиши, жамоат тартибини гуруҳий бузилишига олиб келувчи барча ҳаракатларга эътибор бериши, б) жамоат тартибини гуруҳий бузилиши мумкин бўлган фуқароларнинг хабарлари бўйича зудлик билан тегишли чораларни кўриши, қонунбузарларга уларнинг хатти-ҳаракатлари оғир оқибатларга олиб келишини тушунтириши ва қонунбузарликни тўхтатишларини талаб қилиши, тартибсизликлар рўй беришининг олдини олиш учун уларнинг ташкилотчиларини ушлашда вазиятдан келиб чиққан ҳолда қатъий ва моҳирона ҳаракат қилиш; в) белгиланмаган вақтда ва белгиланмаган жойларда, айниқса оммавий тадбирлар ўтказиладиган ҳудудларда спиртли ичимликлар билан савдо қилишининг олдини олиши, истироҳат боғлари, тадбир ўтказиладиган объектларнинг маъмурияти билан бирга ушбу жойларга мастлик ҳолатидаги шахсларни киритмаслик, объектларда ва улар атрофида спиртли ичимликлар истеъмол қилинишига йўл қўймаслик чораларини кўриш; г) оммавий тадбир ўтказиладиган объектларнинг маъмурияти, тадбир ташкилотчилари ва

бошқа мансабдор шахслар томонидан нарядларнинг жамоат тартибини таъминлашга доир асосли талабларини бажарилмаётганлиги ҳақида зудлик билан ҳудудий ИИО навбатчисига ва «маҳалла ҳуқуқ тартибот масканларига» профилактика (катта) инспекторига хабар беради ҳамда улар билан ҳамкорлик қилади.

Шу билан бирга, юридик адабиётларда фавқулодда ҳолатлар билан боғлиқ айрим тушунчаларга ҳам қуйидагича таърифлар берилган, Жумладан; **фалокат (авария)** – халқ хўжалиги ёки транспортда юз берган, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирадиган ёхуд ишлаб чиқариш биноларининг бузилишига, асбоб-ускуналарнинг, механизмлар, транспорт воситалари, хом-ашё ва тайёр маҳсулотининг шикастланиши ёки йўқ қилинишига, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнининг бузилишига олиб келадиган ҳодиса;

халокат (катастрофа) – халқ хўжалиги объектида ёки транспортда юз берган, одамларнинг қурбон бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, ёхуд катта миқдордаги моддий бойликларнинг бузилиши ёки йўқ қилинишига олиб келадиган йирик фалокат;

эпидемия – одамлар юқумли касалликларининг муайян ҳудудда ушбу жой учун хос бўлган касалликларнинг одатдаги даражасидан ортиқ даражада оммавий тарзда борган сари кўп тарқалиб бориши;

эпизотия – бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча турга кирувчи кўплаб ҳайвонлар орасида муайян ҳудудда ушбу жой учун хос бўлган касалликларнинг одатдаги даражасидан ортиқ даражада тарқалиши.

Фавқулодда вазиятларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг нормал жараёнини ишдан чиқарувчи ҳамда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашни жуда қийинлаштирувчи алоҳида тоифасини табиий офатлар, катта саноат ва транспорт объектларида фалокат ва халокатлар юзага келиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар, шунингдек санитария-эпидемиология соҳасидаги фавқулодда ҳодисалар ташкил этади. Улар кўпинча одамларнинг қурбон бўлиши, катта моддий зарар етказилиши ҳамда жиддий ижтимоий-экологик оқибатлар билан кечади. Фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши ички ишлар органлари фаолиятини алоҳида шароитда ташкил этишга сабаб бўлади. Бугунги кунда патруль-пост хизмати фаолиятларини замонавий қиёфасини шакллантириш борасида бир қатор тизимга янгиликлар киритилмоқда.

Жумладан; Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони қабул қилинганлиги бу борада амалга оширилаётган ишларнинг тизимли ташкил этилишига янги босқич бўлди.

Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш

ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «**Халқ манфаатларига хизмат қилиш**» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифаси юклатилди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти қуйидаги асосий тамойилларга таянган ҳолда амалга оширилиши белгиланди:

қонунийлик;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш;

очиқлик ва шаффофлик;

жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларининг устуворлиги;

жамоат хавфсизлигини таъминлашда барча ваколатли тузилмаларнинг ҳаракатлари изчиллиги ва бирдамлиги.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат идоралари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширилиши белгиланди ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинувчи куч ва воситаларнинг ҳаракатлари ўзаро изчиллик ва бирликка асосланади ҳамда бу борадаги фаолиятда зиддиятларга йўл қўйилмайди.

Ушбу фармон билан жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи субъектлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилди¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сонли Фармони.

Бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва фуқаролар жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектларга киради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли идоравий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади ва жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда жамоат жойларида, шу жумладан йўлларда, транспорт ва туризм инфратузилмаси объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган барча куч ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ташкилий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;

Шунингдек, фуқаровий ҳамда хизмат қуроли ва унинг ўқ-дорилари муомалада бўлиши соҳасига доир қоидалар ва тартибга, ушбу соҳадаги лицензия ва рухсат беришга оид талаблар ҳамда шартларга риоя этилишини таъминлайди ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш вазифалари юклатилган.

Жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг комплекс, тизимли таҳлилини олиб боради, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар, кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ва тавсиялар киритиб бориши билан боғлиқ вазифалар юклатилган.

Патруль-пост хизмати ходимлари кунлик хизматларини МХТМнида амалга оширади ва профилактика катта инспекторига амалга оширган ишлари юзасидан иш якуни бўйича маълумотлар тақдим этиб боради.

амоат хавфсизлигини таъминлаш амоат йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда профилактика инспектори ва йўл-патруль хизмати ҳамкорлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амоат хавфсизлиги хўжалик автомобиль йўллари

Ҳозирги кунда сайёрамизнинг кўплаб давлатларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва аниқлаш, шунингдек, ушбу ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларини, уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш долзарб муаммолардан бири эканлиги барчамизга маълум. Шу сабабли, аксарият давлатларда жамоат хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш фаолияти билан боғлиқ бўлган ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида, янги замонавий услублар ва технологиялар амалиётга жалб қилинмоқда.

Мамлакатимизда ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ҳамда белгиланган ушбу тадбирларнинг мантиқий давомийлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон Фармони билан жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини тартибга солишга қаратилган бир қатор янги амалга оширилиши керак бўлган вазифалар ва тадбирлар белгилаб берилди.

Бу эса ўз ўрнида, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартибларини жорий этишга, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлигини амалга оширишни янги тизимини шакллантириш учун асос бўлди. Энг асосийси, ушбу Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси» тасдиқланган. Концепциянинг **асосий мақсади**: Жамоат хавфсизлиги департаменти таркибидаги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, Пробация хизматларининг жамоат

тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятида ўзаро ҳамкорликни тизимли йўлга қўйишга қаратилган.

Жамоат хавфсизлигини сақлаш ва таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда п олдин, қўйидаги асосий тушунчаларга таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб билдик.

жамоат хавфсизлиги – жамиятнинг қонунга ҳилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш – давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизимдир;

жамоат жойи – жамоат жойларида, шу жумладан кўчаларда, майдонларда, истироҳат боғларида, транспорт магистралларида, вокзалларда, аэропортларда, шунингдек, оммавий тадбирларни ўтказиш жойлари жамоат жойлари ҳисобланади.

ҳуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир;

йўл ҳаракати – одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи.

йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати

транспорт воситаси – одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма.

хўжалик автомобиль йўллари – давлат ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкидир. Технологик мақсадларга хизмат қиладиган йўллар, шахобча, хизмат, патруль ва бошқа шунга ўхшаш автомобиль йўллари хўжалик автомобиль йўллари жумласига киради.

Ўзбекистон Республикасида йўл-патруль хизмати ходимларининг профилактика инспекторлари билан ҳамкорлиги жамоат тартибини сақлаш, кўча ва жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жиноят содир этган шахсларни, улар ҳаракатланаётган транспорт воситаларини аниқлаш, ушлаш ҳамда террорчилик-қўпоровчилик ҳаракатларига қарши курашиш борасида юклатилган вазифаларни бажаришда ўзаро амалий бир-бирига ёрдам кўрсатиш орқали таъминланади. Ички ишлар вазирлиги тизимидаги ушбу хизматларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби ва йўналишлари 2018 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 168-сонли буйруғи ҳамда ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сонли буйруғи ва 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191-сонли буйруқлари билан белгилаб берилган.

Йўл-патруль хизмати ходимлари белгиланган дислокация бўйича хизмат ўташ вақтида қўйидаги ҳолатларда профилактика инспектори билан ҳамкорликда ишни ташкил қилиши мумкин:

- жамоат тартибини сақлаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини ҳамкорликда фаолият ташкил қилинганда;
- тезкор вазият юзага келганда ва доимий равишда ўзаро ахборот алмашуви зарур бўлганда;
- ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этишда, жиноят содир этган шахсларни ва улар ҳаракатланаётган транспорт воситаларини ушлашда ёки зарарсизлантиришда;
- оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш давомида жамоат тартибини сақлашда;
- халқаро, республика миқёсидаги муҳим оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш вақтида;
- қўшимча равишда, шунингдек кучайтирилиши лозим бўлган пост ва нарядлар ташкил қилинганда;
- пиёдалар ва транспорт воситаларининг ҳаракатини чеклаш зарурати туғилганда;
- олиб қочилган, ўғирланган ва йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, воқеа жойидан яширинган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини қидируви эълон қилинганда;
- пиёдани ёки ҳайдовчини шахсини аниқлаш зарур бўлган ҳолатларда;

- ҳуқуқбузарлик ва жиноятга алоқадор маълумотлар бўлганда ҳудудда мавжуд фото, видео мосламаларини текшириш зарурати юзага келганда ва бошқа ҳолатларда йўл-патруль хизмати ходимлари, профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ишни ташкил қилишлари мумкин. Шу билан бирга, йўл-патруль хизмати ходимлари транспорт воситасини текшириш вақтида мавжуд юкларни ёки бошқа мол-мулкларни ташилиш вақтида, юкнинг ҳақиқий эгасини аниқлаштириш мақсадида ҳам профилактика инспекторларига мурожаат қилишлари мумкин.

Профилактика инспекторлари ўз хизмат фаолиятида йўл-патруль хизмати ходимлари билан қўйидаги ҳолатларда ҳамкорликда ишни ташкил қилиш мумкин:

- транспорт воситасининг ҳайдовчиси маст ҳолатда эканлиги профилактика инспекторлари томонидан аниқланганда;

- маҳалладаги мавжуд мактаблар, мактабгача бўлган таълим муассасаларининг кириш жойларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда;

- маҳалла ички кўчаларида ҳаракатланиш қоидаларини бузган ҳайдовчиларга чора кўришда;

- тунги патруль нарядлари ташкил қилинганда ва ҳуқуқий тарғибот ўтказишда ва бошқа ҳолатларда ҳамкорликда фаолият юритишлари мумкин.

Бугунги кунда ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш бўйича тизимли фаолиятнинг йўлга қўйилиши ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий, инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш бўйича «Хавфсиз хонадон» ва «Хавфсиз ҳовли» тизимининг амалиётга жорий этилиши нафақат профилактика инспектори билан йўл-патруль хизматининг, балки ички ишлар органларининг тегишли барча соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Сабаби, янги амалга оширилаётган ислохотнинг асл мақсади ҳам ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга йўл қўйилаётган сабаб ва шароитлар аниқланиб, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида мувофиқлаштириб боришни ва камчиликларни шу жойнинг ўзида бартараф қилиш асосий вазифа сифатида белгиланган. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолияти босқичма-босқич тизимли равишда амалга оширилмоқда, бу эса юртимиздаги ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликни олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашда ўз самарасини беради, албатта.

Олиб борилаётган ислохотлар натижасида профилактика инспекторлари кўриб чиқиши мумкин бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар рўйхати янада кенгайтирилди. Жумладан, эндиликда, профилактика инспекторлари:

- ҳайдовчиларнинг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни;

- вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш тўғрисидаги ишларни;

- Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-модданинг биринчи қисми (болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик);

- Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47–3-модда (Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш);

- Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 114-модда (Темир йўл транспортидан фойдаланиш қоидаларини бузиш);

- 147-модданинг биринчи қисми (Йўлларга, темир йўлдан ўтиш жойларига, йўл ҳаракатини тартибга солувчи бошқа иншоотлар ёки техник воситаларга шикаст етказиш, шунингдек йўл ҳаракатига қасддан, шу жумладан йўл қопламасини ифлослантириш йўли билан ҳалал бериш, худди шунингдек, автомобиль йўллариини ўзбошимчалик билан қазиб, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўллариини сақлаш қоидаларини бузиш);

- 148-модда (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш);

- 188²-модда (Вояга етмаган шахснинг кўнгилочар (дам олиш) жойларда тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш билан боғлиқ ишларни профилактика инспектори кўриб чиқишлари мумкин. Ушбу вазифаларни бажаришда профилактика инспектори албатта, бошқа давлат органлари ва шу билан бирга ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан доимий равишда ҳамкорликда ишларни ташкил қиладилар.

Ҳар бир шахс гумонланувчи, гувоҳ, ҳолис, жабрланувчи ёки айбдор сифатида ишга жалб қилиниши мумкин. Мана шундай ҳолатда шахсни яшаш жойига (доимий ёки вақтинчалик) соҳавий хизматлар ёки бошқа давлат органлари ходимлари борганда профилактика инспектори билан ҳамкорликда фаолият юритишлари керак бўлади. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда, шунингдек жамоат тартибини сақлашда барча чора-тадбирлар белгиланган тартибда тизимли ва ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳолда ташкил қилиниши ўзининг юқори самарасини бериш билан бирга, ҳуқуқбузарликни ва жиноятни сабаб шароитларини ўз вақтида аниқлаб, ўрганиб чиқиб, тўпланган маълумотлар келгусида чора-тадбирлар белгилашда дастури амал бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т.: Адолат, 2018. 519 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда 10 апрелдаги ЎРҚ-348-сонли «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуни // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. //lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон қарори;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3127-сон қарори. //lex.uz.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сонли қарори. //lex.uz.

7. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011 йил 31 майдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасига талон бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисида»ги 68-сонли буйруғи.

8. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 20 июнда «Йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 168-сонли буйруғи

9. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сонли буйруғи

10. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191-сонли буйруғи.

*А.С. Вахидов.,
У.Э.Расулев*

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ: ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУНИ

Аннотация. Мақолада «хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчаси ва унинг мазмуни, хуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишларининг моҳиятини ёритиш асоси очиб берилган. «Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасини таҳлил қилиниш асосида унинг муаллифлик таърифиди ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: хуқуқбузарликлар профилактикаси, хуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишлари, «хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчаси.

О понятии «индивидуальная профилактика правонарушений» и его содержании

Аннотация. В статье освещены понятие и содержание «индивидуальной профилактики правонарушений», его направления на основе анализа понятия «индивидуальной профилактики правонарушений», разработанное авторское определение.

Ключевые слова: профилактики правонарушений, направления профилактики правонарушений, понятие «индивидуальной профилактики правонарушений».

On concept and content of «individual crime preventions»

Annotation: The article deals with concept and content of «individual crime preventions», its directions, it analyzes the concept of «individual crime preventions» and author's proposal on improvement of it has been revealed.

Key words: crime preventions, directions of crime preventions, concept of «individual crime preventions», content of «individual crime preventions».

Сўнгги йилларда хуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари, тушунчаси ва мазмун-моҳияти илмий изланувчиларда назарий ва амалий жиҳатдан катта қизиқиш уйғотмоқда. Хуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳар бир тури бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Адабиётлар ва қонун ҳужжатларида ҳанузгача «хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчаси, унинг мазмуни ва чоратадбирлари тизими ҳақида бир тўхтамга келинмаган. Бунга қуйида келтирилган таҳлил ва хулосалар асосида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май куни қабул қилинган «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 28-моддасида илк бор «хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасига «хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга

тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти» сифатида таъриф берилган бўлса-да, профилактиканинг мазкур тури 2010 йил йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунда «якка тартибдаги профилактика иши» тушунчаси қўлланилиб, мазкур йўналишдаги ишни ташкил этиш учун қонунда алоҳида боб ажратилган.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси»ни ҳамда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг «якка тартибдаги профилактика иши»ни тартибга солувчи нормалари мазмуни таҳлил қилинганида, ушбу ўзаро ўхшаш икки тушунча ўртасидаги қуйидаги фарқли жиҳатлар кўзга ташланди:

биринчидан, «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасида профилактиканинг ушбу тури қайси субъектлар томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлса, «якка тартибдаги профилактика иши» тушунчасида масаланинг ушбу жиҳати эътибордан четда қолган;

иккинчидан, «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси»да объект сифатида «ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар» назарда тутилган бўлса, «якка тартибдаги профилактика иши»да «ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар» келтириб ўтилган;

учинчиси, «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси»да фаолиятнинг мазмуни объект доирасига кирувчи шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишдан иборат бўлса, «якка тартибдаги профилактика иши»да объект ҳисобланадиган шахсларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлар содир этишининг олдини олиш эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Эътибор берилса, ҳар иккала тушунчанинг мазмуни ҳам муайян доирадаги шахслар билан индивидуал тартибда ишлашни ифодалайди. Аммо улар ўртасидаги боғлиқлик, узвийлик ва тизимлилиқни кўриш қийин. Чунки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асоси ягона бўлиб, фақат вояга етмаганлар билан ишлашга доир қисмигина алоҳидалиқ ва ўзига хосликка эга бўлмоғи лозим. Бу каби ёндашувни жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчиликларида ҳам кузатиш мумкин.

Демак, «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» умумий тушунча бўлиб, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ушбу тушунчанинг назарий-ҳуқуқий асосларига таянган

ҳолда ҳамда алоҳидалик ва ўзига хослик асосида шакллантириш лозим бўлади.

Бунинг учун эса, авваламбор, «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасининг моҳияти ва мазмунини назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ очиб бериш талаб этилади. Чунки, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасида «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасига берилган таъриф орқали ушбу турдаги профилактиканинг мазмун-моҳияти етарли очиб берилмаган. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

биринчиси, ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг субъекти сифатида фақат «ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар» келтирилиб, субъектлари доираси сунъий равишда чегараланган;

иккинчиси, ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг субъектлари каби объектлари доираси ҳам чегараланган. Бу борада ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг объектлари тариқасида фақат ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар келтириб ўтилган. Ваҳоланки, ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларнинг ҳам ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикаси объектларидан бири ҳисобланиши мантиқан ўринлидир. Зотан, «виктимологик профилактика нафақат, умумий ва махсус, балки якка тартибда ҳам амалга оширилиши мумкин»¹;

учинчиси, ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг мақсади, вазифалари ва ўзига хос жиҳатлари етарли ёритилмаган.

«Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасига берилган таърифда мазкур тадбир мазмуни ва моҳиятининг етарли очиб берилмаганлигини МДХга аъзо давлатларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунчилигида ҳам кузатиш мумкин. Масалан:

1) «Хуқуқбузарликларга қарши курашишнинг якка тартибдаги профилактикаси шахслар ёки алоҳида тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқий онгига ва хатти-ҳаракатларига мунтазам таъсир кўрсатиш, шунингдек, улар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш, такроран содир этилишига йўл қўймаслик учун қўлланилади»² (*Қозоғистон Республикаси*);

¹ Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 40 б.

² Закон Республики Казахстан от 29 апреля 2010 г. №271-IV ЗРК «О профилактике правонарушений» // www.online.zakon.kz.

2) «Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси Федерал қонуннинг 24-моддаси 2-қисмида кўрсатилган хуқуқбузар шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш, уларнинг хатти-ҳаракатларига салбий таъсир этадиган омилларни бартараф этиш, шунингдек, хуқуқбузарликлардан жабрланган ёки жабрланиш хавфи юқори бўлган шахсларга ёрдам беришга қаратилган фаолиятдир. Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси хуқуқбузарликлар профилактикасининг махсус чораларини қўллаш орқали амалга оширилиши мумкин»¹ (*Россия Федерацияси*);

3) «Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси – хуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг Беларусь Республикаси фуқароси, чет-эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга (бундан буён ушбу қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фуқаро) тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали улар томонидан хуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслиги учун ушбу қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолияти»² (*Беларусь Республикаси*);

4) «Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш бевосита хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мутлақ ваколати ҳисобланади.

Якка тартибдаги профилактика илгари хуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган шахсларга, шунингдек, ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори билан хуқуққа хилоф ҳаракатлар содир этишга мойил бўлган шахсларга таъсир этиш билан боғлиқ фаолият»³ (*Қирғизистон Республикаси*).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон, Қозоғистон, Беларусь, Қирғизистон Республикаларининг хуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонунчилигида хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси объектлари сифатида асосий эътибор хуқуқбузарлик содир этган ва содир этишга мойил шахсларга қаратилган. Фақатгина, Россия Федерациясининг қонунчилигида хуқуқбузарликлардан жабрланган ёки жабрланиш хавфи юқори бўлган шахслар ҳам назарда тутилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, фикримизча, «хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасига бериладиган таърифда якка тартибдаги профилактиканинг субъекти, объекти, мақсади, вазифалари ва ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш лозим.

Шу тариқа, «хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасига қуйидаги мазмунда янги таъриф бериш мақсадга мувофиқ:

¹ Федеральный Закон Российской Федерации от 23 июня 2016 г. №182-ФЗ «Об основах системы профилактики правонарушений в Российской Федерации» <https://mvd.ru/document>.

² Закон Республики Беларусь от 4 января 2014 г. №122-З «Об основах деятельности по профилактике правонарушений» // <https://www.pravo.by>.

³ Закон Кыргызской Республики от 25 июня 2005 г. № 82 «О профилактике правонарушений в Кыргызской Республике» // www.cbd.minjust.gov.kg.

«Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси – хуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга индивидуал тарбиявий таъсир кўрсатиш, уларнинг хатти-ҳаракатларига салбий таъсир этадиган омилларни бартараф этиш, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган ҳамда хуқуқбузарликлардан жабрланган ёки жабрланиш хавфи юқори бўлган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришга қаратилган фаолиятдир».

Хуллас, хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси профилактик чора-тадбирларнинг манзилли йўналтирилиши, таъсирчанлиги ва индивидуаллигини таъминлайди. Бироқ, М.Ж.Эшназаров таъкидлаганидек, ушбу чора-тадбирлар пухта ўйланиб, мантиқ қонунларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилса ҳамда белгиланган тартиб ва профилактик-тактик жиҳатларга риоя қилган ҳолда амалга оширилгандагина, кўзланган натижа ва самарадорликка эришиш мумкин бўлади¹.

Ўйлаймизки, мақолада илгари сурилган таклиф ва тавсиялар *биринчидан*, «хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасининг мазмун ва моҳиятини ойдинлаштиришга; *иккинчидан*, хуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг профилактик-тактик жиҳатларини шакллантиришга; *учинчидан*, хуқуқбузарликлар профилактикасига доир норматив хужжатларни такомиллаштириш йўналишларини белгилаб олишга; *тўртинчидан*, хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси амалиётини тўғри ва самарали ташкил этишга хизмат қилади.

¹ Эшназаров М.Ж. «Хуқуқбузарликлар махсус профилактикаси» тушунчасининг мазмуни тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – Т., 2019. № 1. – 50 б.

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Маълумки, виктимология жиноят қурбонининг характери ва хулқ-атворини, жиноятчи билан жиноят содир этилгунга қадар, жиноят пайтида ва жиноят содир этилгандан кейинги алоқалари ва ўзаро муносабатларини тадбиқ этади. Индивидуал жинойи хулқ-атворнинг сабабият назариясида виктимологик жиҳат таъсирини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Негаки, виктимология жиноятчини жабрланувчи билан боғлаб турган муносабатларини ўрганади.

Бундан кўзланган мақсад ушбу муносабатлар жиноят содир этишининг шарт-шароитларини вужудга келтиришда қандай даражада аҳамиятга эга эканлигини, жиноятчининг ҳаракатлари, унинг мотивини англаб етишдир. Бундан ташқари, виктимология жиноят содир этишдан олдин бўлган ва жиноят пайтидаги вазиятларни ўрганиб чиқади. Бу эса, виктим ахлоқнинг мотивлари қандай эканлигини ҳамда ушбу вазиятда жабрланувчининг хулқи қанчалар криминал аҳамият касб этганлигини англаб етишдир.

Виктимологик профилактикани амалга оширишда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш, уларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, хавфсизлик чораларини кўриш, шунингдек фуқароларга ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш, қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш ҳам шахснинг жиноятлардан жабрланишини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўтказилган тадқиқот натижалари таҳлилларининг кўрсатишича, жиноятдан жабрланган шахсларнинг хулқи кўплаб ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этилишига замин яратади:

а) вазият ҳолатининг ўзига хосликлари, соғлиғининг ҳолати, ҳис этиш органларидаги нуқсонлар, одатдаги вазиятларда ноадекват ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ алоҳида руҳий ҳолат;

б) ўз шахси, ор-номуси, обрў-эътибори хавфсизлигига эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш;

в) ўзига нисбатан содир этилган зўрлик, тажовуз, тан жароҳатлари ва жиноят тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бермаслик;

г) иғво (провакация) қилувчи хулқ-атвор¹.

Виктимологик профилактика оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ундан жабрланувчи шахсларнинг виктимлигини

¹ Муродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. И.Исмаилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 96 б.

камайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда муҳим профилактика йўналиш ҳисобланади.

Маълумки, шахснинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланишига олиб келувчи субъектив омиллар унинг жисмоний, психологик, ижтимоий белгилари ва аломатлари билан ажралиб туради ҳамда ҳар қандай шахснинг муайян турдаги ҳуқуқбузарликлардан жабр кўришига сабаб бўлади. Айрим тадқиқотларда ҳуқуқбузарликлардан жабрланишга олиб келувчи ҳаракатсизлик, пассивлик, ҳиссиётга берилиш каби субъектив хулқ-атворни ўрганиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган¹. Баъзи ҳолларда, жабрланувчиларнинг муайян ҳаракатсизлиги жиноятчини жабрланувчига нисбатан жиноят содир этишига туртки берган².

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган айрим тоифадаги шахсларни аниқлаб, уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш назарда тутилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасининг мазкур тури бошқаларидан шуниси билан фарқ қиладики, бунда шахс, жамият ёки давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатар ва таҳдидлар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан махсус тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Жумладан, ҳудудий профилактика (катта) инспектори ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган махсус виктимологик аҳамиятга эга бўлган тезкор-профилактик тадбирларда иштирок этади ва ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик чоратадбирларини ўзига берилган ваколат доирасида амалга оширади.

Профилактика хизматларининг асосий фаолият йўналишларидан бири бўлган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини самарали ташкил этиш ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат ҳокимияти органлари ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоатчилик тузилмалари вакиллари, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали таъминланади.

Профилактика хизматларининг айнан ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятида ҳамкорликнинг қуйидаги икки шакли фарқланади:

¹ Худик В.А., Шигашов Д.Ю. Детерминирующие факторы виктимного поведения у детей и их клинико-психологические последствия // Вестник. – М., 2013. – С. 28.

² Сорокотягина Д.А. Виктимологический анализ при расследовании преступлений // Криминалистическая виктимология. – Иркутск, 2015. – С. 34.

1) ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасида ҳамкорликнинг амалий шакли – бу ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг манфаатларига хавф солувчи хатарлар ва тажовузларни бартараф этишга қаратилган, асосан хизмат кўрсатишда ифодаланадиган фаолиятидир.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси мазкур турининг бошқаларидан фарқи шундаки, унда жисмоний ва юридик шахсларга ўзаро тузилган шартномаларга кўра, тўлов асосида хизматлар кўрсатилади.

2) ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича ҳамкорликнинг ахборот алмашинуви. Бунда профилактика хизматларининг ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат ҳокимияти органлари ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоатчилик тузилмалари вакиллари, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан маълум бир ҳуқуқбузарликлар бўйича жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган муайян шахсни аниқлаш, жабрланувчининг шахсини, ҳуқуқбузарлик содир этилишидаги ўрни ва ролини, жабрланишнинг сабаби ва унга имкон берган шарт-шароитлар, маъмурий ҳудудда кўп содир этилаётганлиги ёки ижтимоий хавфи ошиб бораётган ҳуқуқбузарликлар ёхуд маълум бир тоифадаги шахсларнинг жабрланиш кўрсаткичининг тобора ошаётганлиги билан криминоген вазият барқарорлигига таҳдидлар кучайган ҳолларда, маълум бир турдаги ҳуқуқбузарлик ҳамда жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган маълум бир тоифадаги шахслар тўғрисида ва улар бўйича бошқа маълумотлар тўғрисида ўзаро ахборот алмашади.

Жиноятдан жабрланувчилар билан боғлиқ муаммоларни фақат муҳокама қилиш билан чегараланмасдан, аҳолини виктимологик профилактика мазмунида тарбиялашни давлат дастурлари даражасида кенг миқёсда амалга ошириш лозим¹. Агарда виктимологик профилактикага алоҳида ёндашиб, бу борадаги муаммолар ўз ечимини топмас экан, унда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигига етарлича эришиб бўлмайди.

Шу боисдан, 2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар, жумладан, ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши зарур бўлган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари аниқ белгилаб берилган.

¹ Волкова Т.Н. О значении нравственности в предупреждении женской преступности // Предупреждение преступности. – Алмата, 2003. – №1 (5). – С. 66.

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича қуйидаги чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини самарали ташкил этиш.

2. Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш.

3. Аҳолига ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш.

4. Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш.

5. Ғайриижтимоий ҳуқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) мунтазам равишда назорат қилиш.

6. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усулларини ўрганиш ва уларни амалиётга жорий этиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари энг аввало, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга улар иштирокида вужудга келадиган низоларни ҳал этишга ҳамда жисмоний ва руҳий хавфсизликни таъминлаш, қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситаларини ўргатиш орқали амалга оширилади¹. Виктимологик профилактика нуқтаи назардан, виктим ҳолатларнинг юзага келишини ўрганиш ва уларни аҳолига ўргатиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини қуйидаги йўналишда олиб бориш лозим:

а) ўзининг ижтимоий, моддий, жисмоний, руҳий ёки биофизиологик ҳолати билан ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли бўлган шахсларни аниқлаш, уларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, виктимологик профилактика ўтказиш;

б) оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлардан маънавий-руҳий, жисмоний ва моддий зарар кўрган шахсларни ва уларга етказилган зарар миқдорини аниқлаш ҳамда уни қоплаш чораларини кўриш, ҳуқуқбузарликдан жабрланганнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, уларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ёки тиббий ёрдам кўрсатиш;

¹ *Исмаилов И.* Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши // Ҳуқуқшунослик истиқболлари: Илмий мақолалар тўплами. Нашрга тайёрловчилар Ш.О.Мамадалиев, И.Ю.Фазилов, А.А.Аманов. – Т., –2015. – Б. 27.

в) ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атвордаги ҳамда оиласида маънавий-ахлоқий муҳитга бузувчи, шахслараро низоларни келтириб чиқарувчи фуқароларни аниқлаб, бу борадаги виқтимологик профилактика ишларини тўғри ташкил этиш;

г) ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари билан ҳамкорликда оилавий-маиший зўрликдан жабрланган, айниқса ўз жонига қасд қилишга мойил бўлганларни аниқлаш, уларнинг кайфиятини кўзғатадиган омилларни ўрганиш ва уни бартараф этиш чораларини кўриш.

Тадқиқот давомида фуқароларнинг жиноятлардан жабрланиш ҳолатларининг юқорилиги ва унга имкон берган сабаб ва шароитлар таҳлил қилинганида оила-турмуш доирасидаги низолар туфайли фуқароларнинг жабрланиш эҳтимоли юқори эканлиги аниқланди. Шу боисдан, оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикаси самарадорлигини ошириш юзасидан қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган нотинч оилаларни ўз вақтида аниқлаш, низо келиб чиқиш хавфи бўлган оилалар билан виқтимологик профилактика ишларини ташкил этиш;

ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлардан жабрланишга мойиллиги бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг зўравонликдан жабрланиш эҳтимолини камайтириш бўйича тегишли чоралар кўриш;

маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш;

ижтимоий мавқеи, физиологик ҳолати, хулқ-атвори, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфи мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан виқтимологик профилактик чора-тадбирларни қўллаш;

ҳуқуқбузарликларни содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

нотинч оилаларда яшаётган шахсларнинг зўравонликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида тушунтириш ишларини олиб бориш;

оиладаги зўравонликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифаларини аниқлаш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда зарур профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар профилактика хизматлари олдига фуқаролик

жамияти институтлари, жамоат тузилмалари ва кенг жамоатчилик билан барвақт ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бўйича ҳамкорликнинг янги усул ва шакллари ишлаб чиқишга мажбур этмоқда. Чунки, барча ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ўртасидаги ҳамкорликларда ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича асосий маълумотлар жамоатчиликдан келиб тушади. Бу эса, профилактика инспектори томонидан оила-турмуш доирасидаги қасддан одам ўлдириш ва қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларининг барвақт олдини олиш фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Ф. С. Аҳмедов

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ

**Ватанга ва халққа садоқат билан
хизмат қилиш - олий бурчимиздир.**

Ш.М.Мирзиёев

***Аннотация:** Мазкур мақолада ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратсиз ва қаровсиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар, назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни марказларга қабул қилиш, рўйхатга олиш ва сақлаш тартиби белгилаб берилган ҳамда инспектор психологларнинг Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилишида уларда юқори масъулият ҳиссини шакллантириш, экстремал ҳолатларда мустақил қарорлар қабул қилиш мақсадида амалдаги қонунчилик, буйруқлар, меъёрий ҳужжатларни тўлиқ ўрганиш ва улардан хизмат фаолиятида тўғри фойдаланиш, вазиятни таҳлил қилиб, баҳолаб бориши ҳамда қасамёдига содиқ бўлиши ёритиб берилган.*

***Таянч сўзлар:** Вояга етмаган, васийлик ва ҳомийлик, назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик, профилактика.*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятда барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш устувор вазифалардан бирига айланди. Ана шундай юксак мақсадларга эришиш учун истиқлол йилларидан бошлаб, юртимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар органлари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли, мазмун-моҳиятига кўра, улкан ишлар ва бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди ҳамда амалга оширилмоқда.

Ушбу ислохотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрель кунидаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 5050-сон қарорига асосан, Ички ишлар вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг «**Хавфсиз таълим муассасаси**» тамойили асосида вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича манзилли чораларни назарда тутувчи туман, шаҳар ички ишлар органлари таркибида вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог лавозимлари жорий этилиб, уларнинг бевосита хизмат ўташ жойи этиб умумий ўрта таълим муассасалари белгиланди.

Инспектор-психологлар зиммасига ҳар бир ўқувчи кесимида умумий ўрта таълим муассасаларида психологик муҳитни яхшилаш, вояга етмаганлар орасида қонун бузилиш ҳолатларига муросасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш, муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари иштирокида манзилли ишлаш вазифалари юклатилди.

Бугунги кунда ёшларимизни ҳар томонлама баркамол инсон бўлиши учун асосий қомусимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир» деб белгилаб қўйилган бўлиб, вояга етмаганларнинг таълим олиш соҳасидаги ҳуқуқларини кафолатлайди. Таълим жараёни вояга етмаганларни интеллектуал салоҳиятини, дунёқарашини ва билимини шакллантириб, унинг жамиятга фойда келтирувчи шахс сифатида шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Конституциянинг аксарият моддалари вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва манфаатлари билан боғлиқ, жумладан конституциямизнинг муқаддима қисмида ҳам бунга алоҳида урғу қаратилади, яъни, «ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда» деган иборанинг келтирилиши конституция бугунги кун нуқтаи назаридан балки келажак авлод, яъни вояга етмаганлар ёшлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда қабул қилинганлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 август кунидаги «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» 490-сон Қарорига асосан, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратсиз ва қаровсиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича фаолиятни самарали ташкил этиш, шунингдек вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш

марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида, ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларининг асосий вазифалари, функциялари, ваколатлари, улар фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқариш тартиби, назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни марказга қабул қилиш, рўйхатга олиш ва сақлаш тартиби белгилаб берилди.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги асосий тушунчалари мавжуд, яъни:

вояга етмаган – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси – вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган – вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила – ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила;

назоратсиз – ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган;

якка тартибдаги профилактика иши – ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият;

қаровсиз – аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган;

ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар – вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида,

фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

- вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик ҳуқ-атворини шакллантириш;

- ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш;

- вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш вазифалари белгилаб берилган.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;

- инсонпарварлик;

- тизимлилик;

- оилани қўллаб-қувватлаш ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

- ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг тарбиясига яқка тартибда ёндашиш принциплари кўрсатиб ўтилган.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига қуйидагилар киради:

- вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар;

- ички ишлар органлари;

- таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари;

- васийлик ва ҳомийлик органлари;

- соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;

- бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари.

Юқорида кўрсатиб ўтилган орган ва муассасалар ваколати доирасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади ҳамда ушбу йўналишда ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 4342-сонли Қарори Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси жумладан, Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Гулзоробод» маҳалласи манзилида, Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Бахт шаҳри «Тадбиркор» маҳалласи манзилида ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 октябрдаги «Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 880-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Республика ўқув-тарбия муассасаларига 14 ёшга тўлган ва 18 ёшдан ошмаган вояга етмаганлар жойлаштирилади;

Республика ўқув-тарбия муассасаларига қўйидагилар жойлаштирилади:

- ижтимоий хавfli қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўлиқ англаб етишга қодир бўлмаган;

- айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноий жавобгарликдан озод қилинган, материаллар вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга кўриб чиқиш учун топширилган бўлса;

Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган вояга етмаганлар;

якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай мунтазам равишда ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган вояга етмаганлар суд қарори асосида жойлаштирилади.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий, тиббий-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

- болаларнинг ёшига хос бўлган психофизиологик мойилликлари, қобилиятлари, қизиқишлари, болалар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш талабларига мувофиқ тарзда вояга етмаганларнинг ижтимоий мослашуви ва реабилитацияси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини шакллантиришга, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама ривожлан-

тиришга ёрдам беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш.

- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича яқка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш.

Профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш жараёнида вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ёки уларга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради. Хизмат жараёнида ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чораларини қўллаш муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олсак, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларининг роли муҳим аҳамиятга эга.

Профилактика инспектори томонидан қуйидаги тоифадаги вояга етмаганлар аниқланганда, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш чоралари кўрилади:

- назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар;

- ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасаларини ёхуд бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этганлар;

- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўн олти ёшгача бўлганлар;

- ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаганлар, агар вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш ёки улар томонидан такроран ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш зарур бўлса, шунингдек уларнинг шахси аниқланмаган ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

- маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳуқуқбузарликларни содир этганлар, агар уларнинг шахси аниқланмаган бўлса ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ҳуқуқбузарликлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

- ўзининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши тўғрисидаги масаланинг суд томонидан кўриб чиқишини вақтинча кутиб турганлар;

- суднинг ажримига кўра ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига юборилаётганлар.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштиришни талаб қилувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, профилактика инспектори вояга етмаган ички ишлар органлари ёки таянч

пунктларига олиб келиши мумкин, келтирилган пайдан бошлаб, 48 соат ичида вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш учун материалларни тайёрлаши шарт.

Профилактика инспектори вояга етмаганни Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш юзасидан қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштиради:

- профилактика инспектори томонидан васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, психолог, педагог иштирокида амалга оширилган суҳбатнинг сўров баённомаси;

- яқин атрофдаги таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари ва бошқа ташкилотлардан ёки бедарак йўқолган вояга етмаганлар бўйича суриштириш ишлари натижалари ҳақидаги маълумотнома;

- агар ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда орқада қолган вояга етмаган бўлса терговчининг қарори;

- васийлик ва ҳомийлик органларининг маълумотлари;

- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўн олти ёшгача бўлганлар учун маҳалла фуқаролар йиғинининг маълумоти ва тавсияси;

- вояга етмаганни марказга жойлаштириш бўйича ички ишлар органининг бошлиғи томонидан имзоланган илтимоснома.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни мазкур марказга жойлаштириш зарурлигини тасдиқловчи материаллар вояга етмаган топилган жойдаги ёхуд ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази жойлашган ердаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан юборилади.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ички ишлар органи уни тақдим этган пайдан эътиборан, 24 соат ичида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан ёпиқ суд мажлисида якка тартибда кўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқиладиган вояга етмаган, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг, ички ишлар органининг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт.

Суднинг вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда профилактика инспектори вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш зарурлигини асослаб бериши лозим.

Вояга етмаганни ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, судья қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

- илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисида;
- илтимосномани қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисида.

Судьянинг вояга етмаганни ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши лозим.

Профилактика инспектори суднинг ажрими билан вояга етмаганни ижтимоий хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига олиб боради ва марказ ходимлари иштирокида расмийлаштирилган далолатнома асосида топширади.

Вояга етмаганлар ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида уларни жойлаштириш учун зарур бўлган энг кам вақт давомида, лекин кўпи билан ўттиз кун бўлишлари мумкин. Истисно ҳолларда, бу муддат ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи ёки унинг ўринбосарининг илтимосномасига кўра, суднинг ажрими асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўн беш кунгача узайтирилиши мумкин.

Вояга етмаганлар масалалари бўйича бўлимларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- вояга етмаганлар ўртасида криминоген вазият тўғрисидаги ахборотни комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, мавжуд куч ва воситалардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

- ҳар бир ўқувчи кесимида умумий ўрта таълим муассасаларида психологик муҳитни яхшилаш, вояга етмаганлар орасида қонун бузилишларга муросасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш, муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари иштирокида манзилли ишлаш;

- вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;

- ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракат содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида ваколатли органларга ёки вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга тақдимнома ва таклифлар киритиш;

- вояга етмаганларни марказларга, ихтисослаштирилган таълим муассасаларига, республика ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириш учун тааллуқли ҳужжатларни тайёрлаш;

- вояга етмаганларни вазирлик ва идоралар тасарруфидаги ихтисослаштирилган таълим муассасалари (кейинги ўринларда – таълим муассасалари)га жойлаштириш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

- ички ишлар органлари таянч пунктлари (маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари)га ёхуд фуқаролар йиғинларига олиб келинган вояга етмаганлар билан профилактик тадбирларни ташкил этиш;

- вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг ҳуқ-атвorigа салбий таъсир кўрсатаётган, улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар билан профилактик тадбирларни ташкил этиш;

- вояга етмаганларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш чораларини кўриш, шунингдек, уларга оид статистик ҳисоботларни юритиш;

- етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари, республика ўқув-тарбия муассасалари ҳамда oilаларга жойлаштиришда васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорлик қилиш;

- хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шунингдек, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг вояга етмаган болаларини Ўзбекистон Республикасига қайтариш;

- вояга етмаганлар ишлари бўйича бўлимларига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган;

Шунингдек, вояга етмаганлар масалалари бўйича бўлинмалар ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- вояга етмаганлар ўртасида криминоген вазият тўғрисидаги ахборотни комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, мавжуд куч ва воситалардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш соҳасида қуйидаги ишларни амалга оширади, бунда вояга етмаганлар ўртасида криминоген вазият тўғрисидаги ахборотни комплекс ва тизимли таҳлил қилади, мавжуд куч ва воситалардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолайди ва умумлаштиради;

- ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келувчи сабаблар, шароитларни аниқлайди ҳамда бартараф этишга йўналтирилган, шу жумладан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари

билан ҳамкорликда ўтказиладиган тадбирларнинг истиқболли ва жорий режалаштирилишини ташкил этади;

- вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлар самарадорлигини оширади, куч ва воситаларни оқилона жойлаштириш ва қайта тақсимлаш бўйича таклифлар тақдим этади;

- давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни баргараф этиш, шу жумладан тегишли инфратузилмани ривожлантириш бўйича тақдимномалар киритади;

- ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда вояга етмаганларга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида маълумот-ахборот фондини шакллантириш, статистик ҳисоботни юритиш чора-тадбирларида иштирок этади.

Жумладан, ҳар бир ўқувчи кесимида умумий ўрта таълим муассасаларида психологик муҳитни яхшилаш, вояга етмаганлар орасида қонун бузилишларини олдини олиш, муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари иштирокида манзилли ишлаш, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишини барвақт олдини олиш билан бир қаторда, қонун бузилишларга йўл қўймасликлари бўйича ҳам ўз самарасини беришда яқиндан ёрдам беради.

Қолаверса, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ўз ваколатлари доирасида, вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар ўртасида санитария-гигиена билимларини кенг ёйишни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этади, вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, чекиш, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик ҳамда уларнинг ҳуқуқ-атворидаги шу билан боғлиқ нуқсонларнинг профилактикаси бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида, Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, ички ишлар органлари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бандлик ва меҳнат муносабатлари органларининг ўзаро ҳамкорликларини кучайтиришда қулайликлар яратилиши билан бир қаторда инспектор психологларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг профилактикаси бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқади, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, шунингдек ушбу тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.—Т:Ўзбекистон, 2021.;
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.;
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.;
4. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сон қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон Қарори;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5076-сон қарори;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» ПҚ-4342-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 октябрдаги «Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 880-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 август кундаги «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» 490-сон Қарори

Интернет сайтлари:

- <http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);
<http://IV JIED> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭД);
<http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, вояга етмаган болаларнинг ота-оналари учун маслаҳатлар, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда оиланинг, шунингдек, мактаб ва дам олиш масканларининг бирламчи вазифалари ёритилиб, фаолиятига таалуқли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

вояга етмаганлар криминоген вазият, ҳуқуқбузарлик

Асосий тушунчалар:

вояга етмаган бу – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс ҳисобланади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси – бу вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизимидир.

назоратсиз – бу ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган;

қаровсиз – бу аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмагандир.

Вояга етмаган болалар ва ўсмирларнинг ҳуқуқбузарликлари жуда хилма-хил бўлиши мумкин, буларга: зўравонлик, шафқатсизлик, тажовузкорлик, оғир жиноятлар, вандализмларни мисол келтиришимиз мумкин. Жиноят тўлқинида вояга етмаганлар тобора кўпроқ ўз ҳаракатларига жавоб берамаяпти, уларнинг хатти-ҳаракатлари беодоблик, тан жароҳати етказиш ёки ҳатто қотиллик содир этиш билан ажралиб туради.

Ҳар бир инсон жиноят содир этишга қодир. Аксарият ҳолларда, катталар етарлича ақлли ва ўз ҳаракатларининг натижаларини, оқибатларини олдиндан айтишга қодир, улар фуқаролик бурчини, ахлоқ қоидаларини ва жамиятда тинч-тотув яшашни бошқаради. Аммо, ўсмирлар кўпинча нафақат ўзларини, балки ҳаракатларини ҳам етарли даражада баҳолай олмайдилар. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг асосий сабаблари болалар ва ўсмирларнинг кўп ҳолларда жиноятнинг оғирлигини

англамаслиги, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни хавfli ва ҳаяжонли ўйинга ўхшаш нарса деб билишидир.

Қонунчилик даражасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлик турларини ёшига қараб белгилаган ҳолда ёш чегаралари белгиланади. Паспорт ёши ҳисобга олинадиган бўлди.

Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари учун қуйидаги маслаҳатларни беришимиз мумкин:

Ота-оналар боланинг олдида зиддиятли оилавий вазиятларга йўл қўймасликлари керак, чунки унга кескин салбий муносабатда бўлишади.

Ота-оналар ўз фарзандларига ва уларнинг ташаббусларига бағри кенг бўлишлари.

Ота-оналар фарзандларини касбдан кейин иккинчи ўринга қўймасликлари керак.

Ота-оналар фарзандларига тўғри тарбия беришлари, тўғри ҳаётий кўрсатмалар, эътиқодлар, қадриятларни сингдириш – буларнинг барчаси оиланинг асосий вазифасидир. Масъулият ва бурч туйғусини шакллантириш.

Ота-оналар эрта ёшдаги болаларнинг хатти-ҳаракатларига эътибор беришлари ва боланинг ҳайвонларга, кичик ёки катта ака-ука ва опа-сингилларга, шунингдек, тенгдошларига нисбатан шафқатсизлигининг ҳар қандай кўринишини тўхтатишга ҳаракат қилишлари керак.

Ота-оналар фарзанди ким билан мулоқот қилаётганини (оқилона чегаралар ичида) иложи борича яхшироқ билишга ҳаракат қилишлари керак, чунки тенгдошлар билан дўстона мулоқот ўсмирлик ва ўсмиринлик давридаги асосий психологик эҳтиёжлардан бири бўлиб, болага уйда нима етишмаса, у дўстларидан ўрганишга интилади.

Демак, оила жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизимининг муҳим элементи бўлиб, ёш авлодни ҳуқуқий фуқаро этиб тарбиялашда айнан **оиланинг ўрни бекиёсдир**.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш оиланинг, шунингдек, мактаб ва дам олиш масканларининг бирламчи вазифасидир. Бу борада, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳам муҳим ўрин тутаяди. Ҳали асосий ҳаётий қадриятлар ва кўрсатмаларни шакллантирмаган ёш авлод заиф бўғиндир, уни бошқариш осон, у кўпинча оқибатлари ҳақида ўйламасдан васвасаларга берилиб кетади. Қоидага кўра, эрта ёшда қоқилганлар келажакда жиноятчи бўлиш эҳтимоли кўпроқ, шунинг учун жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ёшлар билан боғлиқ бўлган барча шахслар – ота-оналар, ўқитувчилар, мураббийлар, етакчилар бўлиб, бу ҳолат уларнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Қонунга итоаткор ва баркамол ёш авлод мамлакатимизнинг асосий таянчидир.

Ҳозирги вақтда ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтириш, уларнинг ижтимоий-психологик мослашуви самарадорлигини ошириш йўллари излаш жамиятимиз олдида турган энг долзарб ва ижтимоий аҳамиятга эга вазифалардан биридир.

Ушбу муаммони имкон қадар тезроқ ҳал қилиш зарурати мамлакатда анча мураккаб криминоген вазият сақланиб қолаётганлиги, биринчи навбатда, вояга етмаганларнинг уюшган жиноятчилик соҳасига жалб қилинаётганлиги билан изоҳланади.

Вояга етмаганлар жинояти жамият учун хавфли, чунки унинг келажагига таҳдид солади. Эрта ёшда орттирилган одатлар шахснинг чуқур руҳий тушкунликка тушишига ва натижада жиноятчиликнинг кучайишига, қайталанишига олиб келади.

Ҳар биримиз одамлар орасида яшаймиз, ўз ишимизни исботлаш ёки жамиятда ўз ўрнимизни эгаллаш учун турли ҳаракатлар қиламиз. Ҳозир навқирон авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти учун кенг имкониятлар – мусиқа ва санъат мактаблари, театр студиялари, стадионлар яратилган. Аммо шундай бўладики, ўсмир ҳар доим ҳам бўш вақтини ўз манфаати учун ўтказмайди. Ўсмирлик ҳар бир инсон ҳаётидаги энг фаол даврлардан биридир. Жисмоний куч оқимини ҳис қилаётган, ўсиб бораётган одам кўпинча ҳамма нарсани қила оламан деб ўйлайди ва ҳозирги пайтда кўп нарсага қодир. Бироқ, ҳаётини тажриба етишмаслиги, жиноят қонунларини билмаслик, шунингдек, кўпинча ўзини тута олмаслик ва ўз ҳаракатларига ҳисобот бера олмаслик аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин. Афсуски, вояга етмаганлар томонидан ҳар йили кўплаб жиноят содир этилаётгани, бунинг натижасида, уларнинг Тошкент вилояти Зангиота тарбия колониясида жазо ўташ учун юборилаётгани, афсуски бу ҳақиқатдир.

Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог ходимлари мунтазам равишда мактаб ўқувчилари билан вояга етмаганлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган суҳбатлар ўтказишади. Тадбирлар давомида вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик муаммолари муҳокама қилиниб, талабалар ижтимоий иш мутахассислари ёрдамида турли ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик турларини белгилаш зарур бўлган турли вазиятларни бартараф этишади.

Ҳар бир инсон ҳаётда ўз йўлини танлайди. Кўринишидан, танлов жуда катта, лекин аслида иккита асосий вариант мавжуд. Қонунга бўйсунувчи фуқаролар соғлом, хавфсиз ва бахтли ҳаётни, ноқонуний фуқаролар эса тартибсиз, энг кучлиси ғалаба қозонадиган, тартибсизлик ва анархия ҳукм сурадиган ҳаётни танлайди. Шунини тушунишимиз керакки, жиноятчилик даражаси қанчалик кам бўлса, жамият шунчалик бой бўлади. Жамият

қанчалик бой бўлса, фуқароларнинг маданияти қанчалик юқори бўлса, бу жамиятда жиноятчиликнинг пайдо бўлишининг сабаблари шунчалик камаяди. Жамиятдаги кескин вазият юқори бўлиши мумкин, салбий таъсирлар жуда кучли бўлиши мумкин, оиладаги вазият шунчаки чидаб бўлмас, лекин барибир, охир-оқибат, одам ўзини қандай тутишни танлайди. Агар у жиноят содир этган бўлса, демак у қайта-қайта виждонини босиб ўтган ҳисобланади. Инсон ҳуқуқ-тартиботни танлагандан сўнг, у танлаган қонунга бўйсунувчи фуқароларнинг йўли ундан жамиятнинг барча ахлоқий нормалари ва қонунларига итоат қилишни ва амалга оширишни талаб қилишини унутмаслиги керак.

Вояга етмаган болалар ва ўсмирларнинг ҳуқуқбузарликлари маъмурий ва жиноий бўлиши мумкин.

Назарий жиҳатдан, ҳар бир киши жиноят содир этишга қодир. Яна бир нарса шундаки, ҳамма ҳам буни қилмайди. Аксарият катталар етарлича ақлли ва ўз ҳаракатларининг оқибатларини олдиндан айтишга қодир, улар фуқаролик бурчини, ахлоқ қоидаларини ва жамиятда тинч-тотув яшашни бошқаради. Аммо ўсмирлар кўпинча нафақат ўзларини, балки ўз ҳаракатларининг оқибатларини ҳам етарли даражада баҳолай олмайдилар. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг асосий сабаблари болалар ва ўсмирларнинг кўп ҳолларда жиноятнинг оғирлигини англамаслиги, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни хавфли ва ҳаяжонли ўйинга ўхшаш нарса деб билишидир.

Россия тажрибасига таянадиган бўлсак, уларда амалдаги қонунчилик нормаларига кўра, вояга етмаганлар 18 ёшга тўлмаган шахслардир. Ҳар қандай жиноий қилмиш учун жиноий жавобгарлик 16 ёшдан, оғир жиноятлар учун эса 14 ёшдан бошлаб назарда тутилади. 14 ёшга тўлмаган шахслар жиноий жавобгарликка тортилмайди, чунки қонун чиқарувчи бу ёшда одам ўз ҳаракатларининг оқибатларини англай олмайди, деб ҳисоблайди.

Россияда вояга етмаганлар жиноятчилиги муаммолари мавжуд бўлиб, жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ишларини текшириш натижасида, олинган статистик маълумотларга асосланиб, қуйидагилар аниқланди:

- балоғат ёшига етмаган шахслар ғаразли мақсадларни кўзловчи шахсларнинг ёмон таъсирига осонгина тушиб қолишади;
- кўп сонли жиноятлар гуруҳларга бирлашган ўсмирлар томонидан содир этилиши;
- ночор оилалардан бўлган ўсмирлар жиноий ҳаракатга осонроқ рози бўлишади;

- ҳуқуқий саводсизлик ва уларнинг жазосиз қолишига ишонч вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилишига сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Шуни эсда тутиш керакки, ўз ҳаракатларининг оқибатларини олдиндан билиш қобилияти қизларда 18 ёшда, ўғил болаларда эса 20 ёшда пишади. Аммо бу башоратни 3-5 ёшдан бошлаб болаларга ўргатиш керак. 5-6 ёшда болалар одатда, нима қилиш мумкинлигини ва нима учун жазоланишини тушунишади. Буни ижтимоий қадриятларнинг яхлит манзарасини шакллантириш ҳақида айтиб бўлмайди. Бироқ, қонунчилик даражасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлик турларини ёшига қараб белгилаган ҳолда ёш чегаралари белгиланади. Паспорт ёши ҳисобга олинади. Мамлакатга қараб, ўсмирларнинг ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлигининг ёш чегаралари сезиларли даражада фарқ қилади.

Юқорида айтилганларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, Россиянинг оилалар, болалар ва ёшлар учун ижтимоий хизматлар марказларининг ижтимоий иш бўйича мутахассислари мактаб ўқувчилари учун тадбирлар ўтказишган, унда мактаб ўқувчиларида тўғри йўл танлаш ва уни ҳимоя қила олиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган «Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва улар учун жавобгарлик» мавзусида ўқувчилар билан суҳбат ва тренинглар ўтказилган; ўқувчиларни ҳуқуқбузарлик оқибатларининг турли жиҳатлари, ахлоқ нуқтаи назаридан таништирилган; мутахассислар вазиятларни симуляция қилишган, вояга етмаганларнинг мавжуд қийин вазиятлардан чиқиш йўллари топиш, ўз фикрларини билдириш, ўз позициясини ҳимоя қилиш, «Йўқ» дейиш, гуруҳда ишлаш ва муҳокама қилиш қобилиятларини ривожлантирган.

Замонавий жамиятда вояга етмаган жиноятчилар муаммоси энг мураккаб ва мунозарали муаммолардан биридир. Афсуски, ҳар бир ўсмир ўзи томонидан содир этилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар баъзан оғир ва тузатиш қийин бўлган оқибатларга олиб келишини англаб етавермайди.

Россиянинг шаҳар, қишлоқ, клубларидаги оилалар, болалар ва ёшларга ижтимоий хизмат кўрсатиш марказларининг ижтимоий ишлари бўйича мутахассислари мактабларда ота-оналар ва болалар билан учрашувларда: «Ўсмирлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар» мавзуларида гуруҳ машғулотларини ўтказадилар.

Хулоса ўрнида, бу мақоламизда ҳуқуқбузарлик турлари, маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг асосий нуқталари ҳақида сўз юритдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.—Т:Ўзбекистон, 2021.;
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.;
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.;
4. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сон қонуни;
5. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎРҚ-342-сон қонуни;
6. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-263-сон қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон Фармони;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон қарори;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5076-сон қарори;

Интернет сайтлари:

- <http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);
- <http://ipkmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);
- <http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);
- <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси);
- [http:// krcssm@yandex.ru](http://krcssm@yandex.ru)

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ АҲАМИЯТИ

Ҳозирги кунда замонавий ахборот технологиялари ривожланган бир пайтда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимига, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида ахборот технологияларини ривожланиши кўпроқ интеллектуал, илмий муаммоларга йўналтирилган. Маълумотларни визуаллаш, тасвирларни қайта ишлаш, виртуал фазони яратиш инсонга мураккаб масалаларни ечишда образли муҳитга тушиш, қўйилган мақсадларга сифат жиҳатдан янги савияда яқинлашиш, бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул қилишни енгиллаштириш каби имкониятларни яратади.

Профилактика хизматларининг фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилишини белгилловчи норматив-ҳужжатлар асосида туман, шаҳар ИИБ бошлиғининг ҳуқуқбузарликлар бўйича ўринбосари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг қўламда фойдаланишни ташкил этиши, бу биринчидан, ходимлар билан тезкор алоқа ўрнатилишини, иккинчидан, ҳудудлардаги криминоген вазиятлар ҳақидаги ахборотларни тезкорликда олишни, учинчидан, профилактик тадбирларни вақтида ташкил этишда, тўртинчидан, кўрсатма ва топшириқларни ўз вақтида етказиб беришда жуда катта имкониятлар яратиб беради. Профилактика инспекторининг фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши тартиби бугунги кунда ахборот коммуникация технологияларини қўллаш жараёнида компьютер (планшет)ларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Чунки, компьютер (планшет)ларда барча маълумотлар базасини шакллантириш ва ўз навбатида, ушбу базалардаги маълумотларни тегишли хизматларга юбориш ёхуд уларнинг базасидаги маълумотларни олиш имконини беради. Компьютер техникаси воситалари ахборот технологияларининг барча техник воситалари мажмуининг базаси бўлиб, бошқарув фаолиятида фойдаланиладиган турли хил ахборотларга ишлов беришга мўлжалланган. Коммуникация техникаси воситалари бошқарув тизими доирасида ахборотни узатиш ва ташқи муҳит билан маълумот алмашишни таъминлайди ҳамда турли хил усул ва технологияларни, жумладан компьютер техникасини қўллашни назарда тутлади.

Ҳозирги кунда ички ишлар органларида бир нечта интеграллашган, автоматлаштирилган тизимлар ва профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart маҳалла» ахборот дастури ишлаб чиқилган. Бу тизимларда катта ҳажмдаги маълумотлар мавжуд бўлиб, улардан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тегишли тартибда фойдаланилиши тўла-тўқис йўлга қўйилмаган. Бу автоматлаштирилган тизимлардан унумли фойдаланилса, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарадорлигига ижобий таъсир ўтказиб, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ахборотлаштирилган жамият замонавий цивилизациянинг ривожланиш даражасини билдиради. Ахборот ва билимлар ролининг жамият ҳаётида, жами ички маҳсулотда ахборот-коммуникация технологиялар улушининг ортиши, инсонларнинг ўзаро самарали, ўзаро ахборий алоқада ишлашини таъминловчи глобал ахборот маконининг яратилиши, уларнинг дунё ахборот ресурсларига уланиши ва уларнинг ахборот маҳсулотларига ва хизматларига бўлган ижтимоий ҳамда шахсий эҳтиёжларининг қондирилиши билан тавсифланади. Ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини фуқароларнинг ахборотга бўлган талабини тўлиқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириб бориш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланишни янада яхшилаш ва такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ахборотларнинг кўرғазмали бўлишини таъминловчи турли планшетлар, табло ва проекцияловчи аппаратлар ҳам ишлатилади, яъни ички ишлар органлари ходимлари ҳар куни янгиланиб турадиган маълумотлар базаларидан замонавий компьютерлар ва алоқа воситалари орқали энг сўнгги маълумотлар билан танишиш ва улардан фойдаланиш имкониятларига эгалар. Бу эса қидирувдаги шахслар ва ўғирланган автотранспорт воситаларини ҳамда шахси номаълум фуқаролар ҳақидаги маълумотларни тезкор аниқлашда катта кўмак бермоқда. Маълумотлар базаси маълумотларни тавсифлаш, сақлаш ва улар устида амаллар бажаришнинг умумий тамойилларини кўзда тутувчи аниқ қоидалар бўйича ташкил қилинган маълумотлар мажмуи ҳисобланади.

Ички ишлар органларида асосан статистик маълумотнома, тезкор ва норматив кўринишдаги ахборотлардан фойдаланилади ва учта асосий ахборотнинг ҳаракат канали мавжуд, юқори тизимдан қуйи тизимларга,

тескари йўналиш ва горизонтал ҳаракатли. Ички ишлар органлари фаолияти бу мазмунан бошқарув фаолияти ҳисобланиб, бу жараёнлар маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш орқали келгусидаги ишларни режалаштиришни талаб этади, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, бевосита профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, умумий ва махсус маъмурий назорат, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, соҳавий хизматлар, давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги ишларни ташкил этиш жараёни бугунги кун талабидан келиб чиқиб, қуйидаги ишларни амалга ошириш керак бўлади:

- Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятига унинг самарадорлигини ошириш ва ортиқча хизмат юкламасини қисқартиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологияларини тадбиқ этиш;

- Хусусан: «E-inspektor» электрон комплекс тизимини тадбиқ этиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида иш юритувни мақбуллаштириш;

- профилактик ҳисобдаги шахслар билан ишлаш бўйича электрон ахборот тизимини ишлаб чиқиш;

- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича «E-ma'muriy ish» ягона электрон ҳужжат алмашинуви тизими бўйича ишларни амалга ошириш;

- маҳаллаларда жинойтларни муҳокама қилиш жараёнларини масофадан туриб назорат қилиш бўйича электрон модулни тадбиқ этиш;

- «E-hisobot» ахборот тизимини яратиш орқали профилактика хизматида ҳисоботларни унификация қилиш ва уни бошқа ташкилотларнинг ҳисобот юритиши ҳамда идоравий ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилиш;

каби тизимларни тўлиқ яратиш ишларини амалга ошириш, замонавий ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланиши ва улардан унумли фойдаланилишини талаб этади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ички ишлар органларида хизмат олиб бораётган ҳуқуқбузарликлар профилактика инспекторлари ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб, берилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда, ўз хизмат масканларида барвақт ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жинойтларни иссиқ изидан очиш ва содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жинойтларни аниқлашда ахборот технологиялардан тўлиқ ва унумли фойдаланиш, бу эса кўрсатма ва топшириқларни ўз вақтида етказиб беришда жуда катта имкониятларни яратиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шавкат Мирзиёев. «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови». Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи. – 2016. – № 243 (6678) Б.1-3.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014. – № 624. – 221-м.
3. Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.636.
4. <https://lex.uz/docs/5344118>
5. https://gazeta.norma.uz/publish/doc/text105781_profilaktika_-_huquqbuzarlikning_oldini_olishda_muhim_omil

***Ш.Э. Шералиев
Ж.Д.Рисқалиев***

ХУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИ РАҲБАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ ЖАРАЁНИДАГИ МУАММОЛАРИ

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонлари ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда хуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари жорий этилди.

Жумладан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

худудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

«республика – вилоят – туман – маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш асосий вазифа этиб белгиланди.

Шунингдек, Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши белгиланган бўлиб, жойларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Таъкидланганидек, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани худуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қўйи бўғини этиб белгиланганлиги ўз самарасини берди.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида худуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этиш билан боғлиқ вазифалар юклатилганлиги бу борада ҳамкорликда профилактик тадбирларни амалга оширишда ва жиноятчиликка қарши курашишда ҳамда фуқароларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал этишда ўз самарасини беради.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юклатилганлиги айтилиши муддао бўлди. Сабаби шуки, «маҳалла худудини ким яхши билади?», албатта ҳуқуқ-тартибот маскани раҳбари ёки у бўлмаган тақдирда шу маҳаллада узоқ ишлаган ходим билиши назарда тутилган. Бу эса ўз навбатида, шу маҳалла худудини яхши билиши ва аҳолининг ҳар қандай муаммоларини ўз вақтида ҳал этилиши, турли ҳолат ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ўз самарасини беради.

Профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ва фуқароларни муммоларини ўз вақтида ҳал этишда ҳамда иш

унумдорлигини ошириш мақсадида, албатта ахборот-коммуникация технологияларнинг ўрни ва роли бекиёслигини инобатга олиб, бу тизимда бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПҚ-3549-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида чора-тадбирлар белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 июнь кундаги 407-сон «Хуқуқбузарликларни олдини олишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги «Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги 431-сон қарори талаби асосида, Тошкент вилояти шаҳар-туман ИИБ Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимларидан келган инспекторларга ИИБ Малака ошириш институти масъул мутахассислари томонидан ўқув-семинар машғулотлари мунтазам олиб борилмоқда.

Бугунги кунда мазкур ўтказилган ўқув жараёнларида ҳар-бир профилактика инспекторларига «Планшет» қурилмасида «E-ma'muriy ish» ҳамда «АИБ-Ўзбекистон» электрон дастури тизимларидан фойдаланишнинг замонавий тартиб қоидалари ва асослари бўйича тушунтириш ишлари ўқув-семинар машғулотлари орқали олиб борилмоқда. Шунингдек, ўқув машғулотларида «E-ma'muriy ish»- тизимида ҳар бир профилактика инспектори томонидан фойдаланиш тартиби хуқуқбузарларга нисбатан тузилган электрон маъмурий баённомаларни тўлдириш тартиби ёритилиши билан биргаликда ушбу дастурдан фойдаланиш амалиёти билан боғлиқ тушунтириш ишлари олиб борилди ва ҳар бир профилактика инспекторларига ушбу планшетдан фойдаланишнинг электрон тартиби уларнинг эътиборига етказилганлиги ўз самарасини бермоқда.

Ички ишлар органлари, хуқуқ тартибот масканлари раҳбарлари ва профилактика инспекторларининг асосий вазифаларидан бири электрон рўйхат юритиш ҳисобланади. Бунда хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш учун мўлжалланган ҳисоб юритиш тизимлари ҳамда ҳар бир профилактик ҳисобда турган шахслар ҳақида сўз бормоқда.

Жумладан, жиноятлар, уларни содир этган шахслар ва жиноят ишлари

ҳаракатланишининг ягона ҳисоби - барча суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар, жазони ижро этиш органлари ўзлари юритаётган жиноят ишлари тўғрисидаги тегишли маълумотлар ички ишлар органларига юборилади ва суд идораларига юборилаётган барча маъмурий ҳужжатлар электрон тартибда амалга оширилади ҳамда судланганлик ҳақидаги маълумотларни олиш амалиётини ўз ичига олади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик сабабли маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зиён етказилган шахсларнинг марказлаштирилган электрон ҳисобини юритиш, тезкор маълумотлар ҳисоби-тезкор қидирув фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш ва жиноятларнинг олдини олиш учун зарур ахборотлар марказлаштирилган ҳолда тўпланади.

Янги «Электрон жиноий-ҳуқуқӣ статистика»нинг асосий мақсади, бу ягона ахборот тизими маълумотларини автоматик равишда тўплаш ва уларнинг электрон марказлашган тизимини таъминлашга йўналтирилган. Унда электрон статистик карточкалар шакллари тўлдириш йўли билан жиноят ишлари, терговга қадар текширув материаллари, суд муҳокамаси ҳамда суд қарорлари ижросининг натижалари, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчи сифатида суд идораларига жалб этилган шахслар бўйича маълумотларнинг марказлаштирилган ҳисоби юритилиши билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади.

Худди илгаригидек, барча ваколатли органлар, шу жумладан судлар карточкаларни тўлдиришда давом этадилар, бироқ бу электрон шаклда амалга оширилади. Бунинг устига, жиноят ишлари ҳамда терговга қадар текширув материалларига тартиб рақамлари ягона ахборот тизимига тегишли статистик маълумотлар киритилгандагина берилади.

Ҳар бир ҳужжатларни электрон тартибда тақдим этиш, юбориш билан боғлиқ ахборот технологиялар ёрдамида амалга ошириш жараёнлари натижасидаги афзалликлар инобатга олиниб, уни амалиётга тадбиқ этиш жараёни кенгаймоқда. Жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари фуқароларга ўзларининг имкониятларидан кенг миқёсда фойдаланиш заминини яратиш билан бирга иқтисодий ўсиш, фаровонликни ошириш, демократия, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш каби мақсадларга эришишга хизмат қилмоқда.

Профилактика инспекторлари ўз хизмат қилаётган маҳаллаларида аҳолини ҳуқуқӣ маданиятини ошириш, ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни олишда «бот» каналлари, телеграмм ва бошқа интернет тармоқларидан фойдаланиши айна турдаги муаммоларни ўз вақтида олдини олишга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги замонавий ахборот технологиялар ривожланган бир даврда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторларининг иш фаолияти

самарадорлигини оширишда айрим муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда.

Жумладан, ҳар бир профилактика инспекторларининг хизмат хонасидаги компьютер техникасини жорий қилиш ва унинг асосида маълумотларни йиғиш, сақлаш, ишлов бериш ва суд идораларига ҳуқуқ-тартибот масканлари ёки таянч пунктидаги мавжуд компьютер тўплами орқали юборишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш билан узвий боғлиқдир.

Бошқарувнинг турли даражаларида автоматлаштирилган ахборот тармоқларини яратиш ахборотлаштириш муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш тартибини белгилаб беради.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторларининг иш унумдорлигини ошириш мақсадида уларни замонавий планшет технологиялари билан таъминлаш орқали фуқароларнинг яшаш жойи ва у тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида олиш ҳамда турли овозгарчиликларга чек қўйиш мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, профилактика инспекторлари рўйхатдан ўтказилган маъмурий ишлар бўйича тушган ариза ва шикоятларни ўрганиб чиқиш ва суд идораларига электрон хужжатларни юборишдан ташқари тўпланган маълумотларни тақдим этиш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПҚ-3549-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 июнь кундаги 407-сон «Ҳуқуқбузарликларни олдини олишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги 431-сон қарори.

6. <https://lex.uz/docs/5344118>

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада ички ишлар органлари қидирув фаолиятида ахборот технологияларини қўллашнинг айрим муаммолари кўриб чиқилиб, бу соҳада олиб борилаётган ишлар, ундаги ташиқлий ва ҳуқуқий муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан мулоҳазалар юритилган.

Калим сўзлар: ахборот технологиялари, виртуал олам, интернет, қидирувдаги шахс, жиноят, жиноятчилик, жиноятчиликка қарши кураш, тезкор-қидирув фаолияти.

Некоторые проблемы по использованию информационных технологий в розыскной деятельности органов внутренних дел

Аннотация: В этой статье, рассмотрены некоторые проблемы использования информационных технологий в розыскной деятельности органов внутренних дел, обсуждена работа, проводимая в этой сфере, организационно-правовые проблемы и пути их решения.

Ключевые слова: информационные технологии, киберпространство, киберпреступность, интернет, кибератака, преступление, преступность, борьба с преступностью, оперативно-розыскная работа.

Инсоният ҳаётига ахборот технологияларининг кириб келиши глобаллашув ҳамда дунёнинг деярли барча нукталарида жамият ҳаётининг жадаллашувига олиб келмоқда. Компьютер технологиялари, мобиль алоқа воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғининг инсонлар ҳаётида тобора муҳим аҳамият касб этиб бориши, жамиятнинг барча жабҳаларига кириб бориши ахборотлаштирилган жамиятнинг шаклланишига, ахборот алмашинувининг тезлашишига, катта миқдордаги ахборот маконининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу информатсион макон ёки бошқача қилиб айтганда, виртуал олам, деярли барча ривожланган жамиятда яшовчи шахсларни қамраб олмоқда. Ушбу виртуал оламда ахборот технология воситалари муҳим аҳамият касб этиб, ушбу воситалар орасида смартфонлар, мобиль телефонлар, шахсий компьютерлар, ноутбуклар, планшетлар, GPS воситалари, шу каби бошқа электрон қурилмалар жамиятда кенг тарқалган ҳамда асосий ахборот ташувчи, ахборот алмашувчи воситалар ҳисобланади. Замонавий жамиятда яшовчи инсон ушбу воситаларни қўллаган ҳолда бошқа одамлар билан мулоқот қилади, янгиликларни ўрганади, иш ва тадқиқотлар олиб боради, атрофида содир бўлган ҳамма нарсаларни қайд этади ва янги ахборот ҳосил қилади, қолаверса, ўзи ҳақидаги деярли барча маълумотларни қайд қилади.

Статистик маълумотларга кўра, бутун дунёда интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланувчилар сони, юқори даражада ўсиб бормоқда. Жумладан, 2000 йилда интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланувчилар сони 361 млн. киши бўлган бўлса, 2010 йилда – 1 млрд. 971 млн.га етган. 2020 йилда – 4 млрд. 540 млн киши ёки дунё аҳолисининг 59 фоизи интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳамда 49 фоизи яъни, 3 млрд. 800 млн. киши ижтимоий тармоқ фойдаланувчисидир. Шунингдек, дунё аҳолисининг 66,6 фоизи яъни, 5 млрд. 220 млн киши уяли телефон абонентлари ҳисобланишади.

Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони кўпайиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг расмий ҳисоботида кўра, 2021 йил ҳолатига асосан, Ўзбекистонда интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланувчилар 22 млн. 600 минг нафар бўлиб, 27 млн.дан ортиқ киши уяли телефон абонентлари ҳисобланишади.

Инсон ҳаётининг виртуаллашуви жараёнига криминалистик нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, юқорида санаб ўтилган барча объектлар ва тизимлар, жиноятларни фош этишда нафақат анъанавий тарзда қараладиган моддий изларини, балки инсон фаолиятининг виртуал изларини ташувчиси ҳамдир. Ушбу излардан шахснинг турмуш тарзини, қизиқишларини, асосий машғулотларини, яқин алоқаларини, унинг бўладиган жойларини билиб олиш мумкин. Бу эса жиноятларни фош этишда ҳам, шахсни қидириб топишда ҳам, жуда муҳим маълумотлар ҳисобланади. Шу сабабли, шахснинг ҳақиқий ҳаёти ва виртуал олаmidан олинган маълумотларни бир-бирига таққослаган ҳолда улардан фойдаланиш тезкор-қидирув фаолиятининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириши табиийдир.

Ҳозирги кунда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни «иссиқ изи»дан очишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, уни тизим самарадорлигини оширишда фаол қўллашни талаб этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил 12 февраль куни Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишда ички ишлар органлари фаолиятида рақамли технологияларни жорий қилиш ҳамда мавжуд ИТ-технологиялари инфратузилмасини тубдан такомиллаштириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Бугунги кунда ички ишлар органларининг турли фаолият йўналишлари сингари қидирув фаолиятига ҳам замонавий ахборот технологияларини қўллашга муҳим масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Бунда қидирилаётган шахс тўғрисида маълумот олиш муҳим ишлардан бири ҳисобланади. Қидирилаётган шахс ҳақида маълумотлар ва

уларнинг манбалари қанча кўп бўлса, шахсни қидириб топиш имконияти ҳам шунча ортади. Шу сабабдан, қидирувдаги шахснинг виртуал олами орқали унинг турмуш тарзи, қизиқишлари, алоқалари, асосий борадиган манзиллари ва шу каби тезкор аҳамиятга эга бошқа муҳим маълумотларни қўлга киритиш мумкин.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, қидирувдаги шахслар бугунги кунда яқин қариндошлари, танишлари ёки бошқа жиноий алоқалари билан асосан юқорида қайд этилган ахборот технология воситаларини қўллаган ҳолда Интернет жаҳон ахборот тармоғи ёрдамида (турли ижтимоий тармоқлар ёки дастурий воситалар) алоқа ўрнатишмоқда, хабарлашмоқда, маълумот алмашишмоқда. Шу сабабдан, қидирув ишларини ушбу виртуал оламда ҳам олиб бориш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Виртуал оламда қидирув ишларини олиб боришда, аввало, замонавий ахборот воситаларининг хусусиятлари, имкониятлари ҳамда улар тўғрисида қуйидаги маълумотларни:

- телефон рақамларни,
- мобиль телефоннинг IMEI ва IMSI рақамларни;
- шахсий компьютер, планшет ва смартфонларнинг MAC-манзиллари тўғрисидаги маълумотларни билиш, аниқлаш ҳамда қидириб топиш лозим бўлади.

Шундан сўнг, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги бошқа маълумотлар:

- Интернет жаҳон ахборот тармоғига кириш логин ва паролларини;
- шахснинг ижтимоий тармоқлардаги аккаунти (Facebook, Twitter, LinkedIn, Instagram, «ВКонтакте», «Одноклассники» в.б.) ва унга кириш логин ҳамда паролларини;
- электрон почта манзиллари, унинг логин ва паролларини;
- электрон тўловда (масалан, ЯндексMoney, WebMoney ва бошқалар) фойдаланаётган банк картаси рақамлари ва реквизитларни;
- Интернет жаҳон ахборот тармоғи ёрдамида расмийлаштирилган электрон чипта ва ҳужжатларни;
- геоманзилларни ва бошқа зарур маълумотларни қўлга киритиш бўйича тезкор-қидирув ишларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Қидирувдаги шахсни Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги виртуал оламидан ташқари бошқа замонавий ахборот технология воситалари ёки ахборот дастурларини қўллаган ҳолда уни аниқлаш ёки у ҳақида керакли маълумотларни олиш имкониятлари ҳам мавжуд. Хусусан, бугунги кунда жамоат жойлари, кўча ва йўлларда жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини, шунингдек, хусусий корхона ва ташкилотлар эса ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида видеокузатув камераларини ўрнатиш тобора оммалашиб бормоқда. Видеокузатув камераларининг кенг жорий этилиши видеотасвирга асосланган таниб олиш ва идентификация қилиш

тизимларига талаб пайдо бўлишига олиб келди. Бундай тизимлар реал вақт режимида видеокамералардан олинган тасвирлар кетма-кетлигини таҳлил қилиш асосида ҳар хил маълумотларни автоматик равишда олиш учун компьютерни таққослаш усулларида фойдаланадиган технологияларга асосланган. Ҳозирда бу технология видеотаҳлил тизими деб номланади.

Видеотаҳлил тизими видеокамераларни ҳақиқий маълумот манбаларига айлантиради, катта видео оқимларда одамларнинг юзини, автомобиль рақамларини таниб олиш, идентификациялаш, объектларнинг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш ва тезкор жавоб чораларини кўриш имконини беради.

2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида республика миқёсида 206279 дона видеокамералар бўлса, шундан ИИО томонидан жамоат жойлари, йўл ҳаракати ва кўриқланадиган объектларни доимий кузатуви учун 6911 дона видеокамералар ўрнатилган.

Ички ишлар вазирлиги томонидан 2017 йилдан юзни аниқлаш функциясига эга видеокузатув тизимидан фойдаланиш бошланди. Дастлаб тизимга юзга яқин камера уланган эди, лекин охириги икки – уч йил мобайнида барча вилоят маркази ҳисобланадиган шаҳарларни камераларининг бу функция билан жиҳозлаш режалаштирилган ва ҳозирда уларнинг сони 280 тага етган. Бундан ташқари ҳозирда ЙПХ ва ППХ ходимларига бодикамералар бириктирилган бўлиб, уларнинг сони 4 051 тани ташкил қилади.

Қидирувдаги шахсларни аниқлашда замонавий ахборот технологияларини қўллаш юзасидан Хитой тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга. Хитойнинг LLVision Technology Co компанияси 2018 йил февраль ойида полициячиларни ақлли кўёшдан сақлайдиган кўзойнак ишлаб чиқарди ва жиҳозлади. Улар Google Glassга (ақлли кўзойнак) ўхшайди, камераси бор ва ҳуқуқ-тартибот идоралари маълумотлар базасига боғланган. Шубҳали шахснинг кимлигини текшириш учун полиция ходими унга беш метрдан ошмайдиган масофадан ва юзининг камида 70% кўринадиган бурчакдан қараши керак бўлади. Юзни аниқлаш тизими автоматик равишда маълумотлар базасидан мосликни қидира бошлайди ва 2-3 дақиқадан сўнг мослик топилса, одамнинг исми ва уй манзили ҳақида хабар беради. Қурилмани биринчи бўлиб Хитойнинг Хенан провинциясидаги Чженжжоу шахрининг полиция ходимлари ишлатган. 2018 йил 1 февралдан бошлаб улар Чженжжоу темир йўл вокзалида хизмат пайтида ақлли кўзойнак тақиб юришган, уларнинг кундалик йўловчилар оқими одатда 60 000 дан 90 000 гача бўлади. Ақлли кўзойнак ишлатилган биринчи ўн кун ичида полиция йўл-транспорт ҳодисаларидан тортиб, одам ўғирлашгача бўлган турли жиноятларда гумон қилинган етти кишини қўлга олишган, яна 26 киши сохта гувоҳнома ишлатгани учун ушланган.

Қидирув фаолиятида замонавий ахборот технологияларини қўллашнинг нафақат ташкилий жиҳатларига балки унинг ҳуқуқий асосларини яратишга ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади.

Ахборот технологиялари орқали маълумот олиш, техник жиҳатини ҳисобга олмаганда, тезкор-қидирув ишларини амалга ошириш орқали маълумотларни топишдан деярли фарқ қилмайди, чунки яқин маҳсулот шахслар, фактлар, объектлар ва бошқалар ҳақида маълумот ҳисобланади.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси (2012 йил 25 декабрь) қонунининг 14-моддасида «тезкор-қидирув тадбирининг турлари»да «маълумотлар тўплаш – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун ҳужжатларни, материалларни, маълумотлар базаларини ўрганиш, шунингдек, сўровномалар юбориш орқали жисмоний ва юридик шахслар, фактлар, ҳолатлар ҳақида аҳамиятга эга бўлган ахборот олишга қаратилган тадбир» дея таърифланган .

Бироқ, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида «Интернет жаҳон ахборот тармоғида тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш», «ахборот технологиялари ёрдамида маълумотлар тўплаш» каби фаолиятни аниқлаштирувчи тушунчалар мавжуд эмас.

Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам Интернет жаҳон ахборот тармоғидан олинган маълумотларни процессуал расмийлаштириш бўйича аниқ нормалар акс эттирилмаганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 90-моддаси биринчи қисмига кўра, маълумотлар ва нарсалардан, улар тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси **баённомасида қайд этилганидан кейингина** далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги белгиланган. Бироқ, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлган (исботланиши лозим бўлган) маълумотларни далил сифатида расмийлаштириш тартиби мавжуд эмас.

Бундан ташқари, бугунги кунда амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, тезкор ходимлар тезкор аҳамиятга эга маълумотларни олишда Интернет жаҳон ахборот тармоғининг имкониятлари ҳақида етарли тасаввурга эга эмас ёки айрим тезкор ходимлар тасаввурга эга бўлсада, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан керакли маълумотларни излаш услубининг йўқлиги, керакли сайтлар ва маълумотлар базасига кириш имкониятининг йўқлиги, махсус дастурий таъминотдан фойдаланиш заруриятининг мавжудлиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Бизга маълумки, қидирув ишларини олиб бориш усул ва услублари қонунчилигимизда етарлича ёритилган. Аммо, бугунги кунда Ўзбекистонда

қидирув фаолиятида ахборот технология воситаларини қўллаш муаммолари, миллий қонунчилигимизда ҳам, дарсликлар ва илмий ишларда ҳам етарлича ёритилмаган.

Замонавий ахборот технологиялари ёрдамида қидирув ишларини олиб боришни такомиллаштириш, албатта қидирув фаолиятининг самарадорлигининг ошишига олиб келади. Шу сабабдан, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарурати мавжуд:

биринчидан, қидирилаётган шахслар тўғрисида Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ёки бошқа техник воситалар ёрдамида ахборот олиш бўйича тезкор қидирув ишларини амалга ошириш методологиясини ишлаб чиқиш ва бу бўйича амалий-ўқув қўлланма, дарсликларни яратиш лозим.

иккинчидан, ҳозирда дунёда яратилаётган замонавий технологияларни ҳамда хориж мамлакатларининг қидирув ишлари самарадорлигини оширишда қўлланиладиган инновацион ечимларни доимий ўрганиб бориш ва уни Ўзбекистонда тадбиқ этиш чораларини кўриш керак.

учинчидан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёки замонавий ахборот технологиялари ёрдамида қидирув ишларини олиб бориш бўйича ИИВ таълим муаассаларида малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этиши шарт.

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунда Интернет жаҳон ахборот тармоғида тезкор-қидирув ишларини олиб бориш тушунчаси, унинг усуллари, тартибини белгиловчи нормаларни ва Жиноят-процессуал Кодексида Интернет жаҳон ахборот тармоғидан олинган маълумотларни процессуал расмийлаштириш бўйича аниқ нормаларни киритиш лозим.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, биз юқорида қидирилаётган шахслар тўғрисида Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ёки бошқа ахборот технологиялари ёрдамида ахборот олиш бўйича тезкор қидирув ишларини амалга оширишнинг айрим жиҳатларини кўриб чиқдик. Бироқ, бугунги кунда бу муаммони комплекс ўрганиш ҳамда бу бўйича чуқур илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш зарурати мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Вся статистика интернета и соцсетей на 2021 год – цифры и тренды в мире и в России. – URL: <https://www.web-canape.ru/business/vsya-statistika-interneta-i-socsetej-na-2021-god-cifry-i-trendy-v-mire-i-v-rossii/>

2. O‘zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligining O‘zbekistonning mobil aloqa abonentlari soni haqidagi hisoboti. – URL: <https://mitc.uz/uz/stat/7>

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 2 февраль куни бўлиб ўтган ички ишлар органлари фаолияти,

тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши материаллари. – URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2021/02/12/president-uz/>

4. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармасининг 2021 йил июль ойи ҳисоботи.

5. Григорович, В.Л., Чжу, Цзюй Чжэн. Использование системы распознавания лиц в оперативно-розыскной деятельности. – URL: <https://elib.bsu.by/handle/123456789/233611>

6. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни. 2012 йил 25 декабрь, ЎРҚ-395-сон. – URL: <https://www.lex.uz>.

А.С.Тошматов

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА КРИМИНАЛИСТИКАДАН АҲАМИЯТЛИ АХБОРОТ МАНБАИ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШ

***Аннотация:** Мақолада тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари ва криминалистик аҳамиятли маълумотлар каби тушунчалар кўриб чиқилган. Тезкор-қидирув ва жиноят-процессуал фаолият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кўрсатилган. Криминалистик аҳамиятли маълумотларнинг айрим турлари ва манбалари берилган.*

***Аннотация:** В статье рассматриваются такие понятия, как оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия и криминалистически значимая информация. Указывается на связь оперативно-розыскной и уголовно-процессуальной деятельности. Приводятся некоторые виды и источники криминалистически значимой информации.*

***Annotation:** The article considers such concepts as operational-investigative activities, operational-investigative measures and criminalistically significant information. The connection between operational-investigative and criminal-procedural activities is indicated. Some types and sources of criminalistically significant information are given.*

***Калим сўзлар:** тезкор-қидирув фаолияти, криминалистик аҳамиятга молик маълумотлар, тезкор-қидирув тадбирлари.*

***Ключевые слова:** оперативно-розыскная деятельность, криминалистически значимая информация, оперативно-розыскные мероприятия.*

***Keywords:** operational-investigative activities, criminalistically significant information, operational-investigative measures.*

Тезкор-қидирув фаолияти ва криминалистика ўз мазмунига кўра, ҳам назарий, ҳам амалий соҳадаги юридик фанлар билан анча ўхшашдир. Улар умумий ўрганиш объектларига эга бўлиб, турли хил жиноий фаолият ҳамда уларни фош этиш ва тергов қилиш бўйича фаолияти мавжуд. Уларнинг ривожланиш тарихи, тактикаси ва тергов ҳаракатларини ўтказиш усуллари ва тезкор-қидирув тадбирларида бир қанча ўхшашликлар мавжуд. Бу эса тасодифий ҳол эмас, чунки дастлабки назарий позициялар, техникалар ва методларнинг кўпчилиги криминалогия доирасида шаклланган.

Маълумки, эски Аҳдда бундан тўрт минг йил аввал жосуслик усуллари ҳақида илк бор тилга олинганлиги зикр қилинган. Доимий равишда кўплаб одамлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматларга разведка, контрразведка ва қидирув функцияларини таъминлайдиган ихтиёрий ёрдамчилар тўла вақтли ходимлар сифатида қидирув ишларида иштирок этадилар.¹

«Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида қуйидаги таърифни беради: «Тезкор-қидирув фаолияти ушбу Қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият туридир.»

Агар биз ТҚФни умуман кўриб чиқадиган бўлсак, у ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, жиноий адолат вазифасини бажаради, шунингдек, турли ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган маълумотларни қидириш, қайд этиш ва амалга ошириш функцияларини амалга оширади.

Фан ва амалиётнинг долзарб масалалари:

Тезкор-қидирув бўлимлари ўз хизмат фаолиятларини амалга ошириш давомида тергов органлари учун аҳамиятли бўлган маълумотларни (хабарларсиз) олиши ва амалга ошириши мумкин, буларсиз одатда жиноятларни фош этиш мумкин эмас.

Тезкор-қидирув фаолияти жиноят-процессуал фаолият билан ўзаро боғлиқ, аммо тезкор ҳамда тергов бўлинмаларининг фаолияти ўзаро бир-биридан мустақилдир. Улар ўз фаолиятлари давомида бир-бирларига бўйсунмайдилар. Ҳар бир томон ўз ваколатлари доирасида бир қатор ўзига хос воситалар ва усулларга эга: қизиққан воқеа ҳақида керакли маълумотларни тўплайди, тузатади, баҳолайди ва таҳлил қилади, агар керак бўлса бу жараёнга ўзаро таъсир қилувчи томонни жалб қилади.

Жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида терговчи ўзидаги мавжуд маълумотларнинг тўлиқлиги ва мақбуллигига асосланиб, содир бўлган муайян воқеа ҳақида бирон-бир қарор қабул қилади, ушбу маълумотлар

¹ Вестник Краснодарского университета МВД России –2014 – № 4 (26)

дастлабки тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали олинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 14 моддасида ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиши рухсат этилган тезкор-қидирув тадбирлари санаб ўтилган. Тезкор-қидирув чора-тадбирларини амалга ошириш деганда қонунда назарда тутилган ҳаракатлар тушунилади, яъни улар доирасида ошкора ва ноошкора кучларнинг ҳаракати, воситалар ва усулларнинг қўлланилиши, кўзланган натижаларга эришиш учун маълумотларни олиш ва уларни амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар тушунилади.

Маълумки, жиноятларни тергов қилиш анча машаққатли, кўп вақт ва ўзига билим талаб қиладиган жараёнدير. Моддий ва аниқ излар деярли ҳар доим жиноят жойида қолади, ушбу изларни жами йиғиндиси ахборот тизими сифатида намоён бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам, «криминалистик аҳамиятга эга маълумот» тушунчасини ўрганиш муҳим аҳамият ўрин тутди. Ушбу тушунча «... жиноятни фош этиш ва тергов қилишда қўлланиладиган хабарлар, маълумотларни исботловчи (далиллар) ҳамда йўналтирувчи (процессуал бўлмаган манбалардан олинган ёки ҳеч қандай далилий қийматга эга эмас)» сифатида белгиланади.

Криминалистик маълумотларнинг бир неча турлари мавжуд:

Айнан криминалистик аҳамиятга эга маълумотлар – муайян жиноят содир этилишига сабаб бўладиган маълумотлар (жиноятни содир этиш усулини тавсифловчи, содир этган шахслар, жиноят предмети, жиноят қуроли, жиноят ҳолати ва ҳ.к.);

Салоҳияти жиҳатидан жиний аҳамиятли маълумотлар – маълумотлар манбаи (шахс, материаллар, моддалар, маҳсулотлар ва объектларнинг, одатда, муайян содир этилган жиноят билан сабабий боғлиқликка эга бўлмаган, аммо, суриштирувнинг диагностика ва идентификация вазифаларини ҳал этишга кўмаклашувчи).

Биз ўрганаётган мавзуда муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумот манбаларини кўриб чиқиш катта аҳамиятга эга, улардан қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- 1) жиноят излари;
- 2) амалга оширилган тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар натижалари;
- 3) ҳужжатларни тақдим этиш (адвокат ёки бошқа шахс томонидан);
- 4) криминалистик ҳисоблар (ахборот-қидирув ҳисоблар)
- 5) жиний статистик ҳисоблар;
- 6) тезкор маълумотлар ҳисоблари;
- 7) қидирув ҳисоблари;
- 8) жиноят иши материалларини ўрганиш натижалари.

Криминалистик аҳамиятга эга маълумотларни шакллантиришнинг белгиланган манбалари, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали ҳам амалга оширилади. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш вазифалари - маълумотлар олиш, яширин жиноятларни аниқлаш, жинойи фаолиятнинг ҳар қандай белгилари ва фактларини аниқлаш, шахсларни қидиришдан иборат.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тезкор қидирув тадбирлари ҳам ошқора, ҳам ноошқора амалга оширилади. Ноошқоралик деганда-ўтказилаётган тезкор-қидирув тадбирларининг шахслардан, унда иштирок этувчилардан, ҳаттоки тезкор-қидирув фаолияти органлари ходимларидан, энг аввало тезкор қидирув тадбирлари ўтказиладиган объектлардан сир сақланилиши тушунилади. Ошқоралик деганда-тезкор-қидирув тадбирлар ўтказилишининг очиқлиги тушунилади, бунда унинг мазмуни, мақсадлари, иштирокчилари тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилаётган объектлардан яширилмайди.

Жиноятчиликка қарши курашда ошқора ва ноошқора усулларнинг зарурлиги бир қатор омиллар билан боғлиқ. Фақат ошқора чораларидан фойдаланиш одил судлов вазифаларини тўла ҳажмда бажаришга имкон бермайди, аксинча, ноошқора чораларнинг ўзи ана шу вазифаларнинг бажарилишини ҳар доим ҳам таъминлай олмайди. Бундан ташқари, айрим чораларнинг бошқаларига қарама-қарши қўйилиши ишни мураккаблаштиради, ўзини оқламайдиган харажатлар қилинишига, баъзан эса жиноятчиликка қарши курашнинг ноошқора куч, восита ва усулларининг фош бўлишига олиб келади.

Тезкор-қидирув фаолияти усуллари деганда, тезкор-қидирув тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида тезкор-тактик вазифаларни бажариш учун қўлланиладиган услуб ва йўллар мажмуи тушунилади.

Ноошқора усуллар жиноятлар содир этилишига имкон берувчи шароитлар, ғайриқонуний қилмишларга мойил шахслар ҳақида маълумот олишда энг самарали бўлиб, аввало, фуқароларнинг тезкор ходимлар билан конфиденциал асосда ҳамкорлик қилиши жараёнида фойдаланилади. Ошқора усулларнинг қўлланиши эса фуқаролар шикоятлари, аризаларини ўрганишда, профилактика ўтказиш жараёнида очиқ ахборот манбаларининг (давлат органларининг ҳужжатлари, оммавий ахборот воситаларининг материаллари, судлар ҳукмлари ва бошқаларни) ўрганишда самарлироқдир.¹

Ушбу вазиятдан чиқиш учун тезкор қидирув фаолияти орқали олинадиган криминалистик аҳамиятга эга муҳим маълумотларнинг турларини аниқлаштиришни таклиф қиламиз. Ушбу турлардан келиб чиқиб, терговга тақдим этишда уларнинг махфийлик даражаси

¹ А.А.Ҳамдамов, Т.Р.Саитбаев, С.Н.Гордеев, Р.Т.Рашитходжаев. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ. 2015. 43-б

белгиланиши керак. Бундан ташқари, махфий характердаги криминалистик аҳамиятга эга бўлган маълумотларни кейинчалик далил сифатида тан олиш учун уларнинг тўлиқ ҳолатини таъминлаш керак.

Ф.Ф.Хатамов

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Тарихдан маълумки, коррупция инсоният жамиятини емирадиган, шахсни инқирозга учратадиган, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий тизимига салбий таъсир қиладиган ижтимоий иллатдир. Бу борада, Президент Ш.М.Мирзиёев коррупциянинг моҳияти ва унга қарши курашиш зарурлиги ҳақида: «Жамият ривожига ғов бўлаётган яна бир иллат – бу коррупция балосидир. Бундай хатарга қарши курашиш мақсадида яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунни тезроқ амалиётга жорий этиш чоратадбирларини кўришимиз лозим. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, халқимизнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади»¹, дея таъкидлаган эди.

Коррупция – фуқароларни мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят туридир. Коррупциявий фаолият хуфёна иқтисодиётнинг асосий зарарли ва емирувчи турларидан бири ҳисобланади. Аксарият ҳолларда коррупция деганда давлат мансабдорлари томонидан ўз шахсий манфатларини кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиши, қонунга хилоф равишда бойлик орттириши тушунилади. Лекин, умуман олганда, давлат мансабдорларигина эмас, балки, корхона ёки фирмаларнинг барча турдаги ходимлари ҳам коррупцияга доир муносабатларнинг иштирокчилари бўлиши мумкин. Бунда кўпинча поралар пул билан эмас, балки бошқа шаклларда ҳам олинади; коррупцияга доир жиноятларнинг ташаббускорлари баъзан тадбиркорлар ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунида «коррупция» атамасига қуйидагича таъриф берилди:

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – Б.110.

«Коррупция» деганда – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиши тушунилади; шунингдек,

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик деганда – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш тушунилади»¹. Шунингдек, қонунда

манфаатлар тўқнашуви тушунчасига ҳам изоҳ берилиб, у шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик бўлиб, шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият англанади.

Этимологик жиҳатдан олганда, «коррупция» атамаси «бузиш, пора эвазига оғдириш» деган маънони англатадиган латинча «*corruptio*» сўзидан келиб чиққан. Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, «*коррупция - мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириши учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолиятдир*»². БМТнинг халқаро миқёсда коррупцияга қарши кураш бўйича маълумотида куйидагича таъкидланади: «Коррупция – бу шахсий наф кўриш мақсадларида давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш ҳисобланади». Коррупция тушунчасига берилган шу каби таъриф Жаҳон банкининг ҳозирги дунёда давлат институтининг ролига бағишланган ҳисоботида ҳам учратиш мумкин.

Бугунги кунда коррупцияга қарши глобал ва миллий миқёсда курашиш бўйича бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, улар сирасига:

1) «Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодекси» (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган);

2) Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодексини самарали амалга оширилиши учун раҳбарий принциплар (БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши резолюцияси билан 1989 йил 24 майда қабул қилинган);

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни. 4 январь 2017 й. // <http://parliament.gov.uz/uz/laws/adopted/253/19165/>.

² Bardhan P. Corruption and development // Journal of Economic Literature. – 1997. – Vol. 25. – P. 1320.

3) Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулқ-атвор кодекси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган);

4) БМТнинг Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги Декларацияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 16 декабрда тасдиқланган);

5) Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1999 йил 9 декабрда қабул қилинган);

6) БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган).

Шунингдек, Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги каби кўплаб ташкилотлар доирасида коррупцияга қарши кураш борасидаги кўплаб ҳуқуқий нормалар ва халқаро ҳужжатлар қабул қилган. Ўзбекистон Республикаси 2008 йилда «БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси»ни ратификация қилган бўлиб, унинг доирасида тизимли ишларни амалга ошириб бормоқда.

Коррупциянинг турлари.



Коррупциянинг пора олиш ва хизмат мавқеини суистеъмол қилиш каби одатдаги шаклларида ташқари, яна унинг қуйидаги амалда намоён бўлиш шакллари бир-бирларидан фарқлаш лозим:

- мансабдор шахслар, давлат хизмати ходимлари, депутатлар тижорат фаолиятида шахсий ёки умумий наф кўриш учун бевосита иштирок этиши;
- давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида тижорат тузилмаларига ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;

- ўз корпоратив (сиёсий, диний, миллий ва ҳ.к.) гуруҳига давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар бериш;

- шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида оммавий ахборот воситаларига тазйиқ ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;

- мансабдор шахслар ва давлат хизмати ходимлари шахсий бойиш мақсадида тижорат тузилмаларида сохта шахслардан ва қариндошларидан фойдаланиши;

- шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида ахборотни манипуляция қилиш (бузиб кўрсатиш, бермаслик, бериш муддатларини чўзиш ва ҳ.к.) учун хизмат мавқеидан фойдаланиш;

- тор гуруҳий манфаатларда норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳақидаги қарорларни илгари суриш; айрим номзодларнинг сайлов фондларига давлат молиявий ва моддий ресурсларини такдим этиш.

Масалан, АҚШда коррупциянинг «кикбекинг» деган шакли анча кенг тарқалган. Унинг схемаси жуда содда: жиноий тил бириктириш иштирокчилари муайян нархларда битим тузишга оғзаки келишадилар, расмий битимни эса баландроқ нархларда имзолайди. Тафовутнинг бир қисми битимга рухсат берган мансабдор шахсларга топширилади, яъни яширин тарзда пора берилади¹. Пора олишнинг бу каби шакли сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам учраб турибди.

Коррупция жинояти нафақат хуфёна, балки коррупцияга доир муносабатларга киришган томонларнинг ўзаро келишувига биноан очиқ тарзда ҳам содир этилиши мумкин. Аксарият ҳолларда, у тегишли ҳокимият органларига шикоят берилишига сабаб бўлмайди, чунки ғайриқонуний келишувдан ҳар иккала томон ҳам наф кўради. Ҳаттоки, жабрланувчилар пора сўраган мансабдорлар устидан ҳам камдан-кам ҳолда шикоят қилади. Чунки, одамлар коррупцияга карши кураш жараёнини самара беришига унчалик ишонмайди. Бу ҳолатга доир миллий ва хорижий тажриба билан боғлиқ бўлган муайян объектив ва субъектив сабаблар мавжуддир. Коррупция ҳаракатлари одатда давлат фаолиятининг мутахассис бўлмаган кишилар тушуниши анча қийин бўлган ўзига хос турларда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам коррупция ўта мослашувчан жиноятдир. У вазиятга қараб тинимсиз ўзгариб туради ва такомиллашиб боради. Шу боис бу ҳодиса ҳақида тўлиқ, мукамал ёки ҳеч бўлмаса қандайдир узук-юлуқ маълумотлар олиш ҳам қийин масалалардан бири ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг стратегик мақсадини амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ

¹ Понятие, виды и формы проявления коррупции // https://studwood.ru/748938/pravo/ponyatie_vidy_formy_proyavleniya_korruptsii

тизимини ислоҳ қилиш, коррупциявий жиноятларга қарши курашиш муҳим устувор ва долзарб вазифалар сифатида қараб келинди.

Лекин, мамлакатимизда 2017 йилга қадар коррупцияга қарши курашни мувофиқлаштирадиган, бу курашни қонунийлиги ва шаффофлигини таъминлайдиган махсус қонун қабул қилинмаган эди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди ва у 2017 йил 4 январдан бошлаб кучга кирди. Мазкур қонундан кўзланган асосий мақсад коррупцияга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан ҳамда бу соҳада ягона тизимни яратишдан иборат бўлди. Унда «коррупция», «коррупцион ҳуқуқбузарлик» ва «манфаатлар тўқнашуви» каби тушунчаларга ҳуқуқий изоҳлар берилди.

Мазкур қонунда коррупцияга қарши курашнинг асосий принциплари сифатида қонунийлик; фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги; очиқлик, шаффофлик ва тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ўзаро ҳамкорлиги; коррупциядан огоҳлантириш ва жавобгарликнинг муқаррарлиги бўйича чоралар устуворлиги кабилар мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонунда коррупцияга қарши кураш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб қўйилди:

- аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсизликни шакллантириш;

- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциядан огоҳлантириш бўйича чораларни амалга ошириш;

- коррупцион ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, улар оқибатлари, сабаблари ва келтириб чиқарган шароитларни бартараф этиш ҳамда коррупцион ҳуқуқбузарликлар содир этилгани учун муқаррар жазолаш тамойилини тадбиқ этиш¹.

Шу билан бирга, қонунда давлат бошқаруви соҳасида коррупциядан огоҳлантириш бўйича қатор чоралар белгиланди. Жумладан, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, парламент ва жамоатчилик назорати, мансабдор шахслар фаолияти сифатини баҳолаш ҳамда ишга қабул қилиш ва мансаб пиллапояларидан кўтарилишда очиқлик ва холислик тамойили асосида танловлар асосидаги саралашларга амал қилиш механизмларини жорий этиш каби омиллар белгиланди. Давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий мақоми аниқланиб, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий таъминотини ошириш ва меҳнат фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш чораларини кўришга шарт-шароитлар яратилди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.

Маълумки, жамиятда коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишда кенг жамоатчиликнинг иштироки таъминланмаса, ундан кутилган натижаларга эришиб бўлмайди. Мазкур қонуннинг эътиборли жиҳати шундаки, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат, ноижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ва оммавий ахборот воситалари каби фуқаролик жамияти институтларининг ҳам коррупцияга қарши курашишда иштирок этишига доир янги ҳуқуқий асос ҳамда қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди. Унга асосан кенг жамоатчилик, ўзини ўзи бошқариш органлари ёки нодавлат ташкилотлар қонунга мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этади ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг ва ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини, жумладан, ҳуқуқий билимлари даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни ҳам амалга ошириб боришлари назарда тутилди.

Қонунда таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбияни олиб боришга ҳам алоҳида урғу берилди. Келгусида таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия давлат томонидан белгилаб қўйилган таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади. Давлат таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш лозимки, коррупция келтирадиган зарар барча давлатлар учун тенг саналиб, мазкур иллат давлатнинг турли соҳаларига, хусусан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларга ҳамда мамлакатнинг халқаро майдондаги имиджи ва инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, *«Жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга зов бўлмоқда. Бу ёвуз*

балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди»¹.

Ўзбекистон юқорида таъкидланган халқаро нормалардан 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси, шунингдек, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул Ҳаракат режасини ратификация қилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалий ҳаётга тадбиқ этиб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнда ПФ-6013-сонли **«Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармон асосида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида *Коррупцияга қарши кураш Агентлиги* ташкил этилди.

Фармон билан, Агентликка Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий координатори вазифа ва ваколатлари, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи миллий индекс тузишни ташкиллаштириш юклатилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://www.press.uz/>. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати расмий веб-сайти.

Шунингдек, мазкур Фармон асосида қуйидаги чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш белгиланлиги аҳамиятлидир, хусусан:

- 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат»)ни босқичма-босқич жорий этиш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи E-Anticor.uz электрон платформасини жорий этиш;

- коррупция ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш имконини берувчи махсус мобиль дастурий таъминотни жорий этиш¹.

Хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатдики, бозор иқтисодиёти қонунларга асосланган мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлари, қонун ҳужжатлари ва бошқа замонавий усулларга мувофиқ самарали фаолият юритишини таъминловчи муҳим воситалардан бири ўз таркибида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат (compliance control) тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Коррупцияга қарши комплаенс назорати – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир².

Қайд этиш лозимки, олиб борилаётган ислохотларни амалий ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида, 2020 йил 4 февралда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) томонидан Коррупцияга қарши кураш бўйича идоравий чора-тадбирлар дастури тасдиқланган бўлиб, фуқаролар ва юридик шахслар вакиллари томонидан коррупция ҳақида хабар бериш механизмлари жорий этилганлиги аҳамиятлидир, хусусан бугунги кунда:

- Омбудсманнинг «10-96» ишонч телефони ва виртуал қабулхонаси фаолият юритмоқда;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли «Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020-й., 06/20/6013/1002-сон.

² Внедрение системы комплаенс-контроля // <https://schneider-group.com/ru/news/vnedrenie-sistemy-komplaens-kontrolja-s-chego-nachat/>

– фуқаролар ва юридик шахслар вакилларининг коррупциявий ҳолатлар бўйича ҳамда ходимларнинг бошқа қонунга хилоф ишлари тўғрисидаги мурожаатлари таҳлил қилиниб борилади, уларнинг натижалари одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишларида муҳокама қилинади.

– Омбудсман Котибиятига ишга биринчи марта қабул қилинаётган шахслар учун коррупцияга қарши курашиш мақсадида йўл-йўриқларни тушунтириш, хизмат вазифасига қўйиладиган асосий мажбуриятлар, таъқиқлар, чекловлар, талаблар ва идоравий одоб-ахлоқ қоидалари мазмун-моҳияти 3 иш кунидан кечиктирмай тушунтирилади.

– Вакилга коррупция билан боғлиқ бўлган мурожаатларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йилнинг 6 ой давомида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига мувофиқ, Омбудсман томонидан Бош прокуратурага 17 та мурожаат юборилган (2019 йил – 21 та). Ушбу мурожаатлардан 2 таси ўз тасдиғини топган¹.

Соҳада амалга оширилаётган ушбу мазмундаги ислохотларнинг натижаси сифатида *Transparency International* халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган «**Коррупцияни қабул қилиш индекси**»да Ўзбекистон 180 та давлат орасида 2017 йилда 157-ўрин, 2018 йилда эса 158-ўринни эгаллаган бўлса, 2019 йилда 25 балл билан 153-ўринни эгаллаб, 5 поғонага кўтарилди².

Бундан ташқари, *Жаҳон одил судлов лойиҳасининг ҳуқуқ устуворлиги индексидаги «Коррупциядан ҳолилик» индикаторида* Ўзбекистон 2019 йилда 0,38 балл билан 95-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йил бўйича 128 давлат орасида 0,40 балл билан 89-ўринни эгаллаб, 6 поғонага кўтарилганлиги³ мамлакатимизда коррупцияга қарши тизимли олиб борилаётган ислохотларнинг самарасидир.

Мамлакатимизда коррупцияни олдини олишга қаратилган чоратadbирлар амалга оширилаётган бўлса-да, ҳуқуқни қўллаш амалиётида мансабдор шахсларнинг коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этаётганлик ҳолатлари ҳали ҳамон учрамоқда. Статистик маълумотларга кўра, *2017–2019 йиллар давомида 6127 нафар мансабдор шахснинг* пора олиши билан боғлиқ жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинганлиги, *2019 йилнинг дастлабки олти ойида жами 661 нафар турли тоифадаги мансабдор шахсларга* нисбатан коррупция билан боғлиқ 590 та жиноят ишлари қўзғатилганлиги, коррупцияга қўл урган ва жинояти фош қилинган

¹ Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари буйича вакили (Омбудсман) расмий сайти // <http://www.ombudsman.uz/uz>

² Transparency International // <https://www.transparency.org/en/countries/uzbekistan>

³ World Justice Project // <https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/Uzbekistan>

мансабдор шахсларнинг 25 нафари республика, 36 нафари вилоят ва 476 нафари туман-шаҳар миқёсидаги вазирликлар, идоралар ҳамда корхона ва ташкилотларда ишлаб келганлиги, коррупция жиноятларининг асосан тиббиёт, таълим, давлат хизмати кўрсатиш, хусусан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига лицензия ва рухсат бериш билан боғлиқ соҳаларда¹ ҳали ҳамон камаймаётганлиги ташвишлидир.

Хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, кўплаб давлатларда, хусусан *Сингапур, Буюк Британия, Германия, АҚШ* каби ривожланган мамлакатларда «Давлат хизмати тўғрисида»ги, «Давлат хизматида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунлар ҳамда давлат хизматчилари, мансабдор шахслар, шунингдек судьяларнинг хатти-ҳаракат меъёрларини тартибга солувчи Ахлоқ кодекслари мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур нормалар билан давлат хизматчиларининг олиши мумкин бўлган совға ёки ҳадяларнинг аниқ миқдори ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, АҚШда ушбу миқдор 20 АҚШ долларини, Францияда 35 евро, Буюк Британияда 140 фунт, Россияда 3000 рубль этиб белгиланган, Канадада эса мансабдор шахсларнинг пул кўринишидаги совғалар қабул қилиши қатъиян тақиқланади, Сингапурда давлат бошқарувида фаолият кўрсатувчи мансабдор шахсларнинг гонорар, займ, қимматли қоғозлар каби тўловларни олиши таъқиқланган².

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юқоридаги хориж тажрибаси вазирлик тизимида жорий қилинган бўлиб, унга кўра ходимларнинг фуқаролар, бошқа ташкилотлар ходимлари, жумладан турли жойлар ва хорижий мамлакатларга уюштириладиган хизмат сафарлари давомида совғалар олиши тақиқланди. Хорижий сафарлар давомида олинган совғалар бўйича вазирликка ўтказиладиган тартиб жорий қилинди.

Шуни унутмаслик керакки, коррупциянинг энг катта душмани бу – инсоннинг ўзидир.

Ҳалоллик ва масъулият, фуқаролик жамияти, ҳуқуқни қўллашнинг самарали тизими, ижтимоий-сиёсий институтларнинг ривожланиш даражаси, ошкоралик ва ахборот эркинлиги коррупцияга қарши муҳим тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда.

Демократия ва иқтисодий тараққиёт йўлидаги асосий тўсиқ бу коррупцияга олиб келадиган нотўғри бошқарувдир. Аксинча, адолатли бошқарув давлат ресурсларидан жамоат манфаати учун фойдаланиш ва

¹ Бош прокуратура коррупция етказган зарар миқдорини маълум қилди. <https://www.gazeta.uz/oz/2019/07/31/corruption/>.

² *Б.Исмоилов., Ф.Ўлдашов.* Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон мавқеини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари. <https://uza.uz/oz/posts/>.

инсон капиталига сармоя киритишни ўз ичига олади. Коррупция инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келишини инобатга олсак, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш коррупцияга қарши курашда самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳақида гапирадиган бўлсак, халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра, ҳуқуқ ва эркинликларни чекловчи давлат ва унинг айрим вакиллари ҳисобланди. Худди шундай, коррупция таркибини ўз ичига олган жиноятларда ҳам бевосита давлат амалдорлари иштирок этади. Шундай қилиб, давлат вакиллари ҳам инсон ҳуқуқларининг бузилишида, ҳам коррупция билан боғлиқ жиноятларда иштирок этадилар.

Бу ҳолатда эса, немис файласуфи Гегелнинг: «*Давлат инсон учун мавжуд бўлади, инсон давлат учун эмас*» деган иқтибосини келтириб ўтиш ўринлидир. Кўпинча эътибордан четда қоладиган ушбу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, давлат (унинг вакиллари томонидан ҳам) инсон ҳуқуқларига риоя қилиш учун шарт-шароит яратиш, шу жумладан, ушбу юксак миссияни амалга ошириш йўлида тўсқинлик қилаётган коррупцияга қарши курашиш учун барча саъй-ҳаракатларини амалга ошириши зарур.

Ғ.Э.Тошқулов

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТЕРГОВ ИДОРАЛАРИДА КОРРУПЦИЯНИ ОЗИҚЛАНТИРУВЧИ МАНБАЛАР ВА УЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Асосий тушунчалар:

Суриштирувчи – жиноят ишлари бўйича суриштирув ички ишлар органларининг суриштирувчилари томонидан амалга оширилади (ЖПКнинг 38-моддаси 1-банди).

Терговчи – жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органларининг ва давлат хавфсизлик хизматининг терговчилари олиб борадилар (ЖПКнинг 35-моддаси).

Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

Манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин

бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев**нинг 2020 йил 29 декабрь кунидаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида қуйидаги фикрларни баён қилиб ўтди. Яъни, «...коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт.

Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур.

Коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга нисбатан мурасасиз бўлиш ғоясини фарзандларимизга ёшлиқ даврдан бошлаб сингдиришимиз, уларга фақат ҳалол меҳнат ва тадбиркорлик орқали даромад топишни ўргатишимиз лозим.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олишда барча давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнлари, очик ва фақат очик бўлишини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири – кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очик тизимини йўлга қўйишдан иборат. Ушбу тизим асосида кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очик ва ошқора танлов тизими жорий этилади.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат хизматчиларини мунтазам ўқитиш ва билимини баҳолаб бориш тизими йўлга қўйилади».

Коррупция атамаси лотинча «орруптио» сўзидан олинган бўлиб, *пора бериб сотиб олиш, бузилиш, ишдан чиқиш, ахлоқий (маънавий) бузилиш* деган маъноларни англатади.

Одатда, мансабдор шахс томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқларидан, шунингдек, бу билан боғлиқ расмий нуфуз мақомидан, имкониятлар ва алоқаларидан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатади.

Жамиятда коррупция оддий халқ вакилларининг юқори амалдорларга ёхуд давлат амалдорларининг ўзаро бир-бирларига бўлган муносабатидан келиб чиқади. Ушбу салбий ҳолатнинг ҳар қандай кўриниши жамиятни ҳалокат ёқасига олиб бориши муқаррардир.

Коррупциянинг тарихи антик даврларга бориб тақалади. Қадимги Юнонистон давлатида оддий халқ вакиллари оқсоқолларга ва турли даражадаги амалдорларга совға-саломлар беришган. Худди шундай

ҳолатлар қадимги Мисрда ҳам кузатилган: бу ерда эркин деҳқонлар, ҳунармандлар ва ҳатто ҳарбий кишиларга нисбатан ҳам ўзбошимчалик ва зўравонлик ишлатган ҳамда қонунбузарликларни ўзига касб қилиб олган амалдорлар бюрократик аппарати юзага келганди.

Коррупция ҳар қандай давлат ва жамият ривожига жиддий салбий таъсир кўрсатувчи хавфли омил, барча мамлакатларга таҳдид солувчи мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳодисадир. Зеро, бу омил туфайли давлатнинг ривожланиши секинлашади, ҳукумат тизими ишдан чиқади, демократик институтларга путур етади. Шу билан бирга, унинг таъсири остида фуқароларнинг ижтимоий адолатга, ҳақиқатга ва давлат органларига ишончи йўқолади. Ҳар қандай жамият учун ушбу жиноятга қарши курашиш энг долзарб масалалардан биридир. Бизнинг давлатимиз коррупциянинг олдини олиш ва унинг илдизларига барҳам бериш мақсадида кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. **2003 йил 9 декабрда** БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси имзоланганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Ушбу иллатни тадқиқ қилган бир қатор йирик мутахассислар қуйидаги ҳолатларни коррупцияни юзага келтирувчи омиллар сифатида кўрсатади:

Икки хил маънони англатувчи қонунлар - ушбу вазият ҳуқуқни қўлловчи мансабдор шахс томонидан қонунларни турлича қўллаш имконини яратади. Шунингдек, айрим мутахассислар жиноят, маъмурий қонунчиликдаги «вилка» санкцияларини ҳам коррупцияга қулай шароит яратиши мумкинлиги ҳақида фикр юритишган. Яъни, санкциянинг аниқ миқдори йўқлиги судьяда уни ўз ҳоҳишига қараб қўллашга шароит яратиб беради.

Аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги - аҳоли томонидан қонунларни билмаслик ёки тушунмаслик мансабдор шахсга ўзининг шахсий манфаати йўлида қонунлардан фойдаланишга қулай шароит яратади.

Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлиги - мамлакатдаги нотинчлик биринчи навбатда аҳоли онгида ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ, деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида коррупцияга қулай шароит яратади.

Ижро ҳокимиятининг бирлиги тамойилининг бузилиши - айнан битта фаолиятнинг турли инстанциялар томонидан тартибга солиниши:

- аҳолининг давлатни назорат қилишдаги суистироки;
- давлат секторида хизмат қилаётган хизматчилар даромадларининг хусусий секторда топиш мумкин бўлган даромадлардан камлиги;
- иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши;
- инфляциянинг юқори даражаси;

-мамлакат юқори бошқарув органларининг аҳолидан узилиб қолганлиги;

- мамлакатдаги диний ва ахлоқ қоидалари.

Сингапур давлати 1965 йил мустақилликка эришгач, коррупция даражаси энг юқори бўлган давлатлар қаторида турар эди. Лекин бу иллатга қарши ўтказилган бир қатор тадбирлар бу давлатда коррупциянинг минимал даражага тушишига олиб келди. Биринчи навбатда, бу ерда бюрократик жараёнлар енгиллаштирилиб, суд тизимининг мустақиллиги оширилди (судьяларнинг даромадлари ва имтиёзларини ошириш эвазига). Шу билан бирга коррупция жиноятлари учун санкциялар оғирлаштирилиб, фуқароларга коррупцияга қарши жиноятларни тергов қилишда ҳамкорлик қилишдан бош тортганлиги учун жуда катта молиявий санкциялар белгиланди. Бир қатор давлат идораларида оммавий «тозалашлар» ўтказилиб, бу жараёнлар телеканаллар орқали бутун мамлакатга намойиш қилинди. Юқорида санаб ўтилган омилларнинг ҳаммаси Сингапурни қисқа муддатларда коррупция даражаси энг паст мамлакатлар рўйхатида илғор давлатлар қаторига олиб чиқди. Шунингдек, давлат хизматчисининг ахлоқ стандартларига риоя этишини қаттиқ назорат остига олиш ҳам Сингапур давлатида коррупцияга қарши курашда муҳим дастаклардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига **2008 йил 7 июлдаги** ЎРҚ-158-сонли Қонуни билан қўшилган бўлиб, ушбу Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа иштирокчи давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгилаб қўйилган.

Ушбу Конвенцияда назарда тутилган ва коррупция сифатида эътироф этилиши мумкин бўлган қилмишлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг бир қатор моддалари билан жиноий қилмиш сифатида таъқиб қилинади.

Transparency International халқаро ташкилотининг коррупцияни идрок этиш индекси бўйича, 2010 йилдан бери Ўзбекистон ҳар йили ўз мавқеини яхшилаб келмоқда. **2019 йилда** Ўзбекистон 25 балл билан 180 давлат ичида **153-ўринни** эгаллаган, 2010 йилда эса у 16 балл билан **172-ўринда** турган эди.

Ўзбекистон Республикасининг **2017 йил 3 январь** кунидаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги ЎРҚ-419-сонли Қонунининг **9-моддасига** мувофиқ, *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларига кўра:*

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришлиги кўрсатилган.

Мазкур Қонуннинг **11-моддасига** мувофиқ, *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларига кўра:*

- коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширишлиги кўрсатиб ўтилган.

Мазкур Қонуннинг **13-моддасига** мувофиқ, *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларига кўра:*

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар, иқтисодий ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга оширишлиги кўрсатиб ўтилган.

Ҳозирги кунда ички ишлар органларининг тергов идораларида коррупцияни озиқлантирувчи манбаларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Суриштирувчи ёки терговчиларини юқори раҳбарлик лавозимларига тайинлаш жараёнида тергов бошлиқлари ва терговчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнида;

2. Суриштирувчи ёки терговчиларнинг иш юритувидаги бўлган ҳужжатларида уларнинг фуқаролар ўртасида манфаатлар тўқнашуви вужудга келган пайтдан бошлаб, яъни фуқароларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда уларнинг моддий зарарларини қоплаб бериш ёки ундириб бериш жараёнида;

3. Суриштирувчи ёки терговчиларнинг иш юритувидаги бўлган жиноят ишларида уларнинг жабрланувчилар ўртасида манфаатлар тўқнашуви вужудга келган пайтдан бошлаб, яъни жабрланувчиларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда уларнинг моддий зарарларини қоплаб бериш ёки ундириб бериш жараёнида;

4. Суриштирувчи ёки терговчиларнинг иш юритувидаги бўлган жиноят ишларида уларнинг гумон қилинувчилар ўртасида манфаатлар тўқнашуви вужудга келган пайтдан бошлаб, яъни гумон қилинувчиларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ишнинг уларнинг фойдасига ҳал қилиб бериш жараёнида;

5. Суриштирувчи ёки терговчиларнинг иш юритувидаги бўлган жиноят ишларида уларнинг айбланувчилар ўртасида манфаатлар

тўқнашуви вужудга келган пайтдан бошлаб, яъни айбланувчиларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ишнинг уларнинг фойдасига ҳал қилиб бериш жараёнида;

6. Суриштирувчи ёки терговчиларнинг иш юритувидаги бўлган жиноят ишларида уларнинг гумон қилинувчилар ёки айбланувчилар ўртасида манфаатлар тўқнашуви вужудга келган пайтдан бошлаб, яъни уларга эҳтиёт чорасини қўллашда уларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда эҳтиёт чорасини қамоқ билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларидан бирини қўллаш жараёнида;

7. Суриштирувчи ёки терговчиларнинг иш юритувидаги бўлган жиноят ишларида уларнинг гумон қилинувчилар ёки айбланувчилар ўртасида манфаатлар тўқнашуви вужудга келган пайтдан бошлаб, яъни уларнинг жинорий шерикларидан бирини жавобгарликдан чиқариб юборишликда уларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда жиноят ишини бир қисмини тугатиш ҳақидаги қарорни чиқариш ёки уларнинг биринчи берган кўрсатмаларини тўғирлаш жараёнида;

8. Суриштирувчи ёки терговчиларнинг иш юритувидаги бўлган жиноят ишларида уларнинг гумон қилинувчилар ёки айбланувчилар ўртасида манфаатлар тўқнашуви вужудга келган пайтдан бошлаб, яъни жабрланувчилар билан яраштириш ёки уларнинг қисмини ҳаракатдан тугатиш жараёнида;

9. Суриштирувчи ёки терговчиларнинг иш юритувидаги бўлган жиноят ишларида уларнинг гумон қилинувчилар ёки айбланувчилар ўртасида манфаатлар тўқнашуви вужудга келган пайтдан бошлаб, яъни уларга айб эълон қилишда айрим моддаларни қўймаслик жараёнида;

10. Суриштирувчи ёки терговчиларнинг иш юритувида бўлган ҳужжатлар ва жиноят ишларида уларнинг жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ёки айбланувчилар ўртасида манфаатлар тўқнашуви вужудга келган пайтдан бошлаб, яъни уларнинг яқин танишларининг аралашуви, илтимоси, таниш-билишлик, қариндош-уруғчилик жараёнларида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2020 йил 29 июнь** куни «Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Агентлик ўз фаолиятини қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисоб бериб

боради. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан бошқарилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Агентлик директорини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланади.

Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш, шунингдек, коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;

- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш;

- фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;

- вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан, банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат») ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усуллар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш, шунингдек, уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илғор

хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

- давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкани декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш;

- давлат хизматига ҳалоллик стандарти («ҳалоллик вакцинаси») ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мамлакатни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

- коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш.

Агентлик:

- ҳар йили оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши лозим бўлган Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани тайёрлайди ҳамда уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритади;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган кўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг тегишли кўмитаси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш комиссиялари билан ҳамкорлик қилади;

- коррупцияга оид, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имижига зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот беради;

- коррупцияга оид жиноятлар оқибатида жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарар тўлиқ қопланишига эришиш устидан назоратни амалга оширади;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилади ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

- фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи Коррупцияни қабул қилиш миллий индексини тузишни ташкиллаштиради;

- давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат буюртмачиси ISO 37001 коррупцияга қарши стандартини қўллашни кўзда тутувчи талабни ўрнатади;

- жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

- коррупция ҳолатларига доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади.

Агентликка қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

- бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, давлат харидлари, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва давлат дастурлари бажарилиши билан боғлиқ материалларни талаб қилиш, олиш ва ўрганиш;

- ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан ўрнатилган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

- давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида коррупция ҳолатини ўрганиш;

- коррупцияга оид жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, тизимли коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш мақсадида қонунчилик, шу жумладан, жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ жиноят ишлари материалларини ўрганиш;

- ўрганиш ва бошқа тадбирлар натижалари бўйича тўпланган материалларни фаолиятда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аломатлари

бўлган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ чоралар кўриш, жумладан, жиноят ишларини қўзғатиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларига тақдим этиш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий суриштирувлар ўтказиш;

- ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни киритиш;

- давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантиришлар ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Агентлик ходимлари ўз ваколатлари доирасида коррупциянинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ушлаб турилганларни ва қамоққа олинганларни сақлаш жойлари, жазони ижро этиш муассасаларига қаршиликсиз киришга ва ҳужжатлар билан танишишга ҳақли.

*А.Муродов,
М.А.Тураев*

МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ: ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

Мамлакатимизда фуқароларнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари олдида бир қатор вазифалар белгилаб берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «**ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш зарур**» эканлиги устувор вазифа сифатида белгиланди.

Жиноятчиликка қарши курашишда унинг олдини олиш муҳим саналади. Шу боис ички ишлар органларида профилактик тадбирларга кенг

ўрин бериляпти. Айниқса, ҳафтанинг ҳар **пайшанба куни** мамлакатимизда «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни**» деб эълон қилиниши жойларда профилактик тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, ички ишлар органлари билан маҳалла фуқаролар йиғинининг янада ҳамкорлигини кучайтириш орқали аҳоли билан ўзаро очиқ мулоқот ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» доирасида тадбирларни ташкил этиш схемасига асосан, жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан бир қаторда профилактик тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, жойларда ўтказилаётган тадбирларда ички ишлар органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, ҳокимият вакиллари, хотин-қизлар қўмитаси, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизими, «Ёшлар» иттифоқи, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, имом-хатиблар жалб этилиб, улар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур тадбирни ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш давомида асосий эътибор қуйидагиларга қаратилмоқда:

1. Тадбир иштирокчилари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож ва профилактик ҳисобда турган аҳоли яшаш хонадонларига кириб, уларнинг реал ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш.

2. Кенг жамоатчилик вакиллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан биргаликда ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турган шахслар билан профилактик суҳбатлар ўтказиб, ушбу тоифадаги шахслар томонидан жамиятда қабул қилинган юриш-туриш қоидаларига риоя этилиши ҳамда жамиятга нисбатан салбий таъсир этувчи хатти-ҳаракатларнинг оқибатларини тушунтириш.

3. Вояга етмаганлар ва ёшларнинг жамиятга салбий таъсир этувчи хатти-ҳаракатларга қўшилиб кетишларининг олдини олиш мақсадида таълим муассасаларида даволатнинг юқориликларини таъминлаш, дарс машғулотларига сабабсиз қатнашмаётган ўқувчиларни таълимга қайтариш мақсадида «Давомат» тадбири ўтказиш.

4. Жойлардаги раҳбар ходимлар томонидан аҳоли ўртасида юзага келаётган муаммолар муҳокама қилиниб, натижалари ҳақида аҳолини хабардор қилиш ҳамда фуқароларнинг истак ва талаблари инобатга олинган ҳолда ҳисоботлар бериб бориш.

5. Халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш мақсадида маҳаллаларда мутасадди раҳбарлар томонидан «**Сайёр қабул**»лар ва учрашувлар ташкил этиб, уларда фуқароларнинг кундалик муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш ҳамда фуқароларни қабул қилиш жараёнида аниқланаётган тизимли муаммо ва қонунбузилишларининг сабабларини бартараф этиш чораларини кўриш.

6. Аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабардор қилиш, уларнинг огоҳлигини ошириш, қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида маҳаллаларда содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича «Сайёр суд»лар ташкил этиб, аҳолини бундан хабардор қилиш орқали уларни огоҳлик ва ҳушёрликка чақириш.

Мазкур тадбирлар бевосита маҳаллаларда ташкил этилиб, аҳолини ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва уларни олдини олишга, ҳуқуқбузар шахсларнинг ўз яшаш манзилида содир этган қилмишини жамоатчилик олдида муҳокама қилишга, энг асосийси ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан тарбиявий таъсир чораларини қўллашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу боисдан ҳам, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан бугунги кунда маҳалла институтининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4602-сонли қарорига асосан, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан тизимни шакллантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, маҳалла тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Таъкидлаш керакки, мазкур қарор талаблари доирасида эндиликда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг уч нафар ўринбосари лавозимининг жорий қилиниши маъмурий ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга, аҳоли тинчлигини таъминлашга, профилактика инспектори билан жамоат тузилмаларининг яқиндан ҳамкорлигини йўлга қўйишга ва уни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида янада такомиллашиб бораётган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими ва унда барча давлат органлари ҳамда уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда, жиноятчиликни жиловлашда, унинг айрим турлари ва уларнинг оқибатларини камайитиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, республикада ҳеч қандай жиноят содир этилмаган маҳаллалар ҳам борки, бу маҳалла аҳли тинч-тотув, аҳил-иноқ яшашидан, шунингдек, ҳудудда профилактика инспекторлари, нуроний отахон ва онахонларимиз, оқсоқоллар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганидан далолат беради. Ана шундай кексаларимизни профилактика инспекторларининг энг яқин ҳамкори,

суянчи, таянчи, десак арзийди. Кези келганда, маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг бир қисмини ички ишлар органларида кўп йиллар хизмат қилиб, нафақага чиққан фахрийларимиз ташкил этишини ҳам фахр билан қайд этиш жоиз.

Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ёшларни бўш вақтларини унумли ташкил этиш, ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган нотинч оилалардаги маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштириш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда профилактик чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамасдан, ҳар йили 30 мингга яқин оилаларнинг ажралишига оид ажримлар қайд этилиб, бу масалалар бўйича судларга мурожаат этганларнинг 70 фоиздан ортигининг оиласида носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит, эр-хотин, қайнона-келин ўртасида келишмовлик ва низоларнинг мавжудлиги аниқланмоқда.

Таҳлиллар бугунги кунда шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг, хусусан қотилликнинг 38,3 фоизи, қасддан баданга шикаст етказишларнинг 21,5 фоизи, ҳақорат қилиш ва тухматнинг 14,5 фоизи айнан оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилаётганлигини кўрсатмоқда¹. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда»², – деб таъкидлаган эди.

Оила турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилишда «Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси» фаолиятини самарали ташкил этиш лозим. Айрим ҳудудларда ушбу борадаги ишларнинг тўғри ташкил этилмаганлиги натижасида оилавий муносабатлар доирасида қотиллик билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилаётганлиги, айниқса аёлларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпайиб бораётганлиги ачинарли ҳолдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оилавий низоларни ҳал этиш юзасидан фуқаролардан келиб тушган аризаларнинг мазмуни ўрганилганида, улар асосан қуйидагилардан иборат эканлиги маълум бўлди:

1. Оилада қайнона-келин ўртасида содир этилган низоли вазиятлар;
2. Эрининг спиртли ичимликка ружу қўйганлиги;

¹ Муродов А. Оиладаги зўравонлик тушунчаси, турлари ва жиноий ҳуқуқий тавсифи // Advokat журнали. –Т., 2018. № 1. –Б. 38-45.

² Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Халқ сўзи. –Т., 2017. – 16 июнь.

3. Эрининг калтаклаши ва болаларига нисбатан шавқатсиз муносабатда бўлаётганлиги;

4. Қариндош уруғларнинг оиладаги муҳитга таъсир ўтказиши ёки ноўрин аралашуви (масалан қизининг ҳаётига онанинг ўз таъсирини ўтказиши) оқибатида келиб чиқаётган низолар хусусида;

5. Мол-мулк ёки мерос талашини оқибатда қариндош уруғлар ўртасида оилавий низоларнинг келиб чиқаётганлиги;

6. Моддий этишмовчилик ва қийинчилиликлар;

7. Фарзандининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота ёки она;

8. Битта хонадонда икки ёки ундан ортиқ оилалар яшаётганлиги ва уларнинг ўзаро келишмовчиликлари ва ҳ.к.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий профилактика инспекторлари билан биргаликда ушбу низоли мазмундаги ариза ва шикоятларни кўриб чиқишда *биринчидан*, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этишга, *иккинчидан*, ушбу низо оқибатида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга, *учунчидан*, низо оқибатида ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ўртасида бузилган ижтимоий муносабатларни тиклашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Профилактика инспектори ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан ҳамкорликда ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда жиноятларни барвақт олдини олиш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишлари талаб этилади:

1) *Маъмурий ҳудуддаги ҳар бир хонадон ҳақида барча маълумотларга эга бўлиш*: аҳоли ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш; носоғлом турмуш тарзи кечираётган фуқароларни аниқлаш; оила турмуш доирасида ҳуқуқбузарликлар содир этаётган шахсларни аниқлаб, тегишли чоралар кўриш; ҳуқуқбузарликларга имкон бераётган сабаб ва шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга;

2) *Профилактик суҳбат*: оилада оила аъзолари, яъни эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, қайнона-келин, қариндош-уруғлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлаб, уларга ҳуқуқий ва психологик таъсир кўрсатиш; фарзандининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган, уларга шавқатсиз муносабатда бўлаётган ота-оналарни аниқлаш, уларга нисбатан таъсирчан чораларни қўллаш; фуқароларга оиладаги низоларнинг шахс ҳаёти ва тақдирига салбий таъсири ва уларнинг оқибатларини тушунтириш;

3) *Ҳуқуқий тарғибот*: янги қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш; ҳуқуқий билим савияси юқори бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий онги ва савиясини ошириш; фуқароларни қонунчиликка риоя этишлари уларни хабардор қилиб бориш.

4) «*Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси*» фаолиятини самарали ташкил этиш: нотинч оилаларни яраштириш; оиладаги низолар туфайли бузилган муносабатларни тиклаш чораларини кўриш; оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этаётган шахсларга чора кўриш; низоли оилалардаги муаммоларни ҳал этиш; фарзандининг тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналарнинг ҳулқ-атворини муҳокама қилиш; тўймаърака ва бошқа тадбирларни ортиқча дабдабасиз ўтказиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш оиладаги зўравонликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, ҳалқ билан тизимли манзилли мулоқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш¹ ҳар бир маҳалла фуқаролари йиғини раиси профилактика (катта) инспекторининг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи лозим.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳалқимизга хос ноёб усули бўлган маҳалла ва жамоатчилик назорати имкониятларидан унумли фойдаланилмаяпти. Бизнинг ҳалқимизда ор-номус, андиша, ҳаё ва ибодеган тушунчалар ниҳоятда кучли. Бу эса, кўпинча уйдаги можароларни ариза ёзиб судга чопишга, бошқаларни бундан хабардор қилишга йўл бермайди. Маълумки, оиладаги низолар нари борса маҳалла доирасида, кўпни кўрган кексалар ёрдамида ҳеч кимга овоза қилинмай, ортиқча расмиятчиликка йўл қўймасдан ижобий ҳал этишга ота-боболаримиз азалдан амал қилиб келган. Афсуски, ҳозирги кунда ҳам маҳалла ва жамоатчилик имкониятларидан самарали даражада фойдаланилмаяпти. Зеро, «жамоатчилик назоратини кучайтириш жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олишга ҳамда уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошишини таъминлашга хизмат қилади».²

Маҳалла фуқаролар йиғинининг оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятини самарали ташкил этиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

биринчидан, оилавий жанжаллар оқибатида юзага келган эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, ота-она ва фарзанд, қайнона ва келинлар ўртасида бузилган ижтимоий муносабатларни тиклаш борасида низоли оилаларнинг ичига кириб бориш ва у ердаги муаммоларнинг ечимини топиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2883-сонли Қарори.

² Фозилов У.Э. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. ном. дисс. автореф. –Т., 2009. –Б. 16.

иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси», хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассислар билан ҳамкорликда содир этилган оилавий низоларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича зарурий профилактика чораларини кўриш;

учинчидан, оилада миллий қадриятлар ва урф-одатларга зид, ахлоқ-одоб доирасидаги ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўяётган шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли тарбиявий таъсир чораларини кўриш мақсадида бой ҳаётий тажрибага эга бўлган шахсларни жалб қилиш;

тўртинчидан, оила турмуш доирасида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида келгусида уларнинг содир этилмаслигини олдини олишга қаратилган самарали профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

бешинчидан, маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятини самарали ташкил этиш борасида **«Обод ва хавфсиз маҳалла»** тамойилига асосан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

олтинчидан, маҳалладаги оилаларнинг ажралиш ҳолатлари, оилаларда низоли вазиятларнинг юзага келиш сабабларини чуқур таҳлил этиш, айниқса хотин-қизлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисларга аниқ манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;

еттинчидан, оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар сабаб ва шароитлари, ижтимоий хавфи, салбий оқибатлари, оилаларнинг ажралишига олиб келаётган омиллар ҳамда уларнинг барвақт профилактикасига оид видеоролик, видеофильм, реклама ва бошқа бадиий асарлар тайёрлаш ва уларни ОАВда мунтазам равишда намойиш қилиш амалиётини жорий этиш ушбу турдаги жиноятларни барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек: «жаҳонда шиддат билан ўзгараётган нотинч ва мураккаб вазият, турли можаролар жонажон Ватанимиз хавфсизлигини, эл-юртимизнинг осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда мавжуд таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб беришга доим тайёр туришимизни тақозо этмоқда».

**ЖАМОАТ ХАВҒСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ, ЖАМОАТ
ХАВҒСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА
ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН
ИСЛОҲОТЛАР ВА «ҒУҚАРОБАЙ» ИШЛАШ ТИЗИМИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли ғаровонлигини юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, халқ ғаровонлиги учун хизмат қилиш, Янги Ўзбекистон давлатини куриш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишда жамоат хавғсизлигини таъминлаш бугунги кундаги энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади.

Хусусан, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида, ички ишлар органлари жумладан, «Ғуқуқ тартибот масканлари» раҳбарлари ва профилактика инспекторлари ҳамда миллий гвардия ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг олдига ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва бу борада амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини яхлит ташкиллаштириш, «Жамоат хавғсизлиги ва жиноятчиликка қарши курашиш» борасидаги Президентимизнинг Ғармон ҳамда Қарор талаблари асосида ғуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш, «Халқ ғаровонлиги учун хизмат қилиш» тўғрисидаги қарорлари талаблари асосида, тизимни янада самарали ташкил этиш имконини кенгайтиради.

Жумладан, Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамоат тартибини ва хавғсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1992), «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1996), «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги (1999), «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли ғавқулодда ҳолатлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (1999), «Ғуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги (2000), «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (2000), «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги (2001), «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги (2007), «Йўл ҳаракати хавғсизлиги тўғрисида»ги (2013 йил 10 апрель), «Ғуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 14 май), «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги (2015),

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (2016), «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (2016) ва Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунлари асосида ходимлар фаолият олиб бормоқдалар.

Шунингдек, 2018 йил 19 июндаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3786-сон Қарори ва Миллий гвардия ҳамда ИИВ бўлинмаларининг ҳамкорликда хизматни ўташни ташкил этиш тўғрисидаги қарорида **«Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар асосида фаолияти тўлиқ йўлга қўйилган.**

Юқоридагилардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли Фармонида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмларини ташкил этиш белгилаб берилган бўлиб, бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

– ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

– «республика - вилоят - туман - маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

– ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

Шунингдек, Фармонга мувофиқ, ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши режалаштирилиб, ўз фаолиятларини ташкил этмоқда.

Ушбу фармонга асосан, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг вазифалари этиб қуйидагилар белгилаб берилган:

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуйи бўғини ҳисобланиши;

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилиши;

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланиши.

Шу билан бирга, Ички ишлар вазири ва Миллий гвардия қўмондонига қуйидаги вазифалар берилган:

пойтахтда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг фаолиятини янги талабларга кўра намунавий тарзда ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда жорий йил якуни бўйича Тошкент шаҳридаги маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятдан келиб чиққан ҳолда республиканинг бошқа ҳудудларида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўриш юклатилди.

Мазкур фармон асосида, ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида бир қанча департаментлар ташкил этилди. Жумладан, **«Жамоат хавфсизлиги департаменти»** ҳам ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Ушбу департамент таркибига қуйидаги соҳавий хизматлар жамланиб, хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, пост-патруль ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, пробацция хизмати ҳамда йўл-патруль хизматлари ташкил этади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида янги тизимларни жамиятга тадбиқ этиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган **«фуқаробай»** тизимини жорий этиш тўғрисида дастлаб, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил 27 январь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида оммага маълум қилдилар.

Юртбошимиз ўз нутқларида **«Энди ишни «маҳаллабай» ташкил этишда маҳалла раиси, профилактика инспектори, мактаб директори, ёшлар етакчиси ёшлар муаммоларини «фуқаробай» аниқлайди. ... Энди маҳаллада «фуқаробай» ишлаймиз. Уйнинг ичидаги одамнинг кайфияти қандай? Нима мурод-мақсади бор? Нима муаммолари бор? Шуларни «фуқаробай» аниқлаб, сектор раҳбарлари олдида аниқ ва**

лўнда масалаларни қўйишлари шарт», – деб таъкидладилар. Шундай экан «фуқаробай» ишлаш тизимининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг афзалликлари қўйидагилардан иборат:

- ҳар бир фуқаронинг муаммолари индивидуал тартибда аниқланади;
- аниқланган муаммолар тегишли маълумотлар базасига ва темир дафтарларга киритиб борилади;
- мутасадди ташкилотларга муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ вазифалар берилади;
- аниқланган муаммолар индивидуал тартибда ҳал этилгунга қадар назоратга олинади;
- аниқланган муаммолар ҳал этилганидан кейин тегишли маълумотлар базасидан чиқарилади.

«фуқаробай» ишлаш тизими *ижтимоий-профилактик аҳамиятга* эга бўлиб, ўз навбатида жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа муаммолар биринчи навбатда, ёшлар ва аёллар ҳаётида акс этишига қаратилган. Бошқача айтганда, ёшлар ва аёллар ҳамда ишсизларнинг муаммолари жамиятдаги муаммоларнинг барометри ҳисобланади.

Хусусан, Марказий Осиё дунёдаги энг ёш минтақа бўлиб, аҳолисининг ёши ўртача **27,6 ёшни** ташкил этади. Минтақа аҳолисининг **50 фоизга яқини** Ўзбекистон Республикасига тўғри келади. Жумладан, мамлакатимиз аҳолисининг **18,9 млн. нафари** ёки **54 фоизини** 30 ёшгача бўлган ёшлар ва болалар ташкил этади (15 ёшдан 19 ёшгача бўлгани **2 558 977 нафар**, 20 ёшдан 24 ёшгача **2 890 718 нафар**, 25 ёшдан 29 ёшгача **3 212 525 нафарни** ташкил қилади).

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга боғлиқ қўйидаги жиддий муаммолар мавжуд. Мисол учун, **39 088 нафар** ёшлар нотинч оилаларда истиқомат қилиши, улардан **368 нафар** ёшлар турли зарарли норасмий гуруҳлар, оқимлар таъсирига тушиб қолганлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, 2020 йилда ҳар **100 та** жиноятнинг 2,2 тасини 16-17 ёшдагилар, ҳар **100 та** жиноятнинг 15,2 тасини 18-24 ёшдагилар, ҳар 100 та жиноятнинг 19,2 тасини эса 25-30 ёшдаги шахслар содир этган.

Шунингдек, Республикамизда аҳоли таркиби алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган **150 минг** нафар болаларни ташкил этиши билан биргаликда, 18-30 ёшлилар орасида расмий ишсизлик **17 фоиз** ёки **844 минг** нафарни ташкил этмоқда (бу умумий ишсизлик даражасидан 1,5 баравар кўп). Ҳисобга олинмаган ишсизлар сони юқори ёки пастлигини айтиш мақсадга мувофиқ эмас.

Шундай қилиб, «фуқаробай» ишлаш тизими орқали фуқароларнинг ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа муаммолари аниқланиб, ҳисобга олинади ҳамда мавжуд муаммолар жойида ҳал этилади, жамиятда ижтимоий мувозанат барқарорлаштирилади ва ҳуқуқбузарликлар содир этиш асосий сабаблари ҳамда шарт-шароитлари ўрганилади ва бартараф этилади.

Мазкур тизимни жамиятга тадбиқ этиш ҳамда бир меъёردа ишларни амалга ошириш мақсадида ҳамкорлик асосий ўрин эгаллайди. Яъни, жамиятда бирон - бир ижобий натижаларга ёки кутилаётган мақсадларга эришиш борасида давлат органлари ҳамда жамоатчилик тузулмалари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилиши лозим. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, «фуқаробай» ишлаш тизими ҳамкорликда амалга оширилади.

Шунга асосланиб айтиш мумкинки, «фуқаробай» ишлаш тизими ваколатли субъектлар, шу жумладан ички ишлар органлари томонидан маҳалла, туман, вилоят кесимида ҳар бир фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа муаммоларини индивидуал тартибда аниқлаш ва ҳал этиш орқали уларнинг жиноят содир этишининг олдини олишдан иборат ижтимоий профилактиканинг самарали методларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда «фуқаробай» ишлашнинг аҳамияти – профилактик чора-тадбирларнинг манзилли ва мақсадли йўналтирилиши орқали аниқ шахсларга таъсир чораларини кўриш, унинг таъсирчанлигини ошириш, қолаверса, вақт, куч ва воситалар ортиқча сарфланишига чек қўйишга эришилади.

Жойларда амалга ошириладиган янги тизимни янада мақсадли амалга ошириш учун қуйидаги таклифларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Жумладан:

1. Ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турувчи шахслар билан профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда уларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратиш;

2. Профилактик ҳисобда турувчи ва жиноят содир этиш эҳтимоли бўлган ҳар бир шахснинг психологик қиёфасини тузиш ва улар ўртасида ички руҳий ҳолатни тетиклаштиришга қаратилган индивидуал маънавий ва маърифий чораларни қўллаш амалиётини жорий этиш;

3. Ҳуқуқбузарлик содир этувчи ва профилактик ҳисобда турган шахслар билан ишлашда дастлаб, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида имом хатиблар, отинойилар ва бошқа маҳаллий давлат

органларининг вакилларида ажратилган масъул бўлган шахсларнинг назоратини кучайтириш.

4. Вояга етмаганлар ва ёшларнинг турмуш тарзини мунтазам назоратга олиш ва уларнинг ўқиш ҳамда руҳиятидаги ўзгаришларни ўз вақтида илғаш ва ҳал этиш мақсадида мактабларда янги ташкил этилган «психолог инспектор»ларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш;

5. Ҳар ой якуни бўйича профилактика инспекторларининг ҳалқ олдида бериладиган ҳисобот йиғилишларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари ва бошқа жамоат ташкилот вакиллари «**ҳалқ манфаати юзасидан**» ўз йўналишлари бўйича аниқланган камчилик ҳамда уларнинг ечимлари бўйича маърузалар билан иштирок этиш.

6. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида профилактика инспекторлари ўз маҳаллаларида бўлиши белгиланган бўлсада, ханузгача бошқа ишларга жалб этилаётганлигига қарши кураш.

7. Суд идораларига электрон юборилган маъмурий ҳужжатларнинг асл нусхасини юбориш билан вақт йўқотилиши, оворагарчиликларга чек қўйиш мақсадида ҳужжатларни ИИОФМБ котибиятига топшириш.

М.Х.Ачилов

АЛОҲИДА ШАРОИТЛАРДА ПАТРУЛЬ-ПОСТ ХИЗМАТИ САФ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

Бугунги кунда ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди¹.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик адабиётларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятларини амалга оширилишини қуйидаги икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

биринчи йўналиш: одатий (кундалик) шароитда;

иккинчи йўналиш: алоҳида шароитда.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 12-сон, 184-модда.

Маълумки, амалдаги қонунларга мувофиқ, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ўзларининг зиммаларига юклатилган вазифаларни ҳам одатдаги (қундалик) шароитларда, ҳам алоҳида шароитларда бажарадилар.

Жамоат тартибини ва хавфсизлигини сақлашнинг алоҳида шароитлари деганда, одамлар ҳаёти ва соғлиғи, моддий ва маданий қадриятлар учун хавфлилик даражаси катта бўлган муайян ҳолатларда юзага келадиган ҳамда ички ишлар органларидан ҳуқуқий ва ташкилий хусусиятга эга махсус чоралар кўришни талаб қиладиган шароитлар тушунилади. Мазкур шароитлар турли хил фавқулодда ҳолатларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ. Шунингдек, тинчлик вақтида жамоат тартибини ва хавфсизлигини сақлашнинг алоҳида шароитларига катта оммавий тадбирлар ўтказилиши ҳам киради.

Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг алоҳида шароитларда фаолиятини амалга оширишини шартли равишда қуйидаги учта йўналишга бўлган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: *биринчи йўналиш*: оммавий ва маданий тадбирларни ўтказиш вақтида Миллий гвардия билан ҳамкорликда; *иккинчи йўналиш*: оммавий тартибсизликлар ва жамоат тартибини гуруҳий бузилишининг олдини олиш ҳамда бартараф этиш жараёнида; *учинчи йўналиш*: фавқулодда ҳолатлар юзага келганда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари зиммасига юклатилган жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифалар таҳлилидан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, юқорида келтирилган йўналишлардаги шароитларда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари бир-биридан мутлақо фарқ қиладиган вазифаларни амалга оширадилар.

Ҳозирги вақтда турли хил оммавий тадбирлар аҳолининг ижтимоий фаоллиги ва бўш вақтини ўтказишининг кенг ёйилган шакллари билан бири ҳисобланади ҳамда шахснинг сиёсий ҳаёт, спорт, маданият, санъат ютуқларидан бевосита баҳраманд бўлиш эҳтиёжини қондиради. Демократия шароитида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари кўп жиҳатдан уларнинг давлат органлари, сиёсий партия ва ҳаракатлар, шунингдек турли хил касба уюшмалари, спорт, маданият, диний ва бошқа ташкилотлар ўтказадиган турли хил оммавий тадбирларда фаол иштирок этишлари билан боғлиқ.

Маълумки, оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича патруль-пост хизматининг саф бўлинмалари ҳам Миллий гвардия билан ҳамкорликда хизматга жалб этилади.

Оммавий тадбирларга жалб этилган патруль-пост хизмати саф бўлинмалари нарядларининг олдида қўйилган вазифаларини қуйидаги уч турга бўлган ҳолда ўрганиш мумкин:

Биринчи, тадбирга тайёргарлик кўриш пайтида – оммавий тадбир ўтказиладиган объект ва унинг атрофида, тадбир қатнашчилари ва томошабинлар йиғиладиган ҳудудларда, транспорт воситалари тўхтайдиган бекатларда, шунингдек назорат-текширув пунктлари ва чипталар сотиш жойларида тартиб ўрнатиш;

Иккинчи: тадбир ўтказилиши пайтида – трибуналар, секторларда, тадбир қатнашчилари ва томошабинлар жойлашган бошқа жойларда жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг спиртли ичимликларни истеъмол қилишларига йўл қўймаслик, уларнинг саҳнага, футбол майдонлари, чопиш йўлакларига ва рухсат этилмаган бошқа жойларга чиқишларига йўл қўймаслик; ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, маҳалла посбонлари ва бошқа жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда жамоат тартибининг бузилиш ҳолатларининг олдини олиш; ўраб олинган ҳудудга чиптаси, таклифномаси ёки махсус рухсатномаси бўлмаган шахсларни ўтказмаслик; ўраб олинган ҳудудга ўзини бошқара олмайдиган даражада мастлик ҳолатидаги ёки ёнида спиртли ичимликлар бўлган фуқароларни, шунингдек ўқотар қуроли, катта ҳажмдаги юки, жомадони ва тугунлари бўлган фуқароларни ўтказмаслик; транспорт воситалари ва йўловчиларнинг ҳаракатларини чеклаш; ўраб олинган ҳудуддан рухсат этилмаган фуқароларни чиқариш; тадбир қатнашчилари ва томошабинларнинг белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилишларини таъминлаш;

Учинчи: тадбир тугаганидан сўнг – тадбир қатнашчилари ва томошабинларнинг тадбир ўтказилган жойдан тартиб билан чиқишларини таъминлаш, уларни транспорт воситаларининг тўхташ бекатларигача кузатиш ва ўтказиб юбориш ҳамда асосий ҳаракатланиш йўлларида жамоат тартибини сақлаш.

Шунингдек, Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан боғлиқ юз бераётган жадал ва кенг миқёсли, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жараёнлар ички ишлар органлари ходимларидан юксак билим ва касбий маҳорат билан бир қаторда, турли кутилмаган ҳодисалар ва ҳуқуқбузарликлар ҳамда оммавий тартибсизликларга тактик ва стратегик жиҳатдан доимо тайёр, шай бўлишни тақозо этади. Чунки, ички ишлар органлари фаолиятининг яна бир муҳим йўналишларидан бирини жамоат тартибини гуруҳ бўлиб бузиш ва оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш ташкил қилади. Жамоат тартибини гуруҳ бўлиб бузиш муайян шароитларда оммавий тартибсизликларга айланиши мумкин.

Оммавий тартибсизликлар ва жамоат тартибида гуруҳий бузилиш юзага келганда, унинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича патруль-пост хизмати саф бўлинмалари одатий (кундалик) шароитдаги вазифалардан мутлақо фарқ қиладиган вазифаларни амалга оширадилар. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифаларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, фикримизча патруль-пост хизмати саф бўлинмалари *оммавий тартиббузарликлар ва жамоат тартибини гуруҳий бузилишининг олдини олиш ҳамда бартараф этишни* қуйидагиларни амалга ошириш орқали бажарадилар: а) митинглар ўтказилаётган ва одамлар гавжум бўладиган бошқа жойларда вазиятни атрофлича ўрганиб чиқиши, жамоат тартибини гуруҳий бузилишига олиб келувчи барча ҳаракатларга эътибор бериши, бу ҳақда ҳудудий ИИБ навбатчисига хабар бериши, уларни бартараф этиш учун зарур чораларни кўриши, тадбир ташкилотчиларидан ноҳуш ҳодисаларга йўл қўймаслик чоралари кўрилишини талаб қилиш; б) жамоат тартибини гуруҳий бузилиши мумкин бўлган фуқароларнинг хабарлари бўйича зудлик билан тегишли чораларни кўриши, қонунбузарларга уларнинг хатти-ҳаракатлари оғир оқибатларга олиб келишини тушунтириши ва қонунбузарликни тўхтатишларини талаб қилиши, тартибсизликлар рўй беришининг олдини олиш учун уларнинг ташкилотчиларини ушлашда вазиятдан келиб чиққан ҳолда қатъий ва моҳирона ҳаракат қилиш; в) белгиланмаган вақтда ва белгиланмаган жойларда, айниқса оммавий тадбирлар ўтказиладиган ҳудудларда спиртли ичимликлар билан савдо қилинишининг олдини олиши, истироҳат боғлари, тадбир ўтказиладиган объектларнинг маъмурияти билан бирга ушбу жойларга мастлик ҳолатидаги шахсларни киритмаслик, объектларда ва улар атрофида спиртли ичимликлар истеъмол қилинишига йўл қўймаслик чораларини кўриш; г) оммавий тадбир ўтказилаётган объектларнинг маъмурияти, тадбир ташкилотчилари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан нарядларнинг жамоат тартибини таъминлашга доир асосли талабларини бажарилмаётганлиги ҳақида зудлик билан ҳудудий ИИБ навбатчисига ва профилактика (катта) инспекторига хабар бериш.

Фикримизча, патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг оммавий тартибсизликлар ва жамоат тартибини гуруҳий бузилиш юзага келганда унинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: а) жамоат тартибини гуруҳий бузилишида наряд ушланганларни воқеа жойидан осон олиб кетиш мумкин бўлган йўллар ва йўналишларни, қўшимча нарядлар ва транспорт воситалари етиб келгунга қадар, ушланганларни вақтинча ушлаб туриш мумкин бўлган жойларни билиши зарурлиги; б) жамоат тартибини гуруҳий бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ишлар

нарядлар томонидан тўпланган одамларни бир-биридан ажратиб, майда гуруҳларга бўлиш, тарқатиб юбориш орқали бажарилиши, бир вақтнинг ўзида тартибсизликни уюштирган шахслар ва ушбу тартибсизликни уюштиришда фаол иштирок этганларни аниқлаш ва ушлаш чоралари кўриши; в) фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини гуруҳий бузишда фаол қатнашган иштирокчиларни ва ташкилотчиларни ушлашда нарядлар эҳтиёткор бўлишлари, ўз хатти-ҳаракатлари билан вазиятни мураккаблаштирмаслик учун шу ердаги фуқароларнинг салбий муносабатлари эҳтимолини ҳисобга олишлари керак эканлиги; г) тартиббузарликларни уюштирган шахсларни ва фаол иштирокчиларни шу заҳоти қўлга олиш мумкин бўлмаган ҳолларда нарядлар уларни кузатиши ва қулай вақтда ушлаш учун уларнинг шахсини аниқлаш билан чекланиши; д) оммавий тартибсизликлар бартараф этилгандан сўнг нарядлар уларнинг қайта такрорланишига йўл қўймаслик чораларини кўришлари ҳамда транспорт ва пиёдаларнинг бир меъёردа ҳаракатланишини қайта тиклашда иштирок этишлари.

Маълумки, турли фавқулодда вазиятлар юзага келганида, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ, давлат ҳокимияти органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолияти учун фуқаролар, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муайян даражада чекланишига йўл қўядиган алоҳида ҳуқуқий тартиб жорий этилиши мумкин.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашнинг асосий субъектларидан бири ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари бўлиб, уларнинг ушбу вазиятдаги асосий мажбурият ва ҳуқуқлари қуйидагича: патруль-пост хизмати саф бўлинмалари, ўзининг асосий вазифаларини бажаришдан ташқари, фалокатлар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда одамларни қутқариш ва уларга зарур ёрдам кўрсатиш бўйича кечиктириб бўлмас чоралар кўриши, барча тоифалардаги мулкдорларнинг қаровсиз қолган мулкини қўриқлаши, қонунга мувофиқ, фавқулодда ҳолат ҳуқуқий тартибини таъминлашда, шунингдек эпидемия ва эпизоотиялар вақтида қўриқлаш-карантин тадбирларини ўтказишда иштирок этишдан иборат.

Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш фаолияти қонун доирасида тартибга солинган бўлиб, « »¹ —

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ЎРҚ-737 2021 й., 3-модда

—

Шу билан бирга, юридик адабиётларда фавқулодда ҳолатлар билан боғлиқ айрим тушунчаларга ҳам қуйидагича таърифлар берилган, Жумладан:

фалокат (авария) – халқ хўжалиги ёки транспортда юз берган, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирадиган ёхуд ишлаб чиқариш биноларининг бузилишига, асбоб-ускуналар, механизмлар, транспорт воситалари, хом-ашё ва тайёр маҳсулотнинг шикастланиши ёки йўқ қилинишига, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнининг бузилишига олиб келадиган ҳодиса;

ҳалокат (катастрофа) – халқ хўжалиги объектида ёки транспортда юз берган, одамларнинг қурбон бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига ёхуд катта миқдордаги моддий бойликларнинг бузилиши ёки йўқ қилинишига олиб келадиган йирик фалокат;

эпидемия – одамлар юқумли касалликларининг муайян ҳудудда ушбу жой учун хос бўлган касалликларнинг одатдаги даражасидан ортиқ даражада оммавий тарзда борган сари кўп тарқалиб бориши;

эпизоотия – бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча турга кирувчи кўплаб ҳайвонлар орасида муайян ҳудудда ушбу жой учун хос бўлган касалликларнинг одатдаги даражасидан ортиқ даражада тарқалиши.

Фавқулодда вазиятларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг нормал жараёнини ишдан чиқарувчи ҳамда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашни жуда қийинлаштирувчи алоҳида тоифасини табиий офатлар, катта саноат ва транспорт объектларида фалокат ва ҳалокатлар юзага келиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар, шунингдек санитария-эпидемиология соҳасидаги фавқулодда ҳодисалар ташкил этади. Улар кўпинча одамларнинг қурбон бўлиши, катта моддий зарар етказилиши ҳамда жиддий ижтимоий-экологик оқибатлар билан кечади. Фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши ички ишлар органлари фаолиятини алоҳида шароитда ташкил этишга сабаб бўлади.

Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг мазкур вазиятдаги фаолиятини шартли равишда учта ўзаро боғлиқ гуруҳга бўлиш мумкин:

биринчидан: эҳтимол тутилган фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга қаратилган ташкилий тадбирларни амалга ошириш;

иккинчидан: фавқулодда ҳолатлар юзага келганида қонунларда назарда тутилган ҳуқуқий тартибга солиш ва таъсир кўрсатиш чоралари мажмуидан фойдаланган ҳолда жамоат тартиби ва хавфсизлигини бевосита сақлаш;

учинчидан: аҳолига ҳамда корхона ва муассасаларнинг тегишли мансабдор шахсларига одамларни қутқариш ва эгасиз мулкни қўриқлашда ёрдам бериш, зарур бўлганида эса бу ишда бевосита иштирок этиш.

Маълумки, сўнгги йилларда жамиятнинг бошқа соҳалари қатори ички ишлар органлари тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди, жумладан, биргина ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, унинг ҳуқуқий базаси такомиллаштирилди ҳамда фаолияти замон талаблари асосида ташкил этилди.

Бирок, бугунги кунда республикамизнинг барча шаҳар ва туманларининг шиддат билан ривожланиб келаётганлиги муносабати билан унинг марказий кўчалари ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини ва хавфсизлигини ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган куч ва воситалар ҳамда усуллардан фойдаланган ҳолда самарали таъминлашга эҳтиёж сезилмоқда. Шу билан бирга, фуқароларнинг ички ишлар органлари фаолиятига доир муурожаатларини ўрганиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва халқ қабулхоналарига келиб тушаётган муурожаатлар таҳлили бу борада соҳани ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда комплекс ва чуқур илмий тадқиқот ишлари олиб боришни талаб қилади.

*Г.Т.Сулаймонова
Ф.Н.Ахмедова*

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ЎРГАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Глобаллашув даврида сўнгги вақтларда қатор давлатларда содир бўлаётган портлашлар техноген, табиий офатлар таъсири оқибатида шунингдек, террорчилар томонидан портловчи қурилмаларни қўлланилиши натижасида содир этилиши кузатилган. Фавқулодда вазият содир бўлган жойда шикастланган фуқароларга тезкор ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун воқеа жойига етиб борган ички ишлар органлари ходимлари портлаш натижасида пайдо бўладиган шикастловчи омилларнинг инсон организмга таъсир қилиш жараёнини билиши муҳим ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятларда портлаш натижасида юзага келадиган шикастловчи омилларнинг таъсири портловчи қурилманинг хоссасига – кучи, қобиғига, портлаш содир бўлган муҳитга, очиқ жой ёки ёпиқ бино,

атрофидаги тўсиқларга ва портлаш марказидан жабрланувчининг қанча масофада бўлишига боғлиқ.

Портлаш содир бўлган жойда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун ходимлар касбий билимларидан ташқари портлаш натижасида шикастловчи омилларнинг таъсирини билиши зарур.

Фавқулодда вазиятда портлаш содир бўлганида 900 м/с тезликдаги детонация тўлқини ҳосил бўлади, ҳосил бўлган газларнинг кескин кенгайиши натижасида атроф - муҳитга бузувчи, шикастловчи кучли босим пайдо қилади [1, 37-б, 2, 28-б]. Портлаш марказида термик ва химик таъсири кучли бўлади, марказдан узоқлашган сари зарб тўлқини fronti юзаси ортади, унинг ҳаракат тезлиги ва босими камаяди ҳамда портлаш содир бўлганда кимёвий жараёнларда қуйидаги омилларнинг бирга келиши кузатилади:

реакциянинг экзотермиклиги, замонавий портловчи моддалардан 400-3000 ккал/кг иссиқлик ажралиб чиқади;

жараённинг катта тезликда 2-17 км/с атрофида тарқалиши;

реакция натижасида 1 кг портловчи моддадан 500-1000 л газсимон моддаларнинг ҳосил бўлиши, 2,5-20 млн. атмосфера босими юзага келади. В.Л.Попов ўзининг тадқиқотларида портлашларнинг суд-тиббийёти йўналишида таснифини келтириб ўтган.

Портлаш содир бўлиши натижасида ҳосил бўлган портловчи қурилманинг заряди, унинг қисмларидан ва портлаш натижасида атрофдаги жисмлардан ҳосил бўлган иккиламчи парчалардан фуқаролар жароҳатланиши мумкин. Бунда портлашнинг шикастловчи омиллари сифатида портловчи модданинг детонация маҳсулотлари – портлаш газлари, зарралари, қурумлар, зарб ва овоз тўлқини, портловчи қурилманинг парчалари ва қисмлари, механик таъсир қилувчи махсус шикастловчи воситалар, кимёвий, термик, биологик таъсир қилувчи моддалар бўлади.

Портлаш содир бўлганида шикастловчи омиллар инсон организмига механик, бароакустик, термик, кимёвий таъсирлар орқали жароҳат етказилади. Кам қувватли портловчи қурилманинг портлашида юмшоқ тўқималарнинг юзаки жароҳатлари, портловчи қурилманинг қобиғи ёки қисмларидан олинган кўп жароҳатлар, бармоқларнинг қисман ёки тўлиқ узилиши кузатилади. Ўрта қувватли портловчи қурилманинг портлашида кўл ёки оёқларнинг қисман ёки тўлиқ узилиши, юмшоқ тўқималар ва суяклар шикастланиши кузатилади.

Г.И.Покровский ва В.И.Молчановлар портлашда ҳосил бўлган газсимон маҳсулотларнинг яққол таъсири портловчи модданинг радиусига нисбатан 10 марта катта масофада намоён бўлиши, портлаш газлари

таъсирининг тўхташи заряд радиусидан 20-30 марта катта масофада юз бериши ҳақида тадқиқотлар ўтказган.

Шунингдек, портлаш тўлқинининг таркибий қисми бўлган ҳаво, сув тўлқини зарби, атмосфера босими ўзгариши, товуш тўлқини таъсиридан ва танани улоқтирганда зарб жароҳатлари олинади. Зарб тўлқини сабабли парчаловчи, инерциал, кавитацион жароҳатлар олинаши мумкин. Ёпиқ жойда портлашдан ҳосил бўлган зарб тўлқинидан шикастланиш, очик жойдаги зарб тўлқинидан олинган шикастланишдан сезиларли фарқ қилади. Фавқулодда вазиятда портлаш содир бўлган марказга жабрланувчи қанча яқин турган бўлса, унинг танасида шунча кўп осколка топилади. Осколкали жароҳатларнинг ҳажми ва тавсифи аввало, унинг кинетик энергиясига боғлиқ, осколканинг бошланиш тезлиги 2000-4000 м/с етиши мумкин. Портлаш таъсирида олинган жароҳатларнинг кўплиги, бир вақтнинг ўзида бир неча хил механик, термик ва кимёвий жароҳатлар, қўш жароҳатларнинг мавжудлиги, турли оғирликда бўлиши, ички органларнинг ёпиқ жароҳати, очик суяк синишлари, очик ва ёпиқ жароҳатларнинг бирга келиши, зарб тўлқини таъсирида ўпка, қулоқ ва бурун атрофи бўшлиқларининг жароҳатланиши ва бошқалар воқеа жойига етиб борган ходимлар томонидан биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос мураккаблигини юзага келтиради [5, 123-б].

Фавқулодда вазиятларда портлаш содир бўлганида жароҳат олганларга тез тиббий ёрдам кўрсатишда воқеа жойига етиб борган ички ишлар органлари ходимлари жароҳат турлари ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари билиши зарур, бу борада портлаш оқибатида олинган турли хил кўринишдаги жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятларини билиши, жароҳатланганларни кўчиришда қўл остида мавжуд воситалардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши талаб этилади.

Фавқулодда вазиятда портлаш содир бўлган жойга етиб борилганида ходим авваламбор, воқеа жойини кўздан кечириши, вазиятни баҳолаши, жабрланувчини бирламчи кўздан кечириши ва ҳаёти учун хатарли ҳолатларда зарурий ёрдам кўрсатиши, тез тиббий ёрдам чақириши, жабрланувчини иккиламчи кўздан кечириши ва тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини амалга ошириши лозим бўлади. Портлаш содир бўлган жойга етиб борган ходим воқеа содир бўлган жойда, худудда яна хавф туғдирадиган омиллар бор-йўқлигини, шикастланганларнинг умумий сони тўғрисидаги дастлабки маълумотларга аниқлик киритиши муҳим ҳисобланади.

Бу борада ходим тезкорлик билан ташқи шикастловчи омиллар таъсирини дарҳол бартараф этиши ёки шикастланган фуқарони ноқулай

ҳолатдан олиб чиқиши, шикастланиш тарзига қараб биринчи ёрдам кўрсатиши, яқин атрофдаги касалхона, поликлиникага етказиши зарур.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, фавқулодда вазиятларда портлаш билан боғлиқ ёки бошқа ҳолларда ички ишлар органлари ходимлари тезкор ва тўғри биринчи ёрдам кўрсатиш учун доим тегишли билим ва малакани ошириб бориши лозим, бунинг учун хизмат-жанговар тайёргарлик машғулотлари доирасида назарий машғулотлар билан бирга амалий машғулотларни олиб борилиши ходимларда кўникмаларни шаклланишига имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Исаков В.Д., Бабаханян Р.В., Матышев А.А. Судебно – медицинская экспертиза взрывной травмы. 1997 г.
2. Томилин В.В., Пашинян Г.А. Руководства по судебной медицины. Раздел «Повреждения взрывов» 2001 г.
3. Попов В.А., Молин Ю.А. Судебная медицина. Глава «Взрывная травма». 2011 г.
4. Матышев А.А., Молин Ю.А. Осмотр место происшествия и трупа. Глава «Взрывная травма». 2011 г.
5. Пиголкин Ю.И. Национальное руководство «Судебная медицина и судебно медицинская экспертиза». Глава «Повреждения в результате взрывов». 2014 г.

А.Т.Алижонов

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ЎҚ ОТИШ ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ ЎРНИ

«Ички ишлар органлари хизмат фаолиятини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш керак»

Ш.М. Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 7 февраль куни тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилиш энг муҳим йўналишлардан бири деб белгиланганлиги бежиз эмас.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу сабабли, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида, Ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, ҳалқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўйганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасида сўнгги беш йил давомида Ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан жуда катта ишлар олиб борилмоқда, бунга мисол қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

биринчидан: Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунни айтиш мумкин. Ушбу қабул қилинган қонунда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси каби

Иккинчидан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март кундаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли Фармони қабул қилинди.

Ушбу фармонда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди.

Учинчидан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрель кунидаги «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5076-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан, ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларни интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш кўзда тутилди. Қабул қилинган қонун ва қарорлар ички ишлар органлари ходимларининг хизматга бўлган масъулиятини янада ошириш ҳамда ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан такомиллаштириш учун хизмат қилиб келмоқда.

Ички ишлар органлари ходимлари хизмат вазифаларини бажариш вақтида ўқотар қуроллардан фойдаланишига тўғри келади. Ўқотар қуроллардан моҳирона ва самарали фойдаланишни, қуролдан фойдаланган вақтда хавфсизлик чораларига риоя қилишни, қисқа муддатларда нишонни аниқ забт этишни ўрганиш ва қуролга бўлган кўникмаларни шакллантириш учун ходимларга «Ўқ отиш тайёргарлиги»дан ўқув машғулотлари олиб борилади. «Ўқ отиш тайёргарлиги» ҳар бир ходимнинг жанговар тайёргарлигини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ўқ отиш тайёргарлигининг асосий мақсади - ички ишлар органлари ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажариш вақтида ёки ностандарт вазиятларда юксак жанговар маҳоратни кўрсата олиши, қўлланиладиган барча турдаги қуроллардан моҳирона фойдаланиб, қисқа муддатларда қурол қўллай олишлари учун керакли бўлган назарий билим ва амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Ўқ отиш тайёргарлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– ички ишлар органлари ходимларида ўқотар қуролларга бўлган кўникмани ҳосил қилиш;

– барча турдаги қуролларнинг қўлланилиши, жанговар хусусиятлари, асосий қисм ва механизмларини ўргатиш;

– қуролдан фойдаланиш ва қўллашда хавфсизлик чораларига қатъий риоя қилишни ўргатиш;

– қурол ва ўқ-дориларнинг жанговар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда уни моҳирона қўллай олиш кўникмаларини шакллантириш;

– қалтис вазиятларда тўғри ва мустақил қарор қабул қилишни ўргатиш;

– ўт очишда фаоллик кўрсатиб, қисқа муддатларда нишонни забт этишни ўргатиш;

– табель қуролига хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш тартибини ўзлаштиришдан иборат.

Қурол-яроғларни ўрганишда орттирилган билимлар, маҳорат ва кўникмалар ички ишлар органлари ходимларининг амалий фаолиятида жуда катта аҳамият касб этади. Хизмат вазифаларни муваффақиятли бажаришда ички ишлар органлари ходимлари қуйидагиларни эътиборга олишлари зарур:

– қурол-яроғлар ва ўқ-дориларнинг жанговар имкониятларини, моддий қисмларини, ўқ отиш асослари ва қоидаларини пухта билиш;

– қуролларни ва ўқ-дориларни ўқ отишга тайёрлаш, нишонларни кузатиб разведка қила олиш, нишонларни тўғри кўрсатиш, турли хил усулларда ва мустақил равишда моҳирлик билан ўт оча билиш;

– хавфсизлик чораларига риоя қилишган ҳолда қуролни қўллаш, ҳар қандай шароит ва об-ҳавода ўт очиш малакаларга эга бўлиш, ўқотар қуролларни мукамал ўрганиш ва самарали қўллай олиш учун улар билан бажариладиган машқларни доимий равишда такрорлаб, ривожлантириб бориш зарур.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кундаги Ички ишлар органлари ходимлари ўз устида тинимсиз ишлашлари, касб маҳоратини ошириб боришлари, экстремал вазиятларда фуқароларни ва ўзини ҳимоя қилишда табель қуролини самарали қўллай олишлари учун ўқ отиш тайёргарлигидан зарур бўлган назарий билим ва амалий кўникмаларни шакллантириб боришлари зарур. Чунки, бу сифатлар ходимнинг касбий тайёргарлик даражаси, жанговар тайёргарлиги ва малака кўникмасининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

У.Туймабоев

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР - ЖАМИЯТ РИВОЖИ ГАРОВИ

Жиноятчиликка қарши курашиш барча даврларда ҳам давлатнинг жиддий ва муҳим масаласи ҳисобланиб келинган. Инсон тинч ва хотиржам яшашни ҳоҳлайди. Тинчлик бўлган жойда барака ва ривожланиш бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг ҳар бир чиқишларида соҳага масъул бўлган идораларнинг асосий вазифаси жиноятчини топиш ва жазолаш эмас, балки жиноят содир этилишига шароит яратиб берган ҳолатларни аниқлаш, айниқса тизимли муаммолар билан ишлашга алоҳида урғу қаратишни кўп бора таъкидлаб ўтган.

Давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида турган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари Президентимиз томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрель куни қабул қилинган «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон Қарорига асосан, жойлардаги ички ишлар органлари таянч пункти негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилиб, туман (шаҳар) ҳокимлари ҳар ойда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспектори билан шахсан учрашиб, ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқланган муаммоли масалаларни ҳал этиш чоралари кўриломқда, халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари ҳар ярим йилда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспекторининг ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш аҳволи бўйича ҳисоботини эшитиб, зарур чоралар кўрмоқда.

Бундан ташқари, профилактика инспекторлари томонидан ҳар бир оила ва хонадондаги муҳитни, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий, инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича «Хавфсиз хонадон» ва «Хавфсиз ҳовли» тизими йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ушбу ҳудудлардаги ички ишлар ва бошқа ваколатли органларнинг шу жумладан, Миллий гвардиянинг мавжуд куч ва воситалари ягона «пойтахт минтақаси» тамойили асосида сафарбар қилинган ҳолда ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Ягона «пойтахт минтақаси» тамойили асосида ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари бошлиқларининг ҳамраислигида Жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди. Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Миллий гвардия бошқармаларининг бошлиқлари Кенгаш раисининг ўринбосарлари ҳисобланади. Кенгаш йиғилишлари ҳар ойда бир мартаба ўтказилмоқда ҳамда уларда пойтахт минтақасида криминоген ва ижтимоий вазиятни таҳлили натижасида аниқланган муаммоларни ўзаро ҳамкорликда ҳал этиш бўйича манзилли чоралар кўриломқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳар Ички

ишлар бош бошқармаси ҳузурида Ягона тезкор бошқарув маркази ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифалари пойтахт ҳудудида криминоген ва ижтимоий вазиятни узлуксиз мониторинг қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган ички ишлар органлари, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тегишли куч ва воситаларини бошқариш, жиноят, ҳодисалар ва фавқулодда ҳолатлар ҳақидаги хабарларга тезкорлик билан муносабат билдириш, жамоат тартибini оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда ваколатли идораларнинг ҳаракатларини марказлашган ҳолда мувофиқлаштиришдан иборат.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш даврида жамоат хавфсизлигини таъминлашни кучайтириш бўйича ички ишлар органлари соҳасида тизимли равишда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мазкур вазифаларни сифатли ва самарали бажарилишига эришиш мақсадида, профессионал, етук мутахассис кадрларни тайёрлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бинобарин, ички ишлар органлари учун профессионал кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини самарали ташкил этиш, ходимларнинг касбий, жанговар-жисмоний тайёргарлиги, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларнинг қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан хабардорлик даражасини ошириш, улар томонидан янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда қўллаш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 15 апрель куни «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5076-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан, Ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш мақсадида, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб, Ички ишлар вазирлиги Академиясида кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалаврият ва магистратурани ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Нукус филиалини ташкил этиш режалаштирилди.

Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтига юридик шахс мақоми берилди ва қуйидагилар унинг фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг барча йўналишлари бўйича сержантлар таркиби ходимларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш соҳасида махсус касбий тайёрлаш;

ички ишлар органларининг сафдор ва офицерлар таркибидаги лавозимларига биринчи марта тайинланган ходимларни бошланғич касбий тайёргарлик бўйича ўқув дастурлари асосида ўқитиш;

ички ишлар органларининг барча тоифадаги ходимларини инновацион ахборот ва педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, шу жумладан турдош йўналишдаги республика олий таълим муассасалари базасида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Институтда ўқув машғулотларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, бошқа давлат бошқаруви ва ҳуқуқ-тартибот органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, етакчи таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари, Вазирлик соҳавий хизматларининг бой амалий тажриба ва юқори малакага эга раҳбар ходимларининг ўрнатилган тартибда жалб этилганлиги, курсларни юқори савияда ўтказиш имконини бермоқда.

Машғулотлар кичик гуруҳларда, Институт профессор-ўқитувчилари, бошқарув идоралари раҳбар ходимлари, турдош таълим муассасалари ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида олиб борилмоқда. Бунинг учун ўқув хоналари замонавий ўқув жиҳозлари - сенсорли экранлар ва компьютерлар билан жиҳозланган.

Тингловчиларга амалиётчи мутахассис ва профессор-ўқитувчиларнинг дарс такдимотлари, ўқув-услубий қўлланмалари электрон шаклда тарқатилмоқда. Улар шунингдек, дарсдан ташқари вақтларда ахборот-ресурс марказидан зарур адабиётлар, тарқатма материаллар, газета ва журналлардан фойдаланишлари учун шароит яратиб берилган.

Шунингдек, ўқув жараёни маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар билан бирга олиб борилмоқда, тингловчиларга миллий қадриятларимизни таништириш мақсадида Тошкент шаҳридаги Темурийлар, Ўзбекистон тарихи, Ўзбекистон санъати, Қуролли кучлар музейларига, Зангиота, Шаҳидлар майдонидаги қатағон қурбонлари зиёратгоҳларига, концерт ва театрларга бориш ташкил этилмоқда.

Малака ошириш институти томонидан бугунги кунга қадар, 12 мингдан зиёд ички ишлар органлари жумладан, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга бевосита жалб этиладиган патруль-

пост ва йўл патруль хизматининг сафдор, сержант ва офицерлар таркиби турли шаклларда, жумладан, кундузги, мобиль-сайёр ва масофавий шаклларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва махсус унвон берилишидан олдин махсус малака ошириш ўқув курсларида ўқитилди. Шунингдек, ўтказилган ҳар бир ўқув курслари якунида ўқув дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган ходимларга ўрнатилган тартибда сертификатлар ва ўқув материаллари жамланган электрон дисклар топшириб борилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, таълим муассасасининг Ахборот-ресурс маркази «Электрон кутубхонаси»нинг компьютерлари интернет тармоғига уланиб, «Library.ziyounet.uz», «Norma.uz», «Lex.uz», «Natlib.uz» ҳамда бошқа расмий сайтлардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Ахборот-ресурс маркази ўқув адабиётлари билан мунтазам равишда бойитиб борилмоқда. Институтда «Ватанпарварлик бурчаги» жорий этилган. Шунингдек, Институт жамоаси олдига қўйилган вазифаларни тўла-тўқис амалга ошириш мақсадида бир қатор устувор йўналишлар асосида йўл харитаси белгилаб олинган.

Ҳозирда, Институтнинг Тошкент шаҳар Бектемир туманида жойлашган асосий ўқув базасида ички ишлар органлари хизматида янги қабул қилинган жами 400 нафар сафдорлар таркибидаги ходимлар билан бошланғич касбий тайёргарлик курслари ўтказилмоқда. Тингловчилар патруль-пост хизмати, жазони ижро этиш хизмати, тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва бошқа йўналишлар бўйича таҳсил олмақда. Шунингдек, Олмалиқ шаҳридаги ўқув базасида ички ишлар органларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлари лавозимларига тўғридан-тўғри танлов асосида қабул қилинган 180 нафар ходим билан бошланғич касбий тайёргарлик курслари машғулотлари олиб борилмоқда.

Ўқув жараёни блок-модуль тизимида асосланган бўлиб, машғулотларда инновацион педагогик технология, интерфаол метод ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали тингловчиларнинг ҳуқуқий ва амалий кўникмалари ҳамда касбий билимлари оширилмоқда. Ўқув машғулотлари тингловчиларнинг касбий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, жанговар, жисмоний, рухий, тиббий тайёргарлигини таъминлашга қаратилмоқда.

Айниқса, жамоат тартибини сақлашга доир асосий билим ва кўникмалар бериб борилмоқда.

Зеро, бугунги янгиланаётган Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишида, унинг халқаро майдондаги обрўси ва нуфузини оширишда, мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни

мустаҳкамлашда, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ички ишлар органларининг ҳар бир ходими масъулдир.

Бу борада, Институтимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузалари, ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида суд ва ҳуқуқ-тартибот органлари, шунингдек, республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид муҳим масалалар юзасидан ўтказилаётган видеоселектор йиғилишларининг мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар, шу асосда вазирлик томонидан қабул қилинган идоравий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказиладиган машғулотлар давомида ходимлар ва тингловчилар эътиборига мунтазам равишда етказиб борилмоқда.

Таълим муассасасида давлат таълим талаблари, малака талаблари, ўқув дастурларини амалиётга тадбиқ этувчи, таълим-тарбия ва илмий-тадқиқот ишларининг асосий субъектларидан бири илмий-педагог ходимлар эканлигини назарда тутган ҳолда, бугунги кунда Институтни малакали кадрлар билан таъминлаш борасида, биринчи навбатда, илмий даража ва илмий унвонлари бўлган, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида кўп йиллик амалий стажга эга, ички ишлар органлари фаолиятига оид чуқур касбий билимларга, интеллектуал қобилият ва юксак ахлоқий фазилатларга эга ходимлар билан жамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, Институтда хотин-қизлар кенгаши, фахрийлар кенгаши, Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти ва бошқа жамоатчилик тузилмаларининг фаолияти йўлга қўйилди, тингловчиларнинг мунтазам равишда спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, турли спорт тўғараклари ташкил этилган. Жорий йилнинг август ойида Туризм ва спорт вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушу спорт тури бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасида Институтнинг 10 нафар тингловчиси ўз вазн тоифаларида барча рақибларини енгиб, 3 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза медалларига эга бўлиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни қўлга киритди.

Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор тажрибаларини тадбиқ этиш бўйича ҳамкорлик ишларининг долзарб аҳамиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда, республикамиздаги 8 та турдош олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланган.

Жумладан, 2019 йилнинг 6 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Меморандумга кўра, эндиликда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишда, таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш, инновацион ва технологик ғояларни ривожлантириш, шунингдек, илмий салоҳиятни ошириш, илмий лойиҳаларни ҳамкорликда бажариш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилиш белгиланди.

Бинобарин, ҳозирги кунда тезлик билан ривожланиб бораётган барча соҳаларда, шу жумладан, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро самарали ҳамкорлик талаб этилмоқда.

Профессионал таълим тизими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу таълим муассасаси билан ўрнатилаётган ҳамкорлик йўналишлари кенг қирралидир.

Ўзаро ҳамкорлик меморандумига асосан, ўқитишнинг замонавий инновацион шакл ва усуллари, ўқув жараёнини самарали ташкил этиш бўйича ўзаро тажриба алмашиш, ўқув жараёнига малакали мутахассисларни жалб қилиш, норматив-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий хусусиятга эга бўлган маълумотларни алмашиш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, ўқув, илмий ва бошқа адабиётларни алмашиш кабилар амалга оширилади.

Шунингдек, иккала таълим муассасалари раҳбарлари келгусида меморандумда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқишга келишиб олди.

Бундан ташқари, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ИИВ Халқаро ҳамкорлик бошқармаси билан биргаликда ҳозирги кунда жамоат тартибини сақлаш соҳасида илғор тажрибага эга бўлган БМТ ривожланиш дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси, Япониянинг ЈСА, Жанубий Кореянинг КОІСА, Туркиянинг ТІКА каби халқаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентликларининг ваколатхоналари ҳамда Россия, Хитой, Франция, Испания, Италия, Германия каби давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари (консулликлари) билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, республикамизда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг туб мақсади - биринчидан, жамиятда фуқароланинг тинч-тотув яшашини таъминлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқларини турли хил тажовузлардан ҳимоя қилиш бўлса, иккинчидан, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган

ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан иборатдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курслари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 июлдаги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги қарорига асосан ташкил этилган.

Касбий тайёргарлик факультети 2004-2017 йиллар даврида Академия Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида ташкил этилган.

Ички ишлар органлари соҳасида ўтказилган ислохотлар натижасида 2017 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3216-сон қарори асосида қайта ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курси негизида ҳамда 2021 йилнинг 15 апрелдаги «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5076-сон қарорига мувофиқ, ИИВ Малака ошириш институтида Касбий тайёргарлик факультети ташкил этилган.

Факультетни дастлаб, 2004-2014 йиллар полковник Тангирбердиев Султонбай Курбанбаевич, 2014-2017 йиллар подполковник Джумабоев Жалолиддин Зайнитдиновичлар бошқарган.

ИИВ Академияси Касбий тайёргарлик факультетида 2017-2021 йиллар полковник Шодиев Абдукарим Абдурахмонович фаолият кўрсатган.

2021 йилдан ҳозирги кунга қадар, полковник Улугбеков Баходир Абдасович Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети бошлиғи лавозимида хизмат қилиб келмоқда

Бугунги кунда бу ерда факультет бошлиғининг ўринбосари подполковник А.М.Абжалов, факультет таъминот гуруҳи катта инспектори катта сержант Қ.З. Джумабаев, канцелярия бошлиғи сафдор Ш.Х.Пулатовалар ҳамда Махсус фанлар цикли ўқитувчилари хизмат фаолиятини амалга ошириб келишмоқда.

Касбий тайёргарлик факультетининг асосий мақсади ички ишлар органлари ходимларини бошланғич, махсус касбий ва қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишдан иборат.

Ички ишлар органлари ходимларини мустақил касбий фаолиятга тайёрлаш, ўз шахсий имкониятларидан фаол фойдалана билиш, шунингдек, зарур бўлган касбий билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда такомиллаштиришдан иборат.

Куйидагилар факультетнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ички ишлар органлари учун етук касбий тайёргарликка, зарур билим ва кўникмаларга эга бўлган, юқори малакали мутахассис кадрларни махсус касбий тайёрлаш;

ички ишлар органларидаги хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимларда ўз хизмат вазифаларини бажариш учун зарур билим ва кўникмаларни шакллантириш бўйича бошланғич тайёргарлигини амалга ошириш;

тингловчиларга хизмат фаолиятини олиб бориш жараёнида вазиятни баҳолаш, аниқ ва тўғри қарор қабул қилиш ҳамда ҳамкорликни ташкил қилишни ўргатиш;

тингловчиларнинг мутахассислиги бўйича юксак касбий тайёргарликни, фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий ва меҳнатга бўлган қобилиятини шакллантириш, уларни қонунга ҳурмат, инсонпарварлик, мустақил Ўзбекистон Республикаси халқига беғараз ва сидқидилдан хизмат қилиш руҳида тарбиялаш;

ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини, ўқув фанларини ўқитишнинг назарий ва методик даражасини мунтазам равишда ошириш, таълим ва тарбияни хизмат вазифалари билан уйғунлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг илғор тажрибаларидан фойдаланиш асосида мутахассислар тайёрлаш сифатини доимий равишда ошириб бориш;

республикадаги ҳамда хориждаги етакчи турдош олий ўқув юртларидаги илғор педагогик технологиялар билан мунтазам равишда танишиб бориш ва орттирилган тажрибани таълим жараёнига тадбиқ этиш.

Факультетда ички ишлар органлари ходимларини ўқитишдан мақсад - тингловчиларни ҳар томонлама ривожланган, бурчига содиқ, ўз Ватанининг фидойиси, халқ, жамият ва оила олдидаги масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, юрт келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчи, мутахассислик бўйича зарурий тайёргарликка эга бўлишини таъминлаш.

Таълим жараёнидан кутилаётган натижа ва имкониятлар:

тингловчиларни ҳар қандай шароитда давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган, миллий қадриятларга содиқ, умуминсоний қадриятларга таянадиган, ёт ва бузғунчи ғояларга мурасасиз курашувчи, иймон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавиятли ва фидойи кадрлар этиб тарбиялаш, улар қалбида давлат ва халқимизнинг хавфсизлигини таъминлашда шахсий дахлдорлик ва юқори масъулият ҳиссини шакллантириш;

тингловчи «Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!» концептуал ғояси асосида давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини

таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш устувор вазифа эканлигини англаши;

миллий мафкура, маданий меросимиз ва тарихий анъаналаримиз, миллий ва маънавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда мафкуравий иммунитет, шунингдек, ахборот хуружи ва оммавий маданият каби омил ва жараёнларнинг мазмун-моҳиятини билиши;

Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишни улуғ ва олижаноб мақсад деб биладиган, хизмат қийинчиликларига (экстремал ҳолат, руҳий оғир ва қийин вазиятлар) руҳий бардошли бўладиган касбий кўникма ва маҳоратга эга бўлиш;

касбий фаолиятни самарали ташкил эта олиш ва хизмат талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз вазифаларини бажаришга зарур бўлган маҳоратга эга бўлиш;

ўз иш кўрсаткичларига танқидий қараш, ўз фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашни билиш;

ўз устида мустақил ва мунтазам ишлаш, муваффақиятга интилиш, ташкилотчилик, етакчилик ва ташаббускорлик фазилатларини қўллай олиш;

ўзига, бўлинмаларга ишониб топширилган қурол-аслаҳа, техника, алоқа, махсус ва бошқа воситаларни доимий шайликда сақлаш, назорат қилиш ҳамда улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш.

А.А.Абдибоситов

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАР

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Илмий-амалий тадқиқотларда вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаби ва уларга имкон берган шарт-шароитларнинг жиҳатларига турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш нафақат назарий, балки амалий аҳамият касб этади.

Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабаблари тўғрисида турли хил фикрлар мавжуд. Россиялик изланувчи А.А. Руденконинг мақоласидаги фикрига кўра, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабаби – вояга етмаганлар ўз қилмишларининг оқибатларидан беҳабарлиги, шунингдек, унга кўшимча равишда ноқулай

муҳит, қаровсизлик ва назоратсизлик эканлиги айtilган. Ушбу изланувчининг фикрларини кенгроқ таҳлил қиладиган бўлсак, «қилмишнинг оқибатларидан беҳабарлик» - ушбу мисрага нисбатан ўз ўзидан турли хил ёндашувлар юзага келиши мумкин.

Биринчидан, ҳуқуқий оқибатларни тушуниб етмаслик, яъни вояга етмаган шахс томонидан ўз ҳаракатларининг ҳуқуқий оқибатларини етарлича англаб етмаслик турли хил ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунига кўра, вояга етмаган шахсга «ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс» деб таъриф берилган ҳамда маъмурий ва жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка биноан жавобгарликнинг умумий ёши ўн олти ёш деб белгиланган. Демак, ҳуқуқий оқибатлардан беҳабарлик омили ўн олти ва ўн саккиз ёш оралиғидаги вояга етмаганларга тегишли бўлади.

Иккинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатларидан беҳабарлик, яъни вояга етмаганлар томонидан ўз ҳаракатлари қандай салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини тўлиқ англаб етмаслик.

Ноқулай муҳит туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш, халқимизда «беш бармоқ баробар эмас» деган нақл мавжуд бўлиб, яъни барча вояга етмаганларнинг эҳтиёжлари тўлиқ бир хилда таъминланган дейиш қийин, афсуски. Албатта мактаб ўқувчиси томонидан дўстларидан орқада қолиш оғир ва бу омил уни ўғирлик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундаши мумкин. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаби қаровсизлик ва назоратсизлик деган фикрга тўхталадиган бўлсак, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунда ушбу терминларга аниқ таъриф берилган, яъни «қаровсиз» сўзига яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган «вояга етмаган» деб, «назоратсиз» сўзига эса ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолганларга «вояга етмаган» деб таъриф берилган. Ривожланиб бораётган даврда ота-оналар иш ва хизмат билан овора бўлиб, фарзандларига етарлича эътибор бера олмаётгани маълум, бунинг оқибатида боланинг дарс вақтидан ташқари вақти назоратсиз қолмоқда.

Бундан ташқари, Ю Г.Б. Быков ва Л.Х. Караеваларнинг фикрларига кўра, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабаби бу уларнинг ахлоқий тарбиясидаги камчиликлардир. Дарҳақиқат, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига эътиборсизлиги, ўз фарзандининг

тарбиясини бировларга ишонишлари ҳам салбий ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда айрим ота-оналар катта орзу-хаваслар билан фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлаш ниятида чет элларга чиқиб ишлаётгани маълум, аммо бу вақтда фарзанд тарбияси қандай кечаётганидан беҳабарлар.

Юқоридагилар ва бошқа манбаларни инобатга олган ҳолда вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари бениҳоя кўплиги, уларни тизимлаштириш, турларга ажратиш ва уларни бартараф этиш юзасидан ота-она ва уларни ўрнини босувчи шахслар, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек ички ишлар органлари ва бошқаларга аниқ вазифаларни белгилаб бериш зарур деган фикрдамиз. Чунки, биринчидан, ҳуқуқбузарликларнинг аниқ сабабларини белгиламай туриб, олдини олиш чораларини кўриш бу номаълум касаллик билан курашиш билан баробар. Иккинчидан, профилактикани амалга оширувчи субъектларнинг вазифалари аниқлаб, тақсимлаб қўйилмаса, улар орасида оворагарчилик келиб чиқиши муқаррар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни.– <https://lex.uz/>

3. Умирзаков Б.А. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олиш. – Тошкент:ИИВ Академия, 2020.

4. Руденко А.А. Профилактика правонарушений несовершеннолетних. – Вестник магистратуры, 2021.

5. Быков Г.В., Караева Л.Х. Профилактика правонарушений несовершеннолетних. – <https://cyberleninka.ru/>.

**ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ СОҲАСИДА
ПРОФЕССИОНАЛ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ
ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Мамлакатимизда юртбошимиз ташаббуси ва раҳбарлигида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, уларни тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш¹ белгилаб берилган бўлса, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг «Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш» – деб номланган иккинчи устувор йўналишида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш (16-мақсад) ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ҳамда уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш (17-мақсад) каби бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Бу йўналишда тегишли қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилиб, доимий равишда такомиллаштириб келинмоқда. Айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон.

курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаяпти.

Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сонли қарори айнан ана шу муаммо ва камчиликларни бартараф этиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этишни назарда тутди.

Қарорга кўра, ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат идоралари ва ташкилотларининг устувор вазифаси айнан қуйидагилар улар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Жумладан:

– фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини, шу жумладан аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар мурожаатлари ва муаммоларига беписанд муносабатда бўлиш ва бюрократик ҳолатларга йўл қўймаслик орқали таъминлаш;

– ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

– идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро

маълумотлар базалари тизимларини профилактик ишларга кенг жорий этиш;

– жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш;

– амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, қонунийлик аҳволи ҳамда жиноятчилик даражаси ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш масалаларида оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилиш, интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш жараёни тўғрисида кенг жамоатчиликни тезкор хабардор қилиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар динамикаси, уларни содир этиш такрорийлиги, ижтимоий фикр, профилактик ишлар натижасидан фуқароларнинг қониқиш ҳосил қилиши ва аҳоли билан ҳамкорлик даражасини инобатга оладиган баҳолашнинг аниқ мезонларини жорий этиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича идоралараро дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда манзиллилик, соҳавий ихтисослашув, ҳудудий ва бошқа ўзига хос хусусиятлар инобатга олинишини таъминлаш;

– ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммолари бўйича комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, профилактик ишларни олиб боришнинг замонавий услубини жорий этиш;

– ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ривожлантириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига фуқаролар ва жамоат ташкилотларини, шу жумладан уларни моддий ва бошқача тарзда рағбатлантириш орқали жалб этиш механизмларини такомиллаштириш.

Шунингдек, Қарорга кўра, ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланди ва ушбу кунда қуйидаги тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий нигилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик хулқ-атворини оммалаштиришга қаратилган, шу жумладан ички ишлар

органлари таянч пунктлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида «очиқ эшиклар куни»ни ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирларни амалга оширишга;

конунийлик аҳволини ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини атрофлича муҳокама қилиш учун жойларда, биринчи навбатда криминоген вазият номақбул бўлган ҳудудларда фуқароларнинг сайёр қабуллари хамда давлат идоралари ва ташкилотлари вакиллари аҳоли билан учрашувларини ташкил этишга;

ижтимоий аҳамияти муҳим бўлган суд муҳокамалари бўйича сайёр суд мажлисларини ўтказишга;

аҳоли турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва баргараф этиш мақсадида уйма-уй юришларни ташкил этишга;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга;

махсус телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда давлат идоралари ва ташкилотлари вакиллари, жамоатчилик иштирокида жойларда жиноятчилик аҳволи, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитлари, жиноятларни фош этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ишларнинг натижаларини муҳокама қилишга;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан интернет бутун жаҳон ахборот тармоғида мақолалар, шарҳлар ва бошқа материаллар чоп этилишини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Қарор билан «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисида»ги ва «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида»ги низомлар тасдиқланди.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисида»ги низомда умумий қоидалар, комиссиянинг асосий вазифалари, комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, комиссия ишини ташкил этиш, суд органлари билан ҳамкорлик, «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида»ги низомда эса умумий қоидалар, Республика комиссиясининг асосий вазифалари ва функциялари, минтақавий комиссияларнинг асосий вазифалари ва функциялари, туманлар (шаҳарлар) комиссияларининг вазифалари ва функциялари, туман (шаҳар) комиссияларининг назорат функциялари, туман (шаҳар) комиссияларининг ҳуқуқлари, вояга етмаганларни жойлаштириш чора-тадбирлари, комиссиялар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар, таъсир

кўрсатиш чоралари ва уларни қўллаш тартиби, ҳудудий комиссиялар томонидан ишларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш каби масалаларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида бобларда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда мазкур соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг дебочаси бўлиб, унинг алоҳида аҳамияти шундаки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки барча давлат идоралари ва кенг жамоатчиликнинг умумий вазифаси сифатида белгилаб берилганлигидир.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «...бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади» - дея таъкидлаганидек, қарорнинг ва ушбу қарор билан тасдиқлаган низомларнинг мазмун-моҳиятини Ички ишлар органлари ходимлари, айниқса Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти тингловчилари онгига чуқур сингдириш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги ошишига олиб келиши шубҳасиздир.

Ж.С.Мухторов

МАЪНАВИЙ ТАҲДИД ПРОФИЛАКТИКАСИ

Барчамизга маълумки, ўтган даврларга нисбатан бугунги кунда инсонларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун кураш тобора кучайиб бормоқда. Айни дамда мамлакатларни иқтисодий исканжага олиш, қонли урушлар, ҳарбий юришлар ўрнига мафкуравий воситалар ва маънавий қуролларни қўллаш орқали инсонларнинг тафаккури, онги ва дунёқарашини эгаллашга уринишлар авж олмақда. Ҳолбуки, ХХІ аср маънавият ва маърифат асридир.

Тарихдан маълумки, маънавият ва маърифатсиз жамият тараққиётини таъминлаб бўлмайди. Юртимизнинг буюк алломалари ва ҳозирги кун олимлари томонидан ёзилган асарларда маънавиятнинг мазмун-моҳияти «ҳалоллик», «инсонпарварлик», «адолат», «садоқат», «халққа хизмат қилиш», «маънавий жасорат» тушунчалари орқали чуқур таҳлил қилинган. Шу билан бирга, мазкур асарларда «маънавий таҳдид», «оммавий маданият» каби салбий тушунчаларнинг мазмуни ва моҳиятига ҳам

тўхталиб, уларнинг таъсиридан сақланиш лозимлиги хусусида огоҳлик ва ҳушёрликка чақирилган.

Бугунги кунда барча минтақалар қатори мусулмон оламида, шунингдек ён-атрофимизда юз бераётган воқеа ва ҳодисалар яхшиликни ёмонликдан, соф маънавийни маънавий таҳдидлардан фарқлаб олишни талаб этади. Бугун барча ёмонликлар «демократия», «инсон ҳуқуқлари», «дин» байроқлари остида амалга оширилаётгани ҳам айна ҳақиқатдир. Шу сабабли маънавий таҳдид ва унинг замонавий кўринишларига алоҳида тўхталиб ўтиш айна зарурат.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, юртдошларимизни турли ғоявий-мафкуравий таҳдидлардан асраш, айниқса, ёшларда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, уни янада мустаҳкамлаш, турли воситалар орқали қадриятларимиз, миллий-диний анъаналаримиз, менталитетимизга ёт бўлган тушунча ва ғояларнинг кириб келиши ҳамда тарқалишининг олдини олиш, бир сўз билан айтганда маънавий таҳдидлар профилактикасини самарали ташкил этиш замон талабидир.

Бугунги кунда жаҳон аҳолисининг ярмига яқинини ёшлар ташкил этади. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг маълумотларига қараганда, ўнлаб миллион ўсмирлар таълим олишмаяпти. Даромади паст мамлакатларда 12-14 ёшлиларнинг 30 фоизига яқини умуман мактаб остонасидан ҳатлаб ўтмаган¹.

Юртимиз аҳолисининг деярли 60 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Улар Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинасидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг Президент сифатида имзолаган биринчи қонун ҳужжати – 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун бўлди. Хусусан, бугунгача парламент томонидан ёшларга оид 40 зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган². Шунингдек, 2021 йил республикамизда «Ёшларни қўллаб қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилинди.

Кейинги йилларда ёшларимизни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш, хорижда таълим олишини таъминлаш, иш билан бандлиги даражасини ошириш, тадбиркорлик билан шуғулланишига кенг имкониятлар бериш ва уларга кредит маблағларини ажратиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

¹ Қаранг: Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. Илмий-маърифий журнал. 2021 йил 1-сон. – Б. 4.

² Қаранг: Ўша манба 4-б.

Бирок, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеалар, кескинлик ва хавф-хатарлар, геосиёсий қарама-қаршилиқлар, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани натижасида кўплаб ёшлар бу иллат гирдобига тушиб қолиб, унинг қурбонига айланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: «юртимиздаги минглаб ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларида нафақат «камолот»нинг, айтилиши вақтда, давлат ва жамиятнинг эътиборидан четда қолмоқда. Улар билан ҳеч ким деярли шуғулланмаяпти, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, десак, аччиқ ҳақиқатни тан олган бўламиз.

Бунинг оқибатида уюшмаган, яъни, ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчи ёшлар сони ортиб бормоқда.

Ёшлар ўртасида жинойт содир этиш, диний экстремистик оқимларга, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани кузатилмоқда»¹.

Бу эса, ўз навбатида барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди. Айниқса, ёшларимиз ўз фарзандларимизнинг маънавий таҳдидлардан асраш зарурлиги бизни янада огоҳликка чақиради.

Маънавий таҳдидларнинг асосий турларига бузғунчи ғоялар, ахборот уруши, оммавий маданиятни киритамиз.

Замонавий бузғунчи ғояларга миллатчилик, неофашизм, диний экстремизм, эгоцентризм кабиларни киритиш мумкин.

«Миллатчилик» салбий тушунча бўлиб, бир миллатни бошқа миллатдан устун қўйиш, бошқа миллатга нисбатан ҳурматсизлик кўрсатиш, бир миллатли дунёни яратишга интилиш каби ҳаракатларни ифодалайди.

Республикамизни миллатчилик эмас, аксинча, миллатлараро тотувлик бирлаштиради. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ғояси миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири сифатида тарғиб этилади.

Миллатчилик миллатлараро урушни тарғиб этиш демакдир. Неофашизм миллатчиликнинг олий шакли.

Маънавиятимизни издан чиқаришга қаратилган қуйидаги таҳдидлар мавжуд:

- «оммавий маданият»ни тарғиб этиш;
- миссионерлик, прозелитизм;
- эгоцентризм;
- диний ақидапарастлик;
- космополитизм;

¹ Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. – Т: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – Б. 507.

- миллий қадриятларимизга нописандлик;
- ахборот хуружлари;
- лоқайдлик ва бефарқлик;
- бойликка ўта ружу қўйиш;
- интернет тизимининг салбий таъсири;
- санъатда ошкораликни пеш қилиш;
- фазилатларнинг мазмунини англаган ҳолда уларга амал қилмаслик;
- дунёвий илм-фан ва технологияларни чуқур ўзлаштирмаслик;
- «демократияни олға силжитиш» ниқоби остида фаолият юритиш;
- ҳасад ва бошқалар.

Маънавиятимизга хуруж қилаётган таҳдидлар, умумий қилиб айтганда, «оммавий маданият»нинг салбий оқибатлари бўлиб, улар бизга четдан кириб келаётган, маънавиятимиз, маданиятимиз ва миллий қадриятларимизга мутлақо ёт маънавий ва ахлоқий тубанликлар йиғиндисидир.

«Оммавий маданият» ниқоби остидаги фаолият ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, эгоцентризм ғояларини тарқатиш ва шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг кўп минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлардир.

Ахборот таҳдиди – маънавий таҳдидларнинг асосий шакли. Ахборот таҳдиди деганда ёлғон-уйдирмалар тўқиб чиқариш, уларни оммавий ахборот воситаларида тарқатиш орқали салбий ижтимоий фикрни шакллантириш тушунилади. Бугун катта ёлғонлар ўйлаб топилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ахборот уйдирмалари ёрдамида турли сиёсий кучлар аниқ кўзланган мақсадларига интилмоқда.

Инсоният ахборотдан фойдаланиш маданиятига эга бўлмас экан, «даҳшатли ёлғон»лар измидан чиқиб кета олмайди. Бугун интернет бутун дунёни эгаллади. Унинг ижобий ва салбий жиҳатларини тушуниб олиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Интернетга ҳақиқат манбаи эмас, ахборот олиш имконияти сифатида қараш лозим.

Диний ақидапарастлик – бирор-бир фикр, таълимотга, муайян оқим тарафдорларига, ақидаларга кўр-кўрона ишониш, унга ёпишиб олиш, ҳар қандай шароитда ҳам унинг ўзгаришига йўл қўймасликка ҳаракат қилиш тушунилади¹.

Ақидапарастлик, қандай шаклда бўлмасин, ҳамма замонларда ҳам жамият учун бирдек хатарли бўлиб, одамлар бошига кўплаб кулфатлар келтирган. Ҳозирги даврда ҳам ҳамма нарсани инкор этишга, ҳеч қандай ижтимоий меъёр ва қонун-қоидаларни тан олмасликка даъват этувчи – нигилизм каби мафкуралар турли кўринишларда намоён бўлмоқда.

¹ Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т., 2004. – Б.113-114.

Бузғунчи мафкура таъсиридан террорчилик ҳаракатлари келиб чиқади. «Ранг-баранг, баъзан бир-бирига зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб, қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда»¹.

Юқоридаги таҳдидлар, энг аввало, оддий инсонлар қалби ва онгини забт этишга, уларни ўз миллий қадриятларидан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум этишга қаратилган тажовузкорликнинг мафкуравий шаклда намоён бўлишидир.

Халқаро терроризм мафкураси ва биз дуч келаётган информацион хуружлар, диний ақидапарастлик, экстремизмнинг халқимиз онги ва қалбини эгаллашга қаратилган уринишлари ёшларимизни мафкуравий иммунитетини ошириш зарурлигини кўрсатади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, маънавий таҳдидлар профилактикасини самарали ташкил этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Улар:

замонавий олий ўқув юртларида маънавий-маърифий ишлар мазмуни, уларни янада такомиллаштиришни, яъни мафкуравий муаммоларни ва ғоявий кураш масаласини янада чуқур илмий-педагогик таҳлил қилиш, ёшларда амалий мафкуравий кўникмаларни шакллантириш йўллари яхшилаш, уларни мафкуравий тарғиботга тайёрлаш методларини ишлаб чиқишни талаб этади;

ўз келажagini ўйлаган ҳар бир инсон, халқ оммавий ахборот воситалари орқали узатилаётган хабарларни текшириб, ҳаёт билан таққослаб, шундан кейингина қабул қилиши зарур. Шу боис, ҳар бир инсон ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва узатиш маданиятига эга бўлиши шарт;

интернет орқали тарқатилаётган барча шаклдаги хабарларнинг чинини ёлғонидан ажратиб олиш учун мустақил фикрлаш талаб этилади. Мустақил фикрлаш мафкуравий иммунитет, юксак маънавият, ғоявий ва информацион таҳдидларга қарши курашнинг бош омилидир;

диний экстремизм мафкураси ва кўпурувчилик-террорчиликка қарши курашда аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш зарур;

фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз зарур;

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Т.7. – Т., 1999. – Б.90-91.

ёшлар дунёқарашида соғлом эътиқод, ишонч ва миллий қадриятлар устувор, урф бўлиши учун уларда ёт мафқураларга қарши иммунитетни шакллантириш зарур;

ёшларни ҳаёт ҳодисаларини дунёвийлик, илмийлик қоидалари асосида таҳлил қилиш ва баҳолашга одатлантириш;

ёшларни ўз қарашларини ҳимоя қилишга ўргатиш;

ёшларни бузғунчи мафқураларга ҳар доим, ҳамма жойда мурасасиз бўлишга тайёрлаш зарур;

ёшларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш педагог кадрларнинг ғоявий-назарий ва услубий тайёргарлигига ҳам боғлиқ. Ҳар бир профессор-ўқитувчи, энг аввало, миллий ғоямизнинг тарғиботчиси бўлиши керак. Албатта, бу масъулиятли ишда профессор-ўқитувчиларнинг шахсий намунаси, маънавияти, ҳаётга бўлган ғоявий-сиёсий муносабати катта роль ўйнайди.

Маълумки, мафқуравий иммунитетнинг шаклланиши бирданига юз бермайди. У миллий манфаатлар устуворлиги нуқтаи назарини шакллантириш ҳамда ёшларга янги, холис тарихий билимлар бериш билан амалга ошади. Таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ёшларнинг сиёсий қарашлари шакллантирилади, бунда тарихий материаллардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мафқуравий иммунитетни шакллантириш жамият ҳаётининг энг нозик жиҳатларидан, ёшларнинг миллий ҳис-туйғулари, мақсад ва интилишлари, маънавий-маърифий ва руҳий-ахлоқий даражасига бевосита боғлиқ ҳодиса. Шундай экан, ёшларимиз ёт мафқураларнинг «меҳрибонлиги», «холислиги» ва «бетарафлиги», «ёқимлилиги», «дўстоналиги» ортида нималар ётганини англай олишлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мафқуравий профилактиканинг асосий мақсади аҳоли, айниқса, ёшларимизда мустаҳкам мафқуравий иммунитетни кафолатли шакллантиришдир. Бинобарин, маҳалла, таълим муассасаларида олиб бориладиган маънавий таҳдидлар профилактикаси аҳолини бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, унинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга ишончини, соғлом эътиқодини сақлаш ва янада мустаҳкамлашга қаратилган илмий, ташкилий, маънавий-маърифий, тарбиявий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари мажмуи бўлиб, ушбу тадбирларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш бугунги кун талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. – Т: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018., 591-б.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.- Тошкент - «Ўзбекистон»,- 2018. – 512 б.
3. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир / Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 08.12.2017).
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Т.7. – Т., 1999., 391-б.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ЎРҚ-167-II-сон қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги ЎРҚ-489-сон қонуни;
7. Ички ишлар органлари тизимидаги туб ислохотлар – халқ манфаатларига хизмат қилишни таъминлаш кафолати. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020., 331-б.
8. Маънавиятимизга таҳдид – келажакка таҳдид. Илмий-мақолалар тўплами. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Республика маънавият тарғибот маркази. Тошкент, 2011. 199-б.
9. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. Илмий-маърифий журнал. 2021 йил 1-сон., 167-б.
10. Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т., 2004., 114-б.
11. Ш.Одилхоновна. «Оммавий маданият» таҳдиди. –Т., «Муҳаррир нашриёти» – 2010. 18-б.
12. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Масъул муҳаррир: З.Исломов. – Т.: Тошкент ислом университети, - 2017. – 246-б.

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборотни олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, уларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳамда унинг ахборот ресурсларидан фойдаланиши, тегишли ахборотларнинг ижтимоий тармоқларда эркин жойлаштирилиши учун шароит яратилиб, мазкур маконда хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари муттасил равишда амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, кибермаконда жинойтчиликнинг янги турлари пайдо бўлаётганлиги, бу эса мамлакатимиз фуқаролари, айниқса ёшларни ўз домига тортаётганлиги ҳозирги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига янгидан янги вазифаларни юкламоқда. Шунинг учун, интернет тармоғида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш соҳасига замонавий технологияларни жорий этиш, бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, тергов қилиш, барвақт олдини олиш мақсадида кечиктириб бўлмас чора-тадбирлар белгиланиши ҳамда амалга оширилиши лозимлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Чунки, илмий-техника тараққиётининг ривожланиши, хўжалик ва бошқарув фаолияти кенг миқёсда компьютерлаштирилиши, компьютер ахборотининг мавжудлиги ва амал қилиши, шунингдек фаолиятларнинг рақамлаштирилиши соҳасида турли ҳолатлар вужудга келиши билан бирга юз бердики, бу жисмоний ва юридик шахслар, жамият ва давлатнинг маълумотларни автоматлаштирилган усулда қайта ишлаш борасидаги қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларининг бузилишига олиб келди. Айнан, ахборот технологиялари соҳасида юз бераётган жараёнларни жинойт-ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилганлиги натижасида, Жинойт кодексига компьютер жинойтлари учун жавобгарликни белгиловчи бутунлай янги боб киритилди¹.

Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг ушбу «Ахборот технологиялари соҳасидаги жинойтлар» деб номланган бобида жами 7 та модда мавжуд.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-137-сонли Қонуни, 1-модда 2-банди // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сон, 607-модда.

Хусусан, 278¹-моддаси «Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш» деб номланиб, унга кўра, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, яъни белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши жиноят эканлиги, ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисми билан жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши белгилаб қўйилди.

Шу ўринда, «ахборотлаштириш – жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий техникавий жараёни¹» эканлигини кўришимиз мумкин.

Шундай экан, ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан ҳозирги кунда ҳар қандай электрон қурилмалар, яъни компьютерлар, электрон ҳисоблаш машиналари, уяли телефон аппаратлари, пейжерлар, электрон назорат-касса машиналари, электрон банкоматлар ва пластик ҳисоб-китоб карточкалари билан ишловчи терминаллар орқали фойдаланиш мумкинлигини инобатга олиш лозим.

Шу нуқтаи назардан, эътиборимизни Жиноят Кодексининг «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноят» бобидаги моддаларга қаратадиган бўлсак, 278²-моддасида «Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш», 278³-моддасида «Компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш», 278⁴-моддасида «Компьютер ахборотини модификациялаштириш» 278⁵-моддасида «Компьютер саботажи», 278⁶-моддасида «Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш», 278⁷-моддасида «Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш» каби қилмишлар жиноят эканлигини кўришимиз мумкин.

Демак, ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимлари, компьютер ахбороти ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланишнинг фарқланиши қонунда белгилаб қўйилган, яъни,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни. 3-модда, 1-қисм // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 6-сон, 67-модда.

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятлари самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагилар *таклиф этилади:*

биринчидан, интернет тармоғида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда тергов бўлинмалари томонидан асосий эътиборни мамлакатимизда содир этилаётган жиноят турлари ва содир этишнинг янги усуллари, сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларига қаратган ҳолда интернетдан фойдаланувчилар учун тегишли тавсиялар билан бирга интернет тармоғига мунтазам жойлаштириб бориш;

иккинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида тергов бўлинмалари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида Республикаимизда юзага келаётган жиддий таҳдидлар ва миллий хавфларни таҳлил этган ҳолда даврий ахборотларни интернет тармоғига мунтазам равишда жойлаштириб бориш;

учинчидан, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ички ишлар органларининг соҳавий (жиноят қидирув, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси) хизматлар билан ўзаро маълумотлар алмашинувини тизимли йўлга қўйиш;

тўртинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар доирасида тергов бўлинмаларидаги суриштирувчи, терговчи ва бошлиқларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида хорижий тажрибани ўрганиб боришлари юзасидан хизмат сафарлари ва ҳалқаро конференцияларни мунтазам ташкил этиш.

Х.Х. Бахрамов

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАЪМУРИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Республикаимиз Президенти томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони¹ билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланган эди. Мазкур тарихий муҳим ва зарур дастуруламал раҳбарий ҳужжат барча соҳаларни янада ривожлантириш бўйича йўналишлар ва устувор вазифаларни белгилаб берди.

Бевосита, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга оид вазифалар қаторида, Ўзбекистон Республикаси

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Президентининг 2017 йил 10 апрелда «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 5005-сон Фармони¹ қабул қилиниб, унда «...ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинган»лиги эътироф этилиши билан бир қаторда, бажарилиши зарур бўлган вазифалар ҳам белгилаб берилди.

Маълумки, жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Бу борада давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «...халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни барвақт олдини олиш ишларини янги босқичга кўтариш талаб этилади».

Мазкур устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича мамлакатимизда ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган. Ушбу қонуннинг 3-моддасида «*ҳуқуқбузарлик*» ва «*ҳуқуқбузарликлар профилактикаси*»га тушунчалар берилган.

Содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) – **ҳуқуқбузарлик** деб тушунилади.

Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар тизими **ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий жазо чораларининг аҳамиятини ёритишдан аввал маъмурий

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик – инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қандай маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

Ҳуқуқ назариясига мувофиқ, маъмурий жазо – мақсадига кўра маъмурий мажбурлов чораларининг бир тури ҳисобланади. Маъмурий жазо – маъмурий мажбурловнинг бошқа чораларидан фарқли равишда ҳуқуқбузар томонидан маъмурий қонунчилик ҳужжатлари билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилинганда, яъни, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилгандагина қўлланиладиган ўзига хос мақсадга эга жазо санкциялари бўлиб, маъмурий-процессуал тартибда амалга оширилади.

Маъмурий жазо – Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан маъмурий мажбурловнинг бошқа чоралари эса турли норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 22-моддасида маъмурий жазонинг мақсади қайд этилган бўлиб, унга кўра, маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси ҳисобланиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шу боис, жазолаш – маъмурий жазонинг асосий мақсади эмас, балки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни Конституция ва қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ушбу шахснинг ўзи ва бошқа шахслар томонидан янги ҳуқуққа хилоф қилмишлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шу билан бирга маъмурий жазо жиноятларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади. Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтган эди: «Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда,

жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат. Шу боис, ички ишлар органлари мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот, жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари, республикамиз Конституцияси, қонунлари, жавобгарликни белгиловчи кодекслари ҳамда қонун ости ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя этишлари зарур.

Амалдаги, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг махсус қисмида 14 та бобда 14 та тур(соҳа)га тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик мавжуд бўлиб, улар учун кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган 6 та турдаги маъмурий жазо чоралари асосий жазо чораси сифатида ёки ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси сифатида кодексда белгиланган тартибда ваколатли орган(мансабдор шахс)лар томонидан қўлланилиши мумкинлиги қайд этилган.

Шу билан бирга, мамлакатимизда сўнгги йилларда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳозирги замон талабларига қанчалик жавоб бера олишини ўрганишни, шунингдек, маъмурий жавобгарлик нормаларининг қўлланиш ҳолатини баҳолаш, унинг мониторингини мунтазам ўтказиб туриш заруратини тақозо этади. Фикримча, кодекснинг 26-моддасида назарда тутилган « » азкур жазо чорасининг ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга таъсир этиш хусусияти камлиги, шунингдек, бундай жазо чораси кодекс махсус қисмининг фақат 3 та моддасидагина, яъни, 142, 220 ва 222-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, шундай маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш жазоси белгиланган. Лекин, амалиётда ушбу моддалар учун жавобгарлик чоралари деярли қўлланилмайди. Масалан, статистик маълумотларга кўра, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона ва бошқа вилоятларда 2018-2019 йиллар давомида мазкур жазо чораси умуман қўлланилмаган.

Шунингдек, қуйидаги хорижий давлатларнинг маъмурий қонунчиликни қўллаш тажрибаси ўрганилганда, жумладан, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Озарбайжон, Беларусь Республикаларида ҳам мазкур жазо тури қонунчилигида мавжуд эмас. Шу сабабли, маъмурий жазо тизимидан маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш жазосини чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда.

«Жамоат ишлари» деб номланган жазо чорасини киритиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, мамлакатимизда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мақсадларидан бири жиноят қонунчилигини либераллаштириш, жумладан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенгроқ қўллашдан иборат. амалдаги Жиноят кодексига Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли қонунига асосан, «
» Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-ижроия кодексида белгиланган мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги «Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақидаги низоми ҳамда Мажбурий жамоат ишлари турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 346-сонли қарори қабул қилинган эди.

Жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигига киритилган мазкур янгиликларни бизнингча, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка ҳам қўйидагиларни назарда тутган ҳолда киритиш мақсадга мувофиқдир.

Амалиётнинг кўрсатишича, маъмурий ҳуқуқбузарликлар асосан ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган, вақтинча ҳеч қаерда ишламайдиган шахслар томонидан нисбатан кўпроқ содир этилади. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан жарима жазоси қўлланилиши унинг моддий жиҳатдан янада қийин аҳволга тушишига олиб келади (у оилада ягона боқувчи бўлиши мумкин.), бу эса ўз навбатида, оғир оилавий шароитни келтириб чиқариши мумкин. Бу каби ҳолатлар, жарима жазосини ижросини таъминлашда қатор муаммоларни юзага келтиради. Шу боис, бундай ҳолатларда суд ҳуқуқбузарнинг оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитларини ўрганиб чиқиб, жарима жазосини ундириш имконияти мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб, ушбу киритиш таклиф этилаётган «Жамоат ишлари» жазо турини тайинлаш ваколатига эга бўлади. Ҳуқуқбузарларни қишлоқ жойларда мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларига (ғалла, пахта, шоли) шунингдек, ободонлаштириш ишларига кенг жалб қилиш мумкин бўлади, шаҳар жойларда ободонлаштириш, тозалаш ишларига кенг жалб қилишда ҳам фойдаланиш мумкин. Юқоридаги ҳолатларда, суд ҳуқуқбузарнинг шахсий, оилавий аҳволидан келиб чиқиб, жамоат ишлари жазо чорасини қўллаши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу борада суд қарорини ижросини ташкил этиш ва таъминлаш жараёнида турли муаммоларни, мансаб суистеъмолликлари ҳамда коррупцион ҳолатларни келтириб чиқармайдиган ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш жуда муҳим ҳисобланади.

Фикримизча, кодекснинг умумий қисмига «Жамоат ишлари» деб номланган қуйидаги тахрирдаги моддани киритиш лозим.

«26-модда. Жамоат ишлари.

Жамоат ишлари ҳуқуқбузарни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдир. Ҳуқуқбузар ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади. Жамоат ишлари судлар томонидан йигирмадан бир юз йигирма соатгача бўлган муддатга тайинланади.

Жамоат ишларини ўташ мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва ишларнинг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади.

Жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, ҳарбий хизматчиларга, чет эл фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Ҳуқуқбузар жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд жамоат ишларининг ўталмаган муддатини жамоат ишларининг саккиз соатини маъмурий қамоқнинг бир суткасига тенглаштириб, маъмурий қамоқ тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бунда маъмурий қамоқ жазоси муддати ўн беш суткадан ошмаслиги лозим.

Жазони ўташдан бўйин товланилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.»

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланиши қайд этилган. Шу боис, ички ишлар органларининг маъмурий жазо қўллаш ваколатига эга ходимлари ҳамда кодекс билан ваколат берилган орган(мансабдор шахс)лари маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч кимни қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортиши мумкин эмас. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фақат қонунийликка риоя қилиш асосида олиб борилиши шарт.

Ф.Б.Матякубова

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ХИЗМАТ
ФАОЛИЯТИДАГИ ЎЗИГА ХОС МУОМАЛА МАДАНИЯТИ.**

*Сўзни кўнгилда пиширмагунча тилга келтирма,
Ҳар неким кўнгилда бўлса - тилга сурма.*

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси **ички ишлар органлари ходими** тимсолида ўзининг ҳаёти, соғлиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳар қандай тажовузлардан муҳофаза қилишга, оғир дамда ёрдам беришга тайёр бўлган ҳимоячисини кўриши ҳамда ўзининг ҳавфсизлиги таъминланганлигини ҳис қилиши зарур.

Ички ишлар органларининг бу борадаги фаолиятини самарали ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш, ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш принципига ҳар томонлама ва тўлақонли амал қилишларини таъминлаш ҳамда ходимларнинг муомала маданиятини яхшилаш ва уларнинг бу борадаги шахсий жавобгарлигини оширишга қаратилмоқда.

Ички ишлар органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга ҳеч оғишмай тадбиқ қилинишини таъминлайди ҳамда қонунларга бўйсуниб, уларни сўзсиз бажарадилар. Шунингдек, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган урф-одатларимизни эъзозлайди, улардек она заминни севиб, ҳалол, фидокорона меҳнат қилади.

Ички ишлар органлари ходимларидан аҳоли билан муомала қилиш жараёнида муомала маданияти, унинг асосий шакллари ва қоидаларига, хулқ-атвор, нутқ маданиятига, ташқи кўриниш ва кийиниш маданиятига тўлиқ риоя қилиш талаб этилади.

Тизимда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ички ишлар органлари ходимларининг муомала маданиятини янада юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, жамиятнинг ҳар томонлама янгиланишида муомала маданиятининг ўрнини англаб яшаш ва хизмат қилиш ички ишлар органлари ҳар бир ходимининг Ватан равнақи, юрт тинчлигини асраш йўлидаги муқаддас бурчидир.

Ички ишлар органларида хизмат олиб бораётган ходимлар кундалик хизмат фаолияти давомида турли касб эгалари, ҳар хил ёшдаги шахслар билан муносабатга киришади. Бу жараён ходимлардан муомала маданиятининг ўзига хос жиҳатларидан хабардор бўлишни талаб этади. Бугунги кунда мутахассислар томонидан ички ишлар органлари ходимлари эстетикасининг таркибий қисмлари сифатида ташқи кўриниш, ҳуқуқий онг, шахсий сифатлар ва киришимлилиқ белгиланган. Ушбу хусусиятларнинг намоён бўлишида ходимларнинг муомала маданияти алоҳида аҳамиятга эга. Умуман, инсоннинг фикрлаш даражасига таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан айтиш мумкинки, муомала маданиятига риоя этиш ички ишлар

органлари ходимларининг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Ички ишлар органлари эстетикасини такомиллаштириш, аввало, соҳа ходимларининг билим савиясига ва дунёқарашига боғлиқ бўлиб, ҳар бир ходим янгича дунёқараш, янгича тафаккурга эга бўлиши билан биргаликда, билимли, салоҳиятли ва фидойи бўлиши лозим. Бундай мақсадларга эришиш учун ходим доимий равишда ўз устида ишлаб, зиммасига юклатилган вазифани виждонан бажариши, ўзини Ватан тақдирига дахлдор деб билиши, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш йўлида бор билим ва тажрибасини сафарбар этиши зарур.

Ички ишлар органлари ходимлари хизмат фаолияти юзасидан ҳар доим жамиятнинг диққат марказида бўлади. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати ички ишлар органларининг хизмат фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Ходимларнинг хулқ-атвори ва саъй-ҳаракатига қараб, фуқароларимиз бутун бир ИИВ тизимига баҳо беради. Бинобарин, ички ишлар органларига мурожаат қилган ҳар бир фуқарога ёрдам кўрсатиш, фуқаролар билан самимий муносабатда бўлиш, шунингдек, юксак муомала маданияти орқали жамоатчиликда ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида ижобий фикрни шакллантириш ҳар бир ҳуқуқ-тартибот посбонининг ўзига хос вазифасига айланиши лозим. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир ходим фуқаролар ва ҳамкасблари билан ўзаро мулоқот чоғида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишга алоҳида эътибор қаратиши керак. Бундан ташқари, фуқаролар билан мулоқотда нутқ маданияти қоидаларига амал қилиш жуда муҳим саналади. Айтиш лозимки, бу борада Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 21 октябрь кундаги «Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги буйруққа асосланган Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомнинг 6-параграфида Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан муомала маданияти батафсил ёритиб берилган. Ходимлар хизмат жараёнида ва хизматдан ташқари пайтда сўзлашиш одобига, муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллаш, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиш инсоннинг мавқеини юксалтиради, унинг жамоадаги ва жамиятдаги ўрни ҳамда обрўсини белгилаб беради. Бунда ходимлар давлат тилига оид талабларга риоя этиши ва бошқа тилларни ҳурмат қилиши лозим.

Ҳар бир ходим фуқаролар билан самимий муносабатда бўлиши, уларнинг мурожаатини диққат билан эшитиши, ваколати доирасида кўриб чиқиши ва масаласини ҳал қилишга интилиши билан бирга фуқаролар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни қонунга зидлигини тушунтириши ҳамда қонунда белгиланган чора қўллаш масаласини ҳал

этиши керак. Ходимлар эл-юрт осойишталиги посбони сифатида хизмат зарурати туфайли чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан мулоқотга киришганда қадди - қоматини тик тутган ҳолда, очиқ чеҳра билан уларнинг берган саволларига аниқ ва лўнда жавоб беришга интилади. Уларни қабул қилганда заруратга кўра таржимон таклиф этилади.

Ходим фуқаролар билан суҳбатлашишидан олдин ўзини таништириши, ходимнинг хизмат гувоҳномасини кўрсатиш талаб этилган ҳолларда ўша заҳоти талаби қондирилиши лозим.

Ходим шахсий хавфсизликни таъминлаш мақсадида, фуқароларни ўзига нисбатан 1 -1 , 5 метргача бўлган масофа узоқликда ушлашга ҳаракат қилиши лозим.

Суҳбат давомида ходим тамаки маҳсулотларини чекиши, бирор нарсани истеъмол қилиши ёки уларга нисбатан ҳурматсизлик деб қабул қилиниши мумкин бўлган бошқа ножўя ҳатти-ҳаракатларни содир этиши мумкин эмас.

Ходим ички ишлар бўлимига олиб келинган, ушланган ёки қамоққа олинганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, шахсиятини паймол қилмайди. Ўз навбатида, уларга тиббий ва ҳуқуқий ёрдам беради, уларнинг ушланганликлари ҳақида яқин қариндошлари ёки иш жойига ўрнатилган тартибда хабар беради.

Фуқаролар тақдим этган ҳужжатларни эҳтиёткорлик билан кўздан кечиради, уларга нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлмайди

Ҳужжатларни текшираётганда унинг ичида тааллуқли бўлмаган буюмлар (пул, ёзувли қоғоз парчаси, ташриф қоғози) бўлса, уларни эгасига қайтаради. Фуқароларга нисбатан ножўя ҳатти-ҳаракатлар содир қилмайди. Ҳужжатларда бирон камчилик бўлмаса, ходим ҳужжатни эгасига тезда қайтариши, ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилганлиги учун миннатдорчилик билдириб, хайрлашиши керак. Ҳужжатда камчилик аниқланса ёки у шубҳа туғдирса, бу ҳақида фуқарога хушмуомалалик билан тушунтириши ва ваколати доирасида тегишли чора кўриши ҳақида маълум қилиши лозим.

Башарти, фуқаро ходимнинг қонуний талабларини бажаришдан бош тортса ва бу ҳолат унга реал хавф туғдириши мумкин деб ҳисобланса, ходим қатъий оҳангда ундан ўзи билан бирга ички ишлар органига боришни талаб қилиши, бўйсунмаслик кайфияти очиқдан-очиқ ифодаланганда дарҳол кўшимча кучларни чақиритиши ҳамда вазият ҳақида тўлиқ маълумот бериши мақсадга мувофиқ.

Фуқарога ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, ички ишлар органларига бориш ёки кўрсатилган муддатда у ерда бўлишдан иборат қонуний талабларини бажармаслик тегишли жавобгарликка асос бўлиши

мумкинлиги ва бошқа ҳуқуқ-мажбуриятлари ҳақида тушунтириш бериши лозим. Ходим хизмат фаолияти давомида аҳоли билан алоқани мустаҳкамлаб, такомиллаштириб боради.

Ички ишлар органлари ходими деган юксак номни ёдда сақлаган ҳолда, хизмат вазифасига оид фаолияти давомида ҳамда инсонийлик бурчини бажариш вақтида фуқаролардан турли кўринишдаги ҳадя ва совғаларни олиши тақиқланади. Спиртли ичимлик истеъмол қилган, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддалар истеъмол қилган ва бунда гумонланаётган шахслар билан мулоқотга киришганда, улар ўзларини тўғри тутган тақдирда ҳам шахсий хавфсизликни таъминлаган ҳолда эҳтиёткор бўлиши ҳамда тегишли қонуний чоралар кўрилишини таъминлаши зарур.

Ходимлар жамоат транспортида ва бошқа жамоат жойларида йўловчилар билан хушмуомалада бўлиб, кексаларга, ёш боласи бор ва ҳомиладор аёлларга жой беришни, ёшларни ёши катталарга жой беришга ундашни, жамоат транспортида ёки бекатда ҳуқуқбузарлик содир этилса, дарҳол уни бартараф этиш учун зарур чоралар кўришни, жабрланувчига ёрдам беришни ҳамда жамоат тартиби таъминланишини хизмат ва фуқаролик бурчи деб ҳисоблаши шарт.

Ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли билан бўладиган муомала маданияти - деб уларнинг шахслар, оилалар, меҳнат жамоалари, ижтимоий гуруҳлар, ҳар хил жамоат ва давлат ташкилотлари, муассасалари, хорижий давлат фуқаролари билан бўладиган ҳамда қонун, фармон, низом ва буйруқлардаги ахлоқий ва ҳуқуқий қоидалар билан тартибга солинган ахлоқий-эстетик, ҳуқуқий муносабатлар тизимига айтилади.

Муомала мураккаб жараён бўлиб, у одамларнинг ўзаро иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-маънавий муносабатлари, алоқалари йиғиндисидир.

Ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли билан бўладиган муомала маданиятининг шакллари жуда кўп бўлиб, уларнинг ичида қуйидаги учтаси алоҳида кўзга ташланиб туради:

- 1) хулқ-атвор маданияти;
- 2) ташқи кўриниш маданияти;
- 3) нутқ маданияти.

Муомала маданияти бир вақтнинг ўзида ҳар бир одамда ички мазмун ва моҳият, ташқи ифода ҳамда уларнинг муштараклиги ёки муштарак эмаслиги тарзида сезилиб туради.

Бинобарин, муомала маданияти уч таркибий қисмдан иборат:

- 1) феъл-атворнинг ички мазмуни ва моҳияти;
- 2) юриш-туришнинг ташқи ифодаси;
- 3) улар ўртасидаги уйғунлик ва мутаносиблик даражалари.

Хулқ-атворнинг ички мазмун ва моҳиятини шахс ахлоқий-ҳуқуқий ва эстетик онгининг ривожланиш даражаси ташкил этса, ташқи кўринишини эстетик дид, фаҳм-фаросат белгилайди. Ҳар икки туйғунинг уйғунлиги ва муштараклиги эса ички ишлар органлари ходимларининг **юксак маданият соҳиби** эканлигидан дарак беради. Буюк аждодларимиз ўзларининг хаёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда муомала одоби маданиятининг умумий қоидаларини ишлаб чиққанлар. Бу қоидалар ички ишлар органлари ҳар бир ходимининг аҳоли билан қиладиган муомаласининг ажралмас қисми бўлиши табиийдир. Жумладан:

- одамларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш;
- муҳтожларга ўз вақтида ёрдам бериш, уларнинг ҳолатини чиқариш;
- илтифот билан жой кўрсатиш, жой бериш, олдинга ўтказиб юбориш, ёрдамлашиш;
- одамларни ўзининг ҳатти-ҳаракатлари билан ноқулай аҳволга солиб қўймаслик, агар шундай ҳолат юз берса, тезликда кечирим сўраш ва ўз ҳатти-ҳаракатини тузатиш;
- кексаларга, болаларга ва аёлларга алоҳида, яъни қонунга зид бўлмаган тартибда илтифот кўрсатиш.

Ходим ушбу талабларга ўзининг бутун фаолияти давомида, яъни фуқароларни қабул қилганда, кузатиб қўйганда, жамоат тартибини сақлаш учун хизматга чиққанда, жинойтчиларни ушлаганда, тинтув ўтказиш, сўроқ қилиш чоғида, хизматдан ташқари вақтларда, транспортда, театрда, кино залларида, уйда ва жамоат жойларида амал қилиши керак.

Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан бўладиган мулоқотда албатта *зийрак, хушёр, меҳрибон* бўлишлари лозим.

Зийраклик-деб фуқароларнинг орзу-умидларини, аниқ истак-ҳоҳишларини, дилидаги гапларини тезликда фаҳмлаб олиш ва шунга жавобан ахлоқ қоидалари талаби асосида ҳатти-ҳаракатлар қилишга айтилади. Зийракликнинг асосини сезгирлик ва хушёрлик ташкил этади. Зийраклик ахлоқ ва нафосатнинг фуқаролар дилидагини илғаб олиш, уларнинг қалбидан жой олишга хизмат қиладиган сирли калитидир.

Фуқароларга зийраклик, яъни сезгирлик билан яхши муомала қилиш, уларнинг дардига қулоқ солиш, саволларига ширинсуҳанлик билан жавоб қайтариш, уларга ёрдам бериш, умуман, яхши муносабатда бўлиш, барча мушкул муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Бу эса ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли ўртасидаги обрўсини янада оширади, ҳалқнинг уларга нисбатан ишончи кучаяди ва ички ишлар органлари ходимларининг ишончли таянчига айланиб боради, аҳоли билан бўладиган касб ахлоқи қоидалари уларнинг хизмат вазифаларини бажариш чоғида намоён бўлади.

Хизмат вазифаларини бажариш вақтида фуқаролар билан муомала қилиш маданияти қоидалари мавжуд бўлиб, бу қоидалар қуйидагилардан иборат:

1. Ички ишлар органларининг ҳар бир ходими хизмат бурчини бажараётган вақтда, энг аввало ўзининг давлат ҳокимияти вакили эканлигини, одамлар унинг хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракати, сўз оҳанги ва ташқи кийёфасига қараб, бутун ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи ходимларга баҳо беришларини, унинг обрўси давлат обрўси эканлигини унутмаслиги керак.

2. Фуқаролар ички ишлар органлари ходимларига ўзбек менталитетига хос муомала қилиши ёки ходим фуқароларга мурожаат қилганда, ҳарбийчасига саломлашиб, ўзининг лавозими, унвони, исм шарифини айтиши, сўнгра мурожаат қилиш сабабини ҳамда ўз мақсадини баён қилиши керак.

3. Фуқароларнинг барча саволларига, мурожаатларига ҳушмуомалалик билан жавоб бериш, ётиғи билан тушунтириш, уларга иложи борича ёрдамлаши, иложи бўлмаганда қонун доирасида маслаҳатлар бериш зарур.

4. Ички ишлар органлари ходими фуқароларга мурожаат қилганда, уларнинг талабига биноан ўзининг исм-шарифини ва иш жойини айтиши ҳамда хизмат гувоҳномасини кўрсатиши шарт.

5. *Ходимнинг фуқаролар билан муомала қилиш чоғида:*

- *димогодорлик, танбеҳ, кўполлик қилиши;*

- *кинояли, дағал тарзда гапириши;*

- *гапирганда инсон қадр-қимматини таҳқирловчи пичинг ва қочирқиқ сўзларни ишлатиши:*

- *фуқароларга асосланмаган айблар қўйиши;*

- *тахдид солувчи ҳамда фуқароларнинг қадр-қиммати ва шахсини таҳқирловчи бошқа ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйиши қатъиян тақиқланади.*

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай касб шарафли ҳисобланади, аммо шундай касблар борки, улар фақат инсонлар манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Ички ишлар органи ходимлари касби ҳам шарафли ва масъулиятли касб ҳисобланади. Бу борада ходим энг аввало, ахлоқан тўғри тарбияланган бўлиши ва ахлоқ қоидаларини ўз фаолиятини асосий мезони сифатида билиши зарур. Муомала инсон ва жамият ўртасидаги объектив алоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган ва тартибга соладиган муайян хулқ-атвор, одоб, ҳатти-ҳаракат қоидаларининг мажмуи ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимлари ўз фаолиятларини инсонпарварлик, қонунийлик ва адолат принциплари асосида ташкил этиши лозим.

Ҳар қандай мамлакатда демократия ва қонунийликни таъминлашда ўша жамиятда мавжуд бўлган ахлоқ нормаларини амал қилишини таъминлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Жамият тараққий этиши билан ундаги ахлоқий қарашлар ҳам ўзгаради ва такомиллашиб боради. Бу эса ўз навбатида, инсонлар онгида ўзига хос ўзгаришларни ва мослашишни юзага келтиради. Аммо, шундай ахлоқий қадриятлар борки, улар ҳар қандай даврда ҳам ўз қийматини йўқотмайди. Бундай қадриятлар ҳар қандай даврда ҳам ўз кучини сақлаб қолади ва мазмунини тўлдирган ҳолда ўша жамиятда мавжуд бўлади. Шубҳасизки, жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ички ишлар органлари ходимларини ҳам ислоҳ қилиб боришни тақозо этади. Шунингдек, ички ишлар органлари ходимларига юксак маданиятни камол топтириш, улар онгига миллий мафкурани сингдириш, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, миллий ғояларга садоқат руҳида тарбиялаш, жасур, мард, ватанпарвар ходимларни шакллантириб бориш одоб-ахлоқ ва муомала қоидаларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Касбий бузилишни олдини олиш учун жамоада назоратни ва тарбиявий ишларни кучайтириш лозим.

Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолияти давомида муомала маданияти мезонларига амал қилиши зиммасидаги вазифаларни сифатли бажаришда, кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда фуқароларнинг ички ишлар органларига нисбатан ишончи ортишида муҳим омил ҳисобланади. Шу тариқа, кенг жамоатчиликда ички ишлар органларига нисбатан ишонч, ҳурмат ҳисси кучаяди. Ўзаро ишончнинг кучайиши натижасида, ички ишлар органлари ходимлари ва фуқаролар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилади. Бу эса жамиятда тинчлик, осойишталик таъминланишига хизмат қилади.

М.А.Умарова

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ЛИЧНОСТИ СОТРУДНИКА ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Психологические особенности сотрудников органов внутренних дел издавна являются объектом исследования психологов. Само предназначение такого социального института, как органы внутренних дел, определяет особые требования к личности каждого сотрудника. Постоянное нахождение в агрессивной и криминально-ориентированной среде, ненормированный рабочий день, доступ к оружию и право его применять не может не сказываться на адекватности реакций. Имеющиеся на сегодняшний день исследования в области психологии сотрудников

Министерства внутренних дел, как правило, касаются изучения их надежности, агрессивности, способности контролировать применение оружия. Структура подразделений Министерства внутренних дел широка, и принадлежность к ним сказывается на видах деятельности, объему, частоте, эмоциональной включенности, характеру контактов с населением и т.д.

Развитие профессиональной компетентности сотрудников милиции определяется сложностями, связанными с временными ограничениями, финансовыми, интеллектуально-информационными и другими ресурсами человека. Выделяется период адаптации к условиям службы в органах внутренних дел (ОВД), в процессе которого осуществляется развитие следующих ключевых компетенций: оперативно-розыскных, нормативно-правовых, организационно-аналитических, коммуникативно-социальных. Они реализуют следующие основные направления: относящиеся к самому себе как к личности, как к субъекту жизнедеятельности; относящиеся к взаимодействию человека с другими людьми; относящиеся к профессиональной деятельности. Профессиональная компетентность определяется как интегральное свойство личности, характеризующее ее стремление и способность реализовать свой потенциал (знания, умения, опыт, личностные качества и др.) для успешной деятельности в правоохранительной области. Процесс развития профессиональной компетентности сотрудников органов внутренних дел определяется как достижение соответствия профессионально-личностного развития сотрудника требованиям служебной деятельности и потребностям самого индивида в мотивированном выполнении своих служебных, оперативных и социальных обязанностей с высоким сознанием общественного долга.

Достижение сотрудниками органов внутренних дел народного доверия связано с многогранным и очень сложным процессом, в ходе которого осуществляется ответственная деятельность по профилактике правонарушений, представляющая собой широкий спектр различных направлений, которые, в свою очередь, имеют свои специфические особенности. Кроме того, на процесс осуществления этой деятельности воздействуют различные факторы. Сложность достижения сотрудниками органов внутренних дел народного доверия связана с их деятельностью по обеспечению неотвратимости наказания в рамках действующих законов в отношении лиц, совершивших правонарушения, в том числе и преступления, а также его исполнения. Потому что лица, совершившие правонарушения, в том числе и преступления, а также их близкие не всегда правильно оценивают сложившуюся ситуацию, они также неправильно оценивают поведение сотрудников органов внутренних дел, обеспечивающих неотвратимость наказания или ответственность за противоправные деяния.

Обретение народного доверия со стороны сотрудников органов внутренних дел связано с различными факторами, ситуациями и условиями, вытекающими из задач, поставленных перед каждой службой. Например, если инспектор профилактики заботится о бедах и проблемах населения, проживающего на обслуживаемой территории, всегда оказывает практическую помощь в решении возникающих проблем в рамках предоставленных ему полномочий, то народное доверие к нему расширяется и умножается.

Народное доверие к сотрудникам оперативной службы станет крепче, если они будут быстрее раскрывать преступления, разыскивать лиц, их совершивших, возмещать причиненный от преступления ущерб.

Если следователь в ходе расследования преступлений справедливо, демократично, гласно с учетом точного и неукоснительного соблюдения действующих законов, полно и всесторонне обеспечит права и свободы всем участникам уголовного процесса, то народное доверие в отношении него еще более упрочится.

Но сотрудники органов внутренних дел, независимо от того, в какой сфере они осуществляют свою деятельность, должны иметь особые качества, чтобы обрести доверие народа. Эти качества перечислены в Пособии о профессиональной культуре сотрудников органов внутренних дел Республики Узбекистан¹

Множественность задач, стоящих перед органами внутренних дел, ведет к развитию многофункциональности в деятельности, а также выделению групп сотрудников, выполняющих специфические функции. Различающаяся по применяемым способам деятельность различных работников правоохранительных органов совпадает по своим целевым параметрам. Звеном, объединяющим их и заставляющим тесно взаимодействовать, является наличие единого объекта деятельности - преступника (правонарушителя).

Даже самый общий обзор основных психологических особенностей и структурных элементов профессиональной деятельности сотрудника показывает, насколько сложна и многогранна его деятельность. Она предъявляет к нему множество различных требований, среди которых одно из самых важных - обладание развитыми профессионально значимыми качествами личности.

В первую очередь к ним относят:

1. профессионально-психологическую ориентированность его личности;
2. психологическую устойчивость;

¹ См.: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти хақида қўлланма. – Т., 2011.

3. развитые волевые качества (умение владеть собой в сложных ситуациях, смелость, мужество, разумную склонность к риску);

4. хорошо развитые коммуникативные качества (умение быстро устанавливать контакт с различными категориями людей, устанавливать и поддерживать доверительные отношения);

5. способность оказывать психологическое воздействие на людей при решении различного рода оперативно-служебных задач;

6. ролевые умения, способность к перевоплощению;

7. развитые профессионально-значимые познавательные качества (профессиональная наблюдательность и внимательность, профессионально развитая память, творческое воображение);

8. профессионально развитое мышление, склонность к напряженной умственной работе, сообразительность, развитую интуицию;

9. быстроту реакции, умение ориентироваться в сложной обстановке.

Данные качества не присущи человеку изначально. Их формирование и развитие - длительный и напряженный процесс, но это является необходимым условием профессионального становления сотрудника органов внутренних дел. Отсутствие или недостаточное развитие этих качеств личности сотрудника препятствует нормальному осуществлению им своих функциональных обязанностей, порождают ошибки в его деятельности, вызывают процессы профессиональной дезадаптации и профессиональной деформации личности. В этой связи большое значение приобретает профессионально-психологическая подготовка сотрудников, одно из предназначений которой - формирование у сотрудников данных качеств.

Основные задачи психологической подготовки заключаются в том, чтобы:

- повысить психологическую устойчивость сотрудников органов внутренних дел к действию стресс-факторов и их сочетаний, типичных для органов внутренних дел;

- развить у сотрудников психологические качества, сформировать особые характеристики навыков и умений, способствующих высокоэффективному выполнению всех профессиональных действий в любых сложных и опасных условиях оперативно-служебной деятельности.

Психологическая подготовленность является комплексным слагаемым профессионального мастерства сотрудников. Это совокупность сформированных и развитых психологических характеристик сотрудника, отвечающих специфичным и важным психологическим особенностям оперативно-служебной деятельности и выступающих одной из необходимых предпосылок ее осуществления. Она складывается из четырех групп компонентов:

Профессионально-психологической ориентированности и чувствительности сотрудника (стремление, интерес и умение понимать психологические аспекты ситуаций и людей, с которыми он имеет дело, умение разобраться в них);

Подготовленности сотрудника по психологическим аспектам эффективности профессиональных действий и тактики, проявляющейся в понимании психологических условий эффективности профессиональных действий и умении обеспечивать их создание; умелом использовании психологических средств реализации профессиональных действий (речевых и неречевых), в умелом применении всего комплекса психологических приемов, обеспечивающих более высокую эффективность решения оперативно-служебных задач;

развитой профессиональной наблюдательности и памяти сотрудника (включает умение применять психологически обоснованные приемы и правила для повышения эффективности профессионального наблюдения, развитой профессиональной внимательности, натренированности органов чувств и восприятия, натренированности в быстром, полном и точном запоминании, хорошем сохранении в памяти и правильном воспроизведении значимой для решаемых задач информации);

психологической устойчивости (выражается в способности сотрудника действовать спокойно и уверенно в психологически сложных, эмоционально напряженных, опасных и ответственных ситуациях оперативно-служебной деятельности).

Психологическая подготовленность существенно повышает профессиональное мастерство сотрудника. Научные данные и имеющийся положительный опыт указывают на необходимость введения специальных задач, форм и методов целенаправленного повышения психологической подготовленности в системе профессионального обучения. Психологическая подготовка сейчас - важный вид профессиональной подготовки в органах внутренних дел, это специально организованный, целенаправленный процесс воздействия на сотрудников по формированию, развитию и активизации необходимых качеств, обуславливающих успешное, эффективное выполнение оперативно-служебных задач.

Сама психологическая подготовка обусловлена особенностями служебной деятельности сотрудников. В соответствии с этим содержание психологической подготовки должно характеризоваться четко выраженной профессиональной направленностью.

К содержанию психологической подготовки сотрудников можно отнести следующее:

- формирование психологической готовности к борьбе с преступностью;

- развитие психологической ориентированности в различных аспектах специфической оперативно-служебной деятельности;
- формирование и развитие профессионально значимых познавательных качеств;
- совершенствование и развитие навыков и умений установления психологического контакта с различными категориями граждан;
- формирование навыков ролевого поведения в различных ситуациях оперативно-служебной деятельности;
- совершенствование умений применять психолого-педагогические приемы воздействия в сложных, конфликтных ситуациях общения с гражданами;
- формирование психологической устойчивости умения владеть собой в напряженных ситуациях оперативно-служебной деятельности;
- развитие положительных эмоционально-волевых качеств личности, обучение сотрудников приемам саморегуляции и самоуправления;
- формирование волевой активности и навыков волевых действий;
- подготовка к психическим перегрузкам в работе.

По нашему мнению, *формирование психологической готовности к борьбе с преступностью* является самым важным в психологической подготовке. Главное здесь - формирование профессиональной направленности сотрудников, развитие у них стойких профессиональных интересов к их деятельности. Это также предполагает формирование у сотрудников нетерпимости ко всякого рода правонарушениям, стойкой привычки безоговорочного исполнения правовых норм, обостренного чувства правды, справедливости и законности.

Ж.М.Якубов

ЎЗГАЛАР МОЛ-МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Мустақиллик йилларида Республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди.

Ўзгалар мол-мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ва биринчи навбатда Ички ишлар органларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур турдаги жиноятларни профилактика қилишдан мақсад ўзгалар мол-мулкани талон-торож қилишни камайтиришдир.

Мулкка қарши жиноятларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар криминалистик маълумотларга асосланади, яъни:

мулкка қарши жиноятларнинг ҳолати ва динамикаси тўғрисида;

бундай жиноятлар энг кўп содир этилган ҳудудлар ва объектлар тўғрисида;

мулкка қарши жиноят содир этган ва уларни содир этишга мойил бўлган шахслар тўғрисида;

мулкка қарши жиноятларнинг ҳар хил турларининг латентлик даражаси;

ушбу жиноятлар қурбонлари ҳақида;

ушбу тоифадаги жиноятларнинг ижтимоий оқибатлари тўғрисида;

мулкка қарши жиноятларнинг ҳолати ва олдини олиш чора-тадбирлари ҳамда уларни қўллаш самарадорлиги тўғрисида;

турли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа жараёнларнинг ушбу жиноятларнинг ҳолатига таъсири тўғрисидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, нафақат мулкка қарши жиноятларнинг салбий тенденцияларини белгиловчи сабаб ва шарт-шароитларни, балки ўрганилиши ва рағбатлантирилиши лозим бўлган ижобий омилларни ҳам аниқлаш зарур.

Қайта ишланган ва таҳлил қилинган криминалистик маълумотлар ички ишлар органлари хизматлари ва бўлинмалари учун ахборот базаси бўлиб хизмат қилади, бу эса энг криминоген ҳудудлар ва объектларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича саъй-ҳаракатларни жамлаш, мулкка қарши жиноятларни олдини олишнинг самарали усуллари танлаш имконини беради, профилактика фаолиятининг илғор тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш, мулкка қарши жиноятлар тенденцияларини башорат қилиш ҳам муҳимдир.

Мулкка қарши жиноятлар профилактикасининг асосий субъектлари жамоат хавфсизлиги полициясининг бўлинмалари ва ички ишлар органларининг криминал полицияси ҳисобланади. Федерал ва минтақавий даражада улар асосан мулкка қарши жиноятларнинг олдини олиш бўйича ташкилий фаолиятни амалга оширадilar, асосий эътиборни қуйи аппаратларга кундалик ташкилий ва услубий раҳбарлик қилишга қаратадилар. Мулкчиликка қарши жиноятларнинг олдини олиш билан боғлиқ вазифаларнинг бевосита ижрочилари шаҳар, вилоят ички ишлар органларининг тегишли хизмат ва бўлимлари, шунингдек, транспортдаги ички ишлар органларидир. Шу билан бирга, бу борадаги ишларда туман ИИБ ходимлари, патруль хизмати, ички ишлар органларининг шахсий қўриқлаш, жиноят қидирув ва бошқалар етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Мулкка қарши жиноятларнинг олдини олишнинг шакл ва усуллари жуда хилма-хилдир. Мулкчиликка қарши жиноятларнинг олдини олиш билан боғлиқ вазифаларнинг бевосита ижрочилари шаҳар, вилоят ички ишлар органларининг тегишли хизмат ва бўлимлари, шунингдек, транспортдаги ички ишлар органларидир.

Шу билан бирга, бу борадаги ишларда туман ИИО ходимлари, патруль хизмати, ички ишлар органларининг шахсий кўриқлаш, жиноят қидирув ва бошқалар етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мулкка қарши жиноятларнинг олдини олишнинг шакл ва усуллари жуда хилма-хилдир.

Профилактика инспектори ҳар ойда хизмат кўрсатилаётган ҳудудлардаги жиноий вазиятни таҳлил қилиб, ички ишлар бўлими раҳбариятига мол-мулк сақланишини таъминлаш бўйича фаолиятида аниқланган камчиликлар тўғрисида маълумот юбориш тўғрисидаги таклифларни, бошқа уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриш учун моддий бойликлар, инвентар буюмлар, пул маблағлари, қимматбаҳо металллар ва тошлар, қурол-яроғ ва ўқ-дориларни сақлаш жойларининг техник мустаҳкамлиги ва ёнғин хавфсизлиги ҳолатини вақти-вақти билан текширади, шунингдек, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўради.

Хизмат кўрсатилаётган ҳудуднинг турар-жой секторини ўрганаётганда уни муҳофаза қилишдаги камчиликларни аниқлайди ва манфаатдор шахсларга хонадонлар эшикларини мустаҳкамлаш, кириш эшикларига аралаш кулфлар, домофонлар ўрнатиш, кириш жойларида навбатчиликни ташкил этиш ва бошқа чораларни кўриш зарурлиги тўғрисида хабардор қилади, фуқароларнинг мулкани турар-жой биноларига жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари билан биргаликда улар шахсий автотранспорт воситаларини ўғирлик ва ўғирликдан ҳимоя қилиш чораларини кўрадилар (транспорт воситаларининг қисмларини маркалашни ташкил этиш, кўриқланадиган тўхташ жойлари, гаражлар) қуриш тўғрисида маҳаллий ҳокимият органларига ариза бериши мумкин бўлади.

Вилоят ички ишлар органлари ходимлари виктимологик профилактика ишларини олиб борар экан, фуқаролар ўртасида тегишли тушунтириш ишларини олиб бориш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, варақалар тарқатиш орқали аҳолини ўз мулкига жиноий тажовузлардан қонуний ҳимоя қилишнинг усул ва воситалари ҳақида маълумот беради.

Ички ишлар органлари профилактикаси инспекторларининг асосий вазифаларидан бири профилактика рўйхатидаги шахслар билан яқка тартибдаги профилактика ишларини олиб бориш бўлиб, у мулкка қарши жиноятлар содир этиши мумкин бўлган фуқароларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг хулқ-атвори ва турмуш тарзи устидан тизимли мониторинг олиб

бориш, шунингдек, профилактика чораларини кўришдан иборат, уларнинг жинорий хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўриши ҳам мумкин.

Ички ишлар органлари патруль-пост хизматининг асосий вазифалари жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг ҳар қандай шакли маълум даражада мулкка қарши жиноятларнинг олдини олишни ўз ичига олади.

Шу мақсадда патруль-пост бўлинмалари ўз постлари ва патруль йўналишлари зонасида жойлашган саноат, савдо ва бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотларни назорат қилади; объектлардан ўғирликнинг олдини олиш ва уларни ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича зарур чораларни кўради; мулкка тажовуз қилган шахсларни аниқлайди. Шунингдек, кўча ва бошқа жамоат жойларида мулк эгаларининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан фуқаролар ва мутасаддилар ўртасида тушунтириш ишларини ҳам олиб боради.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари ходимлари томонидан автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва ўғирлашнинг олдини олиш бўйича кўплаб профилактика ишлари (шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда) амалга оширилмоқда. Улар жиноят қидирув аппарати билан ҳамкорликда ўғирланган автотранспорт воситаларини қидирмоқда. Мулкка қарши жиноятларнинг олдини олиш жинорий полиция бўлинмаларининг (жиноят қидируви ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш) асосий вазифаларидан биридир.

Ички ишлар органларининг мазкур бўлинмалари ходимлари тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда мулкка қарши жиноятлар содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайдилар ҳамда олинган маълумотлар асосида ўз раҳбариятига ўз вақтида хабар бериш бўйича таклифлар киритадилар, давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мулк эгалари ушбу сабаб ва шартларни бартараф этиш зарурлиги ҳақида маълумотга эга бўлади.

Ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ходимлари билан биргаликда ўғирланган товарларни олиб ўтиш ва сотиш каналларини тўсиб қўйишга қаратилган комплекс тезкор-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, мулкка қарши аниқ жиноятни тайёрлашга ёрдам берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўради, жинорий тажовуз содир этилиши мумкин бўлган шахслар ва мол-мулк хавфсизлигини таъминлайди, жиноят содир этиш имкониятини истисно қиладиган бошқа профилактика чораларини кўради.

Ушбу бўлинмалар ходимлари транспорт объектларида барча мулк шакллариининг мулки сақланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар

ишлаб чиқади ва амалга оширади. Улар юкларни ташишда сақланиш ҳолатини таҳлил қилади ва товарларга жиноий тажовузларни содир этишга ёрдам берадиган сабаблар ва шартларни аниқлаш, бартараф этиш чораларини кўради. Таҳлил натижаларига кўра, моддий бойликларни ўғирлик ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишнинг энг самарали шакллари жорий этиш бўйича таклифлар киритмоқда.

Шунингдек, товарларни ўғирлаш ва мулкка қарши бошқа жиноятлар содир этишга алоқадор шахсларни аниқлаш, юк ва йўловчи ташиш соҳасида содир этилган жиноий кўринишларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш бўйича тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилмоқда.

Ички ишлар органларининг санаб ўтилган хизмат ва бўлинмаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда амалга оширилаётган ҳамкорликдаги ва мувофиқлаштирилган фаолияти мулкка қарши жиноятларнинг олдини олиш борасидаги муҳим вазифани ҳал этишда маълум муваффақиятларни таъминламоқда.

*М.И.Суванкулов
Ж.Қ.Хамраев*

ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТЕРГОВЧИНИНГ ФАОЛИЯТИ

***Аннотация.** Мазкур мақолада терговчиларнинг жиноятларни профилактика қилишдаги ўрни, жиноятларни муҳокама қилишнинг жиноятларни олдини олишдаги роли ва ўрни, терговчилар томонидан киритилаётган тақдимномаларни мазмун ва моҳиятлари ҳақида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар.** Тергов хизмати, жиноятлар муҳокамаси, жиноятларни олдини олиш, профилактик чоралар, тақдимнома юбориш муддати.*

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда, зеро инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилинишини таъминлаш фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган ҳар қандай давлатнинг ажралмас белгиси ва асосий функцияси ҳисобланади.

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш ва жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни

ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш этиб белгиланганлиги бежиз эмас.

Содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон яратиб берган шарт-шароитларни «Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати» тизими асосида жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар, муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш бугунги кунда мамлакатимиздаги долзарб вазифалардан биридир.

Ҳаммамизга маълумки «касалликни даволагандан кўра, уни олдини олиш фойдалироқдир» эканлигини инкор қила олмаганлигимиз каби, жиноятчиликка қарши курашдан кўра, уни олдини олишнинг жамият, давлат ва шахс учун нечоғлик аҳамиятли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Зотан, жиноят содир бўлгандан сўнг, уни иссиқ излардан ва тезкор йўллар билан очиш, жиноят содир этган шахсни ушлаш ва уни жавобгарлика тортиб, жазонинг муқаррарлигини таъминлагандан кўра, жиноятларни олдини олишга оид профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш ижтимоий фойдалидир.

Айрим ҳолларда мулкӣ турдаги жиноятлар, жумладан фирибгарлик содир қилинганда фуқарони мулкӣ ҳуқуқини таъминлашимиз мумкин, аммо шахсга қарши жиноятлар содир бўлганда, жумладан, қотиллик, қасддан баданга оғир ва ўртача оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш ва бошқа жиноятларда жабрланувчиларни ҳуқуқларини тиклашни имкон йўқ, жумладан ўлдирилган одамни ҳаётга қайтариб бўлмайди, кўзи кўр бўлган одамни кўзини тиклаб бўлмайди ёки номуси топталган вояга етмаган қизни жисмоний жиҳатдан бокиралигини, маънавий жиҳатдан шаъни, кадр-қиммати ва обрўйини, руҳий жиҳатдан олган жароҳатларини тиклашни имкони йўқ. Шу сабабли ҳам, жиноятларни олдини олишнинг аҳамияти жиноятчиликка қарши курашишдан кўра аҳамиятлидир.

Назарий жиҳатдан қараганда, инсонларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали ҳамда уларда қонунга итоаткорлик ва ҳурмат руҳини шакллантириш йўли билан жамиятда қонунни устуворлигини таъминлашга эришишимиз ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин, аксинча шахслар томонидан жиноят содир бўлгандан кейин, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижаси жиноят содир қилган шахсга нисбатан жазо тайинлаш орқали жазонинг муқаррарлигини таъминлашга эришамиз, холос.

Жиноятчиликка қарши кураш тарихи шундан далолат берадики, содир қилинган жиноятга нисбатан жиноий жазо чораларини қўллаш тизимининг ўзи инсонларни жиноятлардан жиловлаш воситаси сифатидаги етарли даражада самара бермайди, агарда фақатгина жазо қўллаш йўли билан

жиноятларни олди олинганда эди, ҳозирги кунда шахслар умуман жиноят қилишдан ўзларини тийган бўлар эди. Ҳаттоки, хорижий тажрибадан шуни кўриш мумкинки, Хитой ва айрим Араб давлатларида коррупция жиноятлари ва бошқа оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ўлим жазосини сақланиб қолинганлиги ҳам ушбу жиноятларни содир этилмаслигига эриша олгани йўқ.

Шахс томонидан жиноят содир бўлгандан сўнг унга жазо тайинлаб, озодликни маҳрум қилиш жойларида сақлаб, маҳкум сифатида жамият учун қайта тарбиялагандан кўра, шахсни жиноят содир қилишидан олдин жамиятда қонунларга итоаткорлик руҳида яшашга ўргатиш ва тарбиялаш давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида жазолашга қараганда жиноятларнинг олдини олиш чорасини кўриши самарали эканлиги аён бўлмоқда.

Жиноятларни профилактика қилишда давлат идоралари ва муассасалари, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар муҳим ўрин тутди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида тергов хизматини жиноятларни профилактика қилиш масаласи ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади, зеро терговчилар фақатгина жиноят содир бўлгандан кейин ўзларини процессуал фаолиятини амалга ошириш амалиёти кенг тарқалган бўлиб, терговчиларнинг профилактика чоратadbирларини амалга ошириши етарли даражада ривожланмаган.

Холбуки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 36-боби «Жиноятларни олдини олиш чоралари» деб номланган бўлиб, ушбу бобдаги 296-300-моддаларда айнан терговчилар томонидан жиноятларни олдини олиш чоралари бўйича берилган ваколатлар мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 296-моддасида терговчилар томонидан суриштирув ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида жиноятларнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбурияти белгилаб қўйилган, сабаби терговчи жиноят ишини юритиш жараёнида дастлаб биринчилардан бўлиб ҳодиса содир бўлган жойга чиқади ва жиноятни содир бўлишидаги илк маълумотларга эга бўлади, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиради, тергов-тезкор гуруҳига раҳбарлик қилади ва жиноят ҳақида барча бирламчи маълумотларга эга бўлади, бундан ташқари жиноят ишини тергов қилиш жараёнида ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида жиноят процессининг барча иштирокчиларини сўроқ қилиш орқали асл ҳолатни ўрганади ва туб моҳиятига етади, яъни жиноятни содир бўлишининг сабаблари ва шароитларини аниқлайди,

бошқа процесс иштирокчиларидан фарқли ўларок, терговчида жиноят ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумот мавжуд бўлади.

Терговчиларнинг жиноятларни профилактикаси билан шуғулланишини асосий сабаблари, *биринчидан*, терговчи жиноятларни профилактика қилиш тизимининг асосий субъектларидан бири эканлиги; *иккинчидан*, айнан тергов жараёнида жиноятнинг сабаблари ва оқибатларининг аниқланиши; *учинчидан*, айнан терговчилар томонидан тақдимномалар юборилиши орқали жиноятларни профилактика қилишда қатнашувчи бошқа субъектларнинг фаолияти учун асос яратилиши ҳисобланади.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, дастлабки тергов жараёнида жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитлар хусусида терговчи томонидан киритилган тақдимнома жиноятларни сабабларини таҳлил қилинишига ва атрофлича муҳокама қилинишига ҳамда келгусида шу сингари жиноятларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 297-моддасида суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритиши белгилаб қўйилган.

Терговчи жиноят ишини кўзгатар экан, дарҳол жиноятларни сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш чораларини кўриши ва аниқлагач, жиноятларни келтириб чиқарган ҳолатларни дарҳол бартараф этиш чораларини кўриши керак. Амалиётда эса дастлабки тергов туганидан сўнг, терговчи содир этилган жиноят ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлганидан кейингина бундай тақдимнома киритади. Бироқ, бундай ҳолларда терговчининг ўз тақдимномасига жавоб талаб қилишга вақти қолмайди, чунки уни киритгач, терговчи айблов хулосаси тузади ва жиноят ишини прокурорга жўнатади.

Тақдимномага жавоб олиш керак бўлган бир ойлик муддат ушбу жиноят иши терговини юритувидан кейин тугайди. Шу боис, иш судга оширилиб бўлгач, мазкур тақдимнома терговчини қизиқтирмай қўяди. Натижада, кўплаб тақдимномага жавоб келмайди, агар келса ҳам номигагина ёзилган бўлади.

Хаттоки, тергов амалиётида шу нарса кузатиладики, тергов раҳбарияти томонидан ҳар ой якуни бўйича ахборот ва таҳлил бўлимига юборилган тақдимномаларни жавоблари бўйича ҳисобот тақдим этиш бўйича терговчилар томонидан тақдимномалар жавобларини ўзлари тайёрлаб, гўёки

ушбу жавоблар тақдимнома юборилган органдан келганлигини кўрсатиб, сохта тақдимнома жавобларини тақдим этиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 297-моддасида терговчи томонидан жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома киритиши ваколати ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган бўлсада, аммо тақдимнома киритиш муддати аниқ белгиланмаганлиги ҳозирги кундаги тергов амалиётидаги жиноятларни профилактика қилишдаги муаммоли ҳолатлардан бири десак, хато бўлмайди.

Терговчи тақдимномани қанчалик эрта киритса, уни амалга ошириш натижалари билан шунчалик кўпроқ ишлай олади. Тақдимномани жиноят иши кўзғатилганидан кейин дарҳол ёки жиноят ишини тергов қилиш жараёнида киритиш мақсадга мувофиқ, чунки бундай ҳолларда терговчи тақдимномага жавоб олиш ва номигагина берилган жавоб ёки берилмаган жавоблар бўйича чора кўриш учун кўпроқ вақтга эга бўлади.

Терговчи томонидан киритилган тақдимномада кўрсатилган ишлар барча давлат, жамоат муассасалари, корхоналари, ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши шарт ва бажарилган ишлар бўйича терговчига жавоб юборади. Терговчи юборилган жавобдан қоникмаса, бу тўғрисида корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ёки жамоага маълум қилиши, қонунга асосан чора кўришни талаб қилиши мумкин.

Зарур ҳолларда ўз тақдимномасини тўғри бажарилаётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун суриштирувчи ва терговчининг ўзи жамоа мажлисида иштирок этиши мумкин. Асосийси тақдимноманинг самарадорлиги бўлиб, у жиноятларнинг илгари содир этилган жойда бошқа содир этмаслиги, улар сонининг камайиши ёки такрорий жиноятчиликнинг олдини олиш билан белгиланади.

Зеро, терговчининг профилактик фаолиятининг асосий мақсади – муайян жиноятнинг содир этилиши ёки такрорланишига олиб келадиган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишдан иборат.

Жиноятларни олдини олишда терговчининг асосий вазифаларидан бири фуқароларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, қонунга итоаткорликни рағбатлантириш, янги жиноятлар содир қилинишининг олдини олишдан иборат.

Мазкур функцияларни амалга оширишда тергов органлари жиноий ҳолатдан ташқари, индивидуал таъсир чораларини ҳамда бошқа криминологик тадбирларни амалга оширади.

Терговчиларнинг жиноятларни профилактикасидаги асосий роли терговчи томонидан киритилган тақдимнома асосида амалга оширилади.

Терговчининг профилактика фаолиятининг аҳамияти нафақат унинг жиноятларнинг ижтимоий профилактикаси умумий тизимида мажбурий субъект эканлиги билан балки, аввало, терговчи фаолиятида айнан шундайлиги билан белгиланади, жиноятчи билан биринчи алоқа, унинг натижалари ва оқибатлари билан содир бўлади. Терговчининг профилактика фаолиятининг аҳамияти шу билан ҳам белгиланадики, бу фаолият жиноятларнинг ижтимоий профилактикасининг бошқа субъектлари фаолиятини фаоллаштиришга асос бўлади.

Жиноятни тергов қилиш жараёнида унинг содир этилишига туртки бўлган сабаблар ва шартлар тўлиқ очиб берилади. Сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш бўйича самарали чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларини очиб беради. Терговчи нафақат муайян жиноят содир этилишига бевосита таъсир кўрсатадиган сабаб ва шарт-шароитларни, балки ушбу сабаб ва шартларнинг пайдо бўлишига олиб келган ташкилотлар, муассасалар, мансабдор шахслар ва бошқалар ишидаги камчиликларни ҳам аниқлаши мумкин.

Терговчи ижтимоий профилактика субъектларидан қайси бири ушбу йўналишда ўз вазифаларини бажармаганлиги, жиноят содир этилишига сабаб бўлганлигини аниқлаш имкониятига эга. Терговчининг ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишдаги аниқ, мақсадли фаолияти жиноятчиликка қарши умумий курашнинг энг муҳим белгиси ҳисобланиди.

Шу сабабли, терговчилар томонидан фақатгина жиноятларни тергов қилиш ва жиноят ишини судга топшириш билан чекланиб қолмасдан, аксинча шу сингари жиноятларни келгусида такроран содир этилишини олдини олишдаги вазифалари мавжудлигини ҳам эсдан чиқармасликлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. 1994 йил 22 сентябрь;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон;
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори, 10.09.2021 йилдаги 565-сон.

ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

Халқимизнинг бугунги тараққиёт йўли умуминсоний кадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини тиклаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз ижодий имкониятларини эркин намоён қилиш ва ниҳоят, ватанпарварликка асосланган бўлиб, бундан кўзланган олий мақсад келажаги буюк давлат барпо этишдир.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислохотларнинг ҳаётимизнинг бошқа жабҳалари билан ўзаро чамбарчас боғлаган ҳолда, тизимли, босқичма-босқич амалга ошириладиган стратегияси белгилаб олинди.

Мазкур стратегияга мувофиқ, мамлакатимизда фуқаролар эркинликлари ва қонун устуворлигини таъминлаш йўлида самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу эса ўз навбатида, барча давлат идоралари қатори ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириб бориш, шу билан бир қаторда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган ишларни фаол амалга оширишни тақозо этади.

Вояга етмаганлар ҳақида гап борганда, вояга етмаганлар билан боғлиқ одил судловни амалга оширишнинг ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва тарбиявий жиҳатлари жуда ҳам муҳим ва долзарб масала эканлигини қайд этиш жоиз. Мазкур соҳада олдимизга қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасида вояга етмаганларга оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган мукамал ҳуқуқий базанинг яратилганлиги ва уни амалга ошириш механизмларининг ташкил этилганлиги диққатга сазовордир.

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда барча жамоат ва давлат ташкилотлари, жумладан вояга етмаганларнинг муаммолари билан шуғулланувчи идораларнинг амалдаги тузилмалари ўзгартирилиб, такомиллаштирилмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларига:

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

– вояга етмаганларнинг қаровсизлиги ва назоратсиз қолишига ҳамда улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишига шарт-шароит яратиб берадиган сабаб ва муҳитларни аниқлаш ва бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш;

– вояга етмаганларнинг қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш масалалари бўйича давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш каби бир қатор вазифалар юкланган эди.

Бундан ташқари, ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш тизимининг самарали ишлаши: биринчидан, профилактика хизматлари фаолиятининг тўғри ташкил этилишига, иккинчидан, уларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилишига, учинчидан, ички ишлар идораларининг бошқа бўлинмалари ва жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг самарали таъминланишига боғлиқдир.

Шубҳасиз, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимининг самарали ишлаши ички ишлар идоралари профилактика хизмати ходимлари, улар билан ёнма-ён фаолият кўрсатаётган жамоат тузилмаларининг вакиллари ҳамда фуқаролар ҳамкорлигининг тўғри ташкил этилишига боғлиқдир.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш–бутун жамиятнинг вазифасидир. Тадқиқотлар аксарият жиноятчиларнинг шахси дастлаб тарбиясизлик оқибатида шаклланишини кўрсатмоқда. Тарбияси оғир ўсмир – ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашга муҳтож бўлган шахсдир. Уни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш жиноятчига айланишининг олдини олиш, шунингдек, жамият билан нормал алоқаларини тиклаш, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш мақсадида амалга оширилади.

Агар жиноятларни профилактика қилишнинг ихтисослашмаган субъектлари зарарли таъсир манбаларини бартараф этиш чораларини ўз вақтида кўрмасалар, тарбияси оғир ўсмирлар педагогик ва ижтимоий беқарорликнинг навбатдаги босқичига ўтадилар. Дастлабки ҳуқуқбузарликларнинг жазосизлиги қонун талабларига беписандлик, атрофдагилар фикри билан ҳисоблашмаслик одатини ривожлантиради.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги муҳим муаммолардан бири шундан иборатки, улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотларининг профилактик таъсири доирасига асосан ҳуқуқбузарлик содир этганидан кейин тушадилар. Ёшларнинг ғайриижтимоий мойиллигини дастлабки босқичда профилактика қилишга нисбатан юзаки ёндашиш ҳоллари ҳам учраб туради. Ўзига хос профилактика чораларидан бири ҳуқуқбузарлик содир этаётган ёшларнинг ота-оналарини (ҳомий ёки васийларини)

ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик юзасидан расман огоҳлантиришдир.

Ёшлар ўртасида профилактик чораларни амалга оширишда шахснинг ёши ва бошқа хусусиятлари инобатга олиниши лозим. Жиноятларнинг сабабларини аниқлаш нафақат жамоатчилик ёрдамига, балки зарур ҳолларда турли соҳаларнинг тажрибали мутахассислари ёрдамига таянишни ҳам тақозо этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил август ойида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди.

Мазкур қонун вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ва такомиллаштиришга қаратилган. Қонуннинг асосий вазифаси қилиб, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларига барҳам бериш, ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлган, қаровсиз вояга етмаганларни, уларнинг оилаларини профилактика қилиш деб белгиланган.

Қонун билан вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари, таълим, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари, ички ишлар, таълимни бошқариш, васийлик ва ҳомийлик, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг бу соҳадаги фаолияти ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги такомиллаштирилган.

Мустақиллик йилларида ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ва ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир қатор қонун ҳамда қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди.

Шунинг билан биргаликда, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар салмоғини камайтириш борасида ҳали ҳам амалга оширилиши зарур бўлган ишлар кўп.

Ёшлар ва ўсмирлар томонидан жиноят содир этишнинг энг асосий сабабларидан бири, баъзи кишиларда маънавий онгнинг салбий ўзгариши натижасида ҳуқуқий онгда мавжуд бўлган камчиликлар ва криминоген мотивация билан боғлиқ ҳолда онгнинг ўзгаришига таъсир кўрсатишдир, яъни вояга етмаганларда ҳуқуққа хилоф бўлган хулқ аксарият ҳолатларда салбий таъсир туфайли вужудга келиши мумкин. Шунингдек, катта ёшдаги шахслар томонидан вояга етмаганларни жиноий қилмишларга жалб этиш ҳолатлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш Жиноят процессуал кодексига алоҳида боб билан тартибга солинади.

Инсон ҳуқуқлари тизимида бола ҳуқуқлари алоҳида ўрин тутади, зотан, бундай ҳолат бир неча омиллар билан изоҳланади. Жумладан, бир томондан, болалар катталар эга бўлган ва фойдаланадиган ҳуқуқларнинг ҳаммасидан ҳам фойдалана олмайдилар, иккинчи томондан эса, айнан уларнинг ҳали вояга етмаганликлари боис давлат ва жамият томонидан алоҳида ғамхўрона муносабат кўрсатилиши ва айрим имтиёзлар берилиши талаб этилади.

ЖПКда вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишнинг алоҳида берилиши 1985 йилда БМТ томонидан қабул қилинган вояга етмаганлар тўғрисидаги стандартлар, 1989 йилдаги БМТнинг болаларни ҳимоя қилиш Конвенцияси асосида ва бошқа халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган. Бу тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят ишлари юритишни алоҳида бобда кўрсатилиши қонунларнинг уларга нисбатан ўзга меъёрлар асосида қўлланилиши билан боғлиқ.

Вояга етмаганларга оид жиноят ишларини юритишда уларнинг ижтимоий – руҳий ҳолатларини ҳисобга олиш эътиборга моликдир. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларда бир томондан етуклик аломатлари, яъни уларда мустақилликнинг шаклланиши, яъни ўзини тута билиш ва идора қилиш намоён бўлса, иккинчи томондан уларда ижтимоий улғайишнинг давом этаётганлиги кўринади.

Шаклланиб улгурмаган ёшларга нисбатан, кўп ҳолларда, «хавфли ёшда» деган ибора қўлланилади. «Катта бўлса, ақли кириб қолади» – дейишади. Бу ҳолатда фақат вақтнинг кучига ишониш қийин. Етуклик фақат йиллар ўтиши билан келиб қолмайди, у инсонлар, жамият ва қонун олдида масъулиятни ҳис қилиш билан шаклланади.

Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши кураш умумий жиноятчиликка қарши курашнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Фикримизча, умумий жиноятчилик сабаблари вояга етмаганлар жиноятчилиги сабаблари билан узвий боғлиқдир.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларига қарши курашни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий билим доираларини кенгайтириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳар бир ҳуқуқбузарнинг тақдирини ҳал этишда бурч ва жавобгарлик ҳиссини ошириш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини кўриш, озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида жазони ўтаётган шахсларга нисбатан яхши муносабатда бўлиш, уларни тузатиш ва қайта

тарбиялаш бўйича дифференциялашган усул қўллаш имкониятларини беради.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари вояга етмаганлар иши бўйича комиссиянинг жиноятчиликка қарши курашнинг бой тажрибасидан фойдаланиб, вояга етмаганларнинг одил судловни амалга ошириши бу ишларнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтади ва судлов ишларини юришнинг қоидаларини белгилайди. Мустақил Ўзбекистоннинг 1994 йил 22 сентябрь куни қабул қилинган Жиноят – процессуал кодексида биринчи марта вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш меъёрлари алоҳида 60-боб қилиб махсус ажратилдики, бу жиноят – процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, вояга етмасдан жиноят содир қилган шахсларнинг ишларини кўришда хатоларга йўл қўймаслик имконини беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми томонидан 2000 йил 15 сентябрь куни «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарор қабул қилинган. Пленум қарорида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада ягона суд амалиётини шакллантириш, процессуал ва моддий қонун меъёрларини тўғри тадбиқ этиш юзасидан суд ва дастлабки тергов органи ходимлари, шунингдек вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш ваколатига эга бўлган бошқа идора ва ташкилотлар ходимларига тегишли кўрсатмалар берилган.

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича иш юритишни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига 1999 йил 1 июнда ва 2001 йил 29 августда киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар натижасида умумий жиноятчиликнинг бир қисми бўлмиш вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларига қарши кураш амалиёти ҳам ўзгариб, эндиликда асосий эътибор ўсмирлар ҳуқуқбузарликларини огоҳлантириш ишларини амалга оширилишига қаратилмоқда. Судьялар ўсмирлар томонидан содир этилган жиноятлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқаётганларида ҳар бир ҳодисага ижтимоий баҳо беришга ҳаракат қилмоқдалар, бу эса ўз навбатида, ўсмирлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жамоат ташкилотлари, мактаблар, ота-оналарнинг масъулиятларини оширишга ёрдам бермоқда. Шу ўринда адашиб жиноят кўчасига кирган ёшларни тарбиялаш ва уларга имконият бериш ҳамда уларни ҳаётга тўғри йўналтиришда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ўртасида тузилган ёшлар масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум ва унга асосан олиб борилаётган чора-тадбирлар алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш лозим.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларга алоҳида ёндашишни ҳисобга олиб, қонунга алоҳида тергов ҳаракатларини юритиш

билан боғлиқ бир қатор қўшимча қоидалар киритилди. Шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан процессуал мажбурлов чоралари қўлланилишида ҳам бир қанча афзалликлар яратилди. Уларнинг суд муҳокамасидаги ҳуқуқлари мажмуи ҳам қайтадан кўриб чиқилди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган чора-тадбирларни амалиётга тадбиқ этиш, қонунни самарали ижро этилишини таъминлаш борасида қатор ишларни амалга ошириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатларига, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга, шунингдек, уларнинг ҳимоясига алоҳида ўрин берилган. Ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш ишларига барча фуқаро ва мансабдор шахсларнинг саъй-ҳаракатлари ҳамда эътибори сафарбар қилинган.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, айти пайтда ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик оқибатида, хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган шахслар томонидан ғайриижтимоий ёки ғайриқонуний қилмиш содир этилиши кундалик ҳаётимизда тез-тез учрайдиган ҳолатдир.

Ночор аҳволдаги оила, ота-она ўртасидаги жанжаллар ва ажрашишлар, интернет орқали олинадиган маълумотлар, дўст ва танишларнинг таъсири, катта ёшдаги ёки вояга етмаган судланган шахсларнинг таъсири, оммавий ахборот воситалари ёки мобиль ускуналар орқали агрессия, зўравонлик, шафқатсизлик ва шунга ўхшаш ҳолатларнинг тарғиб қилиниши вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилигига таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида баҳоланади. Буларнинг орасида оиладаги муҳит шубҳасиз, биринчи ўринни эгаллайди. Яъни, оиладаги муносабатлар, дўстларнинг, ёшлар субмаданиятининг таъсири каби омиллар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги, кейинчалик жиноятчилигини белгилаб беради. Бошқача айтганда, оиладаги носоғлом муҳит, ота-онанинг ўз фарзандига эътиборсизлиги, одатда, ўсмир билан ота-она ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши, боланинг уйдан қочиб кетиши, назоратсиз ўртоқларига қўшилиши ёшларнинг бир гуруҳ бўлиб жиноят содир этишига замин яратади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шахснинг жамиятдаги ҳилоф хусусиятлари у жиноят содир этиш пайтида бирдан пайдо бўлиб қолмай, балки бундан анча олдин ҳам шаклланган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, вояга етмаган ўсмирларнинг жабрланувчи бўлиб қолишларига ижтимоий муҳит ҳам ўз таъсирини ўтказиб, шахснинг хулқида жамиятга ҳилоф хусусиятларнинг шаклланиши кўпроқ оилада пайдо бўлади. Чунки, айти оила инсонни ахлоқий шаклланишининг биринчи ва асосий жойи ҳисобланади. Вояга етмаганларга нисбатан оила аъзолари томонидан зўравонлик ишлатиш, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва жиноятчилиги каби салбий оқибатларга олиб келади. Шунингдек, уларнинг турли жиноятлардан жабрланишига ҳам сабаб бўлади.

Албатта, оила инсон камолотининг энг муҳим бешигидир. Инсоннинг болалик ва ўсмирлик даври эса унинг шаклланишида ҳал қилувчи давр бўлиб, бу пайтда шахсни оиладан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода айтганда, вояга етмаганларнинг турли жиноятларда, жумладан,

жинсий жиноятларни содир этишида ҳам оиланинг ахлоқий сифатлари ўз таъсирини ўтказади.

Якка тартибдаги профилактика иши вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий усуллари билан бири саналади. Бунда ваколатли субъектлар томонидан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган вояга етмаганларни ҳамда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолият амалга оширилади.

Эътироф этиш керак, оилада вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигига қарши курашда давлатнинг роли беқиёсдир. Бугунги кунда кам таъминланган, ёш оилаларга давлат катта ғамхўрлик кўрсатиб, ҳар тарафлама ёрдам бериб келмоқда. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, қишлоқларда уй-жой қурилишини таъминлаш, имтиёзли кредитлар бериш шулар жумласидандир. Аммо, давлат томонидан амалга оширилаётган рағбатлантирувчи фаолиятнинг ўзи етарли эмас. Ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбияси билан яқиндан шуғулланиши, уларни халқимизнинг энг яхши анъаналари руҳида тарбиялашини ҳам назоратга олиш мазкур соҳадаги фаолиятнинг ажралмас қисмини ташкил қилади.

Давлат томонидан кўрсатиладиган моддий ғамхўрлик оилалар бузилишининг олдини олишга ёрдам беради. Шу билан бирга, ота-оналарга педагогик ёрдам беришни ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди. Бу борада оила соҳасини назорат қилиш, оиладаги тарбия нуқсонларини коррекция қилиш, виждонсиз ота-оналарга таъсир қилишнинг ижтимоий ва давлат, зарур бўлса ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораларини қўллаш масаласини ҳам кўриб чиқиш лозим.

Оилада бир қанча вазиятлар, жумладан, катталар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар, фарзанднинг катталар томонидан ёлғизлатиб қўйилиши, уларнинг хоҳиш ва истакларини инобатга олмаслик, оила катталарининг уларни менсимаслиги, буйруқбозлик асосида уларга доимий фавқулодда топшириқларнинг берилиши, фарзандига нисбатан айрим ҳоллардаги адолатсизлик, бола ҳуқуқларининг бузилиши, барча фарзандларнинг тенг кўрилмаслиги, ота-она томонидан ички тартиб ҳамда фарзандларининг бўш вақтларини назорат қилмаслиги, айрим ота-оналарнинг педагогик ва психологик билимларининг пастлиги, болаларни ортиқча талтайтириш, пулга ружу қўйишга ўргатиш, иқтидори ва қобилиятини ҳисобга олмай туриб, ўзи хоҳламаган тўғарак ёки тадбирга мажбурий равишда жалб қилиш, ота-онанинг адолатсизлик, ёлғончилик, ўғирлик, порахўрлик сингари иллатларнинг бола кўз ўнгида содир этиши, уларнинг сўзи билан хатти-

ҳаракатининг номувофиқлиги, ўсмирлар кўз ўнгида катталарнинг ўз манфаатларини жамият манфаатларидан юқори қўйиши каби омиллар туфайли боланинг ҳуқуқбузар ёки жиноятчига айланиши ҳеч гап эмас. Шу боис ота-оналар фарзандларига тилга олинган ҳолатлардан хулоса чиқарган ва оила жипслигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда тўғри тарбия беришлари шарт. Бунинг учун эса шахсга инсонийлик нуқтаи назаридан ёндашиш бош вазифа бўлиши ҳамда бундай ёндашувлар психологиянинг инсонпарварлик тамойилларига асосланиши зарур.

Бундан ташқари, оила тарбиясидаги нуқсонларни бартараф қилишнинг ижтимоий механизмлари самарадорлигини ошириш зарур. Профилактика ишларини амалга оширишда вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш каби вазифалар ҳал этилиши шарт. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари ваколатли субъектлар томонидан ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

Хориж тажрибаси

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил этадиган бўлсак, қатор мамлакатларда оилавий тарбия нуқсонларини бартараф қилишнинг қизиқарли тажрибаси қўлланилган. Масалан, АҚШда XIX асрнинг бошидаёқ ўсмир жиноятчиларни қайта тарбиялаш бўйича ижтимоий хонадонлар ташкил этилган. Охириги йилларда уларнинг миқдори жиддий равишда кўпайди. Мазкур хонадонларнинг ҳар бирида 4 тадан 10 тагача ўсмир истиқомат қилади. Уларнинг тарбияси билан оилавий ёки оиладан ташқари тарбия усули бўйича мутахассислар шуғулланади. Бунда оилавий дастурларнинг ўртача давомийлиги 185 кун, оиладан ташқарилариники 289 кунни ташкил қилади. Умуман олганда, бу дастурлар ичкиликбозлик ёки гиёҳвандлик реабилитацияси бўйича етарли даражада самарали ишлаб, ўз навбатида жиноятларнинг олдини олишда ижобий аҳамият касб этади.

Япония ва Швейцарияда ҳам оила жиноятчилигини олдини олишнинг энг муҳим ўчоғидир. Қизиқарлиси шундаки, айнан шу давлатлар энг кам жиноятчилик кўрсаткичига эга. Уларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилигига қарши курашда болаларнинг дам олиш вақтларини, дарсдан ташқари тадбирларни фаоллаштириш, қизиқишларига қараб турли тўғарак ҳамда клубларга жалб қилиш, энг асосийси, ёшларни давлат сиёсати даражасида назорат қилишнинг аҳамияти беқиёсдир.

МУНДАРИЖА

<i>Ахмедов. О.Т.</i> Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидаги ислохотлар	3
<i>Таджиметов. Ш.А.</i> Асосий вазифа – профилактика инспекторларини касбий тайёрлаш	9
<i>Сулаймонова. Г.Т., Ахмедова. Ф.Н.</i> Кадрларни ислохотлар асосида тайёрлашда масофадан ўқитиш тизимининг ўрни	13
<i>Субанов. О.С.</i> Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошириш масалалари	17
<i>Баратов. К.К.</i> Ҳуқуқбузарликка бепарволик – жиноятга йўл	22
<i>Гулматов. Ў.Т.</i> Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ваколатли органлар етарли даражада ташаббус кўрсатиши лозим	28
<i>Уразбоева. Г.К.</i> Ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари	35
<i>Ғозибеков. Т.Ҳ., Туймабаев. У.Қ.</i> Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш баробарида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, янгиланишлар ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш тартиби	42
<i>Бейсенов. К.С.</i> Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида пробация хизматининг ўрни	47
<i>Мелиқулов. Н.Л.</i> Туризм-туризмда хавфсизликни таъминлашда ички ишлар органларининг ўрни	56
<i>Хидиров. Ф.Ш.</i> Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жамоат хавфсизлиги ва жиноятчиликни олдини олишда «ҳуқуқ тартибот масканларида»ги фаолиятини ташкил этиш тартиби	59
<i>Айтмуратов. Ж.Ж.</i> Профилактика инспекторлари ва йўл-патруль хизмати ходимларининг ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари	65
<i>Вахидов. А.С., Расулев. У.Э.</i> Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси: тушунчаси ва мазмуни	71
<i>Муродов. А.Ш.</i> Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этиш масалалари	76

<i>Аҳмедов Ф.С.</i>	
Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси.....	81
<i>Бейсенов К.С.</i>	
Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишда хориж тажрибаси.....	92
<i>Шералиев Ш.Э., Рисқалиев Ж.Д.</i>	
Профилактика инспекторларининг хизмат фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиш аҳамияти.....	98
<i>Шералиев Ш.Э., Рисқалиев Ж.Д.</i>	
Ҳуқуқ-тартибот маскани раҳбари ва профилактика инспекторларининг иш самарадорлигини ошириш борасида ахборот технологиялари фаолиятини амалиётга тадбиқ этиш жараёнидаги муаммолари.....	101
<i>Боймуродов Б.С.</i>	
Ички ишлар органлари қидирув фаолиятида ахборот технологияларини қўллашнинг айрим муаммолари	106
<i>Тошматов А.С.</i>	
Тезкор-қидирув фаолиятида криминалистикадан аҳамиятли ахборот манбаи сифатида фойдаланиш.....	112
<i>Хатамов Ф.Ф.</i>	
Коррупцияга қарши кураш – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг муҳим асоси.....	116
<i>Тошқулов Ғ.Э.</i>	
Ички ишлар органларининг тергов идораларида коррупцияни озиқлантирувчи манбалар ва уларни олдини олиш чоралари	126
<i>Муродов А., Тўраев М.А.</i>	
Маҳалла фуқаролар йиғини: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қандай ташкил этилади?.....	135
<i>Ғозибеков Т.Х.</i>	
Жамоат хавфсизлиги асослари, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва «фуқаробай» ишлаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари.....	142
<i>Ачилов М.Х.</i>	
Алоҳида шароитларда патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолияти.....	147
<i>Сулаймонова Г.Т., Аҳмедова Ф.Н.</i>	
Ички ишлар органлари ходимларига фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўргатишнинг ўзига хос жиҳатлари.....	154
<i>Алижонов А. Т.</i>	
Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолиятида ўқ отиш тайёргарлигининг ўрни.....	157

<i>Туймабоев У.</i>	
Хуқуқбузарликлар профилактикасида ўтказилаётган ислохотлар жамият ривожига гарови.....	160
<i>Улугбеков Б.А.</i>	
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети.....	167
<i>Абдибоситов А.А.</i>	
Вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисидаги қарашлар	169
<i>Шоимов Н. Б.</i>	
Хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида профессионал кадрларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти.....	172
<i>Мухторов Ж.С.</i>	
Маънавий таҳдид профилактикаси	176
<i>Маннонов А.М.</i>	
Интернет тармоғида содир этилаётган хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда тергов бўлинмаларининг ўрни	183
<i>Бахрамов Х.Х.</i>	
Хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий жазо чораларининг аҳамияти	187
<i>Матякубова Ф.Б.</i>	
Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолиятидаги ўзига хос муомала маданияти	193
<i>Умарова М.А.</i>	
Психологические личности сотрудника органов внутренних дел.....	200
<i>Якубов Ж.М.</i>	
Ўзгалар мол-мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикаси	205
<i>М.И.Сувонқулов, Ж.Қ.Хамраев</i>	
Жиноятларни олдини олишда терговчининг фаолияти	209
<i>Улугбеков Б.А., Хамраев Ж. Қ.</i>	
Ёшлар ўртасидаги хуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлатнинг асосий функциялари	214
<i>Тураббаев Х.А., Фаниев Ш.Х.</i>	
Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари	220

**ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИДАГИ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференция тўплами

Муҳаррир Ф.Б.Матякубова

Босишга рухсат этилди. _____ 20__ й. Ҳажми 14,2 б.т.
Адади ___ нусха. Буюртма № _____.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент, Интизор кўчаси, 68

«АКАДЕМИЯ НОШИРЛИК МАРКАЗИ»
Давлат унитар корхонасида чоп этилди.